

Ўзбек
аълонавий
адабиётиниз

Анвар ОБИДЖОН

Оддий
айрилик

АНВАР ОБИДЖОН

ОДДИЙ АЙРИЛИК

Қиссалар



Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
ТОШКЕНТ – 2019

УЎК 821.512.133
КБК 84(5Ў)6
О 14

Обиджон, Анвар.

Оддий айрилиқ / қиссалар: Анвар Обиджон. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. – 296 б.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон назм, наср, драматургия, публицистика сингари жанрларда қалам тебратиб келаётган серкирра ижодкордир. Асарлари юморга бойлиги, айти чоғда, фалсафий фикрларнинг салмоқдорлиги билан ажралиб туради.

Адибнинг болаларга, катталарга аталган “Жуда кизик воқеа”, “Масхарабоз бола”, “Аламазон ва Гулмат”, “Ўқ ўтмас болакай”, “Баҳромнинг ҳикоялари”, “Балюга қолган футболчи”, “Кулгили тушлар”, “0099 рақамли ёлгончи”, “Жажжи-жажжи кулчалар”, “Япалоқ товуқ”, “Мулла Бақалоқ”, “Дахшатли Мешполвон” каби китоблари ўқувчилар орасида алоҳида шухрат қозонган.

Ушбу китобга муаллифнинг бири ўта кизик, бири саргузаштларга бой асарлари таллаб киритилди. Булар орасида журналда босилибқ жуда машхур бўлиб кетган Мўттивой ҳақидаги қисса ҳам бор.

УЎК 821.512.133
КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-83-936-0

© Анвар Обиджон
© Гафур Гулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2019

МУТТИВОЙМИСАН, МИТТИВОЙМИСАН?



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
АХБОРОТ RESURKS MARKAZI
№ 57384

Ясама йўлбарс хангомаси

Э, ошнажонлар-а, жа ғалати иш бўлди-да. Икки оёкда унчалик лапангламасдан юра олишимга қаралса, ҳарқалай, одам деса дегулик бўз бола эдим, кўзни бир очиб юмгунча тўрт оёкли кучукчага айланиб ўтирибман-ку. Бу кўрғиликнинг юз бериши олтинчи синфга хавва-хувва кўчволган пайтимга, қийкириқлар билан бошланган ёзги таътилнинг қоқ бешинчи кунига тўғри келди.

Бунгачаям бошимдан ғалва аримай турувди ўзи. Уч ойлик ҳордиқ эълон қилинган заҳоти, “Қаллани ишлатишдан қутилдик!” – дсб ҳаювлаганимча хонадан шунқорланиб чиқаётиб, узунйўлак шиптидаги қандилнинг куйик нокчирогини алмаштираётган электрчига урилиб кетганимни; у десангиз, тўғрима-тўғри йиқилавсрмай, оёғи остидаги стулдан, чечан футболчига ўхшаб, қайчи усулида тескарисига умбалок ошганини; кўлидан учган нокчирок деворга пақиллаб тегиб, шиша синикларидан бири пол юваётган фаррошнинг бурнйга санчилиб қолганини айтмасам, таътилнинг биринчи куни мен учун ортиқча машмашасиз ўтгандек эди. Иккинчи кунги қилиғим андак чаккирок бўлди, менимча.

Ўшанда, беҳиннинг қайишқоқ шоҳидан камон ясаётиб, бу ишнинг чакки томони бўлиши мумкинлиги сира-сира ҳаёлимга келмаганди. Олти яшарлигимдан бери камон отаман. Уни қандай ясашни, бир ғал опоғотамникига борганимда, кичик тоғам ўргатгани эсимда. Бу орада, тоқдаги узумларимизни, айниқса, эртаки қувончқораларни ёпирилиб чўкиловчи қанча-қанча қушнинг патини тўзғитдим, қанча-қанча ит-мушукка жароҳат етказдим. Музлокда сирпаниб ўйнаётганимда бошимдан учиб тушган куёнттери тел-



пагимни чайнаб кўйган, кишлоғимиздаги энг саёқ, энг сурбст кўппак саналмиш Окчопоннинг ўнг кўзиниям мен кўр қилганман.

Камон битгач, қуриган қамишнинг силлиқ гарови ичига учи бигиздек ўткирилган чўпни суқиб, чийланган ипда маҳкамлаб боғладим. Ўқёй ҳам тайёр бўлди. Бир замонлар, ҳатто, Алпомишдек наҳлавонларимизга асқотган қақшатқич қуролнинг табтиини синаш истагида тўрт томонга алангладим. Кечинишар тошнокнинг устида чақчайиб турган ҳаққа Алпомишга кўп ёмонликлар қилган Сурхайл кампирга ўхшаб кўринди-ю, унга тиш қайраганимча, камондан ўқ учирдим...

Қарабсизки, яна хархаша чиқиб турибди-да!

Хўш, жодугарни эслатувчи лўликўз қушга ўқ отишнинг қанақа хархашаси бор экан, дерсиз. Агар, ўқ ҳақкага тегмасдан ўтиб, девор ортидан: “Қааақ! Қақааақ!!!” – деган нола эшитилмаганида, ҳамма иш сиппа-силлиқ кечган бўларди, албатта. Жон ҳолатдаги қақағлашларга кўшнимиз Махай хўрозбознинг: “Э, воҳ! “Самурай”имни ўлдириб қўйишди-ку!” – деган вағиллоғи кўшилди. Сал ўтмай, ҳовлимизда ўзи ҳам пайдо бўлиб, бу енгилмас хўрозни кўтосдек келадиган кўчқоримга алиштиргандим, энди Хўппакаллангни оғилимга боғлаб қўясан, деб сўлак сачратган куйи, мени тизғитишга тушди. Пирпиракланиб, кўчага қочдим.

Ҳайтовур, Хўппакалла деган уришқоқ кўчқоримиз ўзимизда қолди, “Самурай”нинг қаноти бор-йўғи андаккиналат еган экан. Худо бир саклади-ёв!

Учинчи кун, аслида, худди сўқоққа сув сепгандек бўлиб, ҳеч бир чанг-тўзонсиз ўтиши керак эди. Чунки, кўчага чиқаётиб, етар, бугун кўнгилнинг галига кириш йўқ, бувим шўрлик мени тергайвериб ҳолдан тойди, давримда бир яйраб дам олсин, деб ичимдан тугиниб қўювдим. Бекор турмаслик, омадим юришса, биронта қариядан дуо-пуо эшитиб қолиш ниятида “улоқчи” болачоқлардан бирининг чўбак отини тортиб олдим-да, ариқдаги каттароқ тошлар-


га қадалиб қолган турли қоғозу хашакларни “саман таёқ”да қирғокқа суриб, сув йўлини тозалашга тутиндим. Шу паллада узокдан маҳалла сартароши Барака-мараканинг: “Эшвойникига маъракагаа!” – деган чинкириғи таралди. Тўсатдан миям туманлашди.

Қишлоқни айланиб, эринмай суриштириб кўринг, Барака-маракани ёқтирадиган бирон-бир болани топиб бўпсиз. Тўйда кичкинтойларга кун бермайди, бир дастурхондан нарига ҳайдаса, бир шовқинимиз юрагига сиғмай қолади. Айникса, Тўлан-тўлпок кизини узатган тўйда козонга яқинроқ борганимни биламан, елкамдан ваҳшийларча тутамлаб, аямай силтаб ташлагани пўканимга зилдек ботганиди.

Велосипед миниб олган уста, одамларни текин ошга чорлаган асно, тобора яқинлашиб келаверди. Яқинлашаётиб, менга хираланиб қараш ўрнига, балли, Мўттивой, ариқ тозалашнинг савоби катта, деб ўтса, бурни бужмайиб қолмасди. Йўк, ўша турк, ўша башара.

Э, қайсарлигим курсин – кўлимдаги таёқни велосипеднинг олд ғилдирагига қандай тикқанимни билмай қолибман. Одам учмайди, деган гап ёлғон экан. Олдиндаги ғилдирак такка тўхтаб, велосипеднинг орқа томони тепага кўтарилиши биланок, уста Барака-марака: “Эшвойникига мааа...” деган асно ҳавода шунақанги текис учишни бошладики, буни кайсидир лочин панадан кўриб турган бўлса, ҳасаддан куйиб ўлиши аниқ эди. Текис учишдан ташқари, анча узокка учди. Аммо, ҳай, дариг, деб қўйиш керак, кўниши жичча пала-партиш тус олди. Ўзидан кўрсин, уни бинойидек учирдим, кўнишни эпполмаса, мен нима қилай?

Тўртинчи кунга ўтар кечаси одамнинг завқини чучварақайнар қилворадиган қойилмақом туш кўрдим. Шу десангиз, ҳачирдан сал чоғроқ бир йўлбарсга дангал ташланиб, таппа босиб йиқитибман. Кейин, унинг бўйнидан боғлаволиб, қишлоқда кўчама-кўча кезавердим. Менга кўзи тушган одам борки, қулоқ-бурунли устунга айланиб, жойида донг қотиб қолаверди.



Уйғониб, нонушта қияпман-у, ўнгимдаям халойикни кандақасига анграйтириб қўйсам экан, деб ўйланаман холос. Охири, каллажонимда ажойиб бир фикр чарақлади...

Бувим, тирикчиликнинг кетидан қувиб, қўй бокиб туради. Иккита совлиқдан ташқари, киннанг ичингда кетгур Маҳай хўрозбознинг айтишича, қуйруғидаги юкнинг ўзи иккита полвоннинг белини синдирадиган ўша Хўппакалла кўчкоримиз ҳам бор. Бўрдоқилигидан бесўнақай кўринишига карамай, қўйларни яйловчага ҳайдаб борсам, шериклари сингари индамасдан ўтлайвермай, учраган ҳайвонга калла солиб, бўридек тезгир қувалашга тушади.

Ўйлаб қўйган мақсадимни юзага чиқаришдан олдин қўйларни яйловчада ўтлатиб, уйга пешинда кайтдим. Тушлиқдан сал ўтиб, бувим бўғчага кўрмана тугиб, холамининг неварасига қилинаётган бешик тўйига жўнади. Холи қолгач, димоғимда хиргойиланиб, бемалол юмушга берилдим:

У қизгаю бу қизга
Чалиб берайин сибизга.

Ўйинчи қизлар ичида
Нима бор Сувон семизга?
Майдалаб босиб ўйнасин,
Патини ёзиб ўйнасин...

Ишни юнги кечагина қирқилган Хўппакаллани қозикқа калталатиб боғлашдан бошладим-у, танасига ўрикнинг елими аралаштирилган тезакни суртиб, кўнғир рангга бўяб чиқдим, қозонкуяда йўл-йўл чизиклар тортдим. Кейин, бошига каноп халта кийдирдим, қайчида иккита кўз очдим, жағи билан бўйнининг атрофига увода тикиб, йўлбарснинг қалласидек қилиб шиширдим, унияма ола-булага бўядим. Тумшугига тишлари иршайиб турган каттакон оғиз чиздим. Чипор арқондан дум ясаб, орқасига осилтирдим.

Ваҳ! Йўлбарсмисан йўлбарс бўлди!

Синфдошим Парпивойникига кириб, жаҳонда ҳали ҳеч ким кўрмаган чингилин томоша бошламоқчи бўптурсанимни айтдим-да, озгина кўмак сўрадим. Хайрият, бўйин товламади – “видео”сидаги мультфильмдан йўлбарснинг турлича нағмадаги ириллашу бўкириқларини қўл телефониға ёзиб, вақтинчаликка менга берди.

Ишни битиргунимча қош қорайди. Яна бир оз кутдим. Тузукроқ қоронғи тушиб, гузару симёғочлардаги чироқлар ёқилган маҳалда, Хўппакалланинг бошига кийдирилган каноп халтага телефонни тикиб, арқонни қозикдан ечдим; позимандадан эндигина қайтган бувимнинг кўзини шамғалат қилиб, кўчага секингина етаклаб чиқдим.

Кўча бўм-бўш эди. Гузардаги чойхона томонга бораётиб, Парпивойнинг телефонини шовқинлатиб ишга солдим. Йўлбарснинг ириллаган товуши янграши биланок, кўчқор жон ҳалпида потранишни бошлаб, мени туртиб йиқитганича, кўчада сакраниб-сакраниб чопа кетди. Ариқдан сув олаётган Жамила опанинг пакири кўлидан тушиб, дод-вой билан уйига лойга кўйди.

Қишлоғимиз стадионига кўчма ажойибхона келиб, анчадан бери томоша кўрсатаётганди. Чойхона айвонидаги

сўриларни тўлдириб ўтирганлардан бири: “Ийе, ажойибхонадаги йўлбарс кафасдан қочибди-ку!” – деб бақирганини билади, ҳамма тўрт ёкка тум-тарақай бўлди.

Шилинган тиззамни ишқалай-ишқалай, йиқилган жойимдан аста кўзғалаётганимда, мистовоқ кўтарган чойхоначи учқурлаб келиб, тепамдан мушукдек иргиб ўтди. Мистовоқдан тўкилган новвот бўлагини увол қилмай, тезда тилимнинг устига ташладим. Ҳали туриб улгурмасимдан, энди Маҳай хўрозбоз чап кўлида чойнак, ўнг кўлида пиёла билан менга қора булут уюридек яқинлаша бошлади. Ўзини аҳволда-ю, ора-сира чойни хўплаб-хўплаб кўяди дегди. Бу гал устимга қайноқ чой тўкилишидан чўчиб, йўлни бўшатиш учун четга юмаландим.

Бошимга қоп-қоп кулфат орттирганимни пайқаб, ўрнимдан туриб-ла, кўчқорнинг изига тушдим. Бўйнидаги телефондан тинимсиз равишда ўкириғу ириллашлар тараляётган Хўппакалла чойхонадагиларни тўзғитиб бўлгач, ўзини кўчанинг у юзидаги дарвозага уриб, Тошпўлат мерганнинг уйига кириб кетди. Изма-из дарвозадан ўтганимни биламан, айвонда телевизор кўриб ўтирганлар ириллоқ махлуққа тикилганча айюҳаннос сола кетишди, кейин бири эшикдан, бири деразадан уйнинг ичига отилди.

Кўчқорни ана ушладим деганимда, томоркага қараб кочди. Ғўзапоядан қилинган човрани бузиб ўтаётган вақтда, Тошпўлат мерган ўзини ўнглаб улгурган бўлса керак, милтиғини варанглатиб, осмонга ўк узди.

Хўппакалла човрадан ўтиб, энди Тўлан-тўлпокнинг ховлисида ғирро-ғир айланишга тушди. Яқиндагина тўй қилган Тўлан-тўлпок олти пақир сув сиғадиган, кексалар “чойқозон” дейдиган алюмин самоварни маҳалла омборига топшириб улгурмаган экан, кўчқор бир калла кўйишда шуни паққос қийшайтириб ташлади.

Самоварнинг бежо даранглаши сергак торттирдими, Тўлан-тўлпокқа қўшилиб, хотини ва болалари ҳам уйдан кетма-кет чиқиб келишди. Чиқибок, бари тенгдан сўррайиб қолди. Тўй куни ташқидаги хурмо шохига осилган икки

юз шамли чироқ куёшдек чарақлаб товланаётгани учун, тўнкариб қўйилган дошкозон атрофида бетўхтов чопаётган ясама йўлбарс кафтдагидек аник-тиник кўриниб турарди.

– Болаларни уйга ҳайда! – дея хотинига кичқирди Тўлан-тўлпок. – Йўлбарсга ем бўлмай десанг, эшикни ичкаридан тамбала!

Тап тортмасдан “йирткич”ни қувиб юрганим унга далда берди шекилли, Тўлан-тўлпок ерда ётган кетмонни қўлга олиб, ўзини ҳимоялашга пайланаркан: “Жонингдан тўйдингми, Мўттивой? Бу ёққа югур!” – деб кичқирди менга.

Чойхонадан қочганларнинг баъзилари кўча девордан ховлига мўралаб турган экан, улар ҳам бирин-сирин бакира кетди:

– Қоч, Мўттивой! Ўзингни уйга ур!

– Ёш жонингга жабр қилма!

– Очга ўхшайди бу йўлбарс, тилкалаб қўяди-я!

Шу пайт, бузилган човра томондан Тошпўлат мерганнинг қалдиरोқли овози янгради:

– Ўзингни четга ол, Мўтти! Бу одамхўрни отиб қўяқолай энди!

Шундай дея, қўшотар милтигини нишонга тўғрилаганида, Тўлан-тўлпок: “Отма, хумкалла! Давлатнинг йўлбарси қиммат туради, машинангни сотиб ҳам узолмайсан!” – деб бўқирди. Бу огохлантирувдан сўнг, Тошпўлат мерган шиппа шаштидан тушган бўлса-да, эркакча гапим елга соврилмасин деб ўйладими, ойни уриб туширмагунча кўнгли тўлмайдигандек, осмонга қайтадан ўқ отди.

Хўппакалла милтикнинг гумбурлашидан чўчиб йиқилгани ўнғайлик туғдирди-ю, тураётганида устига ташланиб, қўлларимни бўйнига чирмадим. Қўчқор мени судраган куйи, дошкозоннинг теграсида чамбарагулчин айланаверди; телефондан чиқаётган йўлбарсона наъралар унинг ора-сира хиркироқланиб бабалашини кўмиб юбораётганди.

Четдан хилма-хил нидолар таралди:

– Вахх!!!

– Хайҳай-ов!!!

– Ё, қудратингдан!!!

– Бу бола одамми, шайтонми?!

Тушим ўнгидан келиб, орзуйим ушалди. Аканг қарағайнинг тўс-тўзонли олишувини кузатиб турган қўшқўз банда борки, ёппасига анқайтириб ташладим.

Терга ботиб кетган Хўппакалладан кўланса буғ кўтарилди. У, мени четга итқитиш умидида, хўтиқдек шаталоклашга тушди; охири, дорда ёйилиқ турган шолчага урилиб, ёнбошга ағанади. Шолчани эпчиллик билан унинг устига ёпиб, типирчилатганимча босиб туравердим. Тўлан-тўлпоқ кетмонини, Тошпўлат мерган милтиғини ташлаб, кўмакка шошилишди. Девордан мўралаб турганлар ҳам, менга тасанно ёғдира-ёғдира, ҳовлига ёпирилиб кира бошладилар:

– Юрагингга қойил, Мўттивой!

– Э, отангга балли, шербола!

– Сен аламазондан бир иш чиқишини билардим!

– Ўғилбола дегани мана шунақа ўтбосар бўлиши керак-да, оғайнилар!

Бошимдан жала бўлиб қуйилаётган олқишу мактовлар менга асалчойдек ёқаётган эди. Биламан, салдан кейин буларнинг бари сўқинишу қарғанишларга айланади. Тарсакилар ёғилишиям ҳеч гапмас. Ишқилиб, қаттиқроқ тепки емасам бўлгани.

Юракдан чиққан қарғиш

Нимасини айтай, бу галги қилиғим ҳаммасидан ошиб тушди. Қадимги замон бўлса, маҳалладагилар мени эшакка тескари миндириб сазойи қилишлари аниқ эди; уларга минг раҳмат дейиш керак, ортимдан кесак отганларича, бир ярим соатгина кувиб юришди холос. Қоронғидан фойдаланиб, охири чап бериб кетдим.

Тун мен учун оғирдан-оғир кечди. Туғилганимдан бери биринчи марта молхонамизнинг чордоғида ухлаб кўрдим. Шуям уйқуми – бир кўзинг илинади, бир сапчилаб уйғонасан. Сичқон ниманидир қитирлатаётгани, қўнғизнинг ғўнғиллаб ўтиши, итларнинг улиши, мушукларнинг вағил-



лоғи, ҳатто, япроқларнинг шитирлаши ҳам кечаси кўркинчили эшитиларкан.

Тонг отиб-отмасиданок жунжикиб уйғондим. Уйқусираб туртинганимча чордоқдан тушарканман, таътилнинг энди-энди бошланаётган бешинчи кун турмуш тарзимни буткул ағдар-тўнтар қилворишлигини ҳали билмасдим.

Ташкидаги кўрада юзимни ювиб, қўлимни қўлтиғимга, бетимни этагимга артдим. Бориб, уй эшигини озгина қиялатдим-у, хонага бойўғлидек мўраладим. Бувим намоз ўқиётган экан, ичкарига ташлаган қадамимнинг шарпасини сезган заҳоти пичирлашлари ҳам, букилиб-тикланишлари ҳам бирданига тезлашди, сал ўтмай, шоша-пиша дуога қўл очди. Одоб юзасидан тўшакка тиззалаб, мен ҳам иккала шапалоғимни ёйдим, бувимга қўшилиб, сузилганимча юзимга фотиҳа тортдим.

Бувим жойнамозни йиғиштириб бўлибоқ, яхши ётиб-турдингизми, меҳрибоним, деган гапимни заррача менсимай, индамасдан бориб, уй эшигини ичкаридан маҳкамлаб ёпди. Сўнг, аниқ мақсадда илгаритдан тайёрлаб қўйилган хивични шолчанинг тагидан олди-ю, кела солиб, болдиримга беаёв чарсиллатишга тушди:

— Мана сенга йўлбарс! Мана сенга одамларни мазахлаш! Мана сенга маҳаллани алғов-далғов қилиш! Сени деб чойхонада қанча-қанча чойнак-пиёла синибди... Мана! Сени деб кўпчиликнинг чойқозони мажақланибди... Мана! Сени деб Тошпўлат мерганнинг иккита ўқи исроф бўлибди... Мана! Энг ёмони – Жамилахон шўрлик қаттиқ кўрқиб кетиб, ой-куни етмасидан туғиб қўйибди... Мана! Мана! Қачон эсинг киради, ошинг совумагур? Қачон қулоғимни тинч қўясан? Мана сенга! Мана бўлмаса!..

Болдиримга калтак ёғилаверди, мен: “Войей! Войей!” — дейиш билан чекланиб, ортиқча вавағламасдан ирғишлайвердим. Ўйлашимча, одамнинг тириклиги ҳар хил қийноқларга йўликиб туришидан билинади. Бунақада тиш-ни-тишга босиб чидаш керак. Уввос солиб йиғлаш ўғил боланинг қимматини бир пул қилади-қўяди.

Бахтимга, худо бувимни вақтида қаритиб, кучини ул-гуржисига камайтириб ташлаган экан, тезда силласи куриб, таппа ўтириб қолди. Ҳансиरोқланиб калтак ўйнатгани-ча тагин нималардир демокчи бўлди-ю, кўксига тўсатдан қўл босиб, силкина-силкина йўтала кетди. Хонтахтадаги термосдан қуйиб узатган чойимни кетма-кет ҳўплаб, аранг ўзига келди. Кечки овқатдан қуруқ қолганим туфайли очка-гандан очқаб кетувдим, гапни бурамалаб ўтирмай, кўзимда илқиллаб турган ёшни енгим билан артатуриб, ҳингиллок товушда тўғридан-тўғри муддаога кўчдим:

– Чойни битта ўзи ичавериш экан-да? Бизгаям навбат тегармикин?

– Бетинг чармдан баттар қатиб кетибди, – деб хирқи-роқланди бувим. – Калтакнинг жизиллоғи босилмасидан, томоқни ўйлаётганингни қара. Ээ...

– Калтакдан ўлмаганимга суюниб ўтираверсам, очдан ўламан-ку, буви!

Бувим, устма-уст томоқ кириб олиб, энди хирқира-масдан, ҳафсаласиз кайфиятда деди:

– Ана чой, ана нон. Тосрайиб, жиғилдонингга тикавер.

– Қанд-чи, қанд?

– Бор, кара, идишда қанд тугул, қанднинг кукуниям қолмабди. Бир кило нарсани ўн кундаёқ ямлаб қўйибсан. Ҳе, еганинг танангга ботгур-а!

Қоқмоч қатламапатирни ўзимизнинг оқ кишмишдан қу-ритилган майизга қўшиб, танамга ботгунча еявердим. Чой-нинг саломатликка қандай фойдаси борлигини билмадим-у, лекин иккала лунжингга тўлиб кетган емишни томоққа тикилтирмай ўтказворишда роса асқотади. Буни тетапоялаб юра бошлаганимдан бери биламан.

Нафсимни ўлда-жўлда қондириб бўлиб, киттак мудраб қолибман. Текин таом илинжида изғиб юрган бир пашша қулоғимга “тирк” этиб урилди-ю, киприкларим “чирк” этиб очилди. Деразадан ўт пуркаётган қуёшнинг ёруғи кўзимни камаштириб, ковокларимни қўшқўллаб ишқалашга тутин-дим. Миям варақа-вурук қайнаётганга ўхшарди.

Ташқарига чиққач, кўрадаги сувни манглайимга боса-боса, эсимни жиппа жамлаб олдим. Бошим текис ишлашга тушиб, умримни қандай давом эттириш тўғрисида ёйилиброк ўйлашга шароит туғилди.

Хўш, бугунги кунимга қанақа қилиқлар ярашаркин? Жамила опаникига кириб, туққан боласи ўғилми, қизми, бир суриштириб кўрсаммикан? Ё, чойхонадагиларга йўлиқиб, узр-маъзур айтиб қўйганим тузукми? Менимча, сал узоқроқда туриб кечирим сўраган яхши. Қаёқдан билай, балки, кимнингдир қазаби ҳали тийилмагандир...

Қани, олдин уйдан нари чиқаверай-чи. Таъбимга шундоқкина мос тушувчи бирон-бир юмушни, ҳар сафаргидек, кўчанинг ўзи топиб беравсради.

Жойимдан силжиганимни биламан, бувим ошхонанинг очик дарчасидан ўқрайиб, ҳа, йўл бўлсин, деб сўради. Тўхтаб, талмовланиб туравердим.

– Бас! Кўчага чиқиш йўқ энди! – деб бобиллай кетди бувим. – Ана, ҳайҳотдек ҳовлимиз бор, хоҳласанг – у чеккасида сандирангла, хоҳласанг – бу чеккасида. Бирор кун бўлсаям, одамлар сендан кутулсин.

– Мен... мен... опоғотамникига кетяпман, – дедим, калламга келган биринчи ўйни тилимга кўчириб. – Бу маҳаллада кун кўришим қийинга ўхшайди. Ўша бўжиқўз одамларингиз жонимни ҳиқилдоғимга келтирди. Бирор ҳафта шулардан узоқда юрсам, этимга эт қўшиларди.

– Менга деса, бир ҳафтамас, бир ой гумдон бўпкет!

Сезиб турибман, бувим бу гални аччик устида айтворди. Қанчалик жиғига тегмайин, мени икки кун кўрмаса, ёлғизликдан сабри титилиб, соғинишга тушади. Қишки таътил чоғи опоғотамникига кетганимда, учинчи куниеқ талпанглаб бориб, изимга қайтариб келганида билганман буни.

Хулқ-атворим сал мужмал эканини ўзим ҳам тан оламан. Аммо, тузи пастроқ қилиқлар қилиб қўйишимга кўпинча бошқалар сабабчи бўлади-ю, доим битта ўзим балога қоламан. Агар, кўчага чиққач, телефонини бериб қўйишга кириб, ташкида кумушранг учоғини осмонга учуриб ўйнаётган пашмаксоч Парпивойни кўрмасам, у иршайиб

Ташқарига чиққач, кўрадаги сувни манглайимга боса-боса, эсимни жиппа жамлаб олдим. Бошим текис ишлашга тушиб, умримни қандай давом эттириш тўғрисида ёйилиброк ўйлашга шароит туғилди.

Хўш, бутунги кунимга қанақа қилиқлар ярашаркин? Жамила оданикига кириб, туккан боласи ўғилми, кизми, бир суриштириб кўрсаммикан? Ё, чойхонадагиларга йўлиқиб, узр-маъзур айтиб қўйганим тузукми? Менимча, сал узокрокда туриб кечирим сўраган яхши. Қаёқдан билай, балки, кимнингдир ғазаби хали тийилмагандир...

Қани, олдин уйдан нари чиқаверай-чи. Таъбимга шундоққина мос тушувчи бирон-бир юмушни, ҳар сафаргидек, кўчанинг ўзи топиб бераверади.

Жойимдан силжиганимни биламан, бувим ошхонанинг очик дарчасидан ўқрайиб, ҳа, йўл бўлсин, деб сўради. Тўхтаб, талмовланиб туравердим.

— Бас! Кўчага чиқиш йўк энди! — деб бобиллай кетди бувим. — Ана, ҳайҳотдек ҳовлимиз бор, хоҳласанг — у чеккасида сандирангла, хоҳласанг — бу чеккасида. Бирор кун бўлсаям, одамлар сендан қутулсин.

— Мен... мен... опоғотамникига кетяпман, — дедим, калламга келган биринчи ўйни тилимга кўчириб. — Бу маҳаллада кун кўришим қийинга ўхшайди. Ўша бўжикўз одамларингиз жонимни ҳиқилдоғимга келтирди. Бирор ҳафта шулардан узокда юрсам, этимга эт қўшиларди.

— Менга деса, бир ҳафтамас, бир ой гумдон бўпкет!

Сезиб турибман, бувим бу гапни аччиқ устида айтворди. Қанчалик жиғига тегмайин, мени икки кун кўрмаса, ёлғизликдан сабри титилиб, соғинишга тушади. Қишки таътил чоғи опоғотамникига кетганимда, учинчи куниеқ талпанглаб бориб, изимга қайтариб келганида билганман буни.

Хулқ-атворим сал мужмал эканини ўзим ҳам тан оламан. Аммо, тузи пастроқ қилиқлар қилиб қўйишимга кўпинча бошқалар сабабчи бўлади-ю, доим битта ўзим балога қоламан. Агар, кўчага чиққач, телефонини бериб қўйишга кириб, ташкида кумушранг учоғини осмонга учуриб ўйнаётган пашмаксоч Парпивоини кўрмасам, у иршайиб

боқиб, қисм-қисмга ажратиб сотиладиган бу “кирувчи самолёт”ни дадам шаҳардан опкелди, қоғоздаги кўрсатмага қараб уни ўзим тикладим, манави тугмани боссанг, ичидаги кучалатош парракни вариллатиб айлантиришга тушади, деб мактанмаса, опоғотамнинг уйигача тўхтамай кетаверган бўлардим.

– Телевизордаги бир кинода кўрувдим – мана шунга ўхшаган учокни зенит замбарагида отишса, орқасидан тутун чиқариб, ерга шунақанга чиройли қуладики!

Бу гапимни эшитиб, аввалига Парпивойнинг қизикувдан кўзи чакнади, сўнг, туйкус хушёр тортиб, телефонимнинг ойнасини ёргандек, самолётимниям расво қилмоқчимисан, деб тайсалланди.

– Кўркма, бунингга зиён етмайди, орқасига боғланган латтани тутатиб учирамиз холос, – деб ақл ўргатдим.

Парпивойнинг кўнгли тинчиди. Маслаҳатимга кўра, омборчага кириб, йиртиқ пайпоғини керосинга ботириб чиқди. Хайрият, гугурт олволишния унутмабди.

Биргалашиб кўчага йўналдик; чойхонанинг берироғидаги кенгрок жойга бориб, пайпоқни учокнинг думига боғладик. Мен гугурт чақиб ёқишим биланоқ, Парпивой парраги вариллаб турган учокни бир силтаб, осмонга учирди. Дум томони оғирлашгани халақит бердими, “кирувчи” лапанглаб-лапанглаб учиб, бирдан пастга шўнғиди.

Гузардаги ялангликнинг тўриси чойхона бўлса, кўндаланг томонида сартарошхона билан қассобхона бор. Қассобхонанинг биқинига кенг қизил соябон ўрнатилган. Соябон тагида ўзи уйида пашмак, ҳолва, новвот, хўрозқанд, чайнамайшимнинг тайёрлаб сотадиган, менга бағри очикдан-очик Момогул кандолатчи ўтиради. Бағри очиклиги шундаки, тоғдаги конда ишлаб, кишлокқа уч-тўрт ҳафтада бир келиб-кетувчи дадамдан биратўла ундириб олишини айтиб, менга ширинликларни насиёга бераверади.

Кандолатчининг қизил соябонидан сат берида қизил юкланган эшакарава турувди, учоғимиз довуллашгани билан шушиб, эшакнинг белгинасига урилса бўладими!

Қишлоқ болалари орасида “Ҳангирштейн” лақаби билан машҳур бўлган қорапўстин эшакнинг туклари жазиллаб ловуллаб бошлади-ю, бор товушда ҳанграганича, житранглай кетди. Қизил соябонни йиқитиб ўтиб, қассобхонага урилган чоғда, тандир аравадан учиб тушиб, қирқ бўлак бўлди. Қирон қассоб узун пичоғини қиличдек виз-визлатиб, жабрдийда Ҳангирштейнни нарига куваётганида, минг шукурки, Барака-марака сартарошхона деразасидан бир пақир сув сепиб, ўтни ўчирди. Чойхонадан қуюнланиб чиққан Сангин тандирчи ерда парчаланиб ётган тандирни кўриб, айвон устунига суянган алпозда шалвироқланиб қолди.

Қилар ишни қилгин, қочишнIAM билгин, деганлар. Бу жанжалистондан вақтида ғойиб бўлиш учун оёқларимни варваракка айлантирганимда, ортимдан Сангин тандирчининг бақириги эшитилди:

– Тўхта дейман, итвачча! Мендан қочганинг билан, худодан қочолмайсан! Мени хонавайрон қилганакансан, сени худойим ўзи жазоласин – ярим одам, ярим ит бўлиб ўтиб кет!

Сўргич сўришдан аллақачон халос бўлган, қаддини кетмон сопидек тик тута олиш ёшига етган одам боласи ўлароқ икки оёқда туппа-тузук югуриб кетаётганидим, йўлнинг муюлишидан ўтганимда, этим ғалати жимирлаб, негадир, энди тўрт оёқлаб чопа бошлаганимни пайқадим. Синчиклаброқ қарасам, тўсатдан қўнғир тукли олд оёқчаларга айланиб қолган қўлларим ерни потира-путур чангитганича ҳаракатланиб, бурним ерга тегай-тегай деб боряпман.

Қўркувдан юрагим узилиб тушгудек бўлди. Такқа тўхтаб, бир ўнг биқинимга, бир чап биқинимга кўз югуртирдим. Бу ёғимдаям, у ёғимдаям ўша қўнғир юнглаp пахмаийиб турарди. Орқа томонимда десангиз, бувимнинг хивичини эслатувчи бир дум тинмасдан ликиллаяпти. “Дод!” – деб кичкирмоқчи бўлувдим, оғзимдан “вав, вав” деган ингичка сас таралди.

Бир нарсага ҳайрон эдим – юнгим нега айнан қўнғир? Тўғри, сочим кичкиналигимда сарғишроқ эди, аммо етти-саккиз ёшимдаёқ ўз-ўзидан қорайиб кетган. Кучук бўлганга яраша ё олпок, ё ола-була бўлсанг-да!

Алдар Холдорнинг эшиги ёнидаги кажавали кўк мотоциклга яқин бориб, бир сакрашда эгарига чикдим-да, рулдаги кўзгуга бўйландим. Қарасам, тумшуги бодрингсимон, кулоқлари қамишдек динкайган кўнғирбашара кучукча кўзларини қитмирона йилтиратиб, мени эрмаклаш билан овера. Итчасига “Уввв!” – деб юборганимни билмай қолдим.

Шунда, бир гап лоп этиб эсимга келди. “Бу дунёда кулфат кўрмайин десанг, қарғишмас, дуо эшитишга уриниб яшагин. Авлиёларнинг айтишича, Тангри ҳар қандай одамга қарам кўрсатиб, юракдан чиқариб қилган илтижосини, у дуоми, қарғишми, ҳеч бўлмаса, ҳаётда бир марта юзага чиқараркан”, деганди бувим. Сангин тандирчи умрида, балки, миллиард марта тутоқиб, миллиард марта сўкингандир. Қарангки, энг юракдан чиқариб айтган қарғовига мен кўндаланг кептурибман-ку. Бу тандирфуруш, болалигида қайсидир нафаси ўткирроқ одамнинг ғазабини кўзитиб, ху, соқов бўлгур, деган тавқи лаънатга йўлиқмаганидан беҳад афсусланиб кетдим шу топда.

Бошимда аттанглар тўзгиланиб, ингиллай-ҳингиллай йўл босяпман-у, жуфтакни ростлаш ўрнига Сангин тандирчидан астойдил кечирим сўрасам, оғзим кийшайиб қолардим, деб ўйланаман нукул. Жа нари борса, икки-уч шапалоқ еб кутулиб кетардим. Ҳатто, яланғоч ётқизиб қўйиб, ҳўлланган сўйилда саваласаям майли эди. Ҳарқалай, итга айланиб, эгасиз итнинг кунига тушмасдим.

Кўча четидаги қум ғарами устида кўрғонча ясаб ўтирган болаларни кўриб, баданимга безиллоқ оралади. Масалан, уларнинг ўрнида бўлсам, санги итга тош-пош отмай тураверишга чидай олардимми? Ҳечам-да!

Тошбўрон қилмасларидан бурун, ириллаганимча бориб, биронтасининг иштонидан хаппа тишласаммикин? Бу дунёнинг ишларини яхши биламан – қопоғондан ҳамма ўзини четга олади, кўрқокни ҳеч ким ҳурмат қилмайди. Кунларим иззатда ўтсин дегучилар, жангарилик билан ювошликнинг ўртасини топиб яшашни уддалаши керак шекилли.

Танишинг – Алдар Холдор!

Бойтўра тепакал билан Масир ярғокбошнинг авлодлари ёлпасига ота-буваларига тортганини ҳисобга олмаганда, асосан, тўлиқсоч кишилардан иборат бўлган, шунга қарамай, нимагадир, Калтўпи деб аталувчи кишлоғимизда бир ярим мингта хонадон бор. Биз мана шу каттакон қишлоқнинг бериги четида яшасак, опоғотам нариги чеккасида туради. У ёққа етиб боргунимча томоғим чўллаб, тилим сангиллаб қолди.

Итликни бўйнимга олиб, опоғотамнинг ҳовлисига бувақлардек эмаклаб кирдим. Кириб-ла, қаторлатиб экилган сапсаргуллар остидаги ариқчага апил-тапил оёқ тикдим-у, тилимни чилипа-чилиплатиб сув ича кетдим. Чанқоғимни бостиргач, айвоннинг тахта полидаги шолчада кўларрани эговлаб ўтирган, ора-сира менга қизиксираниб қараб қўяётган опоғотам томонга юрдим. Думимни елпуғичлатиб бориб, товонига бош ишқадим, маҳсиларини галма-гал искалаб, илпанг-жилпанг эркаланавердим.

Опоғотам мийигида кулимсираб, жонинг узилгудек очкагандирсанки, бегоналигимдан ҳайикмай, пойчамга суйканаётгандирсан, деб ўрнидан қўзғалди. Айвон четидаги пастак сўрида ўроғлик турган дастурхондан бир тўғрам нон олиб, ялангга чикиб борди-да, ма, жонивор, ма, дея уни авайлаб ерга қўйди. Аста келиб, тупрокда ётган нонни кўнглим тортмайроқ ҳидладим. Кейин, бирданига нафсим хакалак отиб, шаппа-шуппа ейишга тушдим. Ўл дейдиган одам йўқ.

Қорнимни шилдирамагудек тўйдирдим-у, хануз арра эговлаётган опоғотамга бошқатдан яқинлашиб, оёғига биқинимни босдим:

– Бу – менман, опоғотажон! Мўттивойингизни нимага танимаяпсиз? Қуруқ нондан бошқа нарсаям бордир бу уйда!

Гапим ичимда қолиб, ташимда ғингшиб-ғингшиб кўйганим боис, опоғотам сўзимга тушунмади. Фақат, қўлини эҳтиётлик билан чўзиб, бошимни бир-икки сийпалаган бўлди.

Ваҳ-ваҳ, қандай ёқимли!

– Бўлди, кўп ёпишаверма, – деб, узатиғлик оёғининг тиззасида елкамга беозоргина турткилади опоғотам. – Менга бургангни юқтириб юрмагин тагин.

Шу чол жуда қизик одам-да. Аниқроқ айтсам, ҳаддан ташқари содда. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, бундан бор-йўғи ўн бир кун олдин ҳаммомга тушган болада бурга нима қилади?

Ийе, “бола” девордимми? Тилимни аҳволимга мослаштириш анча қийинга ўхшаяпти-ку.

Арранинг тишларини ўткирлаб бўлгач, опоғотам ариқчада қўлини ювиб, эшиги ланг очик турган ошхонага кирди; газга гугурт чақиб, плитадаги қозонча остига ўт ёқди. Боғчада ишловчи келини ё нонуштадан, ё кечагидан ортган овқатни қозоннинг тагида қолдириб кетган бўлса керак, деган тахминда тўхтадим. Ишқилиб, бизгаям эҳсон-пەхсон қилинарникин? Уч-тўрт ютум бўлсаям майли-да.

Э, яшасин-э! Худди кўнглимдагини сезиб тургандек, опоғотам идишжавонни тимирскилаб, четлари учган эскирок бир коса топди; иситилган маставанинг қуюқ-қуюқ жойини ўзига қуйиб, қолганини менга аталган идишга ағдарди.

Салгина ўтиб қарабсизки, опоғотам айвондаги сўрида, мен сапсаргуллар салкинида таомни юмалок-ёстик қиляпмиз.

Опоғотам ичидагини ўзи билади; мендан аҳвол сўрасангиз, қувончим қулоғимдан тошгудек кайфиятдаман. Кўзим овқатда-ю, кўнглим чаманда. Энди тайинли ҳовлим бор, бу уйдагилар ўзимга эскитдан қадрдон кишилар. Энг муҳими, мана, доимий итялоққа ҳам эга чиқдим. Битта итга бундан ортиқ нима керак?!

Овқатни тинчитиб бўлиб-ла, косанинг четидан тишлаб, ариқчадаги сувда яхшилаб чайқадим. Итялоқни қайтиб

жойига кўяётганимда, “Воҳҳ!” – деган товуш янгради. Ярк этиб ўша ёққа боксам, опоготам, оғзи каррак, кўзи дурбин бўлганича, менга лол тикилиб турибди.

Бунинг нимаси ҳайрон қоларли, билмадим. Мен учун кундалик одатга айланиб кетган бу иш – мактабга боришни бошлаганимдан бери овқатимнинг идишини ўзим ювман. Шундай қилмасам, бувим тинч кўярканми? Идиш-ку – идиш, онда-сонда тоби қочиброқ турса, кийимимниям ўзимга ювдиради.

Тушликдан кейин опоготам дўппию яктагини алмаштириб, кўча томонга одимлади. Дарвоза олдида менга юзланиб, борадиган бўлсанг, юр, деди. Таранг қилмай, шиппа ортидан эргашдим. Кимсасиз ҳовлида ёлғиз қолиш кўрқинчли. Бирорта катта ит ивирсиб кириб қолса, у ёғи нима бўлишини фолчи ҳам айтолмайди. Айниқса, бутун бошли қишлоқни кезиб чарчамайдиган ўша Оқчопон деган кўппакнинг йўли шу тарафга тушса борми, италоғимнинг бўм-бўшлигини кўриб, алам устида мени тизғитишга тушади. Опоготам новвойхонадан тўртта кулча, дўкондан оққанд, қуруқ чой сотволиб, салафан халтани кўтарганича, тўғри кунчиқарга қараб йўл олди. Қишлоғимизнинг у ёғи – далалар.

Тупроқ йўлдан, бирида ғўза гул ташлай бошлаган, бирида бугдой бошоқлаб қолган пайкаллар, мева тутиб улгурган боғлар оралаб юриб; деразасининг ойналари чангдан хира тортган, шиферли томини хас-хашак қоплаган, оқ деворининг сувоқлари у ер-бу еридан чизилиб ёрилган, бир чети айвонли шийпонга етиб бордик. Шийпоннинг чап биқинида каттагина ҳовуз; ҳовузнинг теварагида баланд-баланд қоратоллар; толар остида, оёқлари ерга қозикдек қоқилиб, устига тахта қопланган иккита узун-узун стол. Столлардан берирокдаги оқ “Нексия” машинасининг ёнида кажавали кўк мотоцикл рулини ўсма кўйилган қошдек кериб турибди.

– Бу – анави касофатининг матасекили-ку! – деб қовоғини уйди опоготам.

Шийпоннинг ўнг ёғидаги хирмон четидан бошланган кенгдан кенг пайкалда экинларни бир пайтнинг ўзида ҳам тагини юмшатиб, ҳам ўғитлаб кетувчи трактор тариллаганича тўхтаб турар, бири новча, бири пакана киши тракторчи билан нималарнидир муҳокама қилаётганди. Новчаси – донғи кетган Раҳимбой фермер, паканаси – тескари доврўф қозонган Алдар Холдор эканини таниб олиш қийин эмасди.

Опоғотам шийпон яқинида тўхталиб, теваракка аланглади:

– Отакууул! Шу ердамисан?

Шийпон ичидан олдин “ҳов” деган товуш, сўнг полнинг ғижирлаши эшитилиб, Отакул тоғам уйқусираган кепатада чикиб келди.

– Ассаломалайкум, дада. Сувчиларимиз тун бўйи гўза суғоришди, шуларга чой-пой дамлаб юриб, уйқум чала бўлувди. Сал кўзим илинибди.

Айвонга тўшалган эскироқ тўшаклардан бирига опоғотам, иккинчисига тоғам ўтирди. Ўргадаги дастурхонда катта чўян чойнак, уч-тўртта пиёла турарди. Итлигим хаёлдан кўтарилиб, мен ҳам тўшакнинг бир четига чўнқайганимни биламан, тоғам юзига фотиҳа тортиб бўлиб, кафтини селпиди:

– Чип! Ўзини юмшоқ жойга уришини қаранг! Буни қайси гўрдан топдингиз, дада?

– Бугун ўзича алангланиб кепқолди. Итларнинг пешанасига ёзилгани шу – сутдан чикдим, онасининг қувғинига учрайди, ўз жонига ўзи қайғуришни ўрганади.

Тоғам менга зимдан разм солиб, опоғотамга юзланди:

– Шунингизни олиб қолсаммикин? Кечкурун бирон шарпа сезса, акиллаб-негиб турармиди. Пишган-пишган хандалакларимни қанақадир махлуқ кемириб кетяпти денг.

– Ўзингга ўргатолсанг, ана, олақол, – деди опоғотам. – Жуда эсли ит бўлади шекилли. Боя овқат қуйиб берсам, еб бўлиб, косасини ариқчада ювиб қўйди.

– Йўғ-е!!!

– Ким билади, балки ялоғини арикчага йиқитвориб, кейин секингина тортиб олгандир. Ҳарқалай, кўзимга атайлаб ювганга ўхшаб кўринди-да.

– Айтгандай, бу миттивойга от кўйдингизми?

– Ана, отни ўзинг топдинг. Энди Миттивой деб чакиравер бун.

Минг тасанно! Ўзимга жиппа ёпишадиган от кўйишди. Мўттивой нима-ю, Миттивой нима?

Тоғам пиёлага чой қуйиб, совиган бўлсаям, чанқокни босишга ярар, деб опоғотамга узатди. Опоғотам пиёлани олдиға кўйиб, халтадаги парсаларни дастурхонга тўкди.

Ота-бола яйрабгина гурунглашиб ўтирганида, Раҳимбой фермер билан Алдар Холдор пайкалдан чикиб келиб, сухбатнинг белига тепишди. Опоғотам ўрнидан туриб, фермер билан қуюқ кўришди, бақалок Алдар Холдорга эса совуқкина қўл чўзиб қўя қолди.

– Гимм... Менга доим шунақа ола қарайсиз, – деб тутолланди Алдар Холдор. – Тушунсангиз-чи, кулфат фақат ўғлингизнинг бошига тушгани йўқ. Иккаламиз касодга учрадик, иккаламиз кийноғини тортяпмиз. Одамлар ташимга қараб баҳо беради, ичимдан нима ўтганини билгучи зот йўқ. Камхаржлик курсин, пайти келса, рўзгоримдаги қозон икки-уч кунлаб жаз кўрмайди. Эр-хотин шакарчойга нон булаб, бир-биримизга ачинқираб ўтирамиз.

Опоғотам унга тумтайиб қаради:

– Сенга бирон нима дедимми ўзи?

– Демасликка демадингиз-у, барибир, кўзингиз мени ейман деб турибди. Одамни бунақа қон қилворманг-да, Йўлдош ака! Илгариям айтганман, яна айтаман – агар ўғлингизни алдаган бўлсам, онамнинг... гимм... онажонгинамнинг арвоғи урсин мени!

– Ҳўў, Холдор, онангни гўрида тинч қўй! – деб жеркинди опоғотам. – Биламан, қасам ичиш арақ ичишдек бир гап сенга. Фермерлар уюшмасида сендай мўлтониға ким амал берди, билмадим. Бу идорадаям бир ишқал чиқарасан ҳали.

Отакул тоғам опоғотамнинг елкасига қўлини енгилгина босиб, дада, бўлди энди, қўйинг, деб, уни товранишдан қайтарди.

Алдар Холдорнинг пайтавасига қурт тушиб, бўпти, Раҳимбой, нариги фермердаям бир ишим борида, дея тез-тез одимлаб узоклаша бошлади. Бориб, мотоциклни ўт олдиргач, “пат-пат”латиб олдинга хайдади.

Опоғотам унинг ортидан тикилиб, худо шу қилвиргаям, ҳеч бўлмаса, биттагина фарзанд берсайди, боладан поклик юқиб, ҳаромдан ҳафсаласи совирмиди, деб қўйди.

– Бу зангарнинг нимасидан ўпкалайсиз, Йўлдош ака, – дея, мўйловининг бир томонини диккайтириб, лабини бурди Раҳимбой фермер. – Ўз оти ўзи билан Алдар Холдор-ку бу. Қанча-қанча одамни чув туширган. Отақулингиз нима жин уриб шунга шерик бўлди, ўйлаб, ҳеч ақлим етмайди.

Отакул тоғам бирдан шалвираб, нима қилай, аврашига учибман-да, деб паст овозда қисинкиланди.

– Ҳа, аврашда бунга тенг келадигани йўқ, – юзини тепчитиб жийинди Раҳимбой фермер. – Мана, ҳозиргина биқинимга суйканиб, шийпонимнинг томидаги шиферлардан йигирматасини бўрон учуриб кетди, деб ариза ёзишга мени ийлаб турувди. Суғурта идорасида танишим бор, пул ундириб, арра қиламиз, дейди-я. Бунақа пулга олинган нарсани боламга едиришдан қўрқаман, дедим.

– Ох, ох, ох! – деб тебранди опоғотам. – Зап ўринлатиб айтибсан! Баракалла, Раҳимбой! Манави Отакул ошнангга-ям шунақа ҳикматлардан кўпроқ гапириб тур.

Бунинг эшитиб, Отакул тоғам дув кизариб кетди.

Томорқачилардан мева-сабзавотни кўтарамасига олиб, қўшни юртларга “фура” деб аталувчи вагонсимон машиналарда элтиб сотиш орқали анча бойлик орттирган Отакул тоғам бирдан касодга учраб, бор бутидан айрилгани кишлоқда роса шов-шув бўлганиди. Бунинг икир-чикирини, бизникига ҳамиртуруш сўраб кирган қўшни кампир, мевафуруш кондошингиз қағта зарар кўрганмишими, деб гап

ковлагач, бузим уни сўрига ўтқазиб, ижикиланишга тушганида билволган эдим.

Алдар Холдор бир куни Отакул тоғамга йўликиб, Шўро армиясида бирга хизмат қилган жонажон ўртоғи қўшни юртдаги йириккина бозорни ўзиники қилиб олгани, яқинда меҳмонга келиб кетгани, давримда сандиғингни пулга тўлдириб ташласанг-чи, дея тантиланганини айтиб; пишиқ мевафурушлигингни яхши биламан, хоҳласанг, шерикчиликда иш қилайлик, Отакул, дебди. Бир ўрис киши чиндан ҳам уникида уч-тўрт кун меҳмон бўлиб юрганини ўз кўзи билан кўргани туфайли (аслида, у киши бошқа вилоятда яшовчи таниши экан), тоғам тезда тузокқа илина қолибди. Тоғам бу ёқдан юк жўнатишни, Алдар Холдор у ёқдаги “ўртоғининг бозори”да пуллаб юришни бошлабди. Алдар Холдор, аввалига, бир-икки марта мўмай-мўмай пул юбориб тургач, кейин бошқача йўлга ўтиб, сен юкларни насияга олиб бўлсаям жўнатавер, фойдадаги маблағимизни улгуржи латтафурушларнинг қўлида айлантириб кўпайтираман, борганимда барини бутунича бўлишиб олақоламиз, деб телефон қилибди. Илгарилари тоғамдан бирор марта панд емагани учун қишлоқдагилар мева-сабзавотини насияга бераверибди, машина бозорга етиб борганида йўлқирани ўша ёқдаги Холдордан олиш шарти билан юклар “фура”ларга босиб жўнатилаверибди.

Уч ойдан сўнг Алдар Холдор кир-чир кийимда қайтиб келиб, кейинги молларнинг бир қисми ириб-чириб етиб борди, баъзан бошқа юртлардан шунга ўхшаш мевалар вагонлаб ёғилиб, бозорда нарх пастлаб кетди, арзонга сотиб, таниния чикаролмадим, талай зарар кўрдим, деб йиғламсирашга тушибди. Тоғам, нимага шуни олдинроқ айтмадингиз, ишни вақтида тўхтатардик, деса, бунисидан зиён кўрсак, кейингисидан фойда топармиз деган ўйда ўзимни ўтдан чўққа ураверибман мен нодон, деб туйқус ҳўнграб юборибди.

— Бўлар иш бўлди, Отакул, — дебди сўнг Алдар Холдор. — Энди, насияга мол берган одамларнинг ярмини мен рози қилай, ярмини сен тўлагин.

Тоғамнинг капалаги учиб, то насияга ўтгунимча бор пулимни ишлатиб бўлганман, қолган қарзларни қандай узаман, деб сўраса, Алдар Холдор бўйинини бечораҳол эгиб, унисини билмадим, ука, шу пайтгача йиғиб-туғиб юрганим тарқат-тарқатга етармикин деб ўзимниям бошим қотиб турибди, деб мунгланибди.

Қўшни қишлоқлик айрим мевафурушлар ҳам ўша юрдаги бозорда тирикчилик ўтказаркан, улар бу воқеани эшитиб, Холдор касодга учраган бўлиши мумкинмас, юклар доим яхши етиб борганини ўзимиз кўрганмиз, бозорда нарх тушиб кетганиям ёлғон, дейишибди. Маҳалла оқсоқоллари бу гапларни Алдар Холдорга пеш қилишса, дуч келган маймунга ишонаверасизларми, уларнинг бари менга эскитдан ғаним, атайлаб номимни булғамокчи бўлишяпти, деб шовкин кўтарибди.

Отакул тоғам, охири, кунгурадор дарвозали, данғиллама уйли, ғиштин деворлар билан ўралган ҳовлисини, бир гектарлик ўрикзорини, “Кобалт” машинасини сотиб; у томондан қайнотасининг, бу томондан опоғотамнинг йиғиб-тежаб юрганини ҳам қўшиб, қарзлардан зўрға учма-уч қутулибди. Қаллоблик билан талай бойлик орттириб олган Алдар Холдор эса, насияга мол берганларнинг ярмини рози қилишга яширин фойданинг ўндан бирини сарфлаганми, йўқми, у ёғи оддий бандаларга ҳалиям қоронғилигича турганмиш.

Опоғотам кичик мемахонага кўчиб ўтиб, институтни битирганидан кейин туманда архитектор бўлиб ишлаётган кенжа ўғли Саакул тоғамни даҳлизли уйга уйлаб қўйгани боис, ҳовлисини сотган Отакул тоғам хотини билан икки-та кизини ортиқча иморати бор қайнотасиникига жойлашга мажбур бўлганди. Бир куни Раҳимбой ошнаси келиб, янги келинчакнинг ёнида деванглаб юрма, отанг ҳам сен билан

тиқилишмай бемалол яшасин, дея даласига етаклаб кетганини эшитувдим. Энди билдимки, тоғам шийпонга қорувуллик қилаётган экан...

Отакул тоғам маънос қиёфада чуқур тин олиб қўйгач, пича ўтириб туринглар, битта ҳандалак сўйиб берай, деб зовур ёқасидаги полиз сари кета бошлаганида, ортидан юрагим эзилиб-эзилиб термилдим. Якин-якиндаям, ҳали то-вони ейилиб улгурмаган хиром туфлини эскирганга чиқариб, бошқасига алмаштириб юрган; мени кўриб қолса, ма, музқаймоқ олиб е, деб, бели синмаган пулни чўнтагимга шилдиратиб тикиб кўядиган тамтамфеъл одам ҳозирги аҳволга қандай чидаяпти экан, деб ўйлаётгандим.

Каламуш билан олишув

Тоғам кетгач, опоғотам шолмўйлов фермернинг кўзига зеҳн солиб туриб, тўғрисини айт, Раҳимбой, бу далакўрмаган ошнанг сенга оғирини ташлаб олмаяптими, ишқилиб, деб сўради.

— Нималар деяпсиз, Йўлдош ака! — дея эътирозланди Раҳимбой фермер. — Мана, шийпоннинг ич-ташини бинойидек тоза тутиб келяпти. Дам ошпазга кўмак берса, дам пақирни кўтарволиб, пайкалдаги ишчиларга яхначой ичдириб юради. Ўғит омборининг калитиям унинг чўнтагида. Экиб берган хандалагингизни эплаб-сеплаб пишириб олганини айтмайсизми!

— Аввало, ер ажратиб берганингга минг раҳмат, — дуо оҳангида сўз қотди опоғотам. — Тайёр экиб берилган хандалакни пиширволиш кийинаканми?

— Тўғри-ю, лекин, кўрганмиз, одам туғма эпақасиз бўлса, шуниям уддалолмайди. Отакул ҳақиқий кетмончи бўл-кетди, қандай чопиқ қилишни бир-икки кўрсатишим биланок, қолганини ўзи дўндириб ташлади. Айтдим, хандалак тугаса, ўрнига ерёнгоқ экволади.

– Биладан, ўғлимнинг ёмони яшириб, яхшисини ошириб гапиряпсан. Чинакам дўст шунақа бўлади. Отанга балли, Раҳимбой!

Раҳимбой фермер бир чакмоқ оккандни совуқ чойга ботириб, шимиб-шимиб юмшатди; четидан тишлаётиб, менга кўзи тушди-ю, опоғотамдан отимни суриштириб олгач, тишланган қанднинг ярмини тумшугимнинг тагига иткитди:

– Ол, Миттивой!

Яхши одамдан ортгани – табаррук, дейишади. Сира жирканмасдан, қаппа отиб кўяқолдим.

Сухбат пайновланиб, гап Отакул тоғамнинг бола-чақаси сал қисинди ахволда қолганига бориб тақалди. Раҳимбой фермер бу тўғридаям ўйлаб юрган экан.

– Қирнинг этакроғига давлат “Намунавий кишлоқ” куришни бошлаб, хашамдор уйларни ўн беш йил муддатли қарзга сотмоқчи бўлаётганини биласиз, Йўлдош ака, – деди у. – Шу ховлилардан биттасини Отакулга тўғрилаймиз, маблағи етмаса, қўллаворамиз.

Опоғотам қувончдан терисига сиғмай кетди:

– Умрингдан барака топ, Раҳимбой, кўкрагинг бундан кейинам орденга тўлаверсин! Йўксилларга мана шунақа қайишиб юришнинг худога хуш келгандирки, вилоятдаги тўртта энг олди фермернинг биттаси бўптургандирсан. Ана, бошқаларнинг қанчаси қарзга ботиб ётибди.

Тоғам иккита хандалак кўтариб келиб, дастурхонга қўйди; елкасини тер тузи оқартирган кулранг костюмининг чўнтагидан жанақуш пичоқча олиб, биттасини сўйишга тутинди. Ёқимли ҳид таралиб, оғзимда сўлак кўлмаклана бошлади. Бировларнинг чалир-чупирлатиб нарса ейишига суқланиб ўтиришдан ортик азоб борақанми? Қани, ўша хандалакларни бир кўрсам кўрай-чи, деб полиз тарафга йўл солдим.

Полизга етгач, ўзимни атир-упа дўконига кириб қолгандек ҳис этиб, димоғим яшнади. Аммо, миллион марта афсуски, ширин ҳид қорин тўйдирмайди.

Шунда, хандалакларни нимадир кемириб қўяётгани ҳақида тоғам айтган гап эсимга тушди-ю, ўшандақанинг биттасини топиб, четидан зигирдайгина тишлаб кўргим кеп-қолди. Жўяк ичида жавдирокланиб борарканман, қачондир ўртасидан ажраб кетган, бир қисми ерда моғорлаб ётган пўлат қайчи диққатимни тортди; уни оёқда четга сураётганимда, барглар қаттиқ шитирлаб, каттакон бир каламуш қаршимга отилиб чиқди. Шартта йўлини тўсган эдим, ўткир тишларини иршайтириб, узун тирноқларини дўлайди:

– Ҳей, итча, бурнингни ғарч-ғурч тишлаволмасимдан олдин кўчингни йиғиштир! Менга яқин йўлашга барзанги кўппакларниям юраги бетламайди, ҳов!

Опоғотам билан бу ёққа келаётганимда, йўл бўйидаги тутга қўниб турган ғуррак ёнидаги шеригига қараб, эҳтиёт бўл, далада бир овчи юрибди, сени отиб қўйса, болаларинг очдан ўлади, деб галиргандек; уватда ўтлаётган қўй эса, тирмашқоқ қўзичоғини турткилаб, ҳой, ҳадеб эмавермагин, ўзи бугун мазам йўқроқ, деб ҳасратлангандек бўлиб туюлувди. Ярим кадамгина наридаги каламушнинг дўқини эшитганимдан кейин, итга айланганимдан бери ларрандаю ҳайвонларнинг тилини тушуна бошлаганимга тўла ишонч ҳосил қилдим.

– Сал савлатлироқ ҳайвон қуриб кетмагандир! – деб пичинг отдим мен. – Келиб-келиб, сен сўлтаматдан қўрқаманми?

Каламушнинг баттардан жазаваси тутди:

– Йўқол деб турибман-а!

– Ўзинг капалак бўл!

– Ҳе, аттаанг, яхши гапни тушинмадинг-ку! Энди ўзингдан ўпкала!

Чангактиш кемирувчи бурнимга сапчишга шайланганида, одамчасига ҳаракат қила олишим яна асқатиб, ерда ётган қайчи бўлагини олдинги оёқларимда маҳкам тутамладим-да, бор кучим билан селпидим. Бунақасини кутмаган каламуш ғафлатда қолди-ю, қайчи бўйинини елка аралаш тилиб ўтганида, “Вой, энайуу!” – деб чийиллаганича ос-

монга сакради. То ўзига келиб улгурмасидан, кайчида энди қоқ калласига урган эдим, тап этиб йиқилди, шу зайл қимирламай қолди. Бокс мусобақасидаги ҳакамдек санашга тушдим:

– Биинир, иккии, уууч, тўўрт, бееш, олтии, егтии, саккииз, тўқкииз, ўўн... Нокаут!

Нарирокда бошқа каламуш ҳам писиб турган экан, шеригини қандай сулайтириб қўйганимни кўриб, шунақанги зувиллаб қочдики, аккашдан чинакамига кўрқиб, иззатимни жойига қўйгани учун уни қувалаб ўтирмадим. Факат, ортидан дағдағалаб, ҳў, текинтомок, бошқа каламушларгаям айтиб қўй, мен борақанман, бу ерга келганлар тирик қайтмайди, деб қичқирдим.

– Раҳмат, Кучуквой ака!

– Қонхўр каламушни боплаганингиз ажаб бўлди!

– Бу мараз кеча онамизни еб қўювди. Энди ўзимиз зўрғалатдан қорин тўйдириб юрибмиз...

Пастга карасам, бир тўп қўнғизча менга гулдурос қарсак чалиб турибди.

Ё каламушнинг бор оламни титратгучи чийиллоқ овозидан, ё менинг қаттиқ хуриганимдан сергак тортганми, Отакул тоғам полизга ҳалпиллаб етиб келиб, олдимга яқинлашди. Оёғимнинг тагида шалпайиб ётган зараркунандага кўзи тушди-ю, юзига қувонч ёйилиб, э, қойилман, Миттивой, арслон бўпкет-э, деганича исмимни олқишга кўмизаверди. Думим унчалар ликонламаганидан билдимки, бу мактовлардан ортиқча талтайишни ўзимга эп кўрмадим.

Тоғам каламушнинг узун куйруғидан ушлаб, шийпон сари чакқон одимлай кетди. Бораётиб, айвонда ўтирганларга мурдани кўз-кўзлаган асно, манавинга қаранглар, бу ҳандалакхўрни Миттивой ўлдирибди, бўйнини кирт чайнаб қўйибди, деб жар солди.

Гапни кўринг, бўйнини чайнаганмишман! Каламуш ку – каламуш, агар каламушга ўхшатиб пиширилган тортни олдимга қўйишсаям, бўйнидан тишлашга ҳазар қилган бўлардим. Тфу!

Полиздан чиқаётганимда, ичимда яна ғалати жимирлаш сезилиб, бошим ўз-ўзидан тепага кўтарилиб бораётгандек бўлди. Тўхтаб, паст-баландимга назар солсам, оёғимда ўзимнинг пушти кросовкам, эғнимда кўкиш жинседан тикилган ўша шим, ўша нимча. Мана, у кўлимдаям, бу кўлимдаям бештадан бармоқ узун-калта аскарлардек тизилиб турибди.

Севинчим ичимга сиғмай, ирғишлаб юбордим:

– Урееей, итликдан қутулдиим!

Айвондагилар, каламуш қолиб, энди тенгдан мен томонга юзланишди. Уларнинг ёнига етиб боришим биланоқ, биринчи бўлиб опоғотам саволга тутди:

– Ҳей, қаердан кепқолдинг ўзи? Бу ёқдалигимни кимдан эшитдинг?

Нима дейишни билмай, турганларнинг гоҳ унисига, гоҳ бунисига кўз гилдиратдим. Борини бориचा айтай десам, кучук бўлганимга биронтаси ишониб бўпти, мени кий-қиёвлаб мазах қилишади холос.

– Бу ердалигингизни билмовдим, опоғота, – ўнгланиб олиб, гап тўқишга ўтдим. – Отақул тоғамни соғиниб қолганидим, сўраб-суриштириб, топиб келдим-да... Ҳандалак ейишдан бурун, бир ачомлашволайлик...

Аввал опоғотам, кейин тоғам билан кучоқлашдим. Раҳимбой фермер билан кўл бериб кўришдим. Кўришиб бўлдим-у, ўтир, дастурхонга кара, дейишларини кутишга вақт сарфламай, атиги икки тиликкиnasi ҳозирча бут турган хандалакка шартта човут солдим.

Шу маҳал, тоғам бирдан кучукни эслаб қолиб, атрофга аланглади:

– Миттивооой! Миттивооой! Хушт, хушт! Ий, кучугимиз қаёкка йўқолди?

– Тирмизак қаҳрамонинг яна каламуш овлаётгандир-да, – деб кулимсиради Раҳимбой фермер. – Бор, кўлингни ювиб кел. Меҳмончага хандалакнинг унисиниям сўйиб бер энди.

Тоғам ердаги каламушни олиб зовур тарафга улоқтирди-ю, нарирокдаги кўмма устунга ўрнатилган, баъзилар “умивалник” деб атайдиган осмакўванинг тилини тепага кўтариб-кўтариб, кўлини юва бошлади. Эээ, каламушни ушлаган кўлни совунлаб ювмайдими, деб хитландим ичимда.

Хайрият, тоғамнинг келишини пойлаб ўтирмай, опоғотам дастурхондаги жанақушни олиб, иккинчи ҳандалакни ўзи сўйди.

Отакул тоғам устундаги микка осилган сочикка кўлини артиб, ортга қайтди. Келиб, тўшакка ўтираркан, тўсатдан менга синчикланиб кўз қадади:

– Тўхта-тўхта, бу ёкка келаётиб, итдан кутилдиим, деб бақиргандай бўлдингми? Сен бола, Миттивойимизни кесакбўрон қилиб ҳайдаган бўлмагин тагин?

Янги сўйилган ҳандалакнинг навбатдаги лукумини шошиб ютиб, тоғамга жизғанокландим:

– Ҳеч қанақа Миттивойни кўрмадим! Қандайдир кўнғир кучукка кесак отишдан бошқа ишим йўқми?!

– Ҳей, бола, кучукни кўрмаган бўлсанг, кўнғирлигини каёқдан билдинг? Гапир!

Туйқус довдираб қолдим:

– Гапираман! Нима, гапиришдан кўрқади деб ўйла-япсизми? Анави-и... Мен сизга айтсам...

– Хўш?!

– Тўппа-тўғрисини айтадиган бўлсам... Маҳалламиздаги бир ўртоғимнинг кўнғир ити яқинда тўққизта бола туққанини эшитувдим. Билсам-билмасам, кучугингиз ўша итнинг боласи. Онаси кўнғир бўлганидан кейин, боласиям кўнғир бўлмай каёққа борарди? Энди тушундингизми?

Раҳимбой фермер, бир хиринглаб кўйиб, ўртага гап суққани жонимга ора кирди:

– Сени соғиниб келган жиянга оқибат шуми, Отакул?

† Далада юрганим сайин, турмушнинг ҳақиқий ширинликларини англаб-англаб яйраяпман, дейсан-у, асабинг ҳалиям роса жойига тушмаганга ўхшайди.

– Ўша кучукка намунча куюнмасанг! – деб қўшимча қилди опоғотам. – Балки, санғигиси келиб, товукхона томонга кетгандир.

Полиздан нарирокда пастаккина узун бино борлигини кўрувдим, демак, товукхона экан-да.

Шу маҳал, ранги униккан дўппини пешанага кингир қўндирган чуваккина йигит кирза этикда тулрокни тўзғитганича, биз тарафга бостириб келаётгани кўринди. Раҳимбой фермер димоғини дўриллатиб, ана, ўша товукхона хўжайинининг ўзиям келяпти, деди-да, унинг яқинлашишини кутмай, ўв, Мўсақўзи, йўлда кўнгир кучукка кўзинг тушмадими, деб сўроқлади. Мўсақўзи товукбоқар айвондан тўрт-беш кадам нарида тўхтаб, йўқ, кўрмадим-а, дея бошини тебратди.

– Ке, болам, ўтир, – деб, товукбоқарни дастурхонга чорлади опоғотам. – Ҳандалакка ризқинг қўшилганакан.

Ўргилиб қўйдим бунақа ризқдан. Ўзи чойнакдеккина хандалак бўлса, шунгаям шерик топилмаса нимайди!

– Бу Мўсақўзининг ишлари беш, – хандалакни аллақачон вошиллата бошлаган ишчисини опоғотамга мақтай кетди Раҳимбой фермер. – Товукхонанинг ёнига уй қуриб берганимиздан кейин, бола-чақаси билан кўчиб келгани яхши бўлди. Товуклари шу кунларда мингтадан ошдими-ей...

– Яқин-орада бир минг икки юзтага бориб қолади. Хотиним бир қисм товукларга анча жўжа очтирволди. Худо хоҳласа, яна очтирамиз.

– Яша, Мўсақўзи! Ишчиларимизам сени дуо қилгани қилган. Тушликка кунда-кун ора товук сўйиб беряпсан. Лекин... тухумга қолганда, сал қизганармишсан?

– Биласиз-ку, Раҳимбой ака, ҳафтасига фалон дондан тухум етказиб бераман деб макарончилар билан шартнома тузиб қўйганман, уч гилдиракли мотоциклда келиб, ўзлари ташиб кетишади. Ишчиларингиз шундан ортса ейди-да.

Бошинг орден олишдан чиқмагур Раҳимбой фермер савобга кўмилди – товукбоқарни канча кўп гапга солса, мен шунча мўлрок хандалак еявердим.

Вақиллаб ўтиришга берилиб, хандалакдан паққос курук колганини кечроқ пайқаган товукбоқар, менга бир тигланиб олиб, рўмолчада ноилож оғиз артаркан, ниҳоят, мақсадга ўтди:

– Қаранг, рўзғорда туз узилибди. Агар, ортиқчаси бўлса, бир сиқимгина бериб турунг, Отакул ака.

– Ана, ичкарига кирсанг, уч кути туз турибди, биттасини олавер, укам, – деди тоғам. – Аммо, хафа бўлмагин-у, онам раҳматли бизга уктирган бир гапни сенгаям айтиб қўяй, қўшнидан учта нарсани сўраш уят бўларкан: биринчиси – туз, иккинчиси – гугурт, учинчиси – игна. Шуларни доим керагидан ортиқ ғамлаб қўйишни ўргангин.

Куёш ёнбошлаётганида, опоғотам уйга қайтишга чоғланди. Менга қараб, сенам кетасанми, деб сўраган эди, хандалакка бир йўлиққанимда тузукроқ тўйиб олишдан умидимни узмай, қизиқсиз-а, опоғота, бирор кун ёнида қолмасам, Отакул тоғам каттиқ хафа бўлади-ку, дедим.

Тўғрисиям шу-да!

Чапчап луқум

Тонгда уйғониб қарасам, Отакул тоғамнинг кўрпаси йиғиб қўйилибди. Туриб, хонадан шийпоннинг айвонига чиқдим. Бир-икки керишиб олиб, эринибгина бордим-да, осмакўвада юз-қўлимни ювиб, бужур сочикда артиндим.

Ғўнғир-ғўнғир товушларни эшитиб, шийпоннинг орқасига ўтсам, тоғам бир чўтирюз киши билан узун тахта столлардан бериюкдаги ўчоқ ёнида нонушта қилиб ўтирибди. Тўшак олдида ёзилган дастурхонда нон, майиз, туршак, оққанд кабилар сочилиб ётарди. Тоғам мени кўриб, ке, чой-пой ичвол, дейиши биланок ёнига тизза уриб, ишни бўш пиёлага беш чакмоқ оққанд солишдан бошладим.

– Бу – жияним Мўттивой, – пиёламга чой қуяётиб, мени шеригига таништирди тоғам. – Кеча меҳмонга келувди.

Чўтир киши фермер хўжалигининг ошпази экан, нонушта тугаганидан кейин, тушликка тараддуд кўришни

бошлаб, ўчоқ бошидаги хонтахтада турган мис тоғорани кўтариб келди, ичидаги сабзавотни ўртага тўкиб, дастурхондаги иккита пичокдан бирини кўлига олди. Тоғам иккинчи пичокни ишга солишдан илгари чўнтагидан жанакушини чиқариб, бекор ўтирма, жиян, дея менга узатди. Пиёзга азалдан тобим йўқ, кўзни ачиштиради; сабзининг пўстини қалинроқ арчиб кўйсанг, катталардан гап эшита-сан; картошканинг букоқ-бутоғи, кўз-кемтиги кўп; бизга шуниси ўнғайроқ деб, шолғомни танладим.

Учинчи шолғомни арчиб тугатаётганимда, “пат-пат”лаган товуш эшитилди. Алдар Холдор пайдо бўлиб, мотоциклини толнинг тагига тўхтатиб ўчирди; ерга тушиб, турган жойида кеккайган куйи, ҳорманглар, деб дўриллади. Бу нусхани ийиқи суймайдиган тоғам ўгирилиб ҳам кўймади, ошпаз шунчаки бош қимирлатган бўлди.

– Ғулом-чўмич! – деб ошпазга мурожаат қилди Алдар Холдор. – Раҳимбой қани?

Хўжайини узумзордаги хомтокчиларнинг ёнига кетувди, деган жавобни эшитиб, энди бирданига менга ёпишди:

– Ҳей, бола! Ғимм... Бор, Раҳимбой тоғангни чақириб кел.

Тўнглаганидан ғашим кўзиб, илтимосми бу, деб чи-мирилган эдим, у, довдирашдан тили гулала бўлиб, ғимм... сени қара-ю... институтни тамомлаб, тасодифан устимга бошлиқ бўлволсанг, ана ўшанда илтимос қилиб гапираман, деб қариллади.

Тоғамдан узумзорнинг қаёқдалигини суриштирдим. У бўлса, сенга тушунтириб ўтиргунча ўзим бориб келақоламан, дея жойидан туриб, йўлга тушди. Билдимки, Алдар Холдорнинг соясиниям кўргиси йўқ.

Отақул тоғам кетгач, Алдар Холдор битта-битта одимлаб келиб, Ғулом ошпазга кўрсайиб қўл узатди, мен билан ҳам бармоқ учида кўришган бўлди; тўшакка чўкиб, чойнакдан ўзига чой қуйди; майизга очофатларча чангал солиб,

думидаги чўпларни юлиб ўтирмай, бирваракайига нос отиш қилди.

Тоғамнинг душмани тўғримда тарвайиб ўтирганидан тихирланиб, жанакушни дастурхонга ирғитдим-да, туриб, ҳовуз томонга кета бошладим. Мотоциклнинг ёнидан ўтаётиб, кажавага ташлаб қўйилган картон қутига кўз қиримда қарасам, устига ёпиштирилган ёрликка “Чапчап лукум” деб ёзиб қўйилибди. Биламан, бу Қўконда чиқариладиган, дўконлардан топиш мушкул бўлган энг машҳур шоколаднинг номи. Дадам туғилган кунимда мени худди шунақа ширинлик билан сийлаган эди. Расмдафтарни эслатувчи гулдор қутичани очсангиз, ичидаги чуқурчаларда роппароса ўн бешта юм-юмалок шоколад териблиб турган бўлади. Биттасини ҳовриниб-ҳовриниб тишлаб кўрасиз. Қахваранг шоколаднинг катидаги оппок қиём тилингизда шунақанги вижвижланиб эрий бошлайдики!

Оғзим сувлашиб, ҳушим алғовланди-ю, ошпаз билан Алдар Холдор бу тарафга тескари ўтирганидан фойдаланиб, картон қутига боғланган ипнинг боғичини қандай тортганимни билмай қолибман. Очиб кўрсам, гулдор қоғоз қутичалар устма-уст тахланиб ётибди-да.

Мени қинғирқўлликда айблашдан бурун, ўрнимга ўзингизни қўйиб кўринг. Шунда, картон қутини таг-тути билан кўтарган асно, зовур ёқасидаги дўнгнинг ортига ўтиб боришга қай йўсинда ботинганимдан таажжубланиб ўтирмасангиз керак. Қолаверса, бировларни шилиб кун кечирувчи эгри қимсани қоклаш, балки, тўғрилиқнинг ўчи ҳисобланар.

Қаллам тегирмондек гулдираб ишлади. Шоколадли қутичаларни бўйчанланиб ўсган сассикқўмпалар орасига тўкиб, иси сезилмайдиган шувокларни томир-помири билан юла-юла, картон қутига зичлаб босдим. Тоғам кеча ирғитиб юборган каламушнинг ўлиги шу ерга келиб тушган экан, унияш шувокларнинг тепасига ташладим. Кейин, картон қутининг ипини аслидагидек қилиб боғладим-у, паналаб борганимча, мотоциклнинг кажавасига қўйиб қўйдим.

Қаёққа гойиб бўлганимни суриштириб ўтиришмасин деб, шийпоннинг бикинида тахланиб ётган ўтинлардан бир кучоғини кўтариб олдим-да, ўчоқнинг ёнига элтиб тўқдим.

– Э, балли! – деб алқади Ғулом ошпаз. – Энди чеговви олиб, қозонга сув қуй. Оғзига томизсанг, ўликниям тирилтирадиган зўр қайнатма шўрва қилайлик бугун.

Қирқ литрли алюмин бидоннинг қопқоғини очиб, ичидаги сувни каттакон чўмичда қозонга қуйишга тутинганимда, тоғам Раҳимбой фермер билан қўшокланиб кепқолди. Алдар Холдор пишиллаб ўрнидан туриб, фермерга қўл узатаркан, на салом-алик, на ҳол-аҳвол сўраш бор, бирдан нига танбеҳлашга ўтди:

– Бээ, тўйга борадиган одам тузукрок кийиниб олмайди-ми!

Раҳимбой фермер мўйлов силаётиб, қанақа тўйни гапиряпсиз, деб сўраса, Алдар Холдор кўксини шопиринтириб, ие, уюшма раиси неварасини “кестираётгани” эсингдан чиқдими, деб дўнғиллади.

– Мени тўйга айтибдими? – деди фермер.

– Уюшмадаги йиғилишда микрофонни жаранглатиб, ҳамма фермер ёппасига тўйга, деди-ку! Ғимм...

– Ёппасига тўйга дейишни маҳалланинг сартарошига чиқарган. Мен бу қишлоқда яшайман, раисингиз у қишлоқда туради.

– Бормайман демоқчимисан?

– Тайинлаб айтилмаган жойга қандай бораман?

– Ғимм... Жуда иззатталаб бўпкетибсан. Майли, унда, атаганингни узат, раисга ўзим бирон баҳона тўкиб қўярман.

Раҳимбой фермер истеҳзоли жилмайиб, раисимиз яна тўй қилиб қолар, мени алоҳида айтадиган бўлса, атаганимни ўшанда берарман, деган эди, Алдар Холдорнинг энсаси қотиб, ўзинг биласан, деб, аразланган турхатда ортга бурилди.

Ичи шувокқа тўлдирилиб, каламушнинг ўлиги ҳам тиқиб қўйилган картон қути Алдар Холдор билан бирга мотоциклнинг кажавасида кетди.

Раҳимбой фермер банкда зарур иши борлигини айтиб, оқ “Нексия”сида туман марказига йўл олди. “Нексия” у томонда кўздан йўқолди-ю, бу томонда узун таёқ ушлаволиб, ху, ҳаромзода, мана кўрасан, ўзингниям ҳайдаб соламан, болаларингниям, деб жизгинланган куйи, қора мушукни гиззо-ғиз қувиб келаётган Мўсақўзи товукбоқар кўринди. Қўлимдаги чўмични ташлаб, йўл тарафга югурдим. Мушукнинг олдини тўсишга улгуролмаган бўлсам-да, “Афросиёб” поезди мисол шувуллаб келиб, ёнимдан пупуплагандек сўкиниб ўтиб кетган товукбоқарнинг вагонига айланганимча, ортидан такира-тукурлаб боравердим.

Товукбоқар охири чарчаб тўхтади, таёғини четга отиб, ҳансираган алпозда изига қайтди. Унга эргашмоқчи бўлганимда, танам бир жимирлаб олиб, қаддим ўз-ўзидан пастлайверди. Бошим ерга тегай-тегай деганида, мундоқ қарасам, яна ўша кўнғир тукли кўлларга таяниб турибман-да.

Бу қанақаси? Ёмон эрмак бўлдим-ку! Ё кечадан бери туш кўряпманми?

Шунда, Сангин тандирчининг қарғиши қайтадан ёдимга тушди: “Сени худойим ўзи жазоласин – ярим одам, ярим ит бўлиб ўтиб кет!”

Бари тушунарли! Бундан буёғига бир итга, бир одамга дўниб, аросатда юравераман, чамаси.

Мунгли ингиллаб қўйиб, Мўсақўзи товукбоқарнинг кетидан эмакладим.

Тоғам, дили хижилланиб қайтаётган товукбоқарга қараб, “бояги мушук...” дея эндигина гап бошлаган эди, менга кўзи тушиб, қувониб кетди:

– Ййе, шу ерда экансан-ку, Миттивой! Қорин қалай, қорин? Ма, кучи-кучи, хозирча шуни еб тур-чи. Шўрва пишса, товукларнинг бор суяги ўзингга қолади.

Шу топда хаёлим ҳам, кўнглим ҳам шоколадда бўлгани учун, олдимга ташланган нон бурдасини истамайгина кавшадим.

Бу орада, Ғулом ошпаз товукбоқарни сўроққа тутта бошлади:

– Тинчликми, Мўсақўзи? Мушугинг калтисроқ иш кўрсатдимми дейман?

– Товукхонага ўғриликка тушиб, битта хўрозни пок-покиза уриб қўйибди-я, – деб ғижинди товукбоқар. – Хўрознинг кўзтиконлар орасида тўзғиб ётган патлари-ю, чирт узилган калласини кўрмасам, беҳабар юраверар эканман. Сўйилган товукларнинг ичак-чавоғини доим шу лаънатига илинаман, еттига боласини атрофига тўплаволиб, бурнидан чиккунча ейди. Шунгайм каноат қилмаганини қаранг.

– Мушук жўжани ейиши мумкин, – деди ошпаз. – Аммо-лекин, хўроз тугул, товукқаям дап қилолмайди. Хўрозингни нима еб кетганини аниқ билмай туриб, мушукка чакки жабр қипсан-да.

Тўсатдан тоғамнинг эсига тушдим шекилли, битта ўзинг қайтдинг, нима бало, жияним ҳалиям мушукни кувиб юрибдимми, деб сўради товукбоқардан.

– Билмадим, -- деб елка қисди товукбоқар. – Ўзи, сизга қанақа жиян бу бола?

– Опам раҳматлининг ўғли, – туйқус хазин тортди тоғам. – Опам ёмонроқ дардга чалиниб бандалик қилганида, Мўттивой икки ёшгайм тўлмаганиди. Ўшандан бери бувиси билан туради. Поччам тоғдаги қонда ишлайди, онда-сонда келиб, онасига пул-мул ташлаб кетади. Қон томондан бирорта аёлни топиб-нетволган бўлса билмадим-у, уйланибди деган гапни эшитганимиз йўқ.

Товукбоқар мавзуни бошқа ёққа буриб, айтгандай, ўзингизда болалардан нечта эди, деб сўраганиди, тоғам бир хўрсинволиб, иккита қизим бор, каттаси тўртинчини битирди, деди.

Ошпаз ҳам гапга аралашди:

– Уларни кўриб-нетиб турибсанми, ишқилиб?

– Бола бўлади-ю, кўрмасдан бўларканми? – деб кўксини сийпалади тоғам. – Ўтган куни, ҳандалакни сотиб, уларга харажат ташлаб келдим. Хотинимга анча-мунча пул ҳам

бериб қўйдим. Қайнотам жа бошқача одам-да, бу томондагилардан ташвиш тортманг, куёв, ўзингиз қийналиб қолмасангиз бўлгани, дейди.

– Ташвиш тортма деб тўғри айтибди барака топкур, – дея тоғамнинг кўнглини кўтарди ошпаз. – Қайинотанг ўзига тинч киши. Қайинотанг ҳам топармон-тутармон йигитлардан. Болаларингни ҳеч нарсага зориқтириб қўйишмайди. Мана, қора меҳнатдан қочмай, ёлчитиб ишлаётган экансан, мен айтди дурсан, ҳадемай ўзингизиям ишларинг юришиб кетади, иншоолло.

Бир куни маҳмаданалигим тутиб, алоҳида уй бўлганидан кейин, тоғам ҳам болаларининг олдига бориб яшайвермайдими, деб кексакорилансам, эркак киши учун, айниқса, қўли юпка эркак учун қайнотага ичкўёв бўлиб юришдан оғири йўқ, деб жавоб қилганиди бувим.

Қозонга ўт ёкилаётган чоғда, Отакул тоғам мени яна эсга олди, йўлга чикиб бориб, теваракка аланглади:

– Мўттивой! Хў, Мўттивой!

Ортга қайтиб келганидан сўнг, бу бола тайёр овқатни ташлаб, уйга кетворганга ўхшайди, дея афсусланиб бош тебратди.

Қаёққа кетардим? Оёғининг тагида турганимни билмаса, нима қилай?

Тоғам “тайёр овқат” деган сўзни ишлатгандаёқ, шоколадлар лоп этиб кўз олдимга келувди, писмайганча ўрмалаб бориб, зовур ёқасидаги дўнгнинг орқасига ўтдим. Керакли жойда тўхтаб, тўрт томонга зийракланиб разм солдим-у, шоколадли кутичалардан бирини тирноқлаб йиртдим...

Қолганини мен айтмай, сиз эшитиб, қуруқ ютинишдан қийналманг.

Чапчап лукумнинг учинчисини гилқиллатаётганимда, нимадир шитирлагандек бўлди. Қулоғим ўз-ўзидан динкайиб кетди. Сассиққўмпалардан бири хиёл тебранганидан янаям сергакланиб, секингина бориб қарасам, халиги қора мушук билакчаларига ияк тираб, маъюс чўзилиб ётибди. Кўзларида жикқа ёш.

Мени кўриб-ла, қочишга шайланганида, кўркма, мушукларда ҳеч қанақа қасдим йўқ, деб, шахдидан қайтардим.

– Шунақа дейсан-у, қайси итга йўлиқма, қасди бор-йўклигини ўйлаб ўтирмай, ақиллаб қувишга тушади.

– Мени қаёқдаги шилдирвоқи итларга тенглаштирма, – деб зардаланган бўлдим. – Ундан кўра, эгангга қанақа ёмонлик қилганингдан гапирсанг-чи.

Мушук йиғламсираб минғирлашни бошлади:

– Алдаётган бўлсам, тил тортмай ўлай. Эгамга ҳеч қанақа ёмонлик қилганим йўқ. Мени нимага калтакламоқчи бўлди, сира тагига етолмаяпман.

– Товуқхонага ўғрилиқка тушибсан-ку! Ғажиб ташланган хўрознинг патларини эганг тиконзордан топволибди.

– Вой! Бунақа иғвони ким тарқатибди? – анграйиб сўради қора мушук.

Одамликдан итга эврилиб қолганим, итлигимда жониворларникидан ташқари инсонларнинг тилини ҳам тушунаверишим тўғрисида мушукка эзмаланиб ўтирмай, эшитганимни гапиряпман-да, деб қўявердим.

Мушук бирпас ўйланиб туриб, топдим, ким ўғирлаганини топдим, дея тўлқинланиб типирчиланди.

Унинг айтишича, Пихпих Чандр деган ўғри мушук бор экан. У баттол, эганг берган овқатнинг тенг ярмини менга асраб қўймасанг, ўзингния, болаларингния бўғиб ташлайман, деб қора мушукка солиқ солган экан; қорни очганида келиб, тегишли улушини еб кетаркан.

– Бундай йиртқичлик битта ўшанинг қўлидан келади, – деди қора мушук. – Сен нима бўпсан, ҳатто, бир касалманд тулкиния бўғизлаб тинчитганман, деб мақтанганиди.

Таскин бергим келиб, кўп эзилаверма, эганг жаҳлидан тушиб қолар, десам, ўзим-ку бир кунимни кўриб кетарман, болаларимния ҳайдаб юборса, қаёққа бош уради боёқишлар, деб титранди қора мушук.

– Нима, болаларинг эмизиклими?

– Сутдан чиқишган. Лекин, улардан сира кўзим қиймайди, энди ўзларингни эплейверинглар дейишга тилим бормаяпти.

Бу бечорани ўзим қўллаб юбормасам бўлмайди-ёв, деб тугиндим ичимда. Аммо, қандай қилиб?

Турмушда неччи марта кўрганман – мия яхшилаб ишлатилса, ўлимдан бўлак ҳамма нарсанинг иложи топилади. Мияни яхши ишлатиш учун нима қилиш керак – ҳеч бўлмаса, шоколад ейиш керак!

Бу ёкка юр, деб қора мушукни шоколаднинг олдига бошлаб бордим. Чапчап лукумдан биттасини қоғоз қутичанинг чуқурчасидан тирноқда суриб чиқариб, аввал тумшукка илинтирдим, кейин бошимни баландга кўтариб, оғзимга юмалатдим. Дунёдаги бор хузур-ҳаловат ичимда тўпланаётгандек бўлди. Мушукка тантиланиб қараб, ол, тортинма, Миттивойнинг даврида бир чапчап лукум есанг ебсан-да, дедим.

Қора мушук шоколадлардан бирини ийманибгина олди, сал ялаб кўриб, роҳатдан кўзлари сузилди.

– Мазами? – деб тиржайдим. – Ўртоғим кучук – еганим чучук, деганакан... бир пучук.

Қизикчилигимдан қора мушукнинг кулгиси қистаб, майингина пихиллаб қўйди-да, ерга узала тушиб, шоколадни панжалари орасига қисганича, шошмасдан ялашга киришди. Орада тўхталиб, бир устки, бир остки лабини тилида тозалаб-тозалаб ҳам қўяди.

Э, доғман! Шунақа имиллоқлик билан тирикчилик қилиб бўларканми? Топилдими, шаппа-шуппа ургин-қўйгин. Йўкса, Пихлих Чандрга ўхшаган қудукқоринлар олдиндагини шип-шипанг супуриб кетади.

Одамлигимда турли жонзотларни қийратиб яйрар эдим; итга айланганимдан буён, уларнинг қийналиб-қийналиб турмуш кечиришини кўриб; буни, қисман, ўз бошимдан ҳам ўтказиб, шўрликларга тобора раҳмим келишни бошлади. Раҳмимни кўзитгани сайин, кўнглимга кариндошлардек яқин бўлиб бораётганди улар.

Пихпих Чандр жаноблари

Қани, у ёкдаги аҳволниям билайлик-чи, деб товукхона томонга юрдим. Қора мушук тиззасини қалтиратиб, ортимдан кўзгалди.

Борсак, еттов мушукча очик айвонли уй ёнидаги тандир остида, бир-бирининг пинжига кирганича, мўлтирокланиб ётишибди. Оналарини кўриб, ирғишлай-ирғишлай, кучоғига отилишди.

Мўсақўзи товукбоқарнинг хотини тандирдан нарирокда кир ювиб ўтирар, учга тўлиб-тўлмаган қизчаси унинг ёнига чўнқайволиб, кичкина мислаганда рўмолча чайиш билан банд эди. Улар юмушдан тўхтатилиб, онабола мушукларнинг ачом-ачомини завкланиб кузата бошлашди.

– Қорабека, Қорабека! – деб илжайди қизалок.

Шу паллада, Мўсақўзи товукбоқар шийпондан қайтиб келиб қолди. Қорабекани кўриб, ҳе, ўша сендаканги болапарвардан ўргилдим, деб ердан кесак олаётганида, хотини тутокиб кетиб, хой, сўлоқмондай одам дўппидек мушукка наmunча ўчакишмасангиз, деб саннаб берди.

– Бу ўғрининг ёнини олма!

– Қанақасига ўғри бўларкан? Мундок ўйлаб гапиринг-да, дадаси. Мана шу қилтириқнинг хўрозга кучи етарканми?

Қизалок: “Мушугим ўғримас!” – деб гапга аралашган эди, Мўсақўзи товукбоқар унга эътибор бермай, хотинига ўшқирди:

– Хўрозни шу мушугинг емаган бўлса, ким еди? Сенми?

– Ҳа, мен едим захримга! Қутулдимми? Боринг, уйга кириб, чойингизни ичинг.

– Чойни шийпонда ичаман, – деди товукбоқар. – Қозонга ўт қаланди, тузланган товукларни вақтида элтиб берай.

Ҳозирга келиб, бу кичик оила ҳар хил гиди-бидиларга тўлиб ётгандек кўринаётган бўлса-да, Фулом ошпазнинг айтишича, Мўсақўзи товукбоқар синфдош хотинига мажнун-

ланиб юриб уйланган экан. Севгилисига, ҳатто, дарс пай-
тидаям тинчлик бермай, ишқий сўзлар битилган қоғозлар-
ни қаторлатиб иткитавергач, уни охири “А” синфдан “Б”
синфга сургун қилишибди. Миселсиз ўртанишлар йигитчани
тўсатдан шоирга айлантирибди-ю, умрида биринчи ва сўнг-
ги марта шеър тўкиб, уни мактаб кутубхонасининг столига
ўйиб ёзишга мажбур бўлибди:

Сени ишқинг мени тўпдек учиртирди,
“А” синфдан “Б” синфга кўчиртирди!

Мўсақўзи товукбокар уйдан усти бўз матода ёпилган
тунука тоғорани кўтариб чиқиб, яна шийпон сари йўналди.

Қорабека енгил тин олди. Юринглар, очқаб қолгандир-
сизлар, дея мушукчаларни ўзига эргаштираркан, ўтирилиб
бокиб, мени ҳам ўша ёкка имлади.

Қувноқ мушукчалар онасининг ортидан тизилиб, аскар-
лардек бир хил одимлаганча, жўрликда куйлаб боришарди:

Овқат еймиз,
Катта бўламиз.
Овқат емасак,
Латта бўламиз...

Уйнинг орқасига ўтиб қарасам, чойхонадаги паловхўр-
лар ишлатадиган, чети сал синиб, сирлари кўчиб кетган
катта сопол оштовокда товук қолдиклари айниган мош-
хўрдага аралашиб ётибди. Кўнглим озаётганини билдир-
масликка тиришиб, ўзларинг еяверинглар, мен тўқман, деб
бўйнимни қашлашга тутиндим.

Она-бола мушуклар эндигина тамаддиланишга кириш-
ганида, “Ош бўлсин, пих!” – деган товуш эшитилди; баста
менга бир яримта келадиган семиз малла барок шохи тар-
вакайлаган бангидувоналар орасидан олифтанамо қийпанг-
лаб чиқиб, ола кўзини косачада айланаётган сокқадек ғил-

диратди. Илгари кўрмаган бўлсам ҳам, унинг кимлигини тезда фахмлаб олдим – Пихпих Чандр! Зоти олифталари!

Она-бола мушуклар овқат чайнашдан тўхтаб, тошқотма шаклида туриб қолишди.

– Хуш кўрдик, Пихпих Чандр жаноблари! – деб илтифотланди, ниҳоят ўзига келган Қорабека. – Ҳақингизга текканимиз йўқ, бир четидан озгина татиб турувдик.

Ўғри мушук менга чакчайиб қараб қўйиб, бу иллоти ким бўлди, деб сўраган эди, Қорабеканинг тили тутилиб, бу... бу... Миттивой... шунчаки та... та... танишим, дея дудкланишга тушди.

Пихпих Чандр кўзларини ғазабли чакнатди:

– Бошқа кўримлироқ ҳайвон йитиб кетганмиди? Келиб-келиб, ит билан танишасанми, каллаварам?

– Бу – кучук-ку ҳали, Пихпих Чандр жаноблари.

– Пих! Эрта-индин барибир ит бўлади!

Пихпих Чандр сопол товоққа яқинлашиб, таомнинг у ер-бу ерини хидлаб кўрди. Сўнг, менга ҳадикли тикилиб, пих, ўзинг кетаверасанми, ё ачангни уйигача кузатиб қўяйми, деб ўкрайди.

Хиёл сескангандек бўлсам-да, саккизинчида ўқийдиганларгаям гапини бермай юрган мендек гажирни хуркитиш осон бўптими, деб ўйладим-у, Пихпих Чандрнинг кўзига тик бокдим; товуқхонадан хўроз ўғирлаб, Қорабеканиям балога қолдирганинг учун ўзингни арчиб қўймасимдан шиппагингни судра, дедим, ириллаб.

– Ўзинг ўғрисан! – деб бурун учирди Пихпих Чандр. – Юмдалашишга баҳона ахтараётган бўлсанг, юр, чеккароққа ўтайлик.

Сўлқиллаб одимлаётган Пихпих Чандрнинг ортидан чимлоққа чиқиб бораётганимда, жийдага кўниб турган жакки чумчук: “Чик-чик-чик! Ҳооой, бу ёкка келинлар, зўр мушт-мушт бошланади ҳозир!” – деб чириклай кетди. Ён-атрофдаги пахта пайкали, буғдойпоя, полиззор у ёқда турсин, узокдаги боғу узумзорларда юрган чумчуғу

тўрғайлар, майнаю гурраклар, мусичаю қалдирғочлар, қизилиштонуну попишаклар ҳам пирро-пир ёпирилиб келиб, жийданинг устини булутдек қоплади; теварак чигирткаю кўнғиз, қирқоёғу ўргимчак, бузокбошию қалтакесакка тўлди; арию капалаклар, пашшаю чивинлар галаси бошимиз узра тинимсиз айланишга тушди; ҳатто ўта интизомли чумолилар ишини буткул йиғиштириб, бўлажак олишувдан кўнгил узолмай, қизилмиялар шохиди ғужланди. Бўртиққўз қурбақа чирмовуқланиб ўсган оқпечакнинг салқинида талпайди. Чувалчанглар ер қавагидан бош тиккайтирди.

– Янаям берирак кел, акаси бўйидан, – деб мени мазахлади Пихпих Чандр. – Энди, тумшугингни буёққа тўғрилаб тур.

Шундай деди-ю, кутилмаганда, тумшугимга қалла солди. Орқага юмалаб йиқилиб, бирпас масовсираб қолдим. Эндигина тураётганимда, ҳавода кўндаланг учиб келиб, иккала оёғида кўкрагимга тепди. Яна чалпайиб йиқилдим.

– Ваҳ! Ўзимизнинг тепишдан қилди-ку! – деб чириллади бир чигиртка.

– Сакраши барибир меникидан суст, – деб писандсизланди қурбақа.

Учинчи ҳужум оч биқинимга тепки ейишим билан тугади, нафасим қисилиб, кўзимнинг олди қоронғилашди. Ингиллаб, ерга чўзилдим.

Атрофда турганларнинг бири менга жон тортиб, “ух-ух”лаб қўйса, бошқаси танг аҳволимга боқиб, кинояли ҳиринглади. Яқин орада бунақа ўсал бўлмаганидим.

Пихпих Чандр устимга келиб, ғолибона тиржайди:

– Пих! Шу ёғиям етар дейман, қилтанок полвон?

Қорабека сингари мушукчалар ҳам суробимга ачинқираб термилаетганини кўриб, ичимни булдурук босди.

Шу маҳал, боксчилигим бирдан эсимга тушиб қолди. Ҳо ишонинг, ҳо ишонманг, кузнинг ўрталарида мактабдаги бокс тўғарагига, бир кунмас, икки кунмас, роппа-роса уч кун қатнаганман. Агар, беаёв дўппослаётган тажрибали рақибимнинг қулоғидан тишлаб олганим учун мураббий

мени олдига солиб ҳайдамаганида, эринмай ўн-ўн беш кун катнашгаям тоқатим етган бўларди.

Ўшанда мураббий мени ўринсиз хафа қилди. Ўзингиз айтинг-чи, рақибининг кулогидан тишлаш америкалик Тайсонга мумкин-у, ўзбекистонлик Мўттивойга нега мумкин бўлмас экан? Америкаликнинг ўзбекдан нимаси ортиқ, тўртта кўзи борми?

Боксга уч кунгина борган бўлсам ҳам, энг кераклисини – мураббийимиз мақтаниб, буни ўзим ўйлаб топганман, деб айтган “учзарба” билан “бешзарба”ни ўрганиб улгурган эдим. Икковиям ниҳоятда олатасир усул!

Учзарбада рақибни олдин ўнг, кейин чап қўлда енгил-енгил нуқилаб, охирида ўнг қўл билан қаттиқ мушт тортилади – гуп-гуп, гупанг! Бешзарбада чапдан, ўнгдан, тагин чапдан хомаки урилиб, кетидан ўнг қўлда бошга, чап қўлда биқинга қаратиб аямасдан солинади – гуп-гуп-гуп, гупанг-гупанг!

Гавдам кичик бўлсаям, умрида бокс тўгарагини кўрмаган ўтри мушукдан ўлсам ўлигим ортиқ, деб хаволандим-у, баланд руҳда жойимдан кўтарилиб, иккала оёғимда тик турганча, кўшалок муштумимни жағимнинг остига тирадим. Ҳайвонлар ўртасидаги беллашувнинг бундай янгича услубини биринчи бор кўраётган томошабинлар даврасида ғала-ғовур бошланди.

Пихпих Чандр ҳам, аввалига, ғайриҳайвоний туришимдан сал ҳайратлангандек бўлди, сўнг, ваҳимали пихиллаб олиб, бор басти билан менга ташланди. Олдин учзарбани қўллаб кўрдим – гуп-гуп, гупанг! Гуп-гуп, гупанг!

Пихпих Чандр бир қалқиб кетди. Кўзлари ғилайланиб, бошини қаттиқ-қаттиқ силкитди.

– Биинир, иккии, ууч, тўўрт, беш...

Рақибим ҳушини йиғиб, қайтадан менга яқинлашди. Йўк, бу нокаут эмас, шунчаки нокдаун, деб қўйдим ичимда.

Пихпих Чандр кўзи консираган важоҳатда устимга отилди. Бу гал, кўрқишни хаёлимгаям келтирмай, энди бешзарбани кетма-кетлатиб ишга солдим – гуп-гуп-гуп, гу-

панг-гупанг! Гуп-гуп-гуп, гупанг-гупанг! Гуп-гуп-гуп, гупанг-гупанг! Гупанг!!!

Бир зумда масала хал бўлди-қолди – Пихлих Чандр гандираклаган асно, орқага иланг-биланг тисарилиб бориб, шилқ этиб йиқилди. Бош кўтаришга уриниши зое кетди. Теваракдан: “Ваҳ-ов! Бай-бай-бай!” – деган говушлар таралди. Чирмашкок окпечакнинг остида оғзи ланг очилиб турган курбақага қараб: “Ағдар, кабобинг куймасин!” – деб писандаладим.

Маҳалламизда шунақа хазил бор – кимдир анграйиб туриб қолса, бунақа узок анкайма, агар ҳозир кабоб пишираётган бўлсанг, куйдириб юборардинг, деган маънода шу қочиримни қўллашади. Қизик! Буни биринчи бўлиб ким топиб айтганикин?!

Ўзини сал ўнглаб олган Пихлих Чандр жағини ўнг-чапга қимирлатиб кўриб, аранг ўрнидан тургач, менга ўчли кўз қадаб, кўп гердайма, сен билан бўлак жойда гаплашамиз хали, деб тиш ғижирлатди; теваракдагиларга ҳам ола-кула аланглаб кўйиб, сассикқўмпалар орасида ғойиб бўлди.

Томошабинлар, буниси ирғишлаб, униси ғижинглаб, кий-чув кўтаришди; биридан бири ошириб-тошириб, мени мактай кетишди.

Жониворлар бозор-дўконда изғиб, емиш танлаб юрмайди, қўлига нима илинса, ўшани кавшайди. Шу боис, улар пул деган нарсанинг нималигиниям билмайди. Йўқса, бошимдан жарақ-жарақ пул сочишмасмиди шу топда!

Товламачининг хазинаси

Ишчиларнинг тушлигидан ортган товук суякларидан бир-иккитасини ғажиб кўрдим, меъдамга ботмади. Акиллаб Қорабекани чақирдим, мушукчалари билан етиб келди, иккита қутичадаги чапчап лукумни хаш-паш дегунча хомюти қилдик. Шундан кейин, у томондагилардан ҳам хабар

олиб кўяй деб, кун тиккадан ўтганида, қишлоққа қараб йўл солдим.

Опоғотамникига кирсам, чўққисоқол қўшниси билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, томорқадаги анорларнинг мева-си етилиб оғирлашишидан олдин, нозикроқ шохлар остига айри тияб юришибди. Опоғотам мени кўриб-ла, уйингни топиб келдингми, Миттивой, дея, уватга ёйиб қўйилган, устида чойнак-пиёла, нон, ширинликлар турган чорсидан битта печакқанд олиб, олдимга ташлади. Чапчап лукумга тенг келмасаям, буям бир ризк-да, деб таъми қотган нишол-дани эслатувчи оппоқ печакқандга тумшук югуртирдим.

— Хуллас, хотиним бориб, ўша тул кампир билан гапла-шиб кўрибди, — дея сўзини бўлинган жойидан давом эттир-ди чўққисоқол киши. — Йўлдош акани биламан, ҳалол-бо-сиқ одам, лекин эрга тегаман дейишга бетим чидайдими, болаларим эрмак қилишмайдими, деб кўнмабди кампир.

Опоғотам кадрдонига ройишли юзланиб, деди:

— Майли, ёзиқда борини кўрармиз, ўртоқ. Кампиринг ҳам менга хотин ахтаравериб, чарчаб кетди. Айтиб қўй, энди уринишини бас қилсин.

Анавини қаранг, опоғотам тушмагур янгитдан куёвтўра бўлиб, шойи чимилдиққа кирмоқчи шекилли? Олтмишдан ошган одамга никоҳ ўқиб, панд-насихат айтиб қўйиш учун, камида юзга борган муллани топиш керак бўлади-я.

Кўриб турибман, кампир масаласини ҳисобга олмаган-да, опоғотамнинг ишлари жойида. Бориб, бувимниям бир йўқлайин энди.

Кетаётиб, Алдар Холдорнинг дарвозаси олдида, кўк мотоциклдан ташқари, мошранг “Спарк” автомобили ҳам турганига кўзим тушди-ю, негадир, ичкарига назар ташлаб қўйгим келди. Темир дарвозанинг ўнг қанотидаги кия очик эшикчадан ўтсам, атиргуллар ортидаги столда Алдар Хол-дор кигиздўппили ковунбош киши билан аймоқлашиб ўти-рибди. Дастурхонда ҳеч вақо йўқ.

Сопол терилган йўлакдан юрмай, тўртбурчак майдончадаги гулларни паналаб, столга яқинроқ бордим. Стол ёнидаги каштан дарахтига суйканиб биқин қашлаётган жиккаккина ола мушук, қорамни илғабоқ, ўзини четга тортди.

Алдар Холдор теваракка сергак аланглаб, қани, нарсангизни бир кўрайлик-чи, деган эди, қовунбош киши, ташвишланманг, ҳаммаси асл мол, деб беастар чопонининг қўйнидан бахмал ёнчиғини олди, ичидаги сарик тангаларни, узук, балдоқ, ойқошлиқ, билакузук сингари йирқирок безакларни авайлаб столга тўкди. Алдар Холдор сарик тангалардан бирини оғзининг четига тикиб тишлаб кўргач, қайта жойига қўйиб, энди ёруғда камалакдек товланаётган шишасимон тошчани томоша қилишга тутинди.

– Олтинлар-ку хақиқийлиги билиниб турибди. Ғимм... Манави олмосларга кафалот борми?

– Ие, мендан бирор марта панд егандек гапирасиз-а, – деб қошини биланглатди қовунбош киши.

– Хўп, барига қанча сўрайсиз?

Тортишиб-тортишиб, савдони пиширишди. Алдар Холдор уйга кириб кетиб, пича ҳаяллаб қолди. Қайтиб чиқиб, ўзимизникига ўхшамаган пулларни битта-битта санай-санай, қовунбошнинг қўлига тутқазди.

– Тутумингизга доим беш кетаман, Холдор оға, у ёқдан пул топиб-ла, бу ёқдан дарров мени чакирасиз, – пулни чўнтакка солиб, ихчам соқолини бармоқда пардозлаган бўлди қовунбош киши. – Сиздақанги донолар аз-азал жуда танқис.

– Бу алғов-далғов дунёда қоғозга ишониб бўларканми, иним?

– Локигин, ортиқча камтарлик қилворасиз-да. Ҳеч бўлмаса, анави матасекилни йўқотиб, ўртачароқ бир машина олволинг.

– Ғимм... Чеккалаб топ, чеккага кўм, деган гап бежиз тўқилмаган. Ўзингни кўрсатишга берилдингми, теварингда зорикқанлар кўпаяди, қариндошлар пат-парингни юлишга уринади, катталарнинг таъмагирлиги ошади. Қо-

лаверса, мени фалон жойда чалиб кетгансан деб юрган тухматчилар йўқ хақини сўраб, тугалай ёпишволади.

Меҳмон шу жойнинг ўзида хайрлашиб, дарвозадан чиқиб кетганидан кейин, Алдар Холдор столдаги безакларни дастурхон-пастурхони билан йиғиштириб, уйга йўналди.

Писиб бориб, ўймачилар нақшлаб ясаган баланд-баланд устунли айвоннинг супасига сакраб чиқдим, секингина деразадан мўраладим. Алдар Холдор полдаги тукдор гилам устида турган пастак темир жавон қаршисида тиззалаб, эшигига ўрнатилган тилсимли ғилдиракчаларни айлантира бошлади. Шунга ўхшашини дадамнинг дипломатида кўрувдим – ғилдиракчалар айлангирилиб, тўртта катакдаги рақамлардан кераклилари териб чиқилса, қулф очилади.

Ана, қулф шик этиб, жавоннинг эшиги чертилди. Алдар Холдор бешикболишдан сал каттароқ чарм халтани ташқарига суғуриб, бўғзини очди-да, дастурхондаги ялтир-юлтирларнинг ҳаммасини унга тўкди.

Вой, алдоқчи-ей! Бу ёқда кўкча қовундек келадиган хазинани йиғиб қўйибди-ю, у ёқда ўзини камбағалликка солиб, хотиним билан қуруқ нон кавшаб ўтирибмиз, деб йиғламсирашига ўласанми!

Ола мушук мен томонга миёвлаб қарай-қарай, чарм халтани темир сандиқчага жойлаётган Алдар Холдорнинг оёғини нуқилай бошлади. Алдар Холдор, жим, Оламош, деб қўйиб, атрофга аланг-жалаңг кўз югуртираётганида, иш пачава бўлишидан чўчиб, айвондан тушибок, кўча тарафга ўрмаладим. Столнинг тагидан ўтаётганимда, дастурхонга ўроғлиқ катта тоғора кўтарган лавоқюз хотин дарвозадан кириб келаётгани кўринди, ўзимни яна гулларнинг панасига олишдан бўлак иложим қолмади.

Лавоқюз хотин шундоқкина ёнимга келиб тўхтади, кўлидаги тоғорани столга қўйди, стуллардан бирига ўтириб, рўмолчада елпинишга тушди. Уйдан Оламошни эргаштириб чиқиб келган Алдар Холдор, ха, тўй тугадими, деб сўраб, нариги стулга ялпайди.

– Э, тўйга бормай мен ўлай! – деб жавранди хотин. – Шарманда бўлдим, шарманда!

– Нима гап?

– Анави раисингизнинг хотини билан битта дастурхонда ўтириб қолувдик. Бир хангомани айтиб бериб, ҳамманинг ичагини уздирди. Мен десангиз, ер ёрилмади-ю, ерга кирмадим...

Уюшма раисининг тўйида хонадон бекаси казо-казоларга карашли аёлларни алоҳида уйда меҳмон қилаётиб, Алдар Холдор боя унинг кўлига чиройли картон қутини тантанавор тарзда тутқазгани, бу чапчап лукумни энг азиз меҳмонларга қўясиз, деб тайинлагани ёдига тушибди-ю, келинини чақириб, ўша тансиқ нарсани олиб келишни буюрибди. Картон қутини келтириб, дераза тоқчасида оча бошлаган келин бирданига: “Каламуууш!” – деб бақириб юборибди. Қути деразадан ағанаб, гиламга энг олдин каламуш шалоплаб тушибди, кейин – шувоқлар.

Буни эшитиб, Алдар Холдор талвасаланганича ўрнидан сапчилади:

– Биламааан, биламааан, бу ишни душманларим уюштирган! Изимдан пойлаб, пайимни қирқишга уринадиганлар кўпайиб кетяпти! Шунчалик кўпки, гимм... ҳозир бирортаси анави гулларнинг орасидан мўралаб турган бўлса, сира ҳайрон бўлмайман!

Юрагим така-пука уриб, баттардан бикиниб олдим.

– Айб ўзингизда! – деб дакки берди хотин. – Пул топиш экан деб, қанча-қанча одамни ип бойламай ўйнатганингиздан кейин, ғаним кўпаяди-да. Яхшиямки, укам амалдор. У қўллаб турмаса, сизни аллақачон еб ташлашарди. Идорада тарвайиб ўтириш тугул, одамларгаям қўшилолмай қолардингиз.

Алдар Холдор ҳам бўш келмади:

– Уканггаям, сенгаям жа осилволган жойим йўқ. Оиланинг аравасини эшакдек жиим тортиб келяпман. Ўрнимда бўлак одам бўлса, рўзғор таъвишларидан толиққа-

нини пеш қилиб, ке, хотин, узугинг ўзингда турсаям, тилло балдоғингни сотиб тирикчиликка ишлатайлик, демасмиди?

– Ёпишмаганингиз балдоғим қолувди ўзи!

Хотинининг қаҳри ловуллаб, тоғорани кўтарганича уй томонга йўналгач, Алдар Холдор ҳам ўзича гудранган куйи томорқага ўтиб кетди.

Оламош мен томонга хавотирли киялаган эди, унга ёмонлик истамаслигимни англатиш учун, самимий қиёфада қилпиллай бошладим. Мушук нима қилишини билмай, иккиланган алпозда туриб қолди.

– Кўркма, Оламош, шу пайтгача бировни бекорга хафа қилмаганман, – дедим паст товушда. – Росаям чиройли мушук экансан, ке, ўртоқ бўламиз.

– Ўртоқ бўлволиб, кейин нима қиламиз? – деб сўради мушук.

– Биргалашиб қувлашмачок ўйнаймиз. Соғинганда, бир-биримиздан хабар олиб турамиз.

Оламош анчадан бери ёлғизликдан зерикиб юрганми, бу уйдагилар мени ҳеч қаёққа чиқармайди, деб хўрсинган эди, ўша қилпанглашда ёнига бориб, унда, ўзим кептурарман, дея биқинига биқинимни қададим. Ишқаланишим унга ёқинқираб, унақа бўлса, майли, деб ҳалимдай юмшади.

Мана, дўстларим яна биттага ошди. Бадфеъллиги жаддидан нуқул душман орттириб яшашни Алдар Холдорга ўхшаш нусхаларга қўйиб бераверинг.

Дарвозадан чиқиб, айрим жойлари ўйдим-чукур бўлиб кетган, Калтўпининг қок ўртасидан кесиб ўтувчи кўҳна ўққўчанинг четида тўрт оёқлаб боравердим. Йўлнинг чапидаги ариқ ёқасида каторлашиб ўсган тиккомат тераклар шабадада бир хил тебраниб кўркам ракс тушаётганини ўнг ёқдаги карағайтан симёғочлар ҳаваси тошиб-тошиб кузатаётгандек, яшнок дарахтлик чоғларини эзгинланиб эслаётгандек эди. Ҳашарот овлашдан чарчаган қалдирғочлар электр симларига тизилиб, ким қаерларга боргани, нималарни кўргани тўғрисида бир-бирига гап бермай, бетўхтов

ғужурлашиб турарди. Қанийди, ариқда чилдираб-чилдираб оқаётган сувларнинг тилини ҳам тушуна олсам.

Икки ёқдаги паст-баланд уйларнинг мўрисидан кўтарилаётган тутуну буғлар димоғимга турли таомлар исини келтириб урар, шавлами лағмон, шўрвами кўғирмоч, чучварами мошкичири, аталами палов бўлмасин, қай бири қайси хонадонда пиширилаётганини адашмай ажратиб бораётгандим. Шундан билингки, итликнинг ўзига хос томонлари кўп.

Ҳакиллаб-ҳакиллаб, охири гузарга етиб келдим. Қарасам, Парпивой ошнам Момогул қандолатчидан сўргилдирик олиб турибди. Хўрозқанднинг шафтоли шарбати шимитилган янгича бу турини Момогул қандолатчи ўзи ўйлаб топган; уни буюртма билан ясашиб, устига “Сўргилдирик” деб ёзилган гулдор халтачага солиб сотади.

Ошнамга яқинлашиб, қалайсан, Парпивой, деган эдим, бўғзимдан одатдаги вак-ваклар таралди.

— Вой! Бу тўлпоққина кучук кимники? — деб, менга чараклаб бокди Момогул қандолатчи.

— Билмадим, — деди Парпивой.

Сўнг, мўлтиллаб қараётганимдан эриб кетдим, сўргилдирикнинг бир четини тишида синдириб, менга туфлади. Жонажон ўртоғимнинг сўлагиям дори, деб, ширинликни ўрнида шапиллатиб қўяколдим.

Кундузи кўпчилик у-бу юмуш билан банд бўлгани учун чойхона айвонидаги сўрида уч-тўрттагина одам пиёла ўғириб ўтирарди. Тўрига ёнбошлаб олган Тўлан-тўлпоқ, ҳа, Маҳай, чойхонага бурилмай, фирмайиб ўтиб кетяпсан, яна омадинг чопмадими дейман, деб мазахомуз гап отган эди, “Самурай”ини қўлтиқлаб олган Маҳай хўрозбоз азадордек тундланиб, каторасига иккинчи марта ютказди бу хумпар, уни бугуноқ димламага босаман, деганича, йўлида давом этди. Тил тушунмас “Самурай” умри бугун поёнига етишини хаёлигаям келтирмай, эгасининг қўлтиғида парвосиз бораётганини кўриб, жигарим тўкилгудек бўлди.

Ортга қайта бошлаган Парпивоининг шимидан тортиб тегишкоқлик қилишга шайланаётганимда, ёнгинамга бир бужмок маҳси келиб тўхтади. Тепага қарасам, шалвирок шим, қўшчўнтакли кител кийиб, бошига чўччайма дўппи қўндирган, эллик ёшлар чамасидаги ялпоқбурун кимса устимда суюкланиб турибди.

– Келинг, – деди Момогул қандолатчи. – Пашмаклар бор, ҳолвалар бор.

– Шартга-шурттасини айтсам, менга ўзингиз керак бўптирибсиз, Момогул биби, – деб чинғиллади ялпоқбурун. – Ўн йилчадан бери сўққабошман, саккиз танобли алоҳида ҳовлим бор, топар-тутарим ёмонмас. Олдингиздан бир ўтиб қўяй дедим. Зора, юлдузимиз бир-бирига тўғри келиб, қўшалокланиб кетсак.

Чойхона сўрисида гурунглашаётганлар туйқус жимиб қолишди; Тўлан-тўлпоқ кўлидаги пиёлани дастурхонга қўйди; Қирон кассоб қайроққа пичок ишқаганича дўконидан зоғланиб чиқиб келди; сартарош Барака-маракага қўшилиб, сочининг ярми кирилган Тошпўлат мерган ҳам деразадан ташқарига мўралади. Барчанинг кўзи Момогул қандолатчининг оғзига қадалди.

Ўттиз беш ёшларга бораётган Момогул қандолатчи – маҳалламиздаги биттаю битта қариқиз. Эр танлайвериб безор қилгани учун, ота-онаси унинг ишига аралашини йиғиштириб, қизимизга уйланаман деганлар ўзи билан гаплашаверсин, дея эшикни танбалаб олишганига анча бўлди. Шундан бери совчилар кўчадан келиб, кўчадан кетади. Бу одам совчиларнинг минг биринчиси бўлса, ажабмас.

Тошпўлат мерганнинг деразадан чиқиб турган совунли калласидаги оғиз қиттак тиржайиб, ялпоқбурунга сўзлана бошлади:

– Сизни танигандек бўляпман, меҳмон. Янглишмасам, шийдонтепалик Ғилмир-зикна деганлари ўзлари бўлсалар керак. Топдимми?

– Зикна деганлари – тухмат! – деб хурпайди совчи. – Худоёрхонларам молини сочса, менчалик сочгандир! Раҳ-

матли хотиним тирик бўлганида айтарди – макарон иссиққа саккизтагача вермишелни санаб бериб, маставага эллик ол-тита гуруч солдирардим. Агар ош қилса, гуручни аяб ўтирмай, шартта-шуртта уч юзтасини берворган пайтларим бўлган! Ҳа, бўйнимга оламан, бирда-бир исрофгарчилик ҳам киптурганмиз.

– Дунё дунё бўлиб, бунақа совурмачиликни ё кўрган, ё кўрмаган! – дея қикирлади Барака-марака.

Ғилмир-зиқна қикирлоқ сартарошга орқа ўгириб, Момогул қандолатчига хушомадли қараш қилди:

– Хўп десангиз, шартта-шуртта тўй қилиб, май-чай яшашни бошлардик.

Қирон қассоб пичоқ қайрашдан тўхтаб, “май-чай” деганингизни “бўккунча еймиз” деб фахмласак бўлаверадими, акахон, деб пичинг ташлаган эди, Ғилмир-зиқна қўлидаги чит халтага ишоралаб, худога минг шукурки, ейиш-ичишим жойида, мана, ҳозир ҳам бозордан оооламжаҳон харажат кўтариб келяпман, деб кўрсайди.

Момогул қандолатчи таъби суймаган совчини калака қилиб, ҳолвайтар ялагандек роҳатланишини ҳамма яхши билади. Бу гал ҳам шундай бўлди:

– Оооламжаҳонмиш! Халта жонивор бўм-бўшга ўхшаб турибди-ку, тоғагинам.

– Нимага бўм-бўш бўларкан? – деб халтани титқилашни, ичидаги баъзи нарсаларни кўз-кўзлаб кўрсатишни бошлади Ғилмир-зиқна. – Мана, ҳафталик егуликнинг ҳаммаси дусамбаланиб ётибди.

Тўлан-тўлпоқнинг лунжи ёйилди:

– Ҳех-ҳех-ҳе... Қани, қани!

– Манавиниси – битта кааатта пиёз! – мақтанишга тушди Ғилмир-зиқна.

– Ўўў!!! – деб тасанноланди Момогул қандолатчи.

– Нак тўрт дона редиска...

Бу сафар, Момогул қандолатчига қўшилиб, бошқалар ҳам тенгдан наъраланди:

- Ўўў!!!
- Учтача картишка...
- Ўўў!!!
- Яримта импўрний карам...
- Ўўў!!!
- Иккитадан ортик сабзи...
- Ўўў!!!
- Салкам юз эллик грамм гўшт...
- Ўўў!!!
- Йигирма беш грамм думба ёғи...
- Ўўў!!!
- Қолаверса, уйга саримсоқ-паримсоқ, кўкат-пўкатлар экиб кўйганман.
- Ўўў!!!
- Нима “ўўў”?! Битта жонга бундан ортиғи қоринни ёрвормайдими? Уйлансам, бошқа гап, харажатни шартта-шуртта икки барабар оширворишга қодир одамман!
- Ўўў!!! – наъра тортишда давом этди атрофдагилар.
- Момогул қандолатчи майнавозликни авж пардага кўтарди:
- Тежамкорликни билмайдиган одамга ўхшаяпсиз-ку, тоғагинам. Бир кишига етган нарса икки кишигаям бемалол етади.
- Ғилмир-зикнанинг кўзлари ҳаяжонли чакнади:
- Ва-ваҳ! Иқтисод бўйича прапессир бўпкетинг-е!
- Иложи бўлса, кўпайтириш ўрнига, хозиргисиниям сал қискартирган яхши.
- Ва-ваҳ! Нақ академик экансиз-ку! Шартта-шуртта тушундимки, сизни кўлдан чиқармаслигим керак, Момогул биби!
- Ўлдинг энди, Момогул! – деб қийкирокланди чойхоначи.
- Момогул қандолатчи эса, шаддодланишини кўймади:
- Зўрғалатдан ўзимбопини топганимда, унақа демай туринглар...
- Момогул қандолатчининг бу янглиғ сичқон-мушук ўйини ранго-ранг ҳангомалар билан тугашига олдинлари неч-

чи марта гувоҳ бўлганман. Томошанинг қаҳқаҳали якунини кутиб ўтирмай, уйимизга караб юрдим.

“Самурай”нинг қутқарилиши

Дарвозамиз ёпик экан, кучанганча итариб, зўрға очдим. Кўзойнагини йилтиратиб, ишком остига ёйилган шолчада тўшак қавиб ўтирган бувимга пича мўралаб тургач, унинг “чип-чип”лаб ҳайдашидан чўчидим-у, орқасидан секингина ўтиб бориб, томоркага кирдим. Биринчи ўринда оғилхонадан хабар олдим. Қўйларимиз дадам ғамлаб бериб кетган ем-хашакларни армонсиз кавшаётганини кўриб, кўнглим тинчиди.

Қарасам, кўшни ховлидаги ўрикнинг шохида “Самурай” ўйга чўмиб ўтирибди. Ҳей, бу ёкка ўт, гап бор, деган эдим, мен хўроз бўлсам, сен ит бўлсанг, ўртамизда қанақа гурунг бўлиши мумкин, деб ғўданглади. Жони қил устида тургани, шу топда гапимни эшитмаса, кейин аттанг қилишгайм улгуролмай қолишлигини айтганимдан сўнг, сал хушёр тортиб, девордан учиб ўтди. Патларининг баъзи жойлари титилиб, бўйни қон юқига беланганидан пайқадимки, енгилишдан олдин ўзини аямай жанг қилган.

– Ҳозирок уйдан қочишинг керак! – дедим гапни чўзиб ўтирмай. – Эганг бугун сени димламага босмоқчи.

– Нима-нима? Қанақа димлама? – деб хўшшайди “Самурай”.

– Қозонда пишириладиган димлама.

– Ийе! Ўйлаб гапирсанг-чи! Қайноқ қозонга солинсам, ўлиб қоламан-ку!

– Қанақа қовоқбош махлуқсан? Қозонга тушмасингдан илгариёқ, аллақачон ўлган бўласан, тентак!

– Унчалик илғолмадим. Ҳали қозонга тушмай туриб, қанақасига ўлишим мумкин? Оғзим борақан деб гапиравераркансан-да.

Одамлар “товуқбош” деган сўзни бекорга ишлатмас экан, уни қандай фожиа кутаётганини уқтиргунимча,

маҳаллани бир кезиб чикқулик вақтим кетди. Димлама нима эканлигини зўрга англаб етган бу пандавақиға ҳадемай одамга айланиб қолишим эҳтимоли борлигини, бунинг барча сабабларини тушунтириш осон эмаслигини билиб, бошқача йўсинда сўз қотдим:

– Қисқаси, мундок қиламиз, анави молхонанинг чордоғига чикиб, миқ этмасдан ёт. Эртага ё ўзим келаман, ё Мўттивой келади. Сени бошқа жойга олиб кетмасак, бўлмайди.

“Самурай”нинг бирдан кўзи олайди:

– Тунов куни мени камалакда отган Мўттини айтяпсанми? Димламадан ҳам хавфли бола у!

– Безовталанма, тайинлаб қўяман, сенга бошқа тегинмайди.

– Одамчасига гапиролмайсан-ку, қанақасига тайинлаб кўяркансан?

– У ёғи билан ишинг бўлмасин. Ғўрга кўшилган – ғўр, зўрга кўшилган – зўр, деган гап бор. Менга ўхшаган эси бутунларнинг айтганини индамай қилаверсанг, кам бўлмайсан...

Уйнинг ташқисидан йўғон-ингичка товушлар эшитилди. Ишора қилишим билан, “Самурай” ердан париллаб кўтарилиб, ўзини молхонанинг чордоғига урди. Томорқага бувимнинг ёнида кирган Қирон қассобнинг менга кўзи тушиб, ийе, боя гузарда ивирсиб юрган анави кучук сизникимиди, деб сўради. Бувим хайрон бўлиб, буни энди кўряпман, деди.

Қирон қассоб лўканглаб бориб, молхонанинг очик эшигидан қўйларга ютоқиб назар солгач, бувимнинг олдига қайтаётиб, тунов куни кўчқорингизни беш юмалокқа бермаган эдингиз, бешу чорактага кўнарсиз, деб дўранглади.

– Болаласа, совлиқлардан бирортасини сотсам сотарман, – деди бувим, бошидан сийлиқаётган рўмолини тўғрилаётиб. – Кўчқорни сотмаймиз деб айтувдим-ку, Қиронбой.

– Билиб турибман, нархини оширяпсиз, – сохта тиржайди Қирон қассоб. – Беш ярим юмалокқа розимисиз?

Оббо-о, тагин ўша гапми? Қирон қассоб бир ойчадан бери бувимни ҳол-жонига қўймай, шу қўчкорнинг куйиткисида юрибди. Шунақаям безбет бўладими одам? Сотилмайди дейилганидан кейин сотилмайди-да! Ҳадеб қистайверадими!

– Қўчкорни сотмайман, донинг кўпайгур.

– Э, кетса мендан кетибди! Майли, чоракам олти юма-лоқ берақолай.

Тўсатдан, бувимнинг ўжарлиги тутди:

– Олтитагаям, еттитагаям сотилмайди! Бошка гапим йўқ!

Азали полвоноғиз бўлган Қирон қассоб дабдурустдан кўполланди:

– Э, канака ношукур бандасиз? Кампир шўрлик ўзини сал ўнглаволсин, деб, ғамингизни еб юрибман-а. Қўлингиз пул кўрса, манавинақа тивити тўкилган камзир, гули ўнгиб кетган рўмолда юришдан кутуласиз, айдак одамбашара бўласиз. Яхшилиқни билмайдиган ғирт овсар экансиз-ку!

Ий, ий! Бувимни “овсар” девордими?! Ҳозирок кўрса-тиб қўймасамми унга!

Аччиқ устида итлигимни унутиб, ерда ётган ёнғокдек тошга чанг солдим-у, уни тирноқларимда маҳкам чангаллаб, қассобга қаратиб отдим. Тош қоқ каллага бориб тегди. Қирон қассоб жойида бир ирғишлаб олгач, аввалига, бош чангаллаган асно гандираклаб тебрланди, кейин олайиб ортга ўгирилди. Мендан шубҳаланишни хаёлигаям келтирмай, у ён-бу ёнга аланглади, ҳалпиллаб бориб, девордан қўшининикига бўйланди; қанисан ўзинг, мард бўлсанг, бекинмасдан бу ёққа чиқ, терингни шилволаман, деб ўшқира кетди.

Кўриб, тушуниб турибман – нимадандир фиғонинг ошганида, бировга бақирганинг сайин, кўнглинг ёзилиб бораверади. Айниқса, йўқ одамга дўк уриш янаям ўнғай.

Қирон қассоб, орқадан чил берувчи номардлар кўпайиб кетаётганини жаҳонга овозалай-овозалай нарилаб бораркан, бувим кўзимга диққатини жамлаб тикилди. Наҳотки, тошни

мен отганимни пайкаган бўлса? Йўғ-е, кўзойнаксиз ҳеч нимани тиник илғай олмаслигини биламан-ку.

Аҳволимнинг пачавалигидан хабардорсиз — қачон ит, қачон одам бўлиб қолишим, афсуски, ўзимга ҳам буткул қоронғи. Хайрият, этим бувим томоркадан чиқиб кетганидан кейин жимирлашни бошлади.

Хўроз билан зап вақтида гаплашволган эканман. Агар, одам киёфасига қайтишим унинг кўзи ўнгида содир бўлганида, қозонда қайнашдан асрандим деб суюнаётган “Самурай”, барибир, юраги ёрилиб ўлган бўларди.

Оёқ учида юриб бориб, ташқига кияласам, бувим қавиб бўлинган тўшакни кўтариб, уйга қараб қиряпти. Девор бўйлаб нарироққа югуриб ўтдим-да, худди кўчадан келаётгандек бўлиб ортимга кайтдим.

— Ассаломалайкўўм, буви! — деб куюқ салом бердим деразадан.

— Келдингми? — деди бувим. — Опоғотанг яхши юрибдими?

Учрашув маросими дўқ-сўрокларсиз ўтганидан бирам қувондимки!

Унча очқаганим йўқ, дейишимга қарамай, бувим угра иситиб келиб, қистай-қистай, охиригача ичдирди. Орада, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Овқатланиб бўлиб, коса билан қошиқни ҳовузча ёқасига тўкилган кулда ишқалаб ювдим, сўнг кўчага отландим.

— Ҳа, эшикдан кириб, тешикдан чиқиб кетяпсан? — деди бувим.

— Парпивойда бир ишим бориди. Зувиллаб кириб, зувиллаб чиқаман.

Кирсам, Парпивой компьютерга қадалволиб, математикага оид қандайдир масалаларни ечиб ўтирибди. Алгебра, физика, геометрияга ўхшаган асабтирна нарсаларнинг нима қизиғи бор, билмадим. Ундан кўра, телевизорнинг жамолига тикилиб, кино-пино кўргин эди. Ҳеч бўлмаса, китоб варақлаб, Гўрўғлиними, Кунтуғмишними пичира-пичирлаб ўқиб ётмайсанми, нодон?!

Зувиллаб кириб, зувиллаб чиқишим узоққа чўзилди. Парпивойнинг компьютерида “уруш-уруш” ўйнашга берилиб кетиб, уйга қош қорайганда қайтдим.

Яна овқатланишимга тўғри келди. Бувимга шерик бўлиб, телевизорда сериал ҳам кўрдим. Ўтган кузда бошланган бу кинонинг бир-иккита қисмига кўзим тушгандек бўлувди, қарасам, ўшанда бир жувонни севдимлаб қолган сузилмақош киши ҳалиям севганича шумшайиб юрибди. Ёқтириб қолдингми, оркасидан хунобланиб югуравермай, чойхоначимизнинг жиянига ўхшаб, бир ҳафта ўтмасданок шартта совчи юбор, яна икки ҳафтадан кейин уйлангин-қўйгин. Ўзингниям қийнамайсан, бошқаларниям.

Бувим жой солиб берди. Кўрпага кириб-ла, ухлаб қолибман.

Хуфтонда тўраланиб уйкуга кетган бўлсам, бомдоднинг ёришиб-ёришмаган тонгида қуймичимга тушган тепкидан хўрланиб уйғондим.

– Чип! – деб гадаблади бувим. – Ху, жунинг тўкилмагур! Итга кўрпада ўраниб ётишни ким қўйибди? Э, тур-э!!!

Уйқусирашда, ҳозир қай турхатдалигимниям англолмай, ийе, э йўқ, бе йўқ, одамни гупура-гуланг тепаверадими, деб жайбиллоланишим акиллашларга айланди-ю, бувим ҳайқиш билан орқага тисарилиб, дераза томонга овоз қилди:

– Ҳой, Мўттивой, сўфи азон чакирмасидан, қаёққа го-йиб бўлдинг? Кеча бир кучук томорқада тимирскиланиб юрувди. Энди, ана, кўрпангда тосрайиб ётибди. Келиб ҳайдамайсанми буни!

Шолча тагидаги калтак қўлга олинаётганида, зип-па эсимни йиғиб, ташқарига қочдим. Бувим ортимдан томорқагача қувиб кириб, тандирнинг олдида тўхтади; те-варакка аланглай-аланглай, кетма-кет Мўттивойлашни бошлади. Жавоб эшитилмагач, бу дайди бола, нонуштаям қилмасдан, яна опоготасиникига кетворган бўлса-я, деб гудранди. Бунақада на кулишингни биласан, на йиғлашингни.

Тепки еган бўлсам ҳам, уйқудан эрта турганим, кайта-га, кўл келди. Кўпчилик хали уйғонмаган. Қулай фурсатдан фойдаланиб, хўрозни тезроқ қутқариш керак.

Бир оздан кейин қарабсизки, “Самурай” бигизтирноқ оёқларини попиллатиб, кўчада изимдан югуриб кетяпти-да. Мачит олдида турган кишилардан бири кўлларини ёйиб, олдимизни тўсмоқчи бўлганида, мен чотнинг орасидан шувуллаб, хўроз бошнинг устидан пириллаб ўтиб, йўлимизда давом этдик.

Дала шийпониға кун тоғнинг чўққисига сакраганда етиб бордик. “Самурай”ни тўғри товукхонаға бошладим. Уч ёғи баланд симтўр билан ўралган, тўртинчи тарафи бинонинг иккита дарвозасимон эшигидан бириға бориб тақалувчи йўнғичқазор майдончада товукларни эрталабдан тушгача сайр қилдириб боқиш бу ерда азалдан кундалик одат тусига кирган экан. Тоза ҳавода юрмаган товук касалликка тез чалинарган, тухум туғишиям камайиб кетаркан.

Бориб, тўсик атрофини кўздан кечирсам, симтўр остидаги чимли ерларнинг ярим қулочча қисмида, негадир, майса ўсмабди. Бу жойдаги тупроқ казиб бўшатиладек туюлди. Тирнаб кўрсам, чинданам юмшоққина экан, болаларини етаклаб кўмакка келган Қорабека билан биргалашиб, осонгина туйнук очдик. Вакт зик бўлгани учун, “Самурай”ға мушукларни қисқача таништирдим-у, туйнукдан ўтиб, даровда товукларға аралашиб олишни буюрдим.

Сайрдаги хўрозлардан уч-тўрттаси симтўрға яқин келиб, янги бабоққа тажовузкор тикилганча, қақ-қақаглаб ерни тимталади:

– Қонюқи башара билан қаёқдан қочиб келяпсан, чувринди?

– Қорангни ўчир, хов!

– Ё биратўла ўлмоқчимисан?

“Самурай” заррачаям пинак бузмай, катта жанг кўрмаган бунақа чурвақалар менға чўт бўптими, дея туйнукдан ўтди-да: “Йууу! Ийяааа! Ийяааа!” – деб қичқирганича, рақибларини икки тепиб-бир чўқиб, кетма-кет ағдариб

ташлади. Кимнинг кимлиги бир зумда ойдинлашди. Калтак еганлар жимгина тарқалаётганида, чандиқюз “Самурай”дан кўз узолмай қолган товуклар орасида висир-висирлар бошланди.

– Ана Самурай-у, мана Самурай! – деб ҳайратланди Қорабека.

Тупроқларни оёғимда сура-сура, симтўр тагидаги туйнукни кўмиб кўнглим тўқлангач, текин нонушта илинжида шийпон сари жадал йўл олдим.

Тошотарлар ўрдаси

Шийпонга етиб боролмадим. Ҳандалак полизи ёқалаб кетаётганимда, йўл четидаги юлгунлар панасидан Пихпих Чандр чикиб келиб, кўзини кўзимга найзалатиб тўхтади. Унинг кетидан, гавдасини паҳлавончасига ларзанглатиб, Оқчопон пайдо бўлди; гўё мени кўрмаётгандек, бошқа тарафга аланглаб туриб, тумшуғини осмонлатган асно, сокин товушда хингиллади:

– Янги полвон чикибди деб эшитдик. Ким бўлсайкин ўзи? Ҳайт! Кучига жааа ишонворгандирки, бизга қарашли ухахонни тап тортмай савалагандир. Қизик! Қилар ишни қипқўйиб, қайси итузумнинг панасида ётибдийкин? Бу ёққа чиқса, турхатини бир кўриб кўярмидик...

Чақимчи Пихпих Чандр бир менга, бир Ҳимоячи ака-хонига караб олиб, ана, турибди-ку ўша муштумзўр, деган эди, Оқчопон ўзини ўғри мушукнинг гапини эшитмаганга, мени ҳануз кўрмаганга солиб, бирдан жаҳлдор киёфага кирди-ю, тутқаноғи тутган алпозда овозини варанглатди:

– Ҳайт! Ахлоқ қани?! Андиша қани?! Мендек зотни юз-хатир қилмай, яқинларимни пайпаслашга бир жайдари-ваччанинг қандай бети чидадийкин, ирррр! Оқчопон ҳазратлари оқсуяклар авлодидандирки, жунлариям олпоқдир деб ўйламадимикан ўша шўртумшук! Бу қандай тўпорилик бўлдики, ота томоним Хоразм бўрибосарига, она томоним

Андалузия тозисига бориб тақалишини билмаса? Ҳайт-ҳайт!

– Ўзимни айтсангиз-чи, ўзимни! – гапни илиб кетди Пихпих Чандр. – Мениям палагим Ҳиндистондан чўзилиб келган, пих! Чўнг боболаримдан бири ҳинд-инглиз урушида қатнашиб, босқинчи генералнинг оврўпалик мушугини гажиб қўйганакан!

Оқчопоннинг лунжи асабий титраб, яна оғзининг чоки сўжилди:

– Ҳайт! Олдимда мақтанма! Катта энанг Ҳиндистон туғул, Фарангистондан келганидаям, барибир мендан анча паст турасан! Мен кимман-у, сен кимсан! Ирррр!

– Кечирадилар-у, ўзингизга ортиқча бино қўйворяпсиз! – мен бу ёқда қолиб, ит билан мушук энди ўзаро насл-насаб талашишга ўтди. – Мениям ўзимга яраша обрўйим бор! Қирқта мушукка солиқ солиб, қирк жойдан улуш олиб туришимни биласиз, бу овқатларга кўпинча шерик бўлгансиз! Калтўпидаги биронта тўй менсиз ўтмайди, сиз тушингиздаям кўрмаган таомларни мен ўнгимда еганман! Мана, яқинда бўлган бир тўйни олайлик...

Пихпих Чандр шундай деди-ю, бир довруқли бойнинг тўйида бўлганини; қатор-қатор ҳайбатли уйлар қолиб, у томонидан бу томонига отда бориб келинадиган кенг ховли ҳам одамга лик тўлиб кетганини; бошдан-оёқ мрамор билан қопланган ташқидаги сон-саноксиз столлар устида, одатий нону чой, майизу туршак, шўрваю аччиқ-чучуқлардан ташқари, казию қарта, пишлоғу яхна гўшт, шоколаду асал, ананасу банан, мандарину киви, пистаю бодом, балиғу увилдирик, шишалари хилма-хил шарбату ношарбат ичимликлар тиқилиб ётганини; мантининг кетидан жигар-буйракли қовурма, дудланган товук, жиз кабоб, тандир барра тортилиб, охирида ош тарқатилганини, ютуна-ютуна, таърифлай кетди. Охирида, бағбақасини ишириб, якуний қисмга кўчди:

– Ризқим қўшилганакан, пих, манаман деган пулдорлар, катта-катта амалдорлар, таниқли-таниқли ашулачилар, кетворган-кетворган ўйинчилар билан тўйни бирга ўтказиб...

– Ҳайт-хайт! – шеригининг сўзини бўлди Окчопон. – Бировлар чала тупуриб ташлаган нарсаларни еб келиб, худди меҳмонларнинг ичида ўтиргандек гупура-сан-а! Яна ўзингни аслзодага солганингга ўлайми? Иррррр! Ҳақиқий оқсуяк бўлсанг, бир ўлаксахўр лайчадан калтак еб, менга арз қилармидинг?

Шаънимга нисбатан айтилган шилта ҳақоратни эшитиб, ўзимни босиб туролмадим.

– Ким ўлаксахўр?! – деб Окчопоннинг қаршисига отилдим. – Оғзингизга қараб гапиринг!

Окчопон бошини ўнгрокка буриб, чапдаги соғ кўзи билан менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди:

– Сенмидинг ўша лайча? Ҳайт!

– Ҳа, менман ўша! Нима дейсиз?!

Окчопон бир зум жимланиб, афтимга тийрак термилиб қолди:

– Негадир, кўзларинг таниниш... Кўзларинг таниниш...

Илгари айтганимдек, унинг ўнг кўзини мен кўр қилганман. Кимлигимни билиб қолмасайди, деб юрагим пўкиллади. Кўкқис юзага келган бу кўрқувдан ҳовурим кескин босилди-ю, мени биров билан адаштираётганга ўхшайсиз, сизни биринчи кўришим, дедим куёндек қунишиб.

Олдига отилиб чиққанимдаёқ, осонгина ён бериб қўядиганлардан эмаслигимни пайқаган, ҳозирги аҳволимга қараб, яхшиликча келишувдан ҳам умидворлигимни англаб етган Окчопон, хайриятки, пастроқ пардада суҳбатлашув йўлини танлади.

– Укахонимга билмасдан тегиниб қўювдингми? – деди у, кичкинтойни кичкинтойланиб авраётган кимсага дўниб. – Энди, кечирим сўрамоқчи бўптирибсанми? Дангал гапиравер, кучуквой, дангал гапир.

Босиқ муомалага яраша, мен ҳам мулойимландим:

– Ўзи товукхонага ўғриликка кирмаса, у билан нима ишим борида, Окчопон ҳазратлари? Бунини деб, айбсиз бир мушук тухматга қолди. Балки, менданам шубҳаланишгандир.

– Ўғирликка кирганимни ўз кўзинг билан кўрувдингми? – деб виғиллади Пихпих Чандр. – Айтдим-ку, қирк жойга солиқ солганман, деб. Еганим – олдимда, емаганим – кетимда бўлса-ю, пих, жонимни гаровга тикиб товук ўғирлайманми? Қаллангни ичида бирон нима борми ўзи?

Бу гапдан кейин сергак тортдим – Пихпих Чандр чинданам айбдор бўлмаса-чи?

Шу маҳал, қулоғимга Қорабеканинг товуши чалинди:

– Узоқдан қарасам, жанжаллашаётганга ўхшаб кўриндинглар. Тинчликми, Миттивой?

Пихпих Чандр баттардан тумтайди; болаларини эргаштирганича яқинлашаётган Қорабека томонга олайиб, ана, мени ўғрига чиқарганлардан яна биттаси жилпиллаб келяпти, деб заккумланди.

– Сизни ҳеч ким ўғрига чиқаргани йўқ, Пихпих Чандр жаноблари, – деди Қорабека, яқинроқда тўхталиб. – Ўша хўрозни сиз едингизмикан деб шунчаки шубҳаланувдик холос.

– Шунчаки шубҳаланувдик? – деб жириллади Пихпих Чандр. – Шунчаки шубҳадагиларни пахтасавар қилиш қачондан бери русумга кирди?

– Ҳайт! – ўғри мушукка кўзини ўйнатди Оқчопон. – Нукул гап талашасан! Ундан кўра, бу қорамағиз хонимга насл-насабимни айтиб таништирмайсанми, оқсуяклигимни билганидан кейин, менга букилиб-букилиб таъзимланмайдими!

Пихпих Чандр жаҳлини зўрға ичига ютиб, тузукрок тарбия кўрмагандирки, сиздек Оқчопон ҳазратларига салом бермагандир, деб пинғиллади. Қорабека андак одобсизликка йўл қўйганидан уялгандек, сал ўнғайсизланиб, сиполик билан бош эгди:

– Ассаломалайкум, Оқчопон ҳазратлари!

– Ваалайкум ассалом! – деб сузилди Оқчопон. – Балли, бўтам! Ҳайт!

Саёқликда кечаётган турмуш тарзининг тақозоси билан, Оқчопон ўзини ҳануз ботир, ўта тишлоғич кўрсатишга

урилиб келаётган эса-да, қартайгани сайин, ҳар хил можа-роларга тоқати камайиб, кўнгли юмшаб бораётгани кейин-ги гап-сўзларидан яққол сезилиб турарди. Шундан келиб чиқиб, ишни муроса кўчасига буришга тиришдим:

– Биз томонларга бир кепқолган эканлар, қолганини зиёфат устида гаплашсак қалай бўларкин, Оқчопон ҳазратлари?

Пихлих Чандр ўжарланиб, кунимиз сенга ўхшаган гўн-гяларга қоптими, дея ўшқиришни бошлаган эди, Оқчопон унга “Ҳайт!” деб қўйиб, менга дўстона кўз қадаганича, олдинги оёғини кулоғига тутди:

– А? Зиёфат деган сўзни ишлатгандек бўлдингми?

– Ҳа, зиёфат тап-тайёр турибди. Қани, бу ёққа юрсинлар.

Турганларни шоколадлар яшириб қўйилган жойга етаклаб бордим. Ўзимниям қўшиб санаганда, ўн бир жоннинг оғзи тўхтовсиз ишлай бошлагани учун, гулдор қоғоз кутичаларни олдинма-кетин йиртавердим, ноёб ширинликлар бирма-бир гойиб бўлаверди. Бундан пича олдин менга ўхшаган “гўн-гялар”нинг таомидан кўнгли айниб турган Пихлих Чандрнинг ҳам иштаҳаси тарновланиб, шунақанги ошалашга тушдики!

Э, суварак-сулла бўлмай кетгур-а!

Мушукчалардан бири гулдор кутичага ёникиб интилаётганида, Оқчопон унинг тумшугини аста нари туртиб, охирги чапчап лукумга баҳодирларча панжа урди. Уни ошқозонга жўнатиб бўлиб, яшноқ кайфиятда қорин силади:

– Ҳайт! Оламда шунақа лиқила-лиқил емишлар бора-кан-у, билмай юрганимизни қаранг!

Мана, чапчап лукумларниям урвоғини қолдирмай хапирагум қилдик. Тусмоллашимча, энди ҳамманинг калласи текис ишляпти. Ўз қорнингни тўйдириш ташвишлари мияни қайтадан айнитмай туриб, тўқликда умумий ишлар ҳақидаям бир кенгашволишга улгурган яхши.

Боя симтўрнинг остидаги билқиллоқ жойни кавлаётиб, биздан илгари бу ерни бўлак ҳайвон ҳам қазиб юмшатганга

ўхшайди, деган ўй кечганди бошимдан. Ҳозир эса, Қорабеканинг тунов кунги гапи эсимга тушиб, Пихпих Чандрга юзландим:

– Бир куни Қорабекага касалманд тулкини бўғизлаганингни айтган экансан, шу гап ростми?

Пихпих Чандр гўё бўйнига жинойий айблов қўйилаётгандек, сесканиб кетди.

– Тўғриси, ўшанда касал тулки ана ўлдим, мана ўлдимлаб ётган экан... пих, – юзи бўзарганича тушунтирув бера бошлади у. – Бўғизласамми, бўғизламасамми, деб турганимда, анавини кўрингки, ўз-ўзидан тинчиди-қолди.

Ўғри мушукнинг сўзини эшитиб, бундан чиқди, шу атрофда тулкининг уйи бор; эри ўлган бўлса хотини, хотини ўлган бўлса эри тирик, деган тўхтамга келдик. Бошқа ёқдан қарагандаям, ўзи кандик казиган жойни яна аввалгидек қилиб кўмиб қўйишга муғамбир тулкидан ўзга қайси жонзотнинг ақли етарди?

– Гап шу – тулки билан солишмасак бўлмайди! – дедим ўзимдан каттароклардан фикр сўрашни унутиб. – Индамасак, яна ўғрилиқ қилаверади. Кейин, Қорабека тугул, мениям, Пихпих Чандрдек зотниям боши тухматдан чикмай қолади.

Буни эшитган Оқчопон, қиттак саросималангандек бўлиб, менга ўхшаган оксуякларнинг қандайдир уруғи пачак тулки билан юмдалашиб юриши рисолага тўғри келадими, йўқми, буни бир суриштириб кўрган маъкул, деб дудмаланган эди, Пихпих Чандр зимдан қиялаб, бировдан оқ фотиҳа олишни ўйлаётган эканлар, демак, ўзларидан олийроқ зотлар ҳам бор экан-да, деди, қитмирланиб.

– Мабодо, шунақалар топилса, демокчи эдим, – иззатни бой бермасликка уринди Оқчопон. – Нима, мени сўқишмадан ҳайикяпти деб ўйлаяпсанми? Ирррр!

Оқчопон бежиз иккиланмаётган эди – агар, тулки билан олишишга тўғри келса, асосий оғирлик унинг елкасига тушиши аниқ-ку.

Жангда қўмондон бўлишга интиливум Оқчопоннинг ҳамиятига тегиши мумкинлигини билиб, унга эҳтиром билан сўз қотдим:

– Майли десангиз, аскарларингизни ўзим озгина машқ қилдирсам.

Розиликни олиб-ла, дарҳол ишга киришдим. Энг аввало, Қирон қассобга ишлатган усулимни қўллаб, катта-кичик мушукнинг барини тош отишга ўргатишим керак эди. Далада тош кам бўлгани учун, уларни Мўсақўзи товукбоқар уйига пойдевор ётқизганида ортиб қолган шағалнинг ёнига бошлаб бордим. Тошни тирноқлар орасида сиқиб ушлашни, қандай отишни уч-тўрт марта кўрсатиб берганимдан кейин, бу машғулоти ўйинқароқ мушукларга ёқиб қолиб, зувира-зувирни шунақанги кучайтириб юборишдики, вақтинчалик нишонга айлантирилган тўнканинг пўстлоқлари паққос арчилиб кетди. Аслзодалигини намоён қилаётгандек, четда гўдайиб турган Оқчопоннинг ҳам бирдан хаваси кўзиб, тош отишда қўмондонча ўрнак кўрсатиб қўйишга тутинди.

Тошотарлар ўрдасининг машғулоти кун тиккалаб қолганида тўхтади. Тўрт оёқли аскарлар уй ортидаги оштовокни қуршаб, ола мушукнинг ҳисобидан тушлик қилишга киришаётганида, ўзимни қорни оғриётганга солиб, ёлғондан ингиллай-ингиллай, ерга чўзилдим. Оштовок ишқорлаб ювилгандек топ-тоза тус олганида, машқларни кун қиялагунича давом эттиришни, ундан кейин юмалоқ-юмалоқ тошчаларни симтўрга яқин жойга кўпроқ ғамлаб қўйишни тайинлаб, аста жойимдан турдим.

– Ийе, ишни бошлашга бошлаб, энди қаёққа жўна-япсан? – деб тўрсайди Пихпих Чандр.

– Қорнимдаги оғрик зўрайиб борапти, – тагин ёлғондан афтимни буриштирдим. – Шийпонга бора-чи, эгам туришимни кўриб, балки, бирорта малҳам-палҳам берар. Агар, касалим кучайиб келолмай қолсам, четда индамай биқиниб ётинглар. Ҳеч бўлмаганда, тулки чиндан ҳам борми, йўқми, шуни билволишимиз керак. Бор бўлса, келади. Ана унда, хоҳласаларинг муштлашинглар, хоҳламасаларинг – йўқ.

– Бизга эс ўргатма, ҳайт! – деб кеккайди Оқчопон.

Пихпих Чандр эса, ўзича меҳрибонланган бўлди:

– Қорнинг тузалмагунча, ялоққа яқинлашмай тура тур. То бизга ўхшаган жонкуярларнинг боракан, ортган овқатинг-ни ачитиб қўймаймиз.

Шу маҳал калламда янги бир фикр айланиб, жанг қиладиган бўлсаларинг, шовқин кўтариб туринглар, товукбоқар эшитса, ёрдамга чиқади; шийпон тарафдагилардан ҳам бирортаси кепқолса, ажабмас, деб уқтирдим шерикларимга.

Жангдан қочиб ўлибманми? Туйқус яна одамга ўгирилиб қолишдан чўчиётгандим.

Бир ўлимдан қолган ошпаз

Оддий кучукликдан одамлик мансабига кўтарилишим шийпонга етмасимдан озгина олдинроқ юз берди.

Қозонхона томонга бориб қарасам, Ғулом ошпаз тушлик шўрвани чўмичда шопириш, Отакул тоғам ўчокқа тара-ша ташлаш билан банд экан. Ҳол-аҳвол сўрашиб улгурмасимдан, ўтин опкелишимни буюришди. Шийпоннинг нариги биқинига ўтиб, тахлаб қўйилган ўтинлардан бир қучоғини кўтариб қайтдим.

Гап дараклаган бўлиб, ҳў кўприк томонда мотоцикл кўринди, Холдорвойларинг келяпти шекилли, деганимни биламан, Ғулом ошпаз чўмични қозоннинг қирига қўйиб-ла, тоғамга эланишга тушди:

– Жон оғайни, шўрвани ўзинг пишириб турасан энди. Алдар Холдор мени суриштириб қолса, бугун ишга келолмади деб, бирон-бир важ тўқирсан.

– Тинчликми, Ғулом ака?

– Кеча кечкурун гузарда йўликиб, шийдонтепалик бир акахонимнинг юбилейи бор, даладагиларга тушликни пишириб берганингдан кейин ўша ёққа опкетаман, ошпазликни ўзинг қойиллатиб берасан, деганиди. Вақтим йўқ десам, мендек одамнинг бир иши тушибди-ю, таранг қилишингни қара, деб бабалашни бошлади. Бу туллакнинг ниятини билмасамакан, текин ошпазни етаклаб борса, тўя-нанинг ўрнига ўтади. Ҳех, топган малайини қара... Хуллас, мен йўкман!

Ғулом ошпаз қозонни тоғамга топшириб, лўкиллаб борганича, ҳовуздан наридаги кийтик ерга экилган маккалар орасида ғойиб бўлди.

Алдар Холдор кажавали мотоциклини пат-патлатиб келиб, толнинг остида орқага буриб тўхтатди. Бизга яқинлашаётиб, ҳорма, Отақул, деган эди, тоғам унга елка ўтирган асно шўрвани шопиришда давом этди. Отақул тоғамнинг у билан гаплашишга тоқати йўқлигини сезган Алдар Холдор менга қош кериб, Ғулом-чўмич кўринмайди, деб савол юмалатди.

– Ғулом тоға бугун ишга келолмади, – деб гапни қисқалатдим мен.

Алдар Холдор бир “ғимм” деб олиб, унда, уйига бо-рақолай, дея ортга қайрилаётганида; ошпазнинг хотини эри даладалигини айтса, иш чалкашиб кетишини ўйлаб, бориб овора бўлманг, Ғулом тоға касалхонага тушибди, дедим.

Шундан кейин, Алдар Холдорнинг сўроқлари ёмғир-ланаверди, жавоблар эса, оғзимдан кўзикоринлардек поти-ра-путур униб чиқаверди.

– Ғулом-чўмич кечагинаям гузарда гижинглаб турувди, қанақасига касалхонага тушаркан?

– Палакат оёқ остида, дейишади-ку. Палакатга йўлиққан одам касалхонада ётмай, сайлда юрсинми?

– Ғимм... Қанақа фалокат?

– Ғулом тоға эрталаб қараса, сандиқнинг тагидаги тах-тамушукка сичқон илиниб турганмиш. Шунини олмоқчи бўлганида, сандиқнинг чириган оёқчаси синиб, каптини эзиб кўйибди.

– Шунгаям касалхонами?

– У ёғиниям гапирсам, Ғулом тоға сичқоннинг ўлигини кўймоқчи бўлиб томорқага кирибди. Кирган захоти, тўхлидан сал кичикроқ африканча мушуги бало-қазодай зувиллаб келиб, кўкрагига гупаранг калла солганича сичқонни опқо-чибди. Шунда, ковурагаси лат ебди шекилли.

— Вой, боши пишмаган-ей, феъл-атворини яхши билмай туриб, импўртний ҳайвонни боқиб бўларканми? Айникса, ҳали у чеккасида, ҳали бу чеккасида ур-йикит бўптурадиган Африканикини! Ғимм... Лекин, бўлак томондан қаралса, қовурғаси қиттак захалансаям касалхонага ётволиш эр-какка ярашмайди.

— Агар, мушук қалла қўйганидан кейин, Ғулом тоға на-рироқдаги эшакка урилиб, қаттиқ тепки емаганида, балки касалхонага ётмасмиди...

— Бээ, шунга шунчами? Ўспиринлигимизда эшакдан кун ора тепки еб юрибам, бирон марта дўхтирга арз қилма-ганмиз.

— Тўғри айтялсиз, эшакнинг тепкисигаям чидаса бўлар-ди. Буни қарангки, эшак тепиб учирганида, ем кавшаб тур-ган буқанинг тоғорасига бориб йиқилибди. Масалан, па-ловни мўндалатиб ошалаётганимизда биров товоғимизнинг устига ётволса, аччиғимиз чиқармиди, чиқарди. Буқаям ўзини тутолмай қолиб, Ғулом тоғани шартта шохига илиб-ди-ю, мууу деганича дуволдан ошириб ирғитворибди.

— Э, биламан, пастаккина девори бор. Шугина жойдан ошиб тушиб, дарров кўрпа-тўшакка ёпишибдимиз?

— Шошманг-да энди, гапнинг охирига қараб келяп-миз-ку.

— Хўш?

— Айтишларича, шу маҳалда кўчадан бир трактор во-зиллаб ўтиб бораётганакан, дуволдан чирпиракланиб ту-шаётган Ғулом тоғани “Қаарс!” эткизиб уриб, йўлга ҳасип-дек чўзилтириб қўйибди! Бунисига нима дейсиз?

Алдар Холдор бунисига нима дейишни билмай, бир муддат каловланиб тургач, ғимм... мана шуниси сал чаток бўпти, деб, эзмалик қилишдан тийилди.

Бу латгачайнардан қандай қутулишни билмаётганимда, Раҳимбой фермер келиб қолди; Алдар Холдор билан кўри-шиб бўлиб-ла, жўнатган селитраларингиз қоғоздагидан анча кам-ку, деб ковок уйган чоғда, ошпаз мавзуси бутун-лай четга сурилганидан қувониб, кўнглим тинчланди.

– Биласан-ку, Раҳимбой, – деди Алдар Холдор. – Бу нарсa битта менга боғлиқмас.

– Нега боғлиқ бўлмас экан? – деб унга ўткир нигоҳ қадади Раҳимбой фермер. – Ижарага ер олган экинчиларга ўғитларни енг учида сотаётганингизни ҳамма билади. Ўша пуллар қаёққа кетяпти ўзи?

Алдар Холдор биз тарафга олазарак қараб кўйиб, Раҳимбой фермернинг елкасидан тортганича четга етаклади:

– Катталарнинг назаридан қолмай десанг, бу гапни қайтиб гапирма. Ғимм... Тан олиб айтсам, ўша ариқчалар охири қайси кўлга қўйилишини ўзимам билмайман.

– Буниси билан ишим йўқ. Ўғитнинг қолганиниям тезда жойига қўйинг. Экин тўймагунча, деҳқон тўймайди. Деҳқоннинг ризқини қийган одам охири бир балога йўлмай қолмаслигини кўп кўрганмиз...

– Тилимни қичитма, Раҳимбой, ўзинг ҳам жа оппоқ эмассан. Жамоа хўжаликлари тутатилаётганида, бош буғолтирлигингдан фойдаланиб, бўлиқ-бўлиқ ерларни эгаллаб олгансан.

– Энди мени кўрқитишга ўтдингизми? Бу ишлар умумийиғилишда ҳал қилинган, нимани беришса, шуни олганман...

Иккови биздан тобора узоклашаётгани боис, ади-бадиларнинг у ёғини эшитолмадим.

Алдар Холдор жўнаб кетгач, Ғулом ошпаз маккалар орасидан чиқиб келиб, ҳей, бола, мени ўлдига чиқариб қўяй дединг-ку, дея тиззасига шапатилаб-шапатилаб, хохолай кетди.

– Ҳа, Ғулом ака, бир ўлимдан қолдингиз! – деб қаҳқаҳ урди тоғам ҳам.

Тушлик тугаши биланок, дастурхондаги пичоқни олиб, толнинг ёнига бордим-да, ховузга осилиб турган шохларидан бирини кесдим, унга пиёзли қолнинг оғзидан ечилган капрон илни тортиб, камон ясашга тутиндим. Далада нима

кўп — ўрилиб, зовур ёқасига ёйиб қўйилган қамиш кўп. Улардан ўн бештача ўк-ёй тайёрладим.

Ишимни кузатиб турган Ғулом ошпаз, қарисларнинг қадимдаги урушлар тўғрисидаги киноларини кўравериб, болалар камон отишга ишқивоз бўпкетяпти, деган эди, бу сериалларни томоша қилган одам дунёда қарисга тенг келадиган камончи йўқ деб ўйласа керак, дея мийиғида жилмайди тоғам.

— Мундоқ сарасап солиб қарасанг, ҳар қайси миллатнинг чинданам битта зўр томони бўларкан-да, — ўзича доноланди Ғулом ошпаз.

— Масалан? — деб унинг оғзига тикилди тоғам.

Ғулом ошпаз бирдан қўбизсиз бахшига айланди:

— Мисол учун олсак, хинднинг табиби зўр, немиснинг муаллими зўр, арабнинг қориси зўр, голланднинг гулчиси зўр, хитойнинг сополчиси зўр, инглизнинг биржачиси зўр, бразилиянинг футболчиси зўр, ўриснинг қурулсози зўр, туркманнинг гиламчиси зўр, японнинг ихтирочиси зўр, бошқирднинг асалчиси зўр, мазангнинг ўйинчиси зўр, озарнинг машшоғи зўр, фарангнинг бичиқчиси зўр, ҳабашнинг овчиси зўр, лазгиннинг зангбози зўр, юноннинг ровийси зўр, форснинг зардўзи зўр, американинг банкири зўр, уйғурнинг ошпази зўр, испаннинг ҳўкизўйнатари зўр, туркнинг заргари зўр, яҳудийнинг савдогари зўр, козоқнинг чорвачиси зўр...

Отакул тоғам унинг сўзини кесиб, ўзбекники-чи, ўзбекники, деб сўраган эди, Ғулом ошпаз, буни олам билади-ку, ўзбекнинг деҳқони зўр-да, дея дабдабали боқиш қилди. Кейин, тоғам ҳануз индамай қараб турганини кўриб, қўшиб қўйди:

— Ўзбекнинг энг зўр томони битта шуми, деб ҳайрон бўлма, Отакул. Тўғри, ўзбек қирқ ҳунарнинг қирида юради. Аммо-лекин, ерчиликда бизникиларга ақл ўргатадигани менга кўрсат-чи. Айтайлик, ирландгами, шведгами далага ҳандалак экиб бериб, қолганини ўзинг пиширвол, деса, у ёғини эплай оларканми? Мана, ерчилик қонингда шовуллаб

турганакан, сен буни бир уринишдаёк қиёмига етказяпсан. Аввало-ку, одамларга шу аҳволда кўринишдан кўра очдан ўлганим яхши деб сатангланмай, посон кийимларингни чит чопонга алмаштиришдан ирганмаганингга балли. Худо сендай ётиқфеълларни мукофотламасдан қўймайди.

Бу сўзлардан тоғамнинг баҳри гуррос очилиб кетганини кўзларида ўзгача бир порпироклик акс эта бошлаганидан илғаб олиш кийин эмасди.

Бекор ўтириш жуда зерикарли, хатто, капор зарарли. Иш топилмаса, ҳеч бўлмаганда, арининг уясига чўп суқиб, уларнинг қувғинига учраганча, ҳак-ҳаклаб югураверган яхши. Отақул тоғам шийпон хоналари ичини тозалаб-не-тишга киришганида, мен ташқарини супуришга тутиндим. Кейин, биргалашиб, дераза ойналарини ювдик.

Ҳамма ёк саранжом-саришта бўлгач, ўтин тугаб бораётганини кўрган тоғам ойболтада ғўла ёришга тушди. Бунақа юмуш ҳозирча менга тўғри келмаслигини билиб, ўртачарок бир ғўлани нишонга айлантирдим-у, камон отишга берилдим. Қанча отган бўлсам, бирон мартаям мўлжалдан янглишмадим.

Ишонмаганлар ишиб ўлишдан кўрксин.

Тулкининг асир олиниши

Йирткичлар ярим кечадан олдин овга уннамаслигини эшитиб юрганим учун, Отақул тоғамнинг қотиб ухлашини ошиқмасдан пойлаб ётдим. Хурраклар баланд пардага кўтарилганида, секин ўрнимдан туриб ташқарига чикдим-у, ўкёйларни шимимнинг камарига қистириб, елкага камон осган асно товукхона томонга йўналдим.

Ўткиркулок мушукларга, айникса, ўқсанчар болани кўрган захоти шайтонлаб қолиши мумкин бўлган Оқчопонга ўзимни сездирмасликка тиришиб, зовур дўнги ортидан шарпасиз одимлаб бордим-да, товукбоқарнинг уйидан берирокда ғужғонланиб ўсган юлғинлар орасига чўзилдим. Ҳаво очик, ой тўлин бўлгани учун товукхона олдидаги



яланглик ҳам, ялангликнинг теварагига тортилган симтўрлар ҳам кундуздагидек яққол кўриниб турарди. Ўша ёқдан кўз узмай, ёнбошлаб ётавердим.

Ҳадеб бир жойга тикилаверишдан кўзим толиққанида, чалқанчасига узалиб, қовоқларимни юмдим. Уйку тортишига сал қолибди, вовуллок товушдан чўчиб тушиб, мундоқ қарасам, симтўрнинг бу ёғида Оқчопон ер таталаб тинимсиз ҳурияпти, у ёқда бир тулки товукхона деворидаги ёстикдек келадиган дарчанинг ярми синиқ панжарасига осилган тарзда жонҳалак жаланглаб турибди. Чиранчоклик билан жойимдан кўзгалдим.

Етиб бормасимданок, жанг бошланиб кетди. Ногаҳонда итнинг таъқибга йўлиққанидан васвасага тушган тулки

пастга сакраб, симтўрнинг ҳозиргина ўзи ўтиб келган жойига қараб югурди. Келиб, кандикка тумшук суккан заҳоти, умрида ҳеч учратмаган ажабтовур қаршиликка дучор бўлди-ю, шу асно, жанггоҳда бир хил манзара устма-уст такрорлана бошлади — тулки симтўр тагидаги кандикдан ташқарига чиқиб олишга кетма-кет уринаверди, бироқ, тўқкизта мушугу битта ит дўлдек ёғдираётган тошлар зарбига дош беролмай, чийиллоқлана-чийиллоқлана, қашқаланган бошини қайта-қайта ортга олиб қочаверди.

Югурокланиб борибоқ, камонимни ишга солдим. Шундоқ ҳам ҳоли танг бўлиб турган тулки, визиллаб учаётган ўқ-ёйлар баданининг беш-олти жойини жизиллатгач, узокрокка чекиниб, ўзини симтўрнинг бошқа жойларига уриб-уриб кўрди. Бунинг фойдаси йўқлигини билганидан кейин, андаккина қувват тўплаб олиш ниятида, ҳансирай-ҳансирай, бир муддат тек туриб қолди.

Шу пайт, сира қутилмаган ҳодиса юз берди — профессионал яккакурашчи ҳисобланмиш юлишқоқ “Самурай”, кўзини ойдинга озми-кўп мослаб ололган бўлса керак, панжараси синиқ дарчадан бургутдек учиб чиқиб, ҳали нафасини ростлаб улгурмаган тулкининг устига ташланди; унинг мажолсиз ҳамлаларига эпчиллик билан чап берган куйи, чўкила-тепкилани тобора кучайтираверди.

Баттардан талвасага тушган тулки, кўрқув қоплаган кўзларида ойнинг аксини йилтиратганича зувиллаб келиб, ўзини яна кандикка урди. Бошун танасига янгитдан ёғила бошлаган ўқ-ёйу тошлардан не чоғли азият чекаётган бўлмасин, бор чидамини ишга солиб, жон-жаҳди билан ташқарига отилди. Оқчопон бир сапчиб, тулкининг бўйнидан, тулки унинг оёғидан тишлади-ю, иккови томоғи йиртилгудек ириллай-ириллай, юмалаб-юмалаб олиша кетди.

Барчамиз қуролсизлангандек аҳволда довдираб қолдик. Тулкига отилган тош ёки ўқ-ёй бу умбалок-думбалокда Оқчопонга бориб тегиши ҳеч гап эмасди. Тош ушлаб олган мушуклар ҳаёт-мамот жангига киришган ит билан тулки-

нинг атрофида миёвлаб-лихиллаб айланар, ҳозир кучук кнѐфасида бўлмаганим сабабли, бу гал уларнинг нималар деб жувурлашаётганини тушунолмай тургандим. Кандикдан чикиб келган “Самурай”гина, тулкини тепиб-чўққилаб, итга анча-мунча кўмак бераётганди.

Ён-веримга аланглаб, таёқ қидира бошлаганимда, шовқиндан уйғониб кетган Мўсақўзи товукбоқар бирдан каторимизда пайдо бўлди. Вазиятни кўрганидаёқ, калласи тез ишлаб, балиқ тутишда фойдаланадиган тўрини ҳам олволган экан; тулки Окчопоннинг чангалидан чикиб, эндигина қочишга шайланганида, уни ҳавода ёйилтириб ирғитди. Тўрга ўралиб қолган тулки бир ваҳимали увлаб, бир чўзиқ ангиллаб, тўхтовсиз типирчилашга тушди.

Тонг ёриша бошлади. Бу орада Мўсақўзи товукбоқар Окчопоннинг тулки ғажиган оёғига қозонкуя босиб, латтада авайлаб боғлади; хотини эса, кеча ортиб қолган туптага нон тўғраб, жангчи ҳайвонларга зиёфат тортди. Кейин, “Самурай”га макка сочаётиб, бизда даканг хўроз йўк эди шекилли, бу қаёқдан кепқолди, деб эрига юзланди.

– Шуни ўзимам билолмай турибман, – деди Мўсақўзи товукбоқар, “Самурай”га диққат билан тикилиб. – Лекин, росаям уришқоқ экан.

Бека энди эрига дашном беришга ўтди:

– Ишнинг тагига етмасдан бурун, Қорабекага қанча зулм қилдингиз. Одам деганиям шунчалик ҳовлиқмачи бўладими?

– Вайсиनावермагин! Ҳовлиқмачиям бўлдимми ҳали?

– Ҳовлиқмачи бўлмасангиз, мушуклар тулкини тошбўрон қилди, деб мени ишонтиришга уринармидингиз?

– Ишонмасанг, ана, бориб қара, кандикнинг тевараги тошга тўлиб ётибди! Кўрганни эшитган енгибди деганлари шу-да! Сенам бир нима десанг-чи, Мўтгивой!

Бека мendan гап сўраб ўтирмади, калишини шалпиллатиб бориб, манави ер ютгур ҳам ўлмай турсин-чи, дея, оёқлари арконда чигиб боғланганича тандирнинг ёнида



пўкиллаб ётган тулкининг олдига бир коса сув, икки бўлак қотган нон кўйиб қўйди.

Хайвонлар сийлаб бўлингач, уйга кириб, ўзимиз ҳам чой ичишга тўгаракландик.

– Сен лик этиб қаёқдан етиб келақолдинг? – ҳамон пишиллаб ухлаётган кизчасининг устидаги адёлни тўғрилаётиб, менга савол ташлади Мўсақўзи товукбоқар.

– Уйқум қочиб, хирмонда айланиб юрувдим, – деб дарров гап топдим. – Итнинг вапира-вапини эшитиб, камонни олдим-у, шу ёққа югурдим.

– Ўзинг ҳам жуда урагон экансан-да, вей бола! Офарин дейиш керак!

Нонуштани тугатиб, ташқарига чиққанимизда, Оқчопоннинг ўнг кўзи кўрлиги етмаганидек, чап оёғи ҳам чўлок бўлиб қолганидан, ичим тирналди. Унга яқинлашаётиб, ўзимни меҳрибондек тутишга нечоғли интилмайин, мендан нукул жафо кўриб келган жабрдийданинг бадани безиллоқдан титраб, саросимали ириллади. Қопиб олишидан ҳадиксираётган бўлсам-да, барибир яхши ниятдан қайтмадим – Оқчопонжон, Оқчопонжон, дея эҳтиёткорона қўл чўзиб, елкасини енгил-енгил силай бошладим. Ит, аввалига, кўзимга синовчан тикилиб турди, кейин, хавфсирашдан тийилиб, думини ликиллатди. Ана, осонгина ярашиб олдик. Бундан кайфиятим очилиб, энди мушукчаларни қитиклаб-пийпалаб эркалата кетдим.

Шийпонга борсам, Отакул тоғам Ғулом ошпаз билан нонушта қилиб ўтирган экан, товук ўғирлашга келган тулки қўлга тушганини суюнчилашим биланок, дастурхоннинг четини нон-чойнинг устига тортиб, белул томошага ошиқишди. Оқ “Нексея”ни тол остига тўхтатиб, селкиллаганича машинадан тушган Раҳимбой фермер ҳам, янгиликни эшитиб-ла, уларга эргашди.

У ер-бу ери ситила бошлаган дастурхоннинг чеккасини очиб, ярим ҳовуч майизни оғзимга тикқач, томошаталаб-

ларнинг ортидан судралибгина йўлга тушдим. Бораётиб, эгим ғалати жимирлаётганини сездим.

Оббо-о, яна бошланди-ку!

Бундан бирпас олдин шийпонга одам шамойилида кетган бўлсам, энди товукхонага кучук шаклида қайтдим.

Келганлар асир олинган тулкини ғала-ғовурлаб томоша қилишга тутинди.

Раҳимбой фермер, бу тулкининг калласи намунача мўматалоқ бўпкегибди, деганини биледи, Мўсакул товукбоқарнинг шавки тошиб, мушуклар уни қандай тошбўрон қилгани тўғрисида жўшқинлана-жўшқинлана сўзлашга киришди.

– Э, одамларга кулки бўлмасангиз-чи! – деб эрининг тилини тийишга уринди хотин.

– Нимага кулки бўларканман? – чўччанглади товукбоқар. – Ким ишонмаса, ана, Мўттивойдан сўраб кўрсин! Ҳей, қаёқда қолди ўзи бу бола?

Мен бу пайтда ундан уч қадамгина наридаги ҳайвонларнинг орасида турган эдим.

– Қорин оғриғинг сал босилдими? – деб сўради Қорабека.

– Анча тузукман, – дедим, кулгим кистаб.

– Қийё-киёмат жангдан куруқ қолдинг-да, – деб ҳавасимни кўзишга уринди Пихпих Чандр. – Тулкини тошларда шунақаям саваладикки, оғзи “вой бувижон”лашдан бўшаймай қолди. Кейин, ҳалиги Мўттивой ҳам камони билан келиб, ёнимизда туриб берди, пих. Айникса, Оқчопон хазратларининг полвонларча олишувини кўрганингдайди!

Оқчопон ўзига хос тарзда камтаринланган бўлди:

– Очиғини гапирсам, ўша Мўттивойларинг боя менга етти букилиб елкамни силаганида, тулкининг жиғини эзиб қўйганимданам кўпроқ маза қилдим. Нодонроқ пайтида ўнгдаги кўзимни шу бола ишдан чиқарганиди. Эси қуюлгандирки, оқсуяклигимни сезиб қолиб, охири менга мурид бўлгандир. Ҳайт!

Ийе, “мурид” дегани нимаси яна? “Ўрток” деганимикин? Балки, “малай” деганидир?

То аниғини билиб олмагунимча муридликдан нарирокда турай деб, тулки томонга қараб юрдим. У десангиз, тундаги камончини танитай, мени аврашга тушди:

– Кечаси анавиларга қўшилмаганингдан кўриниб турибди, ўта олийжаноб зотсан. Жооон, укажоним, ке, оёғимдаги арқонни ғажиб, мени бўшатворгин. Аҳволимни сўрасанг, уйини сув босган, хотинсизликдан ўксиниб яшаётган бир ғариб тулкиман, ҳозир кўмаклашмасанг, кейин виждонинг қийналади, уйқунгда додлайдиган бўпқоласан...

Қанчалар бетасир бўлмасин, бу аҳволда азобланиб ўлмасайди, деб тулкига барибир ачиниб турувдим; хайриятки, стадионимизда томоша кўрсатаётган кўчма ажойибхонадагиларга Раҳимбой фермер телефон қилиб қўйган экан, кўп ўтмай, қафасли юк машинаси возиллаб етиб келди.

Бу дунёнинг ишлари чалқаш, ҳозиргача нима бўлганини-ку биламиз, аммо, кейин нима бўлишлигини аниқ айтолмаймиз. Мана, товукхўр йиртқичнинг эндиги тақдири-ни ҳар ким ўзича башоратлаб турганида, вазият қўққисдан ўзгариб, қисмат оқими кўпчиликнинг ҳаёлигаям келмаган ўзанга бурилди-ю, ажал панжасида жони сўлиб бораётган махлукқа ҳаётгина эмас, янги бошпана ҳам ҳадя этди.

Ўйлаб қаралса, шугина воқеанинг тағидаям бир олам тасодиф, бир олам сир яшириниб ётибди – агар, Калтўпи кишлоғи яралганидан бери, бу ерга биринчи марта кўчма ажойибхона келмаган; келганидаям, айнан шу кунларда томоша кўрсатиб турмаган; томоша кўрсатиб турганидаям, Раҳимбой фермер у ерга болаларини етаклаб бормаган; етаклаб борганидаям, ҳайвонбоқарлар бошлиғи билан танишиб қолмаган; танишиб қолганидаям, эҳтиёт шартдан бир-бирининг телефон рақамини ёзиб олмаган; ёзиб олганидаям, ўша одам тўсатдан фермернинг эсига тушмаган бўлса, тулкининг боши охири қаерга урилиб тўхтардийкин, буни ҳеч ким билмайди.

Тўғри, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бироқ, буни-си сиз билан менга асло боғлиқ эмас. Тулки учун, тирикчилик ташвишига кўмилиб бўлса-да, эркинликда яшаш яхшими ё тутқунликда тайёрини еб ётишми, буни солиштириб кўришни тулкининг ўзига қўйиб бераверайлик, ошналар.

Мени пулламокчи бўлишгани

Машинада келган жингаласоч киши хайдовчи йнгит билан биргаликда тулкини қафасга жойлаб қайтгач, шийпон олдида кутиб турган Раҳимбой фермер уларни дастурхонга таклиф қилди:

– Энди бир пиёла чой ичиб кетинглар, Қулкул Даведич. Шўрваям пишиб қолди.

Меҳмонлар осмакўвада қўл ювиб, шийпон айвонидаги тўшакка бориб ўтиришди. Дастурхон ёзилди. Чой, у-бу егулик келтирилди. Тушликка ҳали пича эрталигига қарамай, Раҳимбой фермер тоғамга юзланиб, бориб кара-чи, Отакул, шўрванинг ёғи ёйилган бўлса, қўйиб келавер, деди.

Тоғамга эргашиб шийпоннинг ортига ўтсам, Ғулом ошпаз овқатнинг олдини аллақачон ўзи татимлаб ўтирган экан. Тоғам уч коса шўрва буюрган захоти, чайналганича ўрнидан туриб, кезон тарафга юрди.

Қорним жуда оч эди. Ўчоқ бошидагилар ўз юмуши билан оворалигидан фойдаланиб, дастурхонга ҳужум уюштиришдан ўзимни тийиб туrolмадим. Тоғам икки коса шўрвани, Ғулом ошпаз бир қўлида овқат, бир қўлида қошиқларни кўтариб айвон томонга ўтиб кетиши биланок, олдиниға, ошпаздан қолган типлоқ нонни икки чайнаб бир ютдим, сўнг, шоша-пиша таомға ёпишдим.

Шу паллада: “Ҳей!” – деган кичкирик янгради. Чўчиб қарасам, Ғулом ошпаз мумдек қотиб, менга хангу манг тикилиб турибди. Унинг не боисдан ҳайкалланиб қолганини сал кечроқ англаб етдим – шошилишда итлигим эсимдан чиқиб, шўрвани қошиқда ичмокчи бўлиб турган эканман.

– Кет!!! Э, чип-э!!!

Ҳайкал ҳаракатга келиб, ердаги кўсовни қўлга олаётганида, чангалимдаги қошиқни ташлаб, ура қочдим.

Ғулом ошпаз ҳаддан ташқари эринмаган банда экан, шийпоннинг нариги биқинидан гир айлантириб ўтиб, мени хирмонгача қувиб чиқди. Шўрва ичаётган Раҳимбой фермер меҳмонларга хижолатомуз қараб қўйиб, ҳа, Ғулом ака, бу кучук ҳалиям қарзини тўламай юрибдими, деб аскияга олган эди, ошпаз югуришдан тўхтаб, яп-янги идишни макрух қилди бу чангтумшук, деди, фигони кўкка ўрлаб. Кейин, кўсовни ташлаб, ўтирганларга яқинлашаркан, ҳоббониланиб сўзлана кетди:

– Айтсам, ишонмайсизлар! Мундоқ қарасам, мендан қолган шўрвани қошиқда ичиб ўтирибди! Қошиқда-я!

– Мабодо, туш кўрмадингизми? – деб кулди Қулқул Даведивич.

– Ўлай агар... Сизларни алдаб нима қиламан?! – қасам ичаётган кепатада таъкидлади Ғулом ошпаз.

Тоғам менга зоғланиб кўз қадади:

– Бу Миттивойни далага бошлаб келганида, дадам ҳам ғалатирок бир гап айтганиди...

– Қанақа гап? – деб қизиксиранди Раҳимбой фермер.

– Овкатни еволиб, ялоғини ариқчада ўзи ювиб қўйди, дегандай бўлувди.

– Ёпирай! – деб ёқа ушлади ҳайдовчи йигит.

Қулқул Даведивич қўлидаги косани дастурхонга қўйиб, менга астойдил разм солди:

– Агарда, гапларинг чин бўлса, табиий инстинктдан ташқари, аклиям ўткир ривожланган ноёб кучуклардан бу! Хўп десаларинг, шаҳар циркида бир итўйнатар дўстим бор, буни ўшанга элтиб берай, синчиклаб синаб кўрсин.

Бу сўзни эшитиб, юрагим жикжиклай бошлаганда, тоғамнинг кескин қўл силтаб, э, бунақа гапни қўйсангиз-чи, Қулқул Даведивич, деганидан ичимдаги куртаклар қийғос гуллаб кетди.

– Қўйсангиз-чи, деманг, – деб, тоғамга қошини камалак-латди Қулкул Даведивич, – Кучугингиз имтихондан яхши ўтса, тузуккина пул ишлаб оласиз, биродар.

Отакул тоғам қўлини қайтадан силтади:

– Пулиям керакмас! Бу кучук отамники! Пул тугул, тил-логаям сотилмайди – гап тамом!

Тоғам савдонинг қавагига узил-кесил лой чаплаганидан шашти пасайган Қулкул Даведивич шўрва хўриллатишда давом этаркан, менга ора-сира тийрак назар ташлаб турди. Қизиқувини босолмадим, овқатни ярим-ёрти ичгач, дастурхондаги попуққандлардан бирини олиб қаддини тиклади.

– Ма, Миттивой, ма! – попуққандни баландлатиб шилдираганича тепамга келди у. – Қани, конфетга икки оёқлаб сакра-чи! Сакрайқол!

Қулкул Даведивичга бир караб қўйиб, ўзимни анқовликка солган турхатда гўлайиб ётавердим. Шундан кейин, унинг хафсаласи тугалай совиди, попуққандни олдимга итқитиб, яна жойига бориб ўтирди.

Боя айтганимдек, қорним жуда оч эди. Бир чидадим, икки чидадим, охири нафсим жикира-жикирлаб, попуққандни секингина олдимга сурдим.

Ширинликни яйраб сўраётиб, мундоқ қарасам, чой хўплаётган Қулкул Даведивич, менга зимдан қиялаганича, муғамбирона илжайиб турибди. Шунда, кетма-кет иккинчи бор хато қилганимни фаҳмладим. Қарангки, бу гал ҳам ит-лигимни унутибман-у, олдин попуққанднинг қоғозини арчиб ташлаб, кейин ейишни бошлабман.

Қулкул Даведивич ҳаммага бир-бир қўл чўзиб хайрлашаркан, тоғамнинг каптидан тутиб туриб, бу Миттивойингизда барибир нимадир бор, бояги таклифим тўғрисида ддангиз билан маслахатлашиб кўринг, тирикчиликнинг уят жойи йўқ, Отакулжон, деб алоҳида тайинлади. Тоғам индамади.

Меҳмонлар кетганидан кейин, Ғулом ошпаз тумшуғим теккан косани шўрваси билан кўтариб келиб, осмакўва устунининг ёнига қўйди:

– Ол энди, ўзинг харом қилган нарсани ўзинг е!

Отакул тоғам меҳмонларнинг косаси тагида қолган шўрваниям ялогимга келтириб қуйгач, йиғма таомни ўртанган сиёқда тановул қилишга киришдим. Бундан пай-пайларимга қувват ёйилаётганини ҳис этганим сайин, ҳатто, сербардош ажрик ҳам баъзан қовжираб қурий бошлашининг асосий сабаби озикқа ташналик эканлигини туб-тубигача тушуниб етавердим.

Тўйиб олганимдан кейин, қорнимни чирмандалаб ётарканман, оқсоқ Оқчопон билан Пихпих Чандр йўлдан ўтиб бораётганига кўзим тушиб, ўрнимдан турдим. Уларга кўприкдан бериюкда етболиб, қаёққа кетишаётганини суриштирдим.

– Бунақа гадейтопмас ерларда ивирсиб юриш хайбатимга путур етказди, – деб тумшуғини баландлатди Оқчопон. – Ўзимга муносиб жойга борганим маъқул. Ҳайт!

Пихпих Чандр ҳам ўзини салобатли кўрсатишга тиришиб, димоғида сўзланди:

– Пих! Бизда яна биронта ишинг бормиди, ақаси бўйидан?

– Табақаси юқори зотларга ишдан гапириб ўлибманми? – деб тилёғламачиликка ўтдим мен. – Мабодо ҳаддим сиғса, сизларга бир илтимосим бори.

– Бу илтимоснинг панасида бизгаям тегишли бирон-бир наф ётгандирки, бетинг чидаб гапирмоқчи бўптургандирсан, пих?

– Агар иш битса, куюк бир ўтиришни ташкиллаш бемалол қўлимдан келади.

– Ҳайт-ҳайт! Насабимга ҳаддан зиёд ярашадиган гап айтдинг, бўтам. Қани-қани, сўровингни эшитайлик-чи.

Тасодифан Алдар Холдорнинг ҳовлисида бўлиб, яширин хазинаси борлигидан хабар топганимдан буён, қан-

чадан-қанча одамнинг оғзидагини юлволиш эвазига катта бойлик орттириб келаётган, айникса, Отакул тоғамни жулдурчопонга айлантираёзган бу бутунютарга ўзимча жазо тайинлаб, миямда бир режани пишитиб юрувдим. Ҳозир шуни амалга оширишнинг айна фурсати келгандек туюлди.

Шерикларимни Алдар Холдорнинг уйи сари етаклаб борарканман, қилишимиз лозим бўлган ишни, умумий тарзда бўлса ҳам, йўл-йўлакай баёнлаб ўтдим. Ишнинг асосий томони Оламош ўз вазифасини уддалай олганми, йўкми, шунга боғлиқ бўлиб турганди.

Гап шундаки, ўша куни Оламош билан хушлашишдан олдин, миямда тўсатдан бир фикр балқиди. Мушукларнинг хотираси кучлилиги барчага аён, уни адаштириш учун юз чақирим жойга элтиб ташласангиз ҳам, уйини беҳато топиб келаверади. Шунини ҳисобга олиб, ҳовли деворининг қора бўёқ тортилган остки қисмига тирноғимда ўнга катакча чиздим-у, ҳар бирига нолдан тўққизгача бўлган рақамларни алоҳида-алоҳида ёзиб чиқдим.

— Жон Оламош, олдин девордаги манави рақамлар... хмм... расмларни яхшилаб ёдлаб олишга урин, — деб ялиндим мушукка ўша куни. — Кейин, эганг темир жавондаги шунақа расмларни тераётганда, ёнига бориб, кунт билан қараб тур, олдин қай бирини терди, кейин қайсиларини, ҳаммасини эсингда сақлаб қол. Менга чин юракдан ўртоқ бўлмоқчимисан, ёки шунчакими, мана шу ўтинчимни қандай ўринлатишингдан билинади. Уқдингми?

— Уқдим. Бунинг нимаси қийинакан?

Ҳозир шулар ҳақида ўйлаб келиб, Алдар Холдорнинг дарвозасидан берирокда тўхтадим-да, шерикларимга шу ерда туриб туришни тайинлаб, яна олдинга юрдим. Бориб, темир дарвозанинг ўнг канотидаги эшикчани секингина қиялатдим. Қарасам, ҳовлида ҳеч ким йўқ, бека томорқадаги тандирга нон ёпиб турибди. Паст товушда сал ангиллаганим заҳоти, сопол йўлакда ўзини қуёшга солиб ётган Оламош шошиб бошини кўтарди, мени кўриб, пизиллаб олдимга келди.

– Қанақа расмлар борлигини билволдингми? – деб сўрадим, салом-аликниям унутиб.

– Билволдим.

– Ҳаммаси эсингдами?

– Эсимда бўлганда қандок? Эгам неччи марта уйга келса, хотинига билдирмай, жавонни бир очиб кўради. Халтачани олиб, кўкрагига босади. Роҳатдан тебраниб, кўзлари юмилади. Ўша расмларингни ҳар сафар кўравериб, тушимдаям айтиб берадиган бўпкетдим.

Пихпих Чандрни ёнимга имладим, учаламиз ҳовлига кириб, деворнинг рақамли катакчалар чизилган жойига бордик. Оламош заррача қийналмасдан, биринчиси манави, иккинчиси манави, учинчиси манави, тўртинчиси манави, деб керакли сонларни олдинма-кетин кўрсатишга тушди. Демак, тилсимланган рақамлар – бир, тўққиз, тўрт, етти.

Бу – ишнинг ярми битди дегани эди. Қолган ярмининг қийин томонлари кўпроқ, чуқур ўйлаб, ҳар бир ҳаракатнинг бор икир-чикирини биттама-битта белгилаб чиқиш керак бўлади.

Маслаҳатлашиб-маслаҳатлашиб, охири бир тўхтамга келдик: барча ишлар ярим кечадан кейин бошлади; ичкаридаги Оламош зарур рақамларни териб, темир жавончани очади; Пихпих Чандр деразанинг доим қия турадиган елтуйнугидан ўтиб, духоба пардага осилган тарзда пастга тушгач, жавондан олинган халтани тишлаганича, худди ўша йўл билан ортга қайтади. Кейин, халтани девор остидаги сув туйнугидан кўчагача судраб чикса бўлгани, уни ташқарида кутиб ётган Окчопон ўлжани елкага ўнгариб, келишилган манзилга жўнайди.

– Пих! Ўша халтанинг сенга нима кераги бор ўзи? – деб сўраб қолди Пихпих Чандр. – Ё ичи тўла чапчап лукумми?

Калламда бирдан жўяли жавоб чақнаб, ўзимга ўзим таҳсин ёғдиргим келди:

– Халтада жудаям ноёб дори бор, палакларнинг тагига оозгина сепилса бас, ҳандалакнинг сапчаси кўпаяди. Бу

ярамас одам эгамнинг ўшандака дорисини ўмариб кетиб, бировларга сотиш учун жавонига яшириб юрибди. Ўғирлатган нарсасини ўзига қайтариб, эгамга яхшилик қилмоқчиман.

– Бировга тегишли дорини эплаштирган бўлса, таги паст одам экан, – деди Оқчопон. – Бунақаларнинг адабини бериш оксуяклар удумига ғоятда мос тушади, бўтам. Ҳайт!

Хазинани қаерга беркитишнIAM олдиндан ўйлаб турувдим. Уни шийпон якинидаги полизга элтиб, тоғам осонгина топиб олиши учун, ҳандалак палаклари остига тикиб кўйишдан кулайроғи бораканми?

– Халтани полизга яшириб бўлиб, мени товукхона томонда кутиб ётинглар, – дедим шерикларимга. – Зиёфатни ўша ерга олиб бораман.

Ваъда қилинаётган зиёфатнинг қандай ноз-неъматлардан иборат бўлишлигини ҳозирча ўзим ҳам билмасдим. Одамга айланган чоғим бувимгами, опоғотамгами мунғайганча суйканиб, синфимиздаги бир қалин ошнам туғилган кунига айтувди, яхшироқ совға олиб бормасам уятга қоламан, деб чўнтакка юқадиянроқ пул ундирволсам – марра меники, базмнинг кўлами маблағнинг салмоғига қараб ё ундоғроқ бўлади, ё мундоғроқ.

Аслида-ку, ёмон нарса мундоғроқ, яхши нарса ундоғроқ бўлганига нима етсин?!

Товук ҳақида кўшиқ

Тўсатдан одамга айлангунимга қадар назардан четроқда юргим келиб уйимизга бордим-у, тағ-зоти тайинсиз кучукнинг эшикдан яна қийпанглаб киришига жа кўзи учиб турмагандир-ов, деб бувимга ҳам кўриниш бермадим. Кеча уйкум чала бўлгани учун, молхона бурчагидаги паркувсимон хашак ғарамига ётибоқ, мизғиб қолибман. Гўнгнинг сассиғидан димоғим ёрилгудек алпозда уйғониб қарасам, бош томоним хашакка чўкиб, пушти кросовкали оёқларим тепамда айриланиб турибди.

Қизик! Аллақачон одамлик тусини олганимга карамай, осмонга тикилиб, чўзиқ-чўзиқ вовуллагим келаётганди.

Тагин ўша кўз очиб кўрган ишларимга уннадим – иш-ком остидаги кўрада юз-қўлимни ювдим, артиндим; бармоқларимни оғзимга бир теккизиб, ошхонада уймаланаётган бувимга учирма ўпич йўлладим; уйга кирдим, исланиб кетган ички кийимларимни алмаштирдим; дадам билан аямнинг девордаги суратига ичикиб-ичикиб тикилдим; хон-тахта қаршисига чўккаладим, товоқчадаги гилосни олдимга суриб, бир зумда данакка айлантирдим; қайтадан ташқарида пайдо бўлдим; сопи чикиб ётган тешани тузатиб, айвоннинг тоқчасига қўйдим; тунда бурун қитиклаб юришини яширмоқчидек, ҳозир тоқча четида киборларча тавозеланиб турган лўттибоз пашшани дўппимда бир уриб ялпайтирдим; томорқага ўтдим, кетмонни олдим, саримсоқпиёзларга сув очдим; қийшиқ мистогорани топдим, ичига сомон солиб, устига кунжара уқаладим, уларни намлаб аралаштириб, қўйларга ем қоришни бошладим...

Қуёш ботди. Кечки овқатни бувим билан бирга қилдим. Кейин Парпивой ошнамникига югурдим.

Хатто, Орол денгизини қуритворса бўларкан-у, инсонни ўзгартириб бўлмас экан. Кирсам, хануз ўша аҳвол – Парпивой худди ўн марза сабзи қазиган одамдек терлаб-пишганича, компьютердаги математик жумбоқларнинг тугунини ечиб ўтирибди. Шартта елкасидан гижимлаб, ҳей, пашмак-соч, бошинг ёрилиб кетмасин тагин, деб кўчага судрадим.

Гузар томонга бораётиб, мундок қарасам, Оқчопон билан Пихпих Чандр ушбу тундаги қалтис юмушни бажаришга куч тўплаб, ёлламачини кутаётган мардикорлардек арик ёқасида ёнбошлаб ётишибди.

– Уйга кириб, бирон егулик опчиксанг-чи, – дедим Парпивойга. – Манави бечоралар жуда очга ўхшайди.

Парпивой илжайиб кесатди:

– Бу итни ўзинг кўр килувдинг шекилли? Энди унга жа акажонлаб қолибсан?

– Янги гуноҳ килишдан олдин эскиларини ювиб туриш керак, – деб чала фаришталандим. – Бор, тузукроқ нарсалардан опчик.

Парпивой уйга кириб, уч-тўрт бўлак қотган-қутган нон, беш-олтита пўпаланглаган вафли, намиқиб сарғишланган оққандларни қоғозга солиб чиқди. Ўрамни унинг қўлидан олиб, ичидагиларни итлигимдаги қадрдонларимнинг олдига тўкдим:

– Олинглар, азаматларим, бу – хамир учидан патир.

Даладаги силаб-сийпалашларимдан сўнг мендан хуркимай қолган Оқчопон емишга биринчи бўлиб тумшук урди. Кейин насаби ундан пастроқ бўлган Пихпих Чандрнинг гали келди.

Ҳеч ким йўклигидан фойдаланиб, Парпивой иккаламиз мачитнинг ховузида роса акула-акула бўлиб сузгиландик. Кечкурунги чўмилишнинг иккита яхши томони бор: биринчиси – кун бўйи юккан чанг-чунглардан терингни тозалайсан, иккинчиси – сув этингни шалпайтириб, қор тагидаги айикдек мик этмай ухлайсан.

Тунда кўрпага ётаётиб, эрталаб яна тепки ейишим эҳтимоли борлигидан чўчиган асно, бувимга безиллаб-безиллаб қараб қўйгандим. Хайрият, тонгда одамлигимча уйғониб, ҳозиргина қозондан чиққан кўкатли чалпакни қаймоққа ботира-ботира, одамдек нонушта қилдим.

Қорним тўйгач, бабалаётган қўйларга хашак ташлаб қўйиб, гузарга чиқдим. Тўрт оёқли дўстларимни сийлаш мақсадида бувимни ийдириб ундирган пулимдан озгинасини сарфлаб, сўргилдириқ олиб сўришга тутинарканман, агар шерикларим ишни уддалаган бўлса, янги шов-шув маҳалламизга ҳам етиб келишидан умидворланиб, шу ерда ивирсиб туравердим.

– Кўринмайроқ қолганингдан хайрон бўлиб, кеча бувингдан сўрасам, тоғаси билан далада юришни ўрганволди, деди. Ўзи, даланинг нимаси ёқиб қолди сенга?

Момогул қандолатчи бекорчиликдан зерикиб, мени гапга сола бошлагани қўл келди, ёнига ўтиб, узун тахтакурсининг бир четига ўтирдим.

– Даланинг текин хандалаги ёкиб қолди.

– Ҳа-а, гап бу ёқда экан-да? Ҳей бола, унда-бунда бизга-ям илиниб тургин.

– Иливардим-у, хандалакни мен экмаганман-да.

– Э-э, ўзимниям бўйним қисик дегин?

Кутган ишим бўлди – Барака-марака қўшни маҳалладан соқол олдиришга келган буқоқ киши билан бирга сартарошхонадан чикиб, чойхона сўрисида ўтирганларга қарата гажакдор сўз қотди:

– Янги гапга тобларинг қалай?

– Янги гап биринчи бўлиб ё сартарошга, ё чойхоначига етиб келади-да, – деб мутойиба қилди Тошпўлат мерган. – Гапираверсинлар.

– Алдар Холдор эсидан оғтанмиш!

– Йўғ-е! – шошганича дўконидан чикиб келди Қирон қассоб. – Бунимдан эшитдинг?

– Мана, ўз кўзи билан кўрган одам ёнимда турибди, – деб буқоқни кўрсатди сартарош.

Ҳамма тенгдан буқоққа юзланди.

– Бу ёққа келаётиб қарасам, Алдар Холдор кўчадаги қайрағочнинг устига чиқволиб, ҳамманг ўғрисан, ҳаммангни йўкотаман, деганича қушларнинг инини бузаяпти, – пинғиллоқ товушда сўз бошлади буқоқ. – Ана энди кўрсангиз – қайрағочнинг тагида қўни-қўшни тўпланган, Алдар Холдорнинг хотини ўзини ҳар томонга уриб, сизга нима бўлди, дадаси, йикилиб ўласиз, тушинг, деб уввос солган...

Қўшнилардан бири уйидан шоти олиб чиққач, уч-тўртта эркак бир бўлиб, Алдар Холдорни қайрағочдан зўрға юлқилаб туширишибди. У, оёғи ерга тегиши биланок, биламан, баринг туғма томтешарсан, шунийчун ўғри қушларнинг ёнини оляпсан, деб, энди атрофдагиларга мушт ўйната кетибди. Сўнг, туйқус жимланиб, тевааракка илжайиб аланглабди; ердан чўп олиб, хих-хих-хи, булар – уюшган талончилар, дея чумолилларнинг уйини буза бошлабди.

– Худойим шунақа кўргиликлардан асрасин, – деб хўрсиниб кўйди Момогул қандолатчи.

Тўлан-тўлпок гапнинг таг-тагигача етишга ошиқиб, буқокни сўрига ўтказди; кўлига бир пиёла чой тутқазиб, хўш, кейин нима бўлди, деб сўради.

– Кейин, қандайдир товукка бағишлаб, тўсатдан ашула айтворди, ўзининг ашуласига ўзи ўйин тушганича уйга қараб йўрғалади, – деб чойдан хўплади буқоқ. – Хотинидан гап сўрасак, ўзимам ҳеч нимани англолмай турибман, деди.

Хотини нонушта тайёрлашга уринаётганида, Алдар Холдор ўз хонасига кириб кетиб, анча вақтгача қайтиб чиқмабди. Дастурхонни тузаб бўлган бека уни чақирмоқчи бўлиб, хонага бош суқса, эри гиламга чўккалаган тарзда бир нуқтага тикилганича, козиқдек кокилиб ўтирганмиш. Юринг, нонушта килволинг, деб дастурхонга чақирсаям, килт этиб кўймабди. Беканинг юраги шувуллаб, ичкарироққа ўтиб борибди-да, ҳой, бу нима туриш бўлди, дадаси, деб унинг елкасига туртибди. Алдар Холдор бир сесканиб олиб, музга айланган кўзлари билан бу сафар хотинига узок тикилиб қолибди; унга бармоғини бигизлаб, э, кунинг қашқарбалдокка қолмай ўл-а, дебди-ю, бирдан қаҳқаҳлаб юборибди.

– Менимча, бу ҳаромчайнар охири тангрининг қаҳрига учради, – деб янада баландроқ пинғиллади буқоқ. – Кўп одамни куйдирган-да!

Муюлишдан тандир юкланган арава чиқиб келди. Чойхонага яқинлашганда, эшак таққа тўхтаб, эгасининг қамчилашига заррача парво қилмасдан, безланиб тураверди.

– Ийе, яна хўппайиб олдимдан чиқдингми? – деб мен тарафга оғзидан дағдаға уфуртирди Сангин тандирчи. – Мана, Ҳангирштейн сени кўрибоқ тахта бўпқолди! Яхшиликча туёғингни шиқиллат-э!

Момогул қандолатчи менга жон тортишган бўлди:

– Болага бақирманг! Эшагингиз азалдан хира ўзи!

– Феъли хира бўлсаям, эси тиниқ! Душманини юз йилдан кейинам танийди!

Керакли гапни билволганимдан кейин, ўзим ҳам бу ердан жилмоқчи бўптурувдим, индамай ўрнимдан қўзғалиб, дала томонга йўл олдим. Кушандасини бадарға қилишга эришган Ҳангирштейн тантанавор ханграганича олға одимлаб, чойхона қаршисига келиб тўхтади.

Учкўчага етиб, “Пайнет” дўкончаси ёнидан ўнгга бурилдим. Теракзор йўлдан борарканман, Алдар Холдорнинг уйи олдида пешанасига ярим ой тамғаси туширилган “Тез ёрдам” машинаси турганини кўриб, кадамимни секинлатдим. Алдар Холдор оқ халатли иккита барзанги санитарнинг етагида, ашула айтганича, кўчага алпанг-талпангланиб чиқиб келди:

Салимжоннинг товуғи бор,
Олачипор қаноти.
Салимжоннинг шу товук деб,
Мақтаниши галатии.
Қақа қак-қак, қақа қак-қак,
Куку кук-ку, куку кууууу...

Очиғини айтсам, Алдар Холдорнинг тазирини бериб қўйишга шайланаётиб, иш бу даражада фожиали тус олишлигини хаёлимгаям келтирмагандим.

Ўзимни гуноҳкордек ҳис этганим учун этим жимирлаб кетдимикан, деб турувдим; йўк, шунчаки одатий ҳол юз бериб, яна кучукка дўнган эканман.

– Кўрдиларингми, кўрдиларингми? – оғзи йирилгудек бўлиб қаҳқаҳ отганча ирғишлади Алдар Холдор. – Одам итга ўгирилиб қолди! Вех-хаҳ-ха, вех-хаҳ-ха...

Қисиккўз санитар бу гапни телбанинг галдаги алжирашига йўйиб, кўрдик, биламиз, одамлар кут-кут итга айланиб туради, деб мийиғини жимирди.

Уни машинага чикаришаётганда, Алдар Холдор бир силтаниб тўхтади-да, кескин жиддийлашиб, мабодо суриштириб кўрмадингми, бир қарат олмос жаҳон бозорида қанчага чикдийкин, деб сўради қисиккўз санитардан.

– Бундан беҳабар эканман, – деди санитар, мазахнамо оҳангда.

Алдар Холдор энди иккинчи санитарга кўрсайиб юзланди:

— Бир унция олтин-чи?

— Билмадим-а...

Алдар Холдор иягига бармоқ тираб, осмонга ўйчан тикилди:

— Олтин... олтинлар... Гимм... Каердадир кўрганман-да...
Ҳа! Раҳматли отамнинг қўлида кўрувдим!

— Тўппа-тўғри!

Санитарлар бир-бирига илжайиб қўйиб, Алдар Холдорни орка эшикдан машинага тикқач, ўзлари ҳам унинг ёнига тиралишди. Кейинроқда чиққан врач аёл кабинага ўтирди.

Йўл-йўлакай опоғотамни бир йўклаб қўйиш ниятим бор эди, шу туришда кириб боришга кўнглим чопмади. Умуман, бу ерга келганга яраша анор пишиғида келсанг-да. Ўшандаям, итлигингда эмас.

Стадионни ёқалаб ўтаётганимда, ичкаридаги болакайларнинг жарангдор бақирик-чақирикларини эшитиб, энтикиб кетдим. То одамга айланиб, дўкондан зиёфатбоп нарсалар олволгунимча шу ёққа кириб вақт ўтказай, баҳонада хибсдаги тулкимизниям бир кўриб кўярман, деб ўйладим-у, оёғим ўз-ўзидан ажойибхона бўсағасига қараб ўрмалади. Эшик олдида чипта йирттириб турган кишиларнинг пойабзали орасида ўралашганимча ички йўлакка ўтиб олдим.

Синфимиздаги болалар билан ўқитувчимиз бошчилигида келиб, бу кўчма ажойибхонани илгариям ров кўриб кетувдим. Энди ҳар қайси қафас олдида хоҳлаганимча тўхталиб, турли жониворларни шошилмай кўздан кечиришимга имкон тутилганди.

Тулкимизни тополмадим, яралари битгунича четроқда даволаниб ётибди шекилли. Хилма-хил қушу ҳайвонларни бир-бир томоша қила бориб, маймунларнинг қаршисида узок туриб қолдим: ҳаммасидан каттаси — горилла, шимпанзе ундан кичикроқ, нариги қафасда жажжигина “мартишка”лар онасига битини тердириб ўтирибди.

Қафаслардан бериюроқдаги ёғоч тўсикнинг тирқишидан ўтиб, болалар ирғитган ҳар хил меваю ширинликлар-

ни талашиб-тортишиб еб турган маймунларга яқинлашдим. Улардан бири олма чайнашдан тўхтаб, кўзимга майнавозланиб тикилди. Янаям яқин борганимни биламан, оғзидаги олма қолдигини юзимга туфлаб, қийқира-қийқира, устимдан кула кетди. Қоним қайнагандан қайнаб, бир сакрадим-у, панжарадан осилиб турган думини аямасдан тишладим.

Ҳа чинқирмайсан-а! Тегмаганга тегишнинг оқибати мана шунақа бўлади!

Бир зумда тўполон кўтарилди. Бошқа маймунлар ҳам қий-чувлашга тушиб, олдидаги нарсаларни одамларга ота бошлади. Борлиқ ҳайвонбоқар шу жойга тўпланди. Улар маймунларни тартибга солишга тиришаётганида, Қулқул Даведивич гердайганча бўй кўрсатиб, ғала-ғовурнинг сабабини суриштирди.

– Манави кучук анави маймуннинг думини тишладолди, – деди томошабинлардан бири.

– Шундан кейин, жамики маймун кўзғолон кўтарди, – деб қўшимча қилди бошқаси.

Мени кўриб-ла, Қулқул Даведивичнинг башарасидан тажанглик аломати сўниб, ийе, Миттивоймисан, деб хиринглади. Атрофимда одамлар тирбандлиги учун, қочишга уринишим ҳабада кетди, бошлиқнинг “ушланглар уни” деган буйруғини эшитибок, ҳайвонбоқарлардан бири менга шартта чангал солди.

Бирпас ўтиб қарабсизки, Қулқул Даведивичнинг хонасидаги чуқур яшиқда аристонланиб ўтирибман-да. Олдимдаги лаганчада – сув, товокчада – гуруч-қийма аралаш овқат. Менга вақтинчалик бошпана ҳозирлаб берган ҳайвонбоқар бошлиққа қараб, энди бу кучукни нима қиламиз, Қулқул Даведивич, ё арслонга берайликми, деб сўраганида, ўтакам ёрилишига оз қолди.

– Шу жинқарчанг арслоннинг чап ичагига юк бўларканми! – деди Қулқул Даведивич. – Мен сенга айтсам, жуда укувчан кучук бу. Уни кеча далада кўрувдим, ўзини муғам-

бирликка солиб, мени лакиллатмоқчи бўлди-я. Циркдаги оғайнимга элтиб берсам, роса хурсанд бўлади.

Бу гапни эшитиб, хийла ўзимга келдим.

Кани, ўша циркидаям бир ялансак яланибмиз-да. Агар, янглиш фикрлаётган бўлмасам, итлигимда ҳалкадан сакраб, одамлигимда масхарабозлик қилиб нон топиш, арслонга ем бўлишдан кўра бирмунча файзлироқ.

Камина учун бюджетдан ажратилган таомни тушликда едим. Қорин тўйиб, энди чалароқ ухлаб олсаммикин деб турганимда, Қулқул Даведивич мени чўғирмадек кўтариб чиқиб, ойналари зич ёпилган “Матиз”нинг орқа ўриндиғига иргитди. Бу – ит бўлганимдан бери илк бора машинага ўтиришим эди.

Ҳамёни очинг, Қулқул Даведивич!

Машина шаҳар сари ғилдироклана бошлаганида, орқа ўриндикда кулчаланиб ётишдан зерикиб, олдиндаги суянчикларнинг икки четига қўшоёқлаб осилдим-да, теваракка аланглаб-жалаглаб боравердим.

Аросатда яшашга ўтганимдан буён мени энг кўрқувга солиб юрган нарса – итлигимда ҳайвонларнинг кўзи олдида одамга, одамлигимда кишиларнинг орасида итга айланиб қолиш эди. Қарангки, ўша ҳодиса айни шу паллада юз бериб турибди-ку!

Эсанкирашдан қутим ўчиб, гавдамни ёнроққа яширишга уринганимда, Қулқул Даведивич олд ойнак тепасига ўрнатилган чўзиқ кўзгучага қиялади-ю, орқада қимдир бақрайиб ўтирганини кўриб, томи кетишига оз қолди. “Ва-ваҳ!!!” – деб сапчилаганида, рул қўлидан чиқиб, машина бирдан четга бурилди; йўл ёқасидаги ёйилмада ўсган қамишларни шатирлатиб ўтиб, ариққа санчилди.

Қулқул Даведивич ваҳимадан ҳала-ҳаловланиб, пешанасини рулга қадаган асно нафасини пишлишлатиб тураркан, мен олд ўриндикқа урилишдан ачишаётган қўкрагимни силай-силаё, секингина машинадан тушдим. Ўзимни ўнглаб

олгач, машинанинг нариги ёғига ўтиб, кучук ўғрисига ойнакдан безрайиб мўраладим:

– Пўкиллаб ўтиравермай, бу ёққа чиқмайсизми энди!

Машинанинг орт қисми ёйилманинг саёз жойида, олд томони ариқнинг чуқурида бўлгани учун, эшик очилиши биланок, ичкарини сув босди; Қулкул Даведивич тиззагача шалаббо бўлган алпозда йўл четига чиқиб келди.

– Хей, шатмоқвачча! Биров сен болага хўрозканд тутказиб, Қулкул Даведивични ўлдириб берасан, демаганмиди? – деб, темирчининг кўмиридек бозиллади у. – Ўзи, машинада қаёқдан пайдо бўлқолдинг? Суянчиқнинг орқасида биқиниб ётувдингми?

Тайёр баҳонани ўзи топиб берганидан суюниб, узр энди, шаҳарни бир кўриб келай девдим-да, дея ўзимни изза бўлганга солдим.

– Хе, сендақанги кезаргондан ўргилиб кўйдим! – киттак тилинган бурнига рўмолча босаётиб, кўзини чакчайтирди Қулкул Даведивич. – Қайтишда йўлимни топаманми, йўқми, деб ўйламадингми, қозонқалла?!

У, яна нимадир дейишга оғиз жуфтлаётганида, асосий нарса туйқус эсига келиб, сув кечиб борганича, машинанинг орқа эшигини очди; ичкарига бош суқиб, ласту баландни китир-шитир тимирскилай кетди. Сўнг, жуссасини ташқарига олиб, кучук қани, деб сўради мендан.

– Машинадан тушаётиб қарасам, кучук ўлиб ётибди, – деб парвосизгина жавоб қилдим. – Шартта олиб, ариққа ирғитвордим. Ўлиги далага оқиб борса, балки, Отакул тоға уни топиб, ўзи яхшилаб кўмиб кўяр.

Бу сўзимни эшитиб, Қулкул Даведивичнинг елкаси учинди:

– Ийе, кучукни танирмидинг?

– Бўлмасам-чи! Далага борганимда неччи марта кўрганман. Агар ўғирламасангиз, ҳозирам ўша ёқда тирик юрган бўларди.

– Ким ўғирлабди? – деб гезарди Қулкул Даведивич. – Бунақа гапни бошқа гапирма!

– Унда, бегона кучук машинангизга ўзи ўтирволибди-да, Кулкул Даведивич?

Шу пайт бир трактор тар-тарлаб келиб қолди. Уни тўхтатиб, машинани йўлга торттириб чиқардик. “Матиз”нинг ўнг чироғи синиб, Оқчопонга ўхшаб кўринаётганини ҳисобга олмаганда, бошқа жойига ортиқча шикаст етмаган экан, эгаси калитни бураганида, бир-икки бор чучқурган бўлди-ю, кейин мотори гувуллаб ишлай бошлади.

Трактор кетгач, Кулкул Даведивич менга мўлтайиб, жон укажон, ўтган иш ўтди, кучук тўғрисида эгасига индаб юрмагин, а, деб эланган эди, тўрт оёқли ўртоқларимга катта кетворганим ёдимга тушиб, мўндароқ зиёфатга эрисангиз, соқовга айланаман-қоламан, дедим.

Отакул тоғамнинг газабига учрашдан кўра, кучук ўғриси деган лақаб ортириб олишдан кўпроқ кўркаётган Кулкул Даведивич, ора-сира инжиклана-инжиклана, айтганларимнинг ҳаммасини мухайё килди – биркўз “Матиз”ни ҳайдаб бориб, пахта заводининг ошхонаси ёнида тўхтатди; ичкарига кириб кетиб, ўн бир қўшоқ пармўда сомса, ўнбитта гамбургер, ўнбитта киймакабоб, ўнбитта сосиска, бир коса нўхатшўракни салафан сумкага тикқанича қайтиб чиқди. Ишим юришиб, эрталаб бувимдан олган пулим ёнимга қолиб турибди-ку!

– Майли, қоқланган ҳамёни бошдан ўгирган бўлайин, – деди Кулкул Даведивич, машинага ўтираётиб. – Омалейкин, бир нарсани олдиндан айтиб қўяй, буларнинг ярмини ямлаб улгурмасингданок, қорнинг ваванглаб портлаши мумкин!

– Қўркманг, бундан кўпиниям еб юрганмиз, – деб керикландим унга. – Энди мени далага ташлаб қўйинг.

Далага етиб боргач, зовур ёқасида машинадан тушдим.

– Ўша гап – гап-а? – деб кўзимга синчиланди Кулкул Даведивич. – Бировга индаш йўқми ахир?

– Нима, қизболага ўхшаяпманми? Ўғил боланинг гапи битта бўлади – тамом!

Кулкул Даведивич билан ҳани-ҳуни хайрлашдим. Ён-веримга қарасам, яқин атрофда ҳеч зог йўқ. Салафан

сумкани зовур кўпригининг остига яшириб, шийпон сари юрдим. Зиёфатбоп ўлжани осонгина қўлга киритганимдан кўнглим чарогонлашгани сайин, қадам босишларим ҳам енгиллашиб бораётгандек эди.

Келиб, деразадан шийпоннинг ичига мўраладим, Отакул тоғам кўринмади. Уни қидириб орқа тарафга ўтсам, Ғулом ошпаз тушликда ишлатилган идишларни арикчада ювиб турган экан. Саломлашиб бўлиб, тоғамни сўроқлаган эдим, Отакулнинг пати бирдан яркираб товланди-ю, пириллаганича учди-кетди, деб хохолади.

Унинг айтишича, тоғам Раҳимбой фермер икковига хандалак сўйиб бериш ниятида полиз томонга кетиб, бирпасдан кейин хандалак ўрнига қандайдир чарм халтани кўтариб келибди-да, буни кўринглар, палакларнинг орасидан топволдим, дея оғзи очик топилдикни дастурхонга қўйибди. Қарашса, халтанинг ичида олтин такинчоқлар бижиб ётганмиш. Ошпазнинг ичи долғаланиб, энди буни нима қиламиз, деб сўраса, тоғам ҳеч иккиланмасдан, нима қилардик, молини ўғирлатган кишини топиб, ўзига қайтарамиз-да, дебди.

— Эгаси чиқмаса-чи? — деб яна терговчиланибди Ғулом ошпаз.

Шунда, Раҳимбой фермер ўртага бир маслаҳат ташлабди:

— Яхшиси, буни милисахонага топширайлик. Эгасини ўзлари суриштириб топади. Эгаси топилмаса, давлатга қолади.

Буни эшитиб, давлатнинг куни туғибди, ўша ялтир-юлтир нарсаларни писиниб-бикиниб тўплаб келган кимса учун энди Салимжоннинг товуғидан бошқаси сарик чақа, деб қўйдим ичимда.

Хуллас, Раҳимбой фермернинг тактифи маъкул келиб, тоғам иккови оқ “Нексия”да туман марказига қараб жўнашибди.

Ғулом ошпаз идиш-товоқларни аллақачон ювиб-жойлаб қўйганига қарамай, у ёқда нима гап бўлганини билишга қи-

зикиб, уйига кетмасдан ўтираверди. Кетганлар шомга яқин қайтишди. Милисахона ходимлари халтадаги нарсаларни бирма-бир қоғозга ёзиб чикиб, Раҳимбой фермер билан тоғамга гувоҳ сифатида қўл қўйдириб олишибди.

Отакул тоғам кечки овкат маҳали буғдой ёрмаси устига уч-тўртта тухум чакиб, хузурижон бўтқа пишириб берди. Иштахам карвонсаройнинг дарвозасидек очилиб турганида бу бўтқа кўприкнинг тагига яширилган таомлардан ҳам тансиқроқдек туюлди. Шу орада, товукхона тарафдан Оқчопоннинг қисқагина вовуллаб қўйгани кулоғимга чалиниб, мени кута-кута, ўлгудек очкаганга ўхшайди булар, деган ўй кечди бошимдан.

Тун куюқлашди. Тоғам қаттиқроқ чарчаган шекилли, ухлашга одатдагидан анча барвақт ётгани зап кўнглимдагидек иш бўлди. Кўприкнинг тагидаги салафан сумкани олиб, зовур дўнгини паналаганимча, товукхонага караб юрдим. Мўсақўзи товукбоқарнинг уйидан ўн-ўн беш кадам берида тўхтаб, юлғунлар орасига ястандим.

Итга айланишни бунчалик орзикиб кутганимни сира эслолмайман, тун яримга караб оғяптики, ҳалиям одамлигимча сўлжайиб ётибман.

Хайрият, бақаларнинг қуриллаши авжга мина бошлаган чоғда, ниҳоят, этим жимирлади. Шуни интиқиб кутаётганим учунми, ҳар қачонгидан ёқимлироқ жимирлаганга ўхшаб кетди.

Кучукка дўнганим заҳоти, тагдор ингиллаб, шерикларимга чорлов ишорасини қилдим. Зиёфатдан умидвор бўлиб ётганлар ёппасига оёққа қалқигани потира-путур товушлардан яққол сезилиб турарди.

Базмга қанчалар ошиқаётган бўлмасин, Пихлих Чандрдан тортиб Қорабеканинг болаларигача ўзини босиб олишга куч топиб, оқсуякларга хос вазмин одимлаётган Оқчопондан орқарокда келишди; салафан сумкани таталаб йиртганимдан кейин ҳам, таомга ундан кейин тумшук чўзишди.

Қаранг-а! Афтингни кибор кўрсатиб, насабинг баландлигини тинмай пеш қилаверсанг, охири ҳамма бунга кўникиб бораверар экан.

Еди-ичди қизгин паллага кираётганида, буниси “Самурай”га, дея юпка пластмасса косадаги нўхатшўракни олдинги оёғимда четга суриб қўйдим.

Ҳа, даврада яна битта дўст етишмай турганди. Товуқхонага яқин бориб, жанговар хўрозга овоз қилдим:

– Вангууу ванг!

“Самурай” дарчанинг синиқ панжарасидан бош чиқариб, атрофга эловлади. Кўпчилик паррандалар қоронғида узокни яхши кўра олмаслигини билганим боис, симтўр остидаги туйнукдан ўтиб, унга янада яқинлашдим:

– Мен Миттивой ошнангман. Бу ёкка сакра.

“Самурай” олдимга учиб тушиши билан, юр, зиёфатга айтгани келувдим, деб ортимдан эргаштирдим.

Қиёмат ўтириш бўлди. Бари ўзимбоп емишлар эди, шу туфайли биринчи бор шерикларимга қўшилиб, бурунма-бурун овқатландим.

Салафан дастурхонни жанубдан шимолга қарата яланглатиб келган Окчопон бир тўхталиб олиб, кекиригини қарнайлатди. Кейин, корин силаганича ўз-ўзидан куйлашга тушди:

Ювиндининг ёғи қани,
Шўрванинг қаймоғи қани,
Воқи бобооо,
Вовва вовооо!

Сон суяги қаттиқ экан,
Сут ачиган-аччиқ экан,
Воқи бобооо,
Вовва вовооо!

Ош пишириб, бақириб келинг,
Ошга мени чақириб келинг,
Воқи бобооо,
Вовва вовооо!..

Айвон томондан Мўсақўзи товукбоқарнинг бор товушда шанғиллагани эшитилиб, қўшиқ эндигина қиёмлашаётганида, тўсатдан бўлиниб қолди:

– Чип!!! Хе, томоғинг титилгур!!!

Пўписа тиниб-тинмасидан, йиртиқ бир шиппак ҳавода чирпирокланиб келиб, уйга орқамача ўтирган бегуноҳ Пихлих Чандрнинг курагига тегди.

– Ҳааа, замон ёмоон бузилди! – дея бурнини салобатли тебратди Окчопон. – Қадимий қўшиқларимизни менсимайдиган пайтавақулоқлар кўпайиб боряпти.

Ўтиришимиз, қўшиқсиз ҳам, бинойидек давом этаверди.

Яйрагандан яйраб кетиб, шунчалар узоқ чакчақлашибмизки, тонг ёришаётганини “Самурай” ўз-ўзидан кичқира бошлаганида пайқаб қолдик.

Бу – танишганимиздан буён ўтган қисқа давр ичида менга қирқ йиллик қариндошлардек азиз бўлиб улгурган жонажон ошналарим билан охирги марта уларнинг тилида гурунглашиб ўтиришим эканлигини ўшанда қаёқдан билибман дейсиз? Билсам, ҳар бирини алоҳида куча-куча, қалбимдаги меҳру муҳаббатнинг борлиқ ўт-отабини, сўзларимнинг энг жўшқин, энг тотлиларини бошларидан гулбарглардек тўкиб-сочмасмидим?!

Қаёққа қарама – аттанглар, аттанглар, аттанглар. Чамаси, бунинг олдини олиш жуда мушкул – одам шаклида дунёга келибмизки, соатнинг ҳар бир чиқирлашида ниманидир бой бераётган бўламиз...

Оддийдан оддий жасорат

Ғира-шира тонгдаёқ тириллаб етиб келган уч ғилдиракли мотоциклга тухум юклаб жўнатган Мўсақўзи товукбоқар, симтўр билан девор орасидаги эшикчанинг қулфини ечиб кириб, товукхонанинг дарвозасини очди. Товуклар тўғонни кўпорган сувлардек ташқарига гувраниб ёпирилди. Ана энди, йўнғичқа чўкилаш бўйича товукхона биринчилигини томоша қилиб ётаверинг!

“Самурай” симтўр остидаги кандикдан писмайиб ўтиб, эрталабки сайлга чиқарилган товуклар орасига эсон-омон қўшилиб олган пайтда, Окчопон билан Пихлих Чандр ҳам кетишга ҳозирланди.

– Ҳайт-ҳайт! – дея шавқланиб силкинди Оқчопон. – Умримда бунақа ваҳвахали чайновга дуч келмаганидим. Қорним ногора бўпкетди-я!

Мактовни Пихпих Чандр давом эттирди:

– Қойилман, Миттивой! Менга ўхшаб, лабзида турадиганлардан экансан! Очиғи, бунчалик сершира ўтириш қилиб беришингни кутмовдим, пих!

Кўтаринки кайфиятда хайрлашдик. Оқчопон нарирокқа борганида ўйчан тўхталиб, ҳа, айтгандай, бир нарсани сўраш эсимдан чиқибди, деб ёнимга қайтиб келди:

– Ҳайт! Ҳалиги... бўличкали овқатнинг оти нимайди?

Зиёфат чоғида бу саволга бир-икки бор жавоб берган бўлишимга карамай, сокин товушда яна қайтарикладим:

– Гамбургер.

– Гамбургер... гамбургер, – янги сўзни хотирасида қотиришга тиришди Оқчопон. – Анави... кизил ичакнинг оти-чи?

– Сосиска.

– Сосиска... сосиска... гамбургер... сосиска, – яна ўзича бидирлади Оқчопон. – Менимча, бу камёб таомлар атайлаб оксуяклар учун пиширилса керак. Нима дединг, ҳайт?!

– Ўйлаб қаралса, гапингизда жон бор, Оқчопон ҳазратлари.

Фикрига кўшилганим Оқчопонга ёқиб тушдими, олдинги оёқда елкамга қоқиб кўйиб, ғўққайганича ортга бурилди.

Қорним тўқ бўлгани, бировнинг у-бу егулик итқитишига зор эмаслигим туфайли шийпон тарафга бормадим; яна одамнусха бўлишимни кутиб, биққи чимлоққа ястандим. Тунни билан ухламай чиққаним учун сал пинакка кетибман. Қўнғироқнамо кулги товушидан сесканиб кўз очсам, Мўсақўзи товукбоқарнинг жиккак қизи мушукчаларни қувалаганича ўйнаб юрибди. Қувлашмачокни жўшқинланиб кузатарканман, мушукчаларнинг ўрнида эмаслигимдан хитландимми, уларга ғайрланиб боқдим.

Қизалоқ бир у мушукчани, бир бу мушукчани тутмоқчи бўлар, эпчилликда тенги йўқ пахмоқвойлар эса, ҳар сафар

чаққонлик билан чап бериб, уни доғда қолдиришарди. Қувлаша-қувлаша, зовур ёқасига бориб қолишганда, қизалоқ мушукчалардан бирининг устига ташланди-ю, оёғи тойиб кетиб, пастликка қараб юмаланди.

Сапчиб туриб, зовур томонга учқурладим. Бориб карасам, қизалоқ чинқира-чинқира сувда оқиб кетяпти. Оқини унча тез бўлмаган зовур ёқалаб чопишга тутиндим. Мўлжалга етганимда, ўзимни сувга отиб, қизалоқнинг ёнгинасига шалоплаб тушдим; кўйлагининг ёқасидан тишлаб олгач, у билан биргаликда гоҳ тубга чўкиб, гоҳ юзага қалқиб оққанимча, жон ҳалпимда потраниб, қирғоқ сари интилавердим. Шу топда ўз жоним кўзимга кўринмай, қизнинг ёқаси йиртилиб, тишимдан чиқиб кетмаса бас, деб хавотирланаётган эдим.

Қуённинг куни битмаса, бўрининг югуроқлиги нима бўпти, деганларидек, бизнинг ҳам умримиздан бор экан, зовурнинг ярмида саёзлик ҳосил қилган дўнгалак жойга учраб, тажовузкор сувнинг човутидан юлқиниб қутулдик. Чўзиқ-чўзиқ чинқириклардан ваҳимага тушган Мўсақўзи товукбоқар соҳилга ҳаллослаб етиб келганида, мен қизалоқни аллақачон сувнинг четига тортқилаб чиқаётган эдим.

Пастаккина уй бир зумда қувонч қасрига айланди. Кўзи ёшўраган хотин, худога шукрона айта-айта, қизининг кийимларини алмаштираркан; Мўсақўзи товукбоқар, сувкаламушдек ивиб турганимга карамай, мени бағрига маҳкам босиб олиб, қалтирок товушда дуо-алқовларни шоввалатди:

— Ҳа Миттивой-а! Ҳа кам бўлмагур-а! Бизга қандай катта яхшилик қипқўйганингни англолмай туришингни қара! Итлигингдан афсусланиб кетяпман ҳозир! Э, йўқ, сендақаларни ит дейишга тил бормаиди, бунақа гап сенга сираям муносибмас, Миттивой! Қанийди, худо саховат кўрсатиб, сени умрбод одамга айлантириб қўйса-ю, оға-ни тутиниб, бормини ўртага тўкиб ташласам!

Бу сўзни эшитибок, ҳадемай чинданам одамга айланишим мумкинлиги бирдан эсимга келиб, кўнглим далғовланди. Қизчанинг кийимларини алмаштириб улгурган хотин

жавон тортқисидан иккита попукқанд олиб, ма, Миттивой-жоним, вуй, сенгинадан ўзим айнаниб кетайин-а, деб уларни палосга кўйганида, ниҳоят, Мўсақўзи товукбоқарнинг оғушидан халос бўлиб, пастга кўндим. Попукқандлардан бирини шу жойнинг ўзида хапиллатгач, иккинчисини тишларимга қистириб, ташқарига юрдим.

Ташқарига чиқдим-у, оғзида попукқанд саланглаб турган одамга эврилдим. Ўта татинкираб туюлган биринчи попукқанднинг таъми танглайимдан кетиб улгурмаганди, иккинчисининг ҳам қоғозини очаетганимда, “Ийеее!” – деган овоздан бир чўчиб тушиб, мундоқ қарасам, остонадан ҳатлаётган Мўсақўзи товукбоқар менга давараланиб келяпти:

– Ҳей, қанақа очофат боласан? Қандни итнинг оғзидан юлволишга уялмадингми?

Товукбоқар теваракка жавдираб, ардоқли кучугини, яъни мени кўзида қидира бошлади. Сўнг, Мўттивойнинг қиёфасига кирган Миттивойни танимай, қайтадан захрини сочди:

– Миттивой қани? Ё уни тепиб ҳайдавордингми, оёғинг қийшайгур?! Ўзи, турумимнинг тагида нимага талмовсираб турибсан?

Жўяли жавоб зип этиб тилимга кўнақолди:

– Шу ёқда биров ҳадеб чинкираётгандек бўлди. Нима гаплитини билгани келувдим.

– Ҳеч гап йўқ! Бор, келган жойингга жўна!

Индамай бурилиб, шийпон тарафга йўл солдим. Мўсақўзи товукбоқар зовур сари юриб, ма, Миттивой, ҳушт-хушт, дея бўйчан шувокларни пайпаслай-пайпаслай, йўқ кучукни ахтаришга тутинди.

Шийпонга борсам, Отақул тоғам гуруч тозалаб, Ғулом ошпаз сабзи арчиб ўтирибди.

– Нонушта қилмай қаёқларда юрибсан, Мўттивой? – мени кўриб-ла, енгил дашном берди тоғам. – Ке, чаккон-чаккон овқатланвол. Кейин ҳандалак узамиз. Кўтарамачи харидорлар кўлимга кўнғироқ қилиб, тушга яқин борамиз, дейишди.

Қорнимнинг тўқлигини айтиб ўтирмай, тўшакка чордана куриб, енгил-елпи тамаддиланишга тушдим. Ортиқчаси тешиб чиқарканми!

Ҳали кандчойимни ичиб тугатмасимдан, Мўсақўзи товукбоқар бурнини бир ўнгга, бир чапга бурганича келиб, менга ола қараб қўйгач, тоғамни сўроққа тутди:

– Кучугингиз кўринмайди, Отакул ака?

– Юргандир-да, – деди тоғам хайрон бўлиб. – Саломлашмасдан туриб, кучугимни суриштириб қолдинг, тинчликми, Мўсақўзи?

Мўсақўзи товукбоқарнинг бирдан чеҳраси қуёшланди:

– Э, Отакул ака-я, яхшиям ўша кучукни бокволган экансиз! Минг раҳмат сизга! Битта ош қарздор бўлдим! Ош нима, ошдан кейин тўн кийдираман!

Шундай деди-ю, юз берган фалокат, телпақдеккина кучукнинг қоплонларга хос жасорати тўғрисида тўлиқиб-тошиқиб сўзлана кетди. Ўтирганлар ҳайратдан донг қотишди.

Жасоратмиш! Бировнинг чўкаётганини кўрса, ким четда томошабинланиб тура оларкан? Қутқаришга уриниш – оддийдан оддий бир иш-ку!

Тол остига оқ “Нексия” келиб тўҳади. Раҳимбой фермер машинадан тушиб, бизга яқинлашаркан, янги гапни эшитдиларингми, Алдар Холдор асаб касалига чалинибди, хабар олгани борсам, ҳозирча мумкинмас деб ичкарига қўйишмади, дея рўмолчада пешанасини артди.

– Буни Ғулом акадан билиб турувдим, – деди тоғам. – Бунақа вақтда, баттар бўлсин дейишгайм тилинг бормай қоларкан, барибир ичим оғриди.

Раҳимбой фермер ўзича мулоҳазаланди:

– Менимча, бунинг асосий сабаби – фарзандсизлик. Боласиз уй – зиндоннинг ўзгинаси, беш-ўн йилда ҳар қандай одамни жинни қипқўйиши ҳеч гапмас.

– Синглиси болаларидан биттасини бермокчи бўлганида кўнмовди, – деди Ғулом ошпаз, арчиб бўлинган сабзи-пиёзни сувли тоғорада чайкаётиб. – Ҳеч йўк, ўша болани асраб олса, уйига фаришта қўнармиди дейман-да...

Мўсақўзи товукбоқарнинг шийпонга ўз оёғи билан келиши айни муддао бўлди – ҳашарга қўшилгач, ҳандалак узишда ҳам, уларни уватга ташиб чиқишда ҳам, харидорларнинг машинасига юклаб жўнатишда ҳам қўлдошимизга айлангани, уйқусизликдан гарангсиб турганимда, жонимга оро кирди. Акахонгинам ушбу иши билан, ўзи буни мутлақо билмаган ҳолда, агар одамга дўниб қолсам, менга ога тутиниши ҳақидаги қасамнамо сўзининг устидан чиқди.

Пайшанба куни бўлгани учун, ўзбекнинг ҳамма хонадонига сингари, далада ҳам палов дамланганди, қуюқ тушликдан кейин орзуйим ушалиб, ошхамирдек кўпчиб ухладим. Жимжимали туш кўрибман – аламзада эшак билан ярашиб олиб, каттакон столнинг у ёғида Ҳангирштейн, бу ёғида мен, бир музқаймоқдан ялаб, бир шарбатдан ҳўплаганча, оламнинг гўзаллигини ҳайбарақаллалаб ўтирган эмишмиз...

Аср маҳали сўлагим томчилаб уйғондим. Жасоратдан кейин ҳам барибир қоринга кайғуриб яшаш керак бўлади – совуқ чойга қўшиб бир ўрам печений еб олгач, тоғам қопчиққа солиб берган олтига ҳандалакни елкалаган куйи, уйга жўнадим. Улардан иккитасини йўл-йўлакай опоғотамга, биттасини Момогул қандолатчига, биттасини Парпивоё ошнамга тарката бориб, қолганини бус-бутунича бувимга топширдим.

Ҳаётнинг тугалай ўзгача бир тарзига эндигина кўника бошлаганингда, бирдан тагин эскича ҳолатга тушиб қолсанг, саросимали вазият юзага келаркан. Бир кун ўтди – одамлигимча турибман, икки кун ўтди – ўзгариш йўқ...

Учинчи куни ҳам икки оёқлаб изғийверганимдан сўнг, дўппини қошга суриб, бунинг сабабини қидиришга тушдим. Миямнинг катиғи қайнашига сал қолганида, охири бир ўйда тўхталдим – наҳотки, Мўсақўзи товукбоқарнинг дуоли илтижолари худога етиб борган бўлса?!

Ҳадиксираб юришим ўн кунларга чўзилди. Билиб-билмай, яна чатокрок бир бетамизлик қипқўйиб, буткул итга айланиб қолишим ҳам мумкинлигидан безиллабми, шу

Ўн кун ичида феъл-хўйим ўз-ўзидан ўзгараверди – тева-рагимдаги кишилар билан дунёнинг сирли-сирли ишлари, турмушнинг тушунарсиз қирралари, одамнинг одамлиги асосан нималарда намоён бўлишлиги кабилар тўғрисида ёниқа-ёниқа суҳбатлашиб тўймаётгандек эдим. Бунинг саяин, борлиқни севиб-ардоқлашга, ундаги барча мавжудотни бирдек қадрлашга, қисқа умр ичида ўзгаларга имкон қадар кўпроқ яхшилик қилиб қолишга кўнглимда иштиёқ тўфонлана бориб, нақ ўн ёшга улғайгандек бўлдим.

Ён-веримдагилардан билиб олмоқчи бўлган нарсаларимнинг чеки йўқдек эди:

– Буви, дунёдаги энг катта яхшилик нима?

– Бировнинг кўнглини оғритмаслик...

– Бир нарсага ақлим етмай турибди, опоғота. Тирик жон борки, нимайчун ҳаммаси боласини яхши кўради?

– Зурриётга меҳр – худойимнинг минг-минглаб мўъжизалари ичида ноёбдан ноёби бўлса, ажабмас. Шу нарса бўлмаганида, ҳатто ўт-ўлан ҳам кўпаймасди, ер юзи яп-яйдок даштлигича тураверарди...

– Ҳей, Момогул опа, намунча эр танламасангиз?

– Эмчиларнинг айтишича, ё у, ё бу касалликка қирк минг хил кўкатдан биттагинаси ёқимчил бўларкан. Опагинанг ҳам турмушига ёқимчилини излаётгандир-да, Мўттивой...

– Алдар Холдор борингизни шилволсаям, нимага тазирини бериб кўймадингиз, Отакул тоға?

– Тишлаган итни калтаклашга вақт кетказмасдан, ярага тезроқ малҳам топишга уринган маъқул, жиян.

– Ҳалол одам бугун йўқотганини эртага ортиғи билан топаверади, – деб, тоғамнинг сўзига кўшимчалайди Гулом ошпаз. – Кимки харомдан кўрқмабди – ўзини ўзи жазога йўлиқтирибди. Ундайларнинг кир ёқасидан олиб, кўлни булғаганинг қолади.

– Тўғри! Бировнинг ҳақини бийдалашга ёшликданок ўрганмаган яхши, – ўнгғови келганидан фойдаланиб, илмоқли гап ташлайди Мўсақўзи товукбокар. – Бунақалар, бора-бора, итнинг оғзидагини тортволишданам тоймайдиган бўлади.

Гап айланиб, туйқусдан йўқолиб қолган ўша кучукка бориб такалаётганида, товукбоқарнинг кўнглига таскин уруғини сепишга талпинаман:

– Бир синфдошимдан эшитишимча, башанг кийинган бойвучча хоним йўл четида ўйноқлаб юрган Миттивойимизни “Жип”ига солиб кетганмиш. Балки, ўзига тўқ хонадонга борволиб, боши маишатдан чикмай ётгандир.

– Унақа бўлса-ку яхши-я! – деб кўзини чараклатади Мўсақўзи товукбоқар. – Ҳе, аттанг! Ўша куни кучукни ачомлаб турганимда, хотинимга айтмабман-а, телефонида суратга опқўйса, эсдалик бўпқоларди.

Бирдан юрагим жигиллаганини сазаман. Бундай суратни ўзим ҳам бир кулочга катталаштириб, меҳробимизнинг ёнига илиб қўймасмидим!

Одамлигимдаги қарғиш туфайли итга эврилган бўлсам, итлигимда қилинган дуо мени одамликка қайтарди. Боласи ўзидан кўра яхшироқ яшашини орзулаб, иссиқни иссиқ, совукни совук демай, қўлини қирққадоқ қилиб кун кечираётган қашшоқкина товукбоқарнинг илтижосини ҳам назардан қочирмагани юрагимга бир дарё тугён бўлиб қуйилди-ю, бувим “Оллохжоним” деб эъзозловчи Яратгучимизни ниҳоятда яхши кўриб қолдим. Бандаларини борлиққа, аввало, бир-бирига меҳр-оқибатли, раҳм-шафқатли, иззат-эътиборли бўлишга чорлаш билангина кифояланмай, Ўзи бу борада куну тун улгу кўрсатиб туришлигини теран англаб ета бошлаганингдан кейин ҳам ихлосинг гувланмасинми?

Шуларни ўйлаганда, бировга яхшилик қилолмаганга яраша, лоақал, ёмонлик қилмагин, деган гапни унчалар ҳикматга йўйгинг келмай қоларкан. Менимча, у хоҳи одам, хоҳи жонивор, хоҳи ўсимлик бўлмасин, уларнинг ҳеч бирига зараринг тегмаслигининг ўзи етарли эмас. Кимки бунга қўшилмабди, малол оладими, йўкми, унга ошналарча очик айтақолай – агар, атрофингдагиларга бирон-бир яхшиликни соғиниш қўлингдан келмаса, кўчани нимага банд қилиб юрибсан?!

Қисқагина кўшимча

Бу ишларнинг бўлиб ўтганига икки йилдан ошди. Эсим анча куюлди, энди тугалай бошқа одамман. Бошқачаман-у, яширмай айтсам, бирда-бирда олдинги Мўттивойни соғингандан соғиниб кетаман.

Кечган давр ичида қанча-қанча нарса ўзгарди. Энг қувонарлиси – дадам бутунлай уйга қайтиб, туманимиздаги ичимли сув қазувчилар идорасига жойлашиб олди. Кўп ўтмай, Ғилмир-зикнага ўхшаганларни доғда қолдириб, Моме-гул қандолатчи билан турмуш курди. Эр-хотиннинг пули битта сандикда йиғилди-ю, гузардаги қизил соябон ўрнида, тепасига “Сўргилдирик” деб ёзилган ойнаванд дўконча қад кўтарди. Кейин қарабсизки, сингиллик ҳам бўлволдим. Ёнидагиларга зийрак қиялаб, мийиғида кулиб туриши билан очиқюз бувигинамга тортган бу қизалоқ шунақаям чиройлики, шунақаям ширинки!

Отакул тоғам хазина топиб олганидан хабардорсиз. Қонунга кўра, давлатга топширилган хазинага баҳо қўйилиб, уни топган одамга шу қимматнинг бир қисми тўланар экан. Тоғам бойиб кетиб, қир этагида янгитдан яралган “Намунавий қишлоқ”даги кўшқават уйлардан бирини сотиб олди. Хотини, болалари яна бағрини тўлдирди. Гоҳо, уларни “Ласетти” машинасига ўтказволиб, бизникига кептуради.

Бу орада, опоғотамниям хужраси ёришди. Унга анчадан бери ёстикдош тополмай юришувди. Отакул тоғамнинг ўн бир яшарлик кенжа кизи интернетдаги “Болалар сайти”га кириб, олтмиш беш ёшли бувасининг феъл-атвори, яшаш шароити, илгари агроном бўлгани, ҳозирда томорқасини анорзорга айлантириб олганини таърифлаб ўтгач, унга мос аёл ахтаришаётганини айтиб, тенгқурлари билан мулоқот қила бошлабди. Охири, бешинчида ўқийдиган шаҳарлик боланинг қирк олтига борган боши очиқ онаси маъқул тушиб, “келин-куёв”ни учраштиришибди. Шу зайл, опоғотамнинг хонадонига шаҳарлик она-бола келиб қўшилди. Аёл қўли гул соч турмақловчилардан экан, қишлоқда хотин-қизлар пардозхонасини очди.

Учинчи синфдалигидаёк “Мулла Алгоритм” лакабини олган Парпивой ошнам туман, вилоят, жумхурият боскичларини енгил-елпи пийпалаб, ёш математикларнинг чет элда ташкилланган халқаро олимпиадасида ҳам ғолиб бўлди.

Одамнинг ачинишини кўзитиб, кўчада баъзан Алдар Холдор йўликиб қолади. Репертуарида ҳалиям ўша биттаю битта кўшик:

Салимжоннинг товуғи бор,
Олачипор қаноти.
Салимжоннинг шу товук деб,
Мақтаниши ғалатиин.
Қақа қақ-қақ, қақа қақ-қақ,
Куку кук-ку, куку кууууу...

Яна айтсам, Раҳимбой фермер қаҳрамонлик унвонини олди; хотини бир сават тухум кўтариб, кизчаси елкага жўжа кўндириб, ўзи товукларга дон сепиб туриб тушган сурати рангли журналда босилган Мўсақўзи товукбоқарнинг паррандалари уч мингтадан ошди; Ғулом ошпазнинг аёли олтита қиздан кейин эгизак ўғил туғди; шарттаки Маҳай хўрозбоз неvara кўргач, бирдан сиполаниб, намоз ўқишга ўтди; Тўлан-гўлпоқнинг ўғли ҳарбий билим юртининг курсантига айланди; сартарошимиз Барака-мараканинг ўртанчаси Сангин тандирчининг кизига уйланганидан сўнг, эгасига ўхшаб, Ҳангирштейн ҳам маҳалламизда бегонасирамай юрадиган бўлди; Тошпўлат мерган чўпонларнинг бошига қишин-ёзин ташвиш солаётган чиябўриларни қийратишдаги хизматлари эвазига овчилар жамияти томонидан дурбинли милтиқ билан тақдирланди; кўнжоримизга суқланишдан тийилиб қолган Қирон қассоб суякни тезу тоза ғажишда қаторасига ўн учинчи бор чойхона чемпионлигини қўлга киритди; каттик ҳайиқув боис мўлжалдагидан олдинроқ туғиб кўйган Жамила опанинг ўғилчаси жавондан секингина полукқанд ўмарадиган ёшга борди; товукхўр тулкининг халоскориман, деб мақтанса-да, кучук ўғирлаб

уятли иш қилганини айтишга мардлиги етмаётган Қулқул Даведивич айби фош этилишидан ҳали-ҳануз кўрқиб яшаётгани аниқ...

Жониворлар оламидаги кадрдонларимдан саналмиш Оқчопон ҳозирда хусусий итялоққа хўжайинланиб, кексайган чоғи, ниҳоят, бизникида кўним топди; сузағон Хўппа-калла бошчилигидаги кўйларимизни яйловчага ўзи ҳайдаб чиқиб, ўзи қайтариб келади; бувим уни алқгани алқан. Қароқчиликни ташлаб, тандир остидаги кулхонада Қорабека билан апоқ-чапокланиб яшаётган Пихпих Чандр аллақачон неварачеварали бўлди. “Самурай” туфайли товукхонада жўжахўрозларнинг ўта уришқоқ тури урчиб бораётганмиш. Танноз Оламош болаларсиз хувуллаб ётган бефайз хонадонни бутунлай тарк этиб, менинг кўмагимда Санакул тоғамнинг уйига ўрнашиб олганича, унинг эмаклағич ўғлига тирик ўйинчоқ бўлиб, кунлари мароклидан марокли кечяпти...

Ўзимга келсак, доимий одамлик мақомига эришганимдан кейинок, вилоятдаги спорт мактаби талабаларининг қаторига бориб кўшилган эдим. Спортчи шерикларим билан шу ерда ўқиб, шу ерда яшаб, шу ерда машқ қилиб, кун сайин пайимиз пишяпти. Жа кўмсаниб кетсак, уйга боришимизга дам олиш кунидагина ижозат беришади.

Болаларнинг кўпчилиги тез оммалашаётган футбол, бокс, кураш бўлимларига ёпишволган бўлса, мен камончиликни танладим. Ахир, бу афсонавий қуролни олти ёшимдан бери қўлдан қўймай келаман-а! Қани, биров менга тенглашиб кўрсин-чи!

Яна гупуришни бошладингми, деманг. Чиппа-чин гапираётганимга асосларим етарли – иккита бронза, битта қумуш, тўртта олтин медалим бор. Тўртинчи олтинни ўсмирлар ўртасида бундан икки ойча илгари хорижда ўтказилган Осиё биринчилигида олдим.

Кетма-кет ютукларга эришувимда, мураббийларимга ўжарлана-ўжарлана, ўзимга азалдан қулай бўлган ўзбекона камоннинг сал замонавийлашган хилини маҳаллий усталар

кўмагида ясаб олганим ниҳоятда қўл келди; қаерга бормаи, тамоман бошқача кўринишдаги бу қуролни рақибларим қизиқиб-қизиқиб томоша қилади. Шундан билингки, тушунарсиз янгига эргашгандан кўра, тушунарли эскини пишитган яхши.

Биламан, ётларга қандай қавмданлигимни кўрсатиб юравериш, биринчи ўринда, ўзимнинг уринчоклигимга боғлиқ. Бувим манглайимга бармоғини ниқтаб тайинлаганидек, бундан бу ёғигаям асти бўш келмаслигим керак. Оламда тенги йўқ Алпомишимиз қалмиқ элидан нариламаган бўлса, энди мен елкамга уникига ўхшаш камонни илволиб, бутун Ер кезгичини айланиб чиқаман, чамаси...

Кучукликдан қутулганимдан буён икки йил ўтибдики, айрим мазахсеварларга кулки бўлишдан, мени ашаддий лофчига, ҳатто, овсарга чиқариб қўйишларидан чўчиб, ушбу ғаройиб кечинмаларимни ҳеч кимга гулламай юрувдим. Охири, ўйлаб-ўйлаб, айтмасам бўлмайди, деган тўхтамга келдим-у, мана, барини оқизмай-томизмай сўйлаб бердим. Чунки, шу баҳонада, у тенгдошимми, мендан каттароқ ёки кичикроқми, танишми, нотанишми, ҳамма-ҳамма болани кўрқинчли бир хатардан вақтида огоҳ қилиб қўймасам, ўз элатдошларимга ёмонлик тилаётганга ўхшаб кўриняпман.

Қисқаси, болаларга чикитмагунча кўнглим тинчимайдиган учтагина ўғитим бор: қарғиш эшитишдан жуда эҳтиёт бўлинг, қарғиш эшитишдан жудаям эҳтиёт бўлинг, қарғиш эшитишдан жуууда-жуда эҳтиёт бўлинг...

Энди бас қилай. Ўтган ишларни эслаб-эслаб, гапириб-гапириб, тилим тугул, бошим ҳам чарчагандан чарчаб кетди. Тўйиб-тўйиб ухламасам бўлмайди шекилли. Балки, бу гал роса узок ухларман...

Тошкент, 2015 йил.

ОДДИЙ АЙРИЛИК
ёхуд
энг бокира севги эртаги



*Гўзал хаёл, кел, бошимда гул ўйнат,
Маним истак-тилагимни эркалат!*

ЧЎЛПОН.

Адирга туташ қишлоқчадаги орти деразасиз уйлар бадантарбияга сафланган бўйи паст-баланд ўқувчилардек, йўлнинг икки четида зич тизилиб турибди. Эшик-дарвозалар ҳам турлича: булари – бирқанот, одми, баъзиси бўёқ кўрмаган, тахталари куёш куйдиригидан қорайиб, ёрилиб кетган; улари – кўшқанот, нақшиндор, ҳашаматли. Торгина тошлоқ кўчанинг чап ёғида – киши бемалол сакраб ўтса бўладиган сершағал ариқ, сувлари қушчаларга сайрашни ўргатмоқчидек қишин-ёзин чилдирагани чилдираган. Ариқ устида ҳар бир хонадоннинг ўз сўритоки бор, уларда турфа навли узумлар аёз пайти том четида ҳосил бўлгучи музбурунлардек шода-шода осилиб ётади. Энг эртапишари – баҳор тугамасиданоқ шира йиғиб улгирувчи чилги қувончқора. Кейин кишмиш, ҳасайни, ҳусайни, қизбармоқ, шивирғони, кизилтўра, шакарангтул, қорапирқилар бирин-кетин етилаверади. Юмалоқ дегани – энг кечкиси, қишнинг бошларида ҳам пўсти сўлимайди, оғизда бодрингдек карсиллайди.

Тунукатом болохона остидаги темир дарвозанинг сўл қаноти ғижирлокланиб очилди-ю, фақат тўй-маъракалар муносабати билангина жавондан олинувчи оппоқ яктагини, оҳорли кўк тўнини кийиб, бошидаги марғилони дўппининг гирдига адрас қийикни ихчамлатиб боғлаган дўнгманглай чол шошқалоқланиб кўчага чиқди. Чиқибок, калтагина соқолини энтикканича силай-силаи, ёшига хос бўлмаган тарзда илдам одимлаб, кунботардаги мозор тарафга йўналди. Илдамлагани сайин ёшариб бораверди, охири етти ёшли болага дўнди-қолди.

Чол, кўнглида унинг исмини болалиқдан ардоқлаб келаётган, орадан неча йиллар ўтмасин, чиройини заррачаюм йўқотиши мумкин бўлмаган, кексаликни шунчаки ниқоб қилиб олган кумрикўз паривашнинг ёнига ошиқмоқда эди. Ҳадемай етиб боради, Худо насиб этса, дийдорига тўяди. Шуниси қизиқки, чолни таниб ололса, яна бир мўъжиза юз беради, кампир ҳам ўша заҳоти етти ёшли қизалоққа айланади...

* * *

Нуса холани ўзим данак чақиб ейишни ўрганган чоғимдан буён биламан, эшакаравада маҳаллама-маҳалла кезиб, пиёз, гуруч сотиб юради. Кўчамиздан ўтиб қолса, бизникига кирмасдан қўймайди. Бунинг сабаби бор.

Нуса холалар илгари жуда узоқ бир ўлкада яшаган экан. Кўп йиллар олдин уларни кимлардир, нима учундир бутун бир қавми билан тўсатдан қувгин қилибди-ю, биз томонларга келиб қолишибди. То муқим бошпана топилгунича, бирлари яримвайрона хонақоларга, бирлари жамоа хўжалигининг турли омборларига, бирлари дала шийпонларига жойлаштирилибди. Ортикча томи бор кишилардан айримларининг ачиниши кўзиб, қувгиндиларга ўз ховлисидан хужра берибди. Мен ҳали туғилмасимдан бурун Нуса хола билан эри Садир тоға киш ичи бизникида туришганини, ялпизлар қулоқлай бошлаган паллада икки кўтарим чиқиб-чикмайдиган кўчини йиғиб, янги ерлар ўзлаштирилаётган чўлга кетишгач, ўзларига кичик бир кулба куриб олишганини эшитгандим.

Дадамнинг айтишича, Садир тоғанинг асли исми корейсча Сугир, хотинининг исми русча Нюся экан. Қишлоқдагилар шунақа — миллати бошқа кишиларнинг отини ё бузиб айтишади, ё ўзбекча ном қўйиб олишади.

Одамларнинг феъли ғалати-да, баъзи кўшнилари тўполончи болаларини тинчитишга уриниб, ҳадеб шўхлик қилаверсанг сени Нуса қарисга бериб юбораман, деб қўрқитарди. Бир куни ўртоғимникига ўйнагани кириб,

бузоқчасини шаталоқ оттирганча қувалаб юрсак, сопол тосда ем қораётган онаси бизни пўписалашга тутинди:

– Бас қилинглар! Ана, Нусанинг овози келяпти. Ҳозир икковингниям қўл-оёғингни бойлаб, аравасига ортиб бераман, чўлга опкетади.

Иккаламиз тўртта кулоқни динг қилганимизча туриб қолдик. Кўчадан Нуса холанинг “Пиёзлар келди-и, гуручлар келди-и” деган товуши эшитилмаса-да, ўртоғим онасига ҳадикли боқиб, сўради:

– Чўлга опкетиб, кейин бизни нима қилади?

– Нима қиларди, тўхтатмай ишлатади, – тосга кепак сепаетиб ваҳимани кучайтирди онаси. – Офтобда бошинг қайнаб, пиёз ўтайсан. Шолипояда лой кечиб, ўт юласан.

Ўртоғимнинг кўзи гилдираб, орада овқат-повқат бериб турадим, деб сўраганида, онаси бирданига қакира-қакир кулиб юборганди.

Нуса холанинг эри Садир тоғани камдан-кам кўрардим. Уйимизга кадам босадиган бўлса, халтачада гуручи, бир-икки шиша шароби билан келиб, тунаб қоларди. Бир ухлаб уйғонсам ҳам, дадам иккови ҳали-ҳали отамлашаётган бўларди. Айрим гапларини уқардим, айримларини уқмасдим.

– Биз-ку оғирликларга кўникиб кетганмиз, – дерди Садир тоға. – Лекин, қизчамга жуда кийин бўлди-да. Хотиним аравасида тирикчиликка чикиб кетса, уни далага опкетаман. Биласан, даламизда дарахт йўқ ҳисоби, қизимга катта сават шляпа кийдириб, шолипоянинг уватига ўтқазиб қўяман. Ора-сира ёнига борсам, терга пишилиб, хансирокланиб қолган бўлади. Хотиним қайтиб келса, тупроққа беланган, юзлари қизариб, ёноқлари пўст ташлагудек пўрсиллоқланган қизчани кўриб, болага умуман қарамабсан-ку, деганича мени ғадаблашга тушади.

– Ҳа энди, она зоти сен билан менга қараганда куйинчакроқ-да.

– Униям тушунаман, юраги безиллаб қолган. Бизни буёққа ҳайдашганда, эшиклари жипслаб ёпилган, тўрт

жойда кичик-кичик туйнукларигина бўлган тикин юк вағонида бир ярим ёшли ўғилчамиз бўтриқишдан ўлган. Хотинимнинг рўмолига ўраб, темирйўлнинг ёқасига кўмганмиз. Болачоғимнинг гўри қаёқларда қолиб кетди, деб йиғлагани йиғлаган эди хотиним. Қизим туғилганидан кейин ўртаниши анча тийилди. Ўғлим эсимга тушса, ўзимниям ичим ёниб кетади, ошна. Жизиллаб қовриламан-у, хотинимга сездирмайман.

– Нимасини айтасан, Садирвой! Фарзанд доғидан баттари бораканми? Мен бирмас, иккита боламни топширганман.

– Биладан, хотининг хотинимга айтган экан.

– Иккинчи кизим уч яшар бўпқолувди-я! Сенлар келмасингдан бир йилча олдин кизамикка чалинди-ю... Э, кўй, яхшироқ гаплардан гаплашайлик. Бахтимизга шу болаларимиз соғ бўлсин энди.

Пиёлаларнинг жаранги эшитилади. Бўшатишлар идишлар дастурхонга дўқиллатиб қўйилганидан сўнг, нима учундир, орага жимлик чўқади.

Дадажоним меҳмоннинг олдида думалаб қолмасайди, деб хавфсирардим. Эрталаб хижолат тортиб ўтирмасин дердим-да.

Маҳалламиз болалари бири қадимда, бири шу даврларда тўқилган, буниси ўта қувноқ, униси жуда-жуда қайгули бўлган ўнлаб тилқайрамаларни худди кўшиқ қуйлаётгандек оҳангга солиб айтиб юришарди.

Бугун бозорга ўхшайди,
Етимлар бунча қақшайди?
Бозордан қанд опкелувчи
Отагинаси йўққа ўхшайди.

Шунисини эшитганимда, юрагим “жиғ-ғ” этиб кетарди доим. Дадам ўлиб қолмасайди, деб кўрқишни бошлардим. Яхши кўргандан яхши кўрардим дадагинамни. Менга сира қаттиқ тегмасди.

Йил янгиланган ойнинг ўртарогидан бошлаб дадам негадир уйга келмай қўйди. Аямдан сўрасам, уни бир иш билан олисроққа жўнатишди, ҳали а-анча юради, дейишдан нарига ўтмайди.

Сал кейинроқ, гап нимадалигини кўчадаги ўртоқларимдан барибир билиб олдим. Улар ота-оналарининг ўзаро гужурлашувидан илғаволган бўлса керак-да. Дадам жамоа хўжалиги фермасида омборчи эди, қандайдир текширувчилар келиб, ишидан у-бу камчиликлар топишибди, шунинг касридан қамоққа тушибди. Аямдан қамокнинг нималигини суриштираман, у жой – девори баланд бир кўрғон, то фурсати тўлмагунча, ичидагиларни ташқарига чиқармай туришади холос, лекин ётоқлари тайин, овқати бепул, деб уқтирди.

Оворагарчиликни қаранг! Айби бўлса, узоққа опкетиб бепул боқиб юргунча, уйимизга қамаб қўйишавермайдими...

Дадамни соғинавердим, соғинавердим. Қўшни хотинлар чиқиб аям билан жақир-жуқурни бошласа, дадам тўғрисида илиқроқ гап ўрмалашидан умид килиб, уларнинг оғзини пойлаганим пойлаган эди.

Баъзида Садир тоға келиб қоларди. Унга кўзим тушиши биланок, худди дадамни кўргандек, қувониб кетардим. Ҳар гап у кичик бир тугунча кўтариб келар, костюмининг ички чўнтагида менга аталган попукдор қоғозли чайнамайшиминг ҳам бўларди.

Нуса хола эридан кўра серкатнов эди. Қоплар ортилган эшакаравасида кўчамизга оралагудек бўлса, одатдагидек, бизникига бош суқмасдан ўтмасди. Гоҳо бир-икки пиёла чой устида аям билан андак дардлашган бўларди.

– Нимага Гоптайни ҳеч опкелмайсизлар? – деб сўраб қолди бир куни аям. – Уни боламдек ёкимсиратиб қолганидим, соғинаман-да.

– Муштдек киз кун бўйи аравада юришга чидаши қийин, – деди Нуса хола.

– Қўрқманг, олтига киряпти, суяги анча қотди.

– Қани, бир опкеларман.

Шунда аям кўз қирида менга қитмирона караб, Гоптай эсингдами, қулоғини тишлаб ўзингники қилвол деганимда, картиллаибгина тишлаганидинг, деб қолди.

Қулоғидан тишлаганим, кизча бор товушда додлаб юборгани шувиллаб ёдимга тушди, аммо киёфасини кўз олдимга яққолроқ келтиролмадим. Уч яшарлигимда хатна тўйим бўлганди, Садир тоға тўйга хотини билан кизчасиниям олиб келган, Гоптайни ўшанда биринчи марта кўрган эдим. Икковимиз сопол косачага бармоқ тикиб нишолда ялаганимиз, сўйилган қўйнинг жонсираб питирлашини донг қотиб кузатиб турганимиз, болаларга қўшилиб чопқиллаб ўйнаганимиз, аямнинг ишқовига учиб, унинг қулоғидан тишлаганим узук-юлуқ эсимда. Аник билганим шуки, ўша кун ишдан сира нари кетгим келмаганди. Чиройлидирки, ёнидан силжишни истамагандирман, деб ўйлаётгандим шу дамда (“Гоптай” сўзи маҳаллий карислар тилида “гўзал”ни англатишини йигит бўлганимдагина билдим).

Кузнинг бошларида Нуса хола ўзбекча узун иштон, енги шалвироқ чит кўйлак кийган кизчаси билан келиб қолди.

– Вой, бу – Гоптайми? – аям борасолиб, калтагина сочининг ўртасидан ялма очиб олган меҳмончани бағрига босди. – Катта киз бўпкетибди-ку! Вой, ўзим ўргилайин сендан!

Бирга тушлик қилдик. Гоптай бизга эликолмай, қунишганича тамаддиланиб ўтирди. Ора-сира унга пастдан кўз ташлайман, у ҳам ҳуркаклик билан менга қиялаб-қиялаб қўяди.

Овқатланиб бўлганимиздан кейин, ток остидаги ёғоч сўримиздан тушиб, киттай иккиланиб тургач, юр, Гоптай, эшагингга ўт берамиз, дедим. Гоптай мунгайиб онасига қаради.

– Борақол, – деди Нуса хола, – эшакниям қорни очди-да.

Гоптай сўридан сирғалиб тушиб, патакли калишчасини кийди, мен билан боришга оёғи тортмаётгандек иштиёқсиз одимлаб, ортимдан эргашиди.

Уни томоркага бошлаб кирдим. Оғилнинг олдида тўхтаб, қўйларимиз учун жодида қиркиб қўйилган хашакдан бир кучоғини олдим-да, Гоптайга узатдим. Гоптай қорни очилиб қолаётганини хаёлигаям келтирмай, қўйлагининг этагини тутди. Хашакни этакка солиб, ўзим яна бир кучоғини кўтарганча ташкарига юрдим. Кўчага чиқиб бориб, озиқларни эшакнинг олдига тўқдик.

Қўшни қизлар ерга бўр билан чизилган катакларда бир оёқлаб сопол суриб, “ҳаккалакам” ўйнашаётган экан, бу меҳмон ким, деб сўрашган эди, Нуса холанинг қизи, дедим. Бирдан Гоптай ҳам тилга кириб, уларга дадил яқинлашди:

– Отим – Гоптай. Бирга ўйнасам майлими? Мениям ўйинга қўшинглар.

– Ие, ўзбекчада бошлаб гапирдинг-ку, – деди қизлардан бири. – Карисчаниям биларсан?

– Биламан.

Гоптай “ҳаккалакам”га қўшилди. Мен четда сўппайиб қолмайин деб, уларга қозилик қилишни бошладим. Ўйинда гоҳ кимдир бир оёқда мувозанатини йўқотиб тебраниб кетади, йиқилмаслик учун, тепага букиб олган оёгиниям беихтиёр ишга солади. Икки оёқлаб тўхтадинг, ўйиндан чиқ, деб жовирлайди қизлар. Баъзан оёқда сурилган сопол саккизта катакдан бирининг оқ чизигига қадалиб тўхтайди. Яна ўша жовур-жувурлар:

– Сополинг чизикни босди, ўйиндан чиқдинг!

Гоптай ҳам икки марта ана шундай ҳолатга тушди. Биринчисида қизларга ўшқиргудек бўлиб, букилган оёғини чўзишга чўзди-ю, ерга теккизгани йўқ, деб; иккинчисида эса, сопол билан чизикнинг орасида қошлиқчўп сиккудек жой турибди, деб унинг ёнини олдим. Қизларга гапимни ўтказолганим сайин талтаявердим. Гоптайнинг олдида обрўйим тоғ бўйи кўтарилдими дейман-да!

Шунақага ўхшайди. Уйимиздан чиқиб келган Нуса хола қизчасини аравадаги қопларнинг олд томонига ўтирғизиб,

ўзи ҳам четрокка ялпайиб чўкканича эшагини олдинга силжитгач, аста олислаб бораётган Гоптай йўл-йўлакай менга икки-уч бор ўгирилиб, ёқимли-ёқимли жилмайиб қўйди.

Дадамни бир йилга камашган экан, бошлиқлари инсофлироқ бўлса керак, оилангда байрам қилақол, деб муддатидан аввалроқ бўшатиб юборишибди, янги йил киришига икки кун қолганида лоп этиб уйимизда пайдо бўлди.

Ҳовлимиз олдин қўни-қўшнига, кейин қариндош-уруғларга тўлди. Қўй сўйилди. Уйқозондан каттароқ бўлган далақозонда бир шўрва қайнаса, бир палов дамланади. Садир тоға ҳам эртаси куннёқ эшакаравага хотини билан қизини ўтқазиб етиб келди. Янги йилни бизникида кутишди. Гоптай бу сафар мендан ётсирамай, бирга ўйнаб ўтирди. Тишимнинг изи қолмаганмикин деб, кулоқчаларининг дам унисига, дам бунисига зоғланиб кўз қадар эдим. Охири, ўрик ўтиннинг чўғи солинган сандалга оёқ тикқанча, биқинма-биқин ухлаб қолибмиз.

Дадамга жамоа хўжалигидан иш беришмади. Дамодам маҳалладаги иссиқ-совуқ маъракаларга араллашиб туришини ҳисобга олмаганда, киш ичи уйда уймаланиб юрди. Йўқчиликданми, ўзини одамлардан олиб қочадиган бўлиб қолди. Илгарилари бизникида тез-тез йиғилиб турадиган улфатлари ҳам қорасини кўрсатмай кетишганди. Гузардаги чойхонага чиқиб, одамлар билан бир чакчаклашсангиз, кўнглингиз ёзилармиди, деб қўярди аям баъзида.

— Нимани чакчаклашасан? — деб ўқраяр эди дадам. — Бири майда-чуйда дардини чувалашга тушади, бири игводан бўшамайди...

Тўққизта қўйимиз бўларди. Дадам қамокдалигида иккитасини сотиб рўзғорга харжлагандик, қамокдан чиққанида биттасини элга егиздик. Етишмовчилик бордирки, кейинроқ яна иккитасини сотдик.

— Битта қўчқор, учта бўғоз совлиғимиз қолди, — деб дадамга бир куни панд айтган бўлди аям. — Қанча

кийналсак кийналайлик, то кўпайиб олмагунча, энди кўйларга тегмай туринг. Хамиртуришдек гап булар.

Хар йилгидек, томорқамиз четидаги икки туп бодом баҳор кириб-кормасиданоқ гуллай бошлаган кунлар эди. Садир тоға келиб, дадам билан ярим кечагача улфатчилик қилди. Эрталаб чала-чулпа нонушталанди-ю, ўзбекона одатга кўра юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди. Эшикдан чиқаётиб, эшакаравани миниб келайми, ё ўзинг улов топасанми, деб сўради дадамдан. Овора бўлиб юрма, ўзим борарман, деди дадам. Садир тоға кетгач, аямнинг кўзлари синчковланиб, бу ўртоғингиз қанақа арава тўғрисида гапиряпти ўзи, деб суриштирган эди, дадам парвосизгина бокиб, тузукрок иш топгунингча мен билан дехқончилик қиптурақол, даромад – ўртада, деганиди, таваккалига розилик бервордим, деди.

– Бошқа иш қуриб кетганакан-да! – кўзини чақчайтириб бидирлади аям. – Чўлга чидаш осонаканми?

Дадам индамасдан четга юзланди. Унинг кўзларида мунг яллиғлангани, киприклари ўксик боланикидек тез-тез пирпирай бошлаганини кўриб, бирдан кўнглим бузилди...

Чўл деганлари Узумчи қишлоғимиздан унча узок эмасдирки, пахта етиштирувчи бригада аъзолари қўш отли, тўрт гилдиракли, сўриси кенг “хаптакач”да тонг ёришиб-ёришмасидан йўлга тушиб, ишлари битгач, қоронғи тушганда яна қайтиб келишарди. Дадам эса, ўн-ўн беш кунда бир келиб-кетарди холос. Аямдан бунинг боисини сўрасам, даданг дехқончилик қилаётган жой пахтазорлардан анча нарида, чўлнинг этакроғида, дерди.

Ёзнинг ўрталари эди. Дадам навбатдаги келишида мени ҳам чўлга олиб кетмоқчи эканини айтди. Аямнинг туйқус аччиғи чиқиб, ўйлаб гапиряписизми, уйда битта ўзим қолсам, одамлар нима дейди, деб бобиллашга тушди.

– Битта ўзинг қолмайсан, – деб қошини чимирди дадам. – Ана, тўрт эшик наридаги бева опанг келини билан гижиллашаверишдан бешиб, қаёққа қочишни билмай юрибди. Бутунлай кўчиб чикмасаям, кечалари жон-жон деб

ёнингда ётиб юради. Эртош олтидан ўтяпти, далани кўрсин, ишга кўзи пишиб борсин, дейман-да, хотин.

– Баҳона тўқиманг! Биламан, бу боласиз туролмайсиз. Ким вақтида едириб-ичиради, ким кирини ювади? Буёғиниям ўйланг-да.

– Нуса холаси бор-ку! Ўртоғингтаям ишонмайсанми?

Хаяжоним ичимга сиғмай бораётганди. Дадажонимга кунда эш-қўш бўлиб яйрашдан кўра шу чоғда, негадир, Гоптайни кўпроқ ўйлаётган эдим...

Садир тоғанинг уйидан тепарокдаги тупроғи арзикли, камкувват, серкесак, шу сабабли пахта экишга яроқсиз ҳисобланган далаларда пиёзлар пишиб-етилиб ётарди. Ер ости сувини пастлатиш мақсадида қазилган серқамиш зовурдан нарига ўтишингиз биланок, шўри тепага уриб оқ қатқалок ҳосил қилган кумлоқ ерлар бошланади. У ёғи энди – шолিপоялар. Бошқа соҳадаги олимларнинг кўпчилигига маълум бўлмаган бир сирни – ернинг шўрини ювишда, унумдор қилишда катак-катак марзалар ичра сув доимо лимиллаб тургучи, лойқали чўкмалар балчиқланиб, кумларни аста-секин тупроққа айлантира боргучи шолипоядан зўрроқ омил йўқ эканлигини бу даланинг чақалоклариям яхши биларди.

Дастлабки кунларда, пиёз қазилган ёлланганлар ишини бошқариш, уларга овқат ташкиллаб бериш билан банд бўлган дадамнинг ёнида Гоптай иккаламиз ивирсиб юрдик.

Катталарнинг ишига аралашгимиз келаверарди. Кўпинча, қазув чоғида четини кетмон тирнаб захалаган, биринчи ўринда сотиб ёки овқатга ишлатиб юбориладиган пиёзларни алоҳидалатиб тўплашга қаралашар эдик. Буларнинг бир қисмини ўта майдаларига қўшиб, уйга опкетарсизлар, дея ёлланмачиларга текин тарқатишда қатнашиш, раҳмат эшитиш бизга ўзгача завқ бағишларди. Кейин пиёзнинг қўланса исини йўқотиш учун, қўлимизни ора-сира ҳидлай-ҳидлай, лойда ишқалаб ювишга тушардик.

– Лойдаги тошча бошмалдоғимни тилди, ачишяпти, – деб юзини бужмайтирарди Гоптай.

Йиқилиб-нетган чоғимда аямнинг эркалатишига тақлид қилиб, ке, оғриган жойингни бир ўпиб қўяй, десам, Гоптай “хо-о” дея қўлини биқинига яширарди.

Пиёзлар тўлиқ казиб олиниб, ер хақи учун қарийб ярми хўжаликка топширилгач, колганининг бир қисми даладаёқ кўтарасига сотилди, бир қисмини юксўрисига баланд четан тўсиқчалар ўрнатилган кўконараваларга юклаб, ёйиб куритиш учун хирмонга ташиш бошланди. Яхшилаб куритилган пиёз ҳар қанча узоқ сақланмасин, чиримас экан.

Қанча-қанча одамга қирон келтирган урушнинг нафаси ҳануз ҳансирокланиб турарди — далада кетмон чопишга ярамагани учун бўлса керак, пиёз ташувчи аравакашларнинг кўпчилиги ногиронлардан иборат эди: бири оқсоқ, бошқасининг бир қўли ёки бир оёғи йўқ, контузиянинг жаддидан қалтироққа йўлиққанлариям бор. Айримларида аскарча шим-кўйлак, белида энли кайиш тасма. Садир тоғани нега урушга юборишмаганини билмайман-у, дадамнинг ўнг кўзи туғма шилпик бўлиб, қизариб яллиғланганича хиёл қисилиб туриши туфайли ҳарбийга олишмаган экан.

Қишда сотишга қолдирилган пиёзлар куритилиб, ижара омборга жойлаб бўлингач, дадам шолিপояни ёввойи ўтлардан тозалашда, экинларни ўғитлашда Садир тоғага ёрдам беришга ўтди. Гоптай иккаламизнинг кунимиз ҳам энди шу томонда кеча бошлади.

Оталаримизга кўмаклашмоқчи бўлсак, гоҳ нарироқдаги пастаккина, танаси кетмон солидан йўғонроқ бўлган ёш мажнунтолни кўрсатиб, тезда сояга боришимизни буюришади, гоҳ, кечки салқин туша бошлаганиданми, индамай қўйиб беришарди. Менга қўшилиб Гоптай ҳам иштонининг почасини тиззагача шимариб, марзалардан биридаги бўтана сувга тушиб борарди. Курмакларни тортқилаб юлмасдан, томиридан тепароғини чимдиб узиб олинглар, йўқса ёнидаги шоли ҳам таг-туби билан кўпорилиб чикади, деб уқтиришарди бизга.

Томири бутун қолганиданми, тўрт-беш кун ўтмаёқ, курмаклар яна шолидан баландлаб кетаверарди. Қараб-сизки, ҳамма иш бошқатдан бошланиб турибди-да. Муҳими – бу лаънатиларни уруғи пишмасдан бурун гумдон қилиш. Уруғи тўкилиб, бир болалаб берса, шוליға кун йўқ.

Шоли бошоқламагунча уни курмакдан фарклаш қийин. Курмакнинг курмаклигини баргида оқ чизиқча борлигидангина ажратиб олса бўлади. Ўйлашимча, шуни янглиштириб қўйишимиздан чўчиб, бизни шолিপояга яқинлатгилари келавермасди. Жуда ғайратларинг қўзиётган бўлса, ана, марзанинг устини тозаланглар, дейишарди.

Марза сувдан баландлиги учунми, муттаҳам курмаклар бу ерда қорасиниям кўрсатмас, муғамбирдан муғамбир семиз ўтларгина ўсарди. Муғамбирлиги шундаки, шохларидан бирининг учини ўт ўчирувчиларнинг ичагидек сувга тушириб олса бас, суюкликни керагича сўриб, бутун тана бўйлаб писмайиб тарқатаверади.

Бир гал марза устидаги ўтларни юлаётиб, олдимиздан сузиб ўтаётган бақани тутиб олдик. Икковимиз бир пайтда ташланганимиз боис мен бақанинг орқа оёғидан, Гоптай олдинги оёғидан ушлаганча сувдан кўтардик, биринчи бўлиб мен тутдим, дея талаша кетдик. Тортди-тортдида орқа оёқ узилиб чангалимда қолди-ю, қўлига қон сачраган Гоптай бақани ташлаб юбориб, унинг типирчилашига йиғламсираб тикилиб турди, сўнг менга бир ўқрайиб қўйиб, шартта ортга бурилди, марзадан чиқибок, уйи томонга йўналди.

Кечки овқат пайтидаям Гоптайнинг арази босилмади, тумтайган асно, менга умуман қарамасдан, жим қавшаниб ўтирди. Нуса хола мийиғида кулимсираб, бу иккови бугун росаям ювошланиб қолибдими, дея ёнидагилар билан маънодор кўз уриштириб қўйди. Билдимки, орамиз бузилганини булар аллақачон пайқаб бўлишган.

Садир тоғанинг бир ойнакли уйи ёнида кичкина омборча бор эди. Дадам омборчанинг четига тахта териб, устига кўрпа тўшаб олган экан, шу жойда ёлғиз ухларди.

Бир ойнакли уйда эса, гиламдек-гиламдек келадиган ўзбекона кўрпаларнинг таглигиям, ёпинчигиям узунасига тўшалиб, у четида Нуса хола, бу четида Садир тоға ётар, Гоптай иккаламиз уларнинг ўртасига суқилиб олардик. Ўша куни Гоптай онасининг нариги ёғига ўтиб ухлади.

Қаёқданам йўлиқа қолди ўша олакўз бақа? Ушлашга ушладик, уни Гоптайга индамасдан бериб кўяқолсам, ўлармидим?

Юрагим сиқила-сиқила, пинакка кетибман.

Нонуштага уйғотишди. Чивин чакқан жойларимни қашлай-қашлай, ланжланиб ўрнимдан турдим. Оёғимни судраб босганча уйдан чиқиб, ариқчада юзимни ювдим, толга илинган сочиқни олиб, сусланиб артина бошладим. Кўнглим ҳамон қоронғи эди.

Бир пайт Гоптай келиб, курагимга турткилади:

– Ҳей, менга қара!

Юрагим бошқача тепиниб, унга ўгирилдим.

– Бугун яна бақа ушласак, бўпти, сен олақол, – деб жилмайди у. – Энди талашмайман.

Ичимда ярқ этиб қуёш порлагандек бўлди.

– Э, бақаям куриб кетсин, – дея қўл силтадим мен. – Ўшани деб, сени хафа қипқўйдим.

Шу тариқа, кунларим Гоптай билан биргаликда чарақлаб-чарақлаб ўтаверди. Мен унинг кўнглини авайлашга тиришадиган бўлиб қолдимми, ёки у менга кўпроқ ён берармиди, хартугур ўртамизга қайтиб совуқчилик тушмади. Уни бирор соат кўрмасам, энг суюмли ўйинчоғимни йўқотиб қўйгандек бетоқат эловлана бошлардим. Бу элитмакўз қизалоқ шу ёшимдаёқ қалбим чечакзорини бутунлай ўзиники қилиб олаётгани, мазкур масканда бошқа кезаргонга жой қолдирмай бораётганини билмасдим ҳали.

Ҳеч унутолмайман – Гоптайнинг бир эртаги этимда ғалатидан ғалати жимирлоқ уйғотган эди. Ўша куни эрталабки салқинда дадаларимизга озгина кўмаклашган бўлдик, кейин бизни яна сояга қувишди. Бориб, мажнун-

толнинг остига ўтирдим. Гоптай ёнимга чўқди. Ўзимизга янги эрмак топиб, иштонимизнинг шалаббо бўлган почасини сиқишга тутиндик.

– Даданг ҳозир ишини ташлаб келиб, бизга тагин эртак айтиб берса, зўр бўларди-да, Эртош, – деб қолди бир пайт Гоптай. – Айниқса, Алпомишни бошқатдан эшитгим келяпти. Ўшандай полвон йигитга ёкиб қолганига караганда, Барчиной жуда чиройли бўлса керак, а?

– Шунакага ўхшайди, – дедим мен.

Сўнг, қарисларниям эртаги борми, деб сўрадим. Бор, деган жавобни эшитиб, қани, биттасини айтиб бер-чи, дедим.

– Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим-қадим замонда битта кичкина бола билан битта кичкина қиз бўлган экан, – деб эртагини бошлади Гоптай. – Иккаласи доим бирга ўйнарган. Бир куни уларга авлиё чол йўлиқибди-ю, тилакларинг бўлса, айтинглар, дебди. Қиз, буни эшитиб, бизни ҳозирок катта қилиб қўя оласизми, деб сўрабди. Авлиё чол уларни тезда катта қилиб қўйибди. Шунда йигит қизга қараб, сени яхши кўраман, менга хотин бўласанми, дебди. Майли, дебди қиз. Тўй қилишибди. Кейин йигит ўша қизнинг ота-онасиниям уйларига кўчириб келибди. Йигит билан қиз ота-оналарига кўшилиб, битта жойда яшаб-яшаб юраверибди...

Шолипоя яқинидаги тошўчоққа кичкина қозон осилган бўлиб, дадаларимиз тушлик овқатни шу ернинг ўзида пишириб сийшарди. Кўпинча қайнатма шўрва қилинарди. Ўтин ҳўлроқ бўлса, бизни ўчоққа яқин бордиришмас эди. Ҳўл ўтин чарсиллагани чарсиллаган. Чарсиллоқдан учган чўғ кийимни куйдиради, баданингга тегса, яра қилади.

Тушлик маҳали четлари титилган бўз дастурхонни ёйиб, олдимизга иккита косада шўрва қўйишди. Кейин ўзларига овқат келтиришди, нонни майда-майда тўғраб, шўрвага бўктиришди. Мен ҳам ўшандай қилдим. Чимтомоқ Гоптай эса, нон бўлагини шошмасдан шўрвага ботириб, истамайгина оғзига солди.

– Могора! – деб жеркиб берди Садир тоға.

Карисчада бу “еяқол” дегани. Келганимдан бери, бунақа гаплардан беш-ўнтасини ўрганиб олганман: ёш онара – бу ёкка кел, иго кадера – ол, гаман андыра – жим ўтир, чагара – ухла, гадя – юр, кетдик... Карисларнинг “салом”и узунроқ холос – аненси хасимника.

Садир тоға бўғма халтадан тўртта кўк қалампир олиб, личокда парраклаб-парраклаб қиркди, ярмини ўз косасига, ярмини дадамнинг овқатига тўкди. Айтишларича, қалампир одамни терлатиб, баданидаги бор совуқликни қувиб чиқараркан. Шолипояда кун бўйи сув кечиб юрганларнинг эса, суяк-суягигача захлик сингтиб кетармиш.

Овқатланиб ўтирганимизда, мўйловдор, тўлпоқюз киши зовурнинг кўпригидан ўтиб, биз сари яқинлашаверди. Келинг, домла, келинг, деб дадам уни Садир тоғанинг ёнига ўтказди-да, қорним тўк, деса ҳам, барибир шўрва қуйиб келиб, олдига қўйди.

Мўйловдор киши, мактаб ўқитувчиси бўлиб, далада яшовчиларнинг болаларини рўйхатга олиб юрган экан. Бизнинг ёшимизни суриштирган эди, дадам мени кўрсатиб, ўғлим март ойининг бошида олти ёшга тўлди, Гоптай ундан ўн беш кунлик кичик, деди. Мўйловдор киши исмларимизни, туғилган вақтимизни дафтарига ёзиб бўлиб, булар сентябрда олти яримга кираркан, биз мактабга етти ёшдан ошганларни оламиз, келаси йили ўқишга боришади энди, деб тушунтириш берди. Кейин, шўрвадан хўпларкан, Садир тоғага қараб, аввалги юртларингда қачондан бери яшар эдиларинг, деб савол ташлади.

– Аниқ билмадим-у, отам ҳам, отамнинг отаси ҳам, унинг отаси ҳам ўша ерда яшаб ўтган экан, – деди Садир тоға. – Нимага сўраялсиз?

Мўйловдор киши охирини бир кўтаришда косани бўшатгач, попукли сатин рўмолчада оғзини артиб, Садир тоғага салмоқли сиёқда юзланди:

– Сўраганимнинг боиси – ўшанча вақт руслар билан аралаш яшаб, ҳалиям русчага тилларинг келишмайди.

Ўзбекистонда яшаётганларингга ҳеч қанча бўлгани йўғ-у, ўзбекчада худди ўзбекдек тоза гапирадиган бўлдиларинг. Хўш, бу нимани англатади? Бу шуни англатадики, тилларимизнинг томири бир!

Дадаларимиз меҳмонни кузатиб қўйиб, яна юмушга берилишди. Садир тоға ишлаётиб, одатига кўра, қандайдир қўшиқни димоғида тинмай хиргойи қила бошлади.

– Қачон қарама, шу ашулани айтганинг айтган, – дея тегишқокланиб сўз қотди дадам. – Бошқаси йўқми?

– Бошқалариям кўп, – деб жавоб қилди Садир тоға. – Лекин, ҳеч қайсиниси бу қўшиққа тенг келолмайди, ошна.

Дадам кесатишини қўймади:

– Шунчалик кучли бўлса, мазмуниниям билайлик-чи.

Садир тоғанинг айтишича, бу қўшиқнинг маъноси шундай экан:

Эй, юртимдан келаётган шамол!
Отам бўлиб, онам бўлиб,
Сочларимни силаб ўт!

Эй, юртимга кетаётган шамол!
Мен ўглига айланиб,
Отам билан онамнинг қабрини силаб ўт!

Садир тоға манглайини тириштириб туриб қолди. Дадам унга ҳилвироқланиб тикилганича деди:

– Қўшиқмисан қўшиқ экан! Айтавер, оғайни, айтавер!

Лекин, Садир тоға ашуласини давом эттирмади, чўнтагидан папирос олиб, оғзига қистирди. Гугуртда ёндириб, устма-уст сўрди-ю, ўкчиб-ўкчиб йўталди.

– Аччикдан аччиқ бўлсаям, арзонлигига учиб, шу ўлати “Байкал”ни чекканим чеккан, – дея кўкрагини силаб хирқирокланди у. – Лекин дунёда бунданам аччиқ, бунданам ичингни емирувчанларига чидаб келяпман. Булар – юрт соғинчи, қувғинди бўлиш алами.

– Қисматдан қочиб қутулиш иложсиз экан, – деди дадам. – Она юртидан, ота уйидан ҳайдаб солинган бири чечен, бири

қрим, бири ингуш танишларим бор. Гаплашиб қолсанг, дардлари сеникиданам оғирдай, кечинмалари сеникиданам аянчлидай. Тангрим ўзи юпанч берсин сенларга...

Ўз-ўзидан кўзим сузила бошлади, бирам уйким келяптики, деб толга елка тирадим.

– Мениям уйқи босяпти, – деди Гоптай. – Елкангга суянсам майлими? Ерга ётсам, чумолилар тишлаб қочади.

Мен толга, Гоптай менга суяниб, уйкуга кетдик. Уйғонсам, Гоптайнинг боши елкамдан сирғалиб тушибди, чўзилган оёғимни ёстик қилганича тиникиб ухляпти.

Эртақдаги ўша авлиё чол Гоптайни сеҳрлаб қўйса-ю, қанийди, мана шу ётишда уйғонмай ётаверса, деб ўйлаётгандим шу онда.

Қиш бошланиб, пахта терими охирлаб бораётганида, хўжаликдаги каттаконлар дадамга иш беришди – боғ бригадири қилиб тайинлашди. Бунинг эшитиб, Садир тоғанинг боши осмонга етди, Нуса хола қуюқроқ зиёфат уюштирган бўлди.

Тонгда дадам икковимиз қишлоққа жўнадик. Гоптай ота-онасига эргашганича бир ойнакли уйчадан чиқиб келиб, кўзи мўлтираган асно бизни кузатиб қолди. Ўзимни қувноқроқ кўрсатишга уриндимми, аненси гасио, дея қарисчалаб хайрлашган эдим, лабининг четида хирагина кулиб қўйди. Анча юриб боргач, ортга қайрилсам, уйчанинг олдида энди битта ўзи халиям ўшандай тикилиб турибди. Унга кафтимни тебратиб қичқирдим:

– Яна келама-а-н!

Қишлоққа қайтсак, қўнқоримиз лорсиллаб кетибди. Совлиқлардан бири эгиз тукқани учун тўртта қўйимиз саккизта бўлувди, қўзичоқлар аллақачон тўхлига айланиб улгурибди. Бошимизга давлат ёғилгани шу-да. Бунинг устига, Садир тоға биринчи қор тушган куни уйимизга келиб, бу сени улушинг, дея дадамга бир чорси пул ташлаб кетди.

– Қадамнинг ёғил экан, – деганди у ўшанда дадамга. – Шунча экин экиб юриб, ҳосил бу йилгидек мўл бўлганини сира кўрмагандим.

Орадан икки ҳафта ўтиб-ўтмай, Садир тоға яна дарвозамиздан кириб келди. Ёнида Гоптай ҳам бор эди. Бир-биримизни кўришимиз биланок, кўзларимиз яшнагандан яшнаб кетди.

Садир тоғанинг, негадир, тафти сушт эди, дадамни четга тортиб, қовоқ солганича алланималарни шипшитди. Томоркадан чиқиб келган аям Садир тоғани кўриб, эндигина хол-ахвол сўрашни бошлаганди, дадам яқинроқ бориб, унга нимадир деб пичирлади. Аямнинг тўсатдан ранги қув ўчди, вой ўлмасам, деб кўйлагининг ёқасини тутамлади.

Дадам уйга кириб, тезда кийиниб чиқди, аямга қараб, бугун келолмасам керак, деди. Садир тоға иккови шоша-пиша йўлга тушди. Шу кетганча қайтишмади, Гоптай бизникида тунаб қолди. Даданг нимага хафа, деб сўрасам, онам касал, деди холос.

Нима воқеа юз берганини тундлиги сира ёзилмаётган аям кўшни хотинга сўзлаб турганида билиб олдим. Бундан уч-тўрт кун аввал Нуса хола кўксини чангаллаб йиқилибди-ю, шу-шу, қимирлолмай қолибди. Дарровда дўхтирхонага олиб боришибди. Фойдаси бўлмабди. Кеча тушликка яқин жони узилган экан.

Гоптайга буни айтишга тилим бормади. Чамаси, аям ҳам нима дейишни билмаётганди.

– Кўчада бир ўйнаб келсаларинг-чи, – деб кўлимизга уч-тўрттадан ёнғок тутқазди охири.

Кўчага чиқмасак ҳам бўларкан, Гоптайни “ҳа, карисча”, деб эрмаклагани учун ўзимдан каттароқ бола билан ёқалашиб қолдим. Қаттиқ олишдик. Ерга думалаб йиқилганимизда, билагим яхшигина шилинди, унинг кўйлаги йиртилди.

Ховлига қайтиб кириб, кўлимиз совуқдан қалтираганича товукнинг катаги ёнида ҳаммомпиш ўйнашга уннадик. Нам тупроқдан юмалоқ гумбазли ҳаммом ясагач, устига мўри ўрнатиб, ёнидан эшикча очаётганимда, қара, мен зўр уй курдим, деб қолди Гоптай. Кўрсам, каттагина уй тиклаб, ховлисининг атрофини чўп деворда ўраб қўйибди.

– Пулимиз кўпайса, дадам шунақа уй солади, – деб орзикди Гоптай. – Сизларникига яқинроқ жойга курсак, ҳар куни бирга ўйнардик.

Бу иш эрта-индинок амалга ошадигандек, суюниб кетдим:

– Ие, кишлоққа кўчиб келасизларми?

– Чўлда мактаб йўқ, – хўрсинди Гоптай. – Келмасак, қаерда ўқийман?

– Уйни қуришга неччи кун кетаркин?

– Билмадим... Улгуришар...

Бирдан қувлигим кўзиди:

– Агар улгуришмаса, сени кишлоққа эрга бериб қўяқолишсин.

– Эрга беришсин? – чаракланиб бокди Гоптай. – Кимга?

– Кимга бўларди, менга-да!

Гоптайнинг лўппи юзи туйқус дувиллаб қизарди.

– Сенгами?! – деди сўнг илжайиб. – Сен уришқоқсан-ку! Юмдалогич мушукка ўхшайсан!

Шундай дея, қотиб-қотиб кула кетди. Мен ҳам кулгига қўшилдим. Куляпман-у, ичимда нимадир титраниб эриб борапти.

Кечаси аям узунлатиб жой тўшади, учаламиз битта кўрпага кирдик. Гоптай ҳаял ўтмасданок уйқунинг қопқонига илинди. Анча маҳал унга тикилиб ётдим. Ўзимни чинакамига куёвчадек ҳис этмоғим учун аям шу топда ортиқчалик қилаётгандек эди.

Садир тоға биз ухлаганимиздан кейин дадам билан келиб, дарвозамиз ёнидаги меҳмонхонада тунаб қолган экан, Гоптай эрталаб уни кўрибоқ, онам қани, деб сўради. Садир тоға чуқур ҳомуза тортиб олгач, онанг узо-о-ққа кетди, деди.

Гоптай дадасига хавотирли бокиб, яна сўроққа тутди:

– Қачон келади?

– Билмадим, – деди дадаси. – Келавермаса, бир куни ўзимиз олдига борамиз-да, қизим.

Буни эшитиб, аям ўзини йиғидан тиёлмай, шاپалогиди кўзини тўсганича, уй ичига тезланиб кириб кетди...

Келгуси йили мактабга бордим. Шу ерда бўлганида, ҳозир Гоптай иккаламиз бирга ўқиётган бўлармидик, деган ўй бошимда тез-тез айланиб турарди. Афсуски, улар кетиб қолишган. Нуса хола вафот этганидан кейин, Қозоғистоннинг аллақаерида яшовчи синглиси келиб, жиянимни бошқа аёлга ўгайлатиб қўймайман, дебди-ю, ўзи билан олиб кетибди.

Қизини қўмсаган бўлса керак, қишнинг қирчилламасида Садир тоға ҳам ўша ёққа жўнади. Кетишдан аввал бизникига келгани, дадам билан қучоклашиб-қучоклашиб хайрлашгани эсимда.

– Хотинимнинг кабрига қараб-нетиб туринглар, мен келолмасам, бир кунмас бир куни боламми, неварамми келиб зиёрат килар.

Садир тоға айтган охириги гап шу бўлди.

Оқсоқолларнинг розилиги билан, Нуса холани қишлоғимиздаги мусулмон кабристонига дафн этишганди. Дадам ҳар баҳорда бориб, ўз ота-онасиники каторида Нуса холанинг гўрини ҳам ўтлардан тозалаб келарди. Бунақа пайтда Садир тоғанинг ўша ашуласи ёдимга тушаверарди. Дадам газетада ишлайдиган бир танишига бу қўшиқнинг мазмунини айтиб бериб, кейинчалик шеър килдириб олганди:

Шамол келди юртимдан,
Ёйдим мен қулочимни.
Отам бўлиб,
Онам бўлиб,
Силаб ўтсин сочимни.

Кўзларимни ёшлатиб,
Шамол кетди юртимга.
Отам қабрин,
Онам қабрин
Силаб ўтсин ўрнимга.

Қозоғистон томонларда бўлиб қайтган таниш бир қарис киши дадамни учратиб қолиб, Садир тоға автомашиналар

тўқнашувида ўлганини айтганлиги эски кадрдонининг эзгин қўшиғини ўзбекча шеърга айлантириб асраб юришга туртки берган экан. Дадам ўшанда унинг қизини суриштирса, иккаласи бирга ҳалок бўлганмиш, дебди.

Буни дадамдан талай фурсат ўтибгина эшитганимда, юрагим уқаланиб кетгудек бўлувди. Қачонки Гоптай эсимга тушса, кўзларим ўз-ўзидан ёшланишни бошларди. Уни олиб кетган аёлни топиб, аямасдан савалагим келаверарди.

Шундай чараклаган қизни нима қипқўйишди-я?!

...Қабристон жимжит эди, ёмғир сийрак томчилаб турарди.

– Агар тириклигингни билсам, сени ернинг тагидан бўлсаям излаб топмасмидим, Гоптай. Нега ўзинг хат-пат ёзмадинг? Нега?

– Бир-икки марта ёзмоқчиям бўлдим, лекин манзилимнинг тайини йўқ эди. Умримнинг энг чарсиллаган даври қозокларнинг у даласидан бу даласига кўчиб юриш билан ўтди. Бошим кулфатдан чиқмади. Холамнинг эри бетайин киши эди, ҳеч кимга ёкмасди, ҳеч ерга сиғмасди.

– Ҳарбийда бўлдим, институтда ўқидим. Битирганимдан кейин ҳам анчагача уйланмай юрдим. Учраган қиздан сендаги қиёфани, сендаги киликларни ахтаравердим. Ҳатто тўйим бўлаётган куниям кўз олдимга келиб турволдинг...

– Мен-чи, мен? Сени эсламаган, сенга талпинмаган куним йўқ эди. Саргардонликдан кутулиб, йўлимни топиб олганимда, йигирма бешдан ўтиб қолувдим. Эртош – ёлғиз ўғил, аллақачон уйлангандир, деб ўйлардим. Сени ҳеч бўлмаса яна бир марта кўрай, армоним арисин, дердим-у, ўзбек аёлларининг феъли нозиклигини билганим учун, турмушингга совуқчилик тушириб қўйишдан чўчирдим, ўзимни зўрлаб йўлдан кайтарардим.

– Ўшанда имилламаслигинг керак эди, Гоптай. Мен йигирма еттимда уйланганман, йигирма еттимда!

– Сенам мени яхши кўришингни қаердан билибман...

– Вах, пишмаган калла-я! Ҳамма айб ўзимда, қаёқдаги мишмишга ишониб, сени тириклайин кўмиб ўтирибман-а!

Нимага яхшироқ суриштирмадим? Нимага кидириб кўрмадим? Мен ландавурни кечир, Гоптай! Кечир мен хумбошни... Кечир...

* * *

Бунақасини тўкиб бўларканми?! Бир мистовоқ сомсани кўтариб, қишлоқдаги удумга кўра, қўшнининг меҳмонини йўклашга кирганимда Эртош отадан нимани эшитган бўлсам, шуни ёздим.

Қарангки, Эртош ота билан шунча йил битта кўчада яшаб, бир пайтлар таниқли мелиоратор бўлгани, қанчадан-қанча сув иншоотлари унинг лойиҳаси асосида қурилганидан бўлак нарсани билмай юраверибман. Буям одамку, балки, кўнглида ҳали ҳеч кимга айтмаган сирлари бордир, деган ўй бирор марта бошимга кўнмабди. Агар, Гоптай момо деган кампир ўнлаб йилларга чўзилган жудоликдан сўнг онасининг қабрини зиёратлаш ниятида Узумчи қишлоғини истаб келгани; хотирасида ўчмас ёлкинга дўнмиш Эртош отанинг тириклигидан қувониб, бир ойчадан бери уникида кўнок бўлиб юргани; кампирнинг невараси уларни ўз машинада водий бўйлаб сайр қилдиргани; болаликнинг захматли, бироқ тотлидан тотли дамларини қайта жонлантирмоқ илинжида, тобора тароватли тус олаётган кўҳна чўлни икковлон яёв кезиб чиққани ҳақида одамлар шовшув кўтармаса; мен шовшувнинг тафсилотига чуқурроқ шўнғимокдан эриниб, бу силсилали қисматни Ер кезғичида ҳар бир сония ичра юз бериб тургучи минглаб оддий айрилиқлардан бирига йўйиб кўяқолсам; кейинроқ эса, илоҳий ҳодисадек туюлуви ила бутун бошли қишлоқни ларзага солган маъракада қатнашмасам, оламда мунглигина янги бир эртак туғилганига шохид бўлолмай ўтиб кетаверар эканман.

Хатомни тўғрилашга ошикманг, хотима топган умрлар баёни ўлароқ идрок этилгучи “эртак” деган сўзни янглиш ишлатмадим. Юртига йўл олишга жовланган Гоптай момо сўнгги кечада Эртош ота билан узоқ суҳбатлашиб

ўтиргач, тун яримдан оғганида ухлашга ётибди-ю, қайтиб уйғонмабди.

Хонадон тонгдаёқ одамга тўлди. Маҳалла оқсоқоли гоҳ кампирнинг невараси, гоҳ чолнинг фарзандлари билан нималарнидир маслаҳатлашар, ланг очиқ дераза тарафга бот-бот жаланглаб, уй ичига бойқушнамо қараб кўярди. Уй ичида эса, Эртош ота каравотдаги жасадга киприк қокмай термилган куйи тош қотиб ўтирар, ҳеч кимга гапирмас, ўзгаларнинг гапи ҳам қулоғига мутлақо чалинмаётгандек эди. Бурноғи йили кампиридан айрилганидаям чолни бундай қарахт кепатада кўрмагандик.

Оқсоқол охири Эртош отанинг олдига кириб борди. Елкасидан секингина қучиб тебратганича, энди нима қиламиз, деб сўраган эди, у кескин товушда: “Гоптай ёнимда қолади!” деди. Шундай деди-ю, кўзлари тўсатдан тепага битиб, боши билангланиб чайқалди, остидаги курсидан каравот томонга мудгий бошлади. Оқсоқол потранган алпозда унинг қўлтиғидан тутди, авайлаб гиламга ётқизди.

Эртош ота билан Гоптай момо қабристонга бирга кетди, ёнма-ён қазилган лаҳадларга бир пайтда қўйилди.

Улар энди орамизда эмас. Бир-бирининг жаҳонда ўхшаши йўқ чехрасига қониб-қониб олиб, бу муваққат чайлани армонсиз тарк этишди-ю, иккови битта эртакка айланди...

Эртами-кеч, биз ҳам эртакка айланамиз. Аммо, шу томониям борки, бунинг учун одамдек яшаб, бировга айтишга арзигулик, лоақал, бирон-бир жимжимали кечинмани бошдан ўтқармоғимиз лозим шекилли.

Тошкент, 2014 йил

ЯЛТИРОҚ ТУГМА



Шаҳар бедарвоза эмас.
Ўзбек мақоли.

Таваккал ҳужум ёки муқаддима

Жумлаи жаҳонни зир титратган соҳибкиронлар-у, соҳибкиронликка даъвогарлигича армонда кетган ҳад-ҳисобсиз хашаки забткорлар ўзларининг дағдағали юришларини бугдой ўримида кечиктирмай бошлашни мақбул деб билганлар. Шахсий мулоҳазасига кўра нафақат маҳалласида, балки қўшни қишлоқларгача донг таратиб улгурган ва энди вақтни вилоятда танилмоққа исрофлаб ўтирмай, шеърпарастлар қалбини бирйўла тарихий Мовароуннаҳр микёсида ишғол этишга бел боғлаган Аламазоннинг нисбатан беғалва сафари эса 1976 йилнинг кеч кузига тўғри келди. Бухоро амири Насрулло ҳам бир пайтлар Қўқонни туруп пишиғида камал қилганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу – юқорида айтиб ўтилган кўҳна анъананинг сўнгги бир ярим аср мобайнида иккинчи марта бузилиши эди.

– Ҳечқиси йўқ! – ўзига ўзи тасалли берди Аламазон. – Менда на совуқдан қирилдиган лашкар бор, на лойга боладиган замбараклар. Ҳатто, охириги пиёданиям қишлоққа ташлаб кетяпман.

Унинг инжик ва содик пиёдаси Эшмат ишма шу топда уч ғилдиракли «Муравей» мотоциклини ўттегирмон янглиғ ғалдиратиб текис ҳайдаб борар, дамо-дам ортга ўгирилиб, кузовда бирдай ғўдайиб келаётган «қўмондон»ига маъносиз илжайиб қўярди. Бу манзарани узоқроқдан кузатган киши, ўта эҳтиёткор ҳайдовчи мотоцикл кузовида, одамдан кўра, биронта тарих музейи учун Алимкул шернинг ҳайкалини олиб кетяпти, деб ўйлаши ҳақиқатга яқинроқ эди.

Мотоцикл вокзал майдонини яримдоира шаклида кезиб чиқиб, четрокдаги бақатерак остида тўхталган чоғда, ту-

тунпуркагич таратган пақиллоқ товушдан шохлардаги охирги япроқлар дув тўкилиб тушди. Бир қисмидаги ҳарфлар ўчиб, «...таянч пункти» деган сўзларгина қолган синик жойбилдирик ёнидаги очик эшикка эндигина тумшук суқаётган саёқ кўпшак бир потирлаб олгач, темир ахлатдонни даранглайтиб ағдарганича ура қочди.

– Колхоздан янгирок аравача ундирсанг-чи, – Аламазон виқор билан ерга тушиб, ялтироқ тугмали курткасига қўнган намхуш гардларни рўмолчасида қоқа бошлади. – Тўртта боғчага омборчисан, ахир.

Чийиллаб зорланишни ёктирадиган Эшматга баҳона топилди.

– Матасекилни гапирасан-а. Бошимда раисникидан кўпроқ ғалва борлигини билиб туриб, моянамни кўпайтиришмайди-ю.

– Хуноб бўлма, тўлпоқ пиёдам, – одатдагидек болохонада туриб гапирди Аламазон. – Катта газетага ўрнашволай, раисингга бир оғиз шипшитсам, ишинг юришиб кетади.

«Кўмондон»и, хатто, мотори ажриқ билан ишлайдиган эшакнамо автобус ихтиро қиламан деса ҳам, бунга миқ этмай ишониш «содик пиёда» учун қисмат эди. Эшмат зарра иккиланиб ўтирмай, мунғайиб бош қимирлатди.

– Биттаю битта таянадигоним сенсан. Биласан-а ўзинг?

– Агар билмасам, ўшанда сени Юлдузистонга ташлаб кетвормасмидим. Ҳе, галварс!

– Яна эски эртагингни гапиряпсанми? – хўмрайиб пишқирди Эшмат. – Калака қилавурмагин мени.

Аламазон лабига сигарет қистириб, мисчакмоқда тутатгач, салмоқли одимлаб, вокзал биноси сари юрди. Эшмат кузовдаги каттакон қора жомадонни олиб, зудлик билан унга эргашди. Фанер жомадон зил-замбил эди – нима бало, машқ қиладиган тошлариниям хуржунга урганми бу хумпар?

Вокзал биносининг пиллапоясига етганларида Эшмат юкни гурс этказиб ерга ташлади, улкан ойнали деразалардан бирига оғзи очилгудек бўлиб тикилди.

– Ие-ие!..

Аламазон аввал жўрасига, сўнг унинг нигоҳи қадалган томонга қаради. Дераза кесакисига суяниб олган Азиза кўк муковали китобчага термилганича ишқий мактуб ўкиётган Лайлидек паришонланиб турарди.

Яна ўша китоб! «Ёшлик девони». Дунёда бошқа китоблар ҳам борлигидан хабардормикин бу киз?

Эндигина кош қорая бошлаганига карамай, бино ичидаги чироклар ёппасига ёкиб ташланган, чипта дардида ғимирлаб юрган йўловчилар-у, диққинафас бурун жийриб турган кутувчи ва кузатувчилар ташқаридан рангли кинодаги каби равшан кўзга чалинади. «Экран» ичкарироғидаги жинс ва башаралар тез-тез алмашинар, фақат дераза супасида ташқарига орка килиб ўтирган болакай билан мутолаадаги Азизагина ҳануз миқ этишмасди.

– Оббо-о...

Аламазон шу топда ўзини муҳаррирнинг захчил хонасида, хулқи муҳокама этилаётган мажлисда ўтиргандек ҳис қилди-ю, ковоғини уйиб, пайсаллаганича туриб қолди. Эшмат сал хушёр тортди, кўзлари синовчанликдан чакчайиб, лунжи баттар шишди.

– Ҳа, вей, нима бўлди?

Аламазон индамади. Устма-уст тамаки тортиб, бор дардини тутунга аралаштириб хайдамоқчидек, жаҳд билан пуфлади. Эшмат эса Отабекнинг йўқ гуноҳини фош этишга шайланган Мусулмонкул қиёфасига кириб, ундан жавоб кутаётганди.

– Қалланг зўр-да, Эшмат, – деди Аламазон захарханда қилиб. – Бизга ўхшаган пандавакилар севги-певги деб ўтказадиган вақтни сен бола кўришга сарфлаб қўя қолдинг.

Эшмат ниманидир ғира-шира англагандек бўлиб сесканиб кетди, феъли Бекобод шамоли сингари тез ўзгарадиган «қўмондон»нинг кўзига энди жовдираб бокди.

– Вей, менга қара. Азиза минан... муомаланг айниган бўлмасин тағин?

– Дунёнинг ишлари чалкаш, – Аламазон шу гапни айтди-ю, бирдан осойишта тусга кирди. – Мен шоирман, у – харфбосар машинкачи. Мен ихтиро киламан, у нуска кўчиради. Кўряпсанми, биз бошқа-бошқа сайёралармиз. Сайёралар тўкнашиши мумкиндир, аммо бирлашмайди.

– Бирлашасан! – гўдакчасига зарда қилди Эшмат. – Мабодо, жиндек аразлашиб қолган бўлсанг, нима, ҳаммаси тамомми энди?

– Тамомнинг нимаси? – гезариб бокди Аламазон. – Илгари... бирон нарса бошланганмиди ўзи?

Эшмат сўррайиб қолди. Пешанасидан чиққан совуқ терни енгада артиб, шалвираганича юзини секин четга ўгирди.

– Хафа бўлмагин-у, сенда инсоф йўқ, Аламазон, – деди у йиғламсирагудек бўлиб. – Азиза сенга илакишиб, бош буғолтиримизнинг ўғлигайм тегмади. Тегса, «Москвич» мошинда катайса қиб юрган бўларди. Сени деб пиёда қолса-ю, шуми оқибат?

Оқибат? Ҳа, дарвоқе, оқибат! Ҳамма гап шунда-да!

Раҳбарлар билан ора-сира ўчакишиб келгани тўғри. Ходимлар билан эса оға-инидек эди чамаси – уларга бирон марта хусумат билан қараганмиди? Йўқ! Бирон марта ёрдами-ни аяганмиди? Йўқ! Улар бўлса, на сафсатачи ўринбосарга қарши бир оғиз сўз айтишди, на муҳаррирнинг юзаки бета-рафлигини пайкай олишди. Гўё ҳозир кимдир устиларидан совуқ сув қуйиб юборадигандек, кунишганларича жим ўтираверишди.

Азиза-чи? Ахир у Аламазоннинг таҳририятга қанчалар хизмати сингганини бошқалардан кам билмасди-ку. Наҳотки, уям Аламазоннинг нафратидан кўра, муҳаррирнинг қаҳридан кўпроқ кўркса? Наҳотки, ўртамиёна бир лавозимдан айрилиб қолиш Аламазонни «дўл»га якка ташлаб қочишдан даҳшатлироқ туюлса унга? Лоақал, мажлисдан кейин таскин беришга ярамади. Ваҳоланки, ўша пайт Аламазонда на бутун қўлдан кетган курсичанинг захми, на эртанги саргардонликнинг ташвиши бор эди, у факатгина кимнингдир, «бари-

бир сен ҳақсан», дейишини, биргина шу сўзнинг пичирлаб бўлса-да айтилишини кутаётганди.

Энди билса, Аламазоннинг ўша куни ўзгалардан маҳтал бўлиб кутгани «оқибат» деб аталувчи одмигина нарса экан. Математиклар тили билан айтганда, «БАРИБИР СЕН ҲАҚ-САН» деган узундан-узун жумланинг умумий йиғиндиси мазкур вазиятда «ОҚИБАТ»га тенг экан. Бу теорема кашф этилишига Эшматнинг навбатдаги валдирашларидан бири сабаб бўлиши кимнинг ҳаёлига келибди дейсиз? Тўкилиб турадиган оддий олмалардан бири ниҳоят Нютоннинг бошига тушди!..

– Сен... Нютон бўлишинг мумкин эди, – дея Эшматнинг елкасига урди Аламазон.

– Э, бор-э, ҳали Френсис дейсан, ҳали Нуйтўн дейсан... – Эшмат бир силтаниб, елкасини панжадан халос қилгач, шилқ этиб жомадонга ўтирди, капти билан пешанасини ишкади. – Отаси йўқ бир етимчани хор қиялпсан-а? Урсанг ҳам айтавураман, сенда инсоф етишмайди.

– Биринчидан, Эшмат, – туйқус тутакиб кетган Аламазон гапимни эшитяпсанми дегандек, жомадонни тўкиллайтиб тепди, – севги бу... етимчага бериладиган садақа эмас. Иккинчидан, Эшмат, – пиёдаси тумтайганича ҳануз бош эгиб турганини кўриб, яна жомадонни тепди у, – нимага хафалигимни айтганим билан, сен галварс икки дунёдаям тушунмайсан.

Эшмат тиззасига тиралган қўллари кўмагида сапчиб ўрнидан турди.

– Вей, мени мунча камситавурдинг? Бизни бўйинга ошқовок уланибдими? Ошқовокдан соч чикмайди, вей! – бир ловиллаб кетди-ю, Аламазоннинг ўқдек қадалиб турган нигоҳига дош беролмай, ҳийла шаштидан тушди, кўзини четга олиб, таъна қилишда давом этди: – Азиза сени минг йилдан бери яхши кўради. Мактабдаям математикасини битта сенга кўчиртирарди, мен ёнғоқ бераман десамам унамасди. Ҳарбийга кетганингда аянгга қарашиб юрган ким? Газетгаям сенга илашиб ишга кирди. Агарда шуларни билмасанг...

– Кўр бўласан, демокчимисан? – унинг гапини илиб кетди Аламазон. Сўнг яна сокин кайфиятга кириб, Эшматнинг бўйнига дўстона шалатилаб қўйди. – Ишкамбалигингга қарамай, жуда очиккўнгилсан-да, Эшмат. Шунақа пайтда сени янаям яхши кўриб кетаман.

– Қўйгин энди! – хафагарчилиги бу сафар анча жиддий эканлигини билдириб қўйишга тиришди Эшмат. – Мени ёш бола қилавурма.

Аламазон эса ўсмоқчилашдан тийилмади.

– Оббо, чаток бўлди-ку. Биламан, қаттиқ ранжидингми – тамом, бир-икки соат овқат емаям қўяверасан.

– Агарда мени ҳурмат қилсанг, – Аламазоннинг бўш кела бошлаганидан ҳаволаниб, кўкрагини муштлаб чиранди Эшмат, – агарда ҳақиқий ошнам бўсанг, Азизани ўксинтирма. Ҳеч бўлмаса, мени олдимда бунақа қилма. Уқдингми?

– Шу холосми? – кулимсираб боқди Аламазон. – Бу иш телевизорни иккинчи каналга бурашдек гап... Қани, ўпкангни босвол-чи.

У бир чертки билан сигаретни чирпиратиб улоқтиргач, сахнага чикмоқчи бўлган артистдек сочини сийпалади, курткасининг ёқасини тузатиб, енгларини тарангрок тортди, ниҳоят карнайпоча шимини ҳилпиратиб пиллапоядан кўтарила бошлади. Эшмат жомадонни бели майишгудек аҳволда ердан узиб, яна унинг ортидан юрди.

Ёзги саёхатлар мавсуми аллақачон тутаган, кутиш залида одам анча сийрак эди. Шу боис, эшикдан парад майдонида минутига бир юз йигирма қадам ташлаётган аскардек тарсиллаб кириб келган ялтироқ тугмали дароз йигит дарҳол кўпчиликнинг эътиборини тортди. Навбатдаги миждозни аврамоқчи бўлиб турган лўли хотин уни кўриб кўлидаги «фикон» кўйлакни шошиб қўйнига тикди, бурчакрокда давра курган йигитчалар олдиларидаги шашколни эҳтиёт шартдан йиғиштириб қўйишди.

Аламазон ўртарокда тўхтаб, курашчиларнинг «бизга тараф борми» деб туришини эслатувчи сиекда атрофга аланглади. Азиза билан кўзи тўкнашгач, унинг бу ердалигини эн-

дигина кўргандек, таажжубланиб чимирилди, шошилмасдан одимлаб, ўша ёққа йўналди. Азиза ҳам китобни бағрига босганича унинг истиқболига икки-уч қадам юрди-ю, яна тисарилгудек туриб қолди.

– Азиза? – Аламазон атайин узокрокда тўхтаб, унга бошдан-оёқ разм солди. – Салом! Йўл бўлсин ўзларига?

– Аламазон... – Азиза журъатсизгина одим ташлаб, унга яқинлашди. – Кетаётганингизни эшитиб...

– Ие-ие! – юки оғир паровоздек пишиллаганича етиб келган Эшмат жомадонни бу гал авайлаб ерга қўйди. -- Азизабонуям келибдилар-да? Аламазон иккаламиз hozirгина эслаб ўтувдиг-а. Тўғрими, вей?

– Менга қара, Эшматжон, – ички чўнтагига қўл югуртириб, сиполик билан мавзунини ўзгартирди Аламазон. – Чиптани ўзинг ташкил қилворасанми дейман-да...

Эшмат қўлини қалқонсифат кўтариб, астойдил ранжиган бўлди:

– Кавланма! Кавланма деяпман! Шуми оқибат?

У кирза этигини попиллатиб касса тарафга кетгач, иккови гапни нимадан бошлашни билмай, бироз каловланиб туришди. Ҳайтовур, Аламазон биринчи бўлиб тилга кирди:

– Нима қилардинг овора бўлиб?

– Овораси борми? Энди... қачон келасиз?

– Катта газеталарда бирон йилсиз отпускаи тегмаси керак.

Шу маҳал, яғир парпашабекасамга бурканиб, кавказча кепканинг айвонини ўнг қулоғига бостириб олган машҳур Мирзақанд пиён гандираклаганича келиб, орага тумшук сукди.

– Ойликкача йигирма тийин қарз берилсин энди! – дея шипга ғилайланиб бокди у.

Аламазон, аввал мени дурустроқ кўриб ол, демокчидек, ундан озгина чекиниб, намойишкорона қад ростлади.

– Кўзингни катта оч! Наҳотки чўнтагида чақа юрадиган одамга ўхшасам? – сўнг пиёнистага шартта орка ўгириб, Азизага юзланди. – Хуллас, редакторингга кимлигимни кўрсатиб қўяман хали.

– Нукул «редактор» дейсиз. Ахир, бу ғалвани...

– Ҳа, ўринбосар бошлади, – маъкуллади Аламазон, – лекин ундан хафаям бўлганим йўқ, аксинча рахмим келди. Тирикчиликни деб бошликка кўғирчок бўлиш осонмас.

Сухбатни яна бўлишга тўғри келди. Қадрини ўта баланд тутувчи бир пўримваччанинг обрўйига яраша гап айтмай, қалтис хатога йўл қўйганини зудликда англаб етган Мирзақанд пиён толеини қайта синаб кўришга аҳд қилганди.

– Худони йўлида зангорисидан узатворсинлар, хотамтой.

Бу муомаладан қониқиш ҳосил қилган Аламазон бармоғига туфлаб олиб, ички чўнтагига қўл тикаётган вақтда Азиза билагидаги сумкачадан бир сўмликни суғуриб, безбет тиламчига узатди.

– Зангорисидан сўралувди шекилли? – луччак шафтолидек бўлиб тиржайди Мирзақанд пиён.

Сабри тугай бошлаган Аламазон унга бир дақиқа ҳафсаласиз тикилиб тургач, кўкрак чўнтагидан қизил муқовали телефон дафтарчасини хиёл чиқариб, кирини кўрсатди.

– Мабодо, қизилидан керакмасми?

– Биз таслиммиз, – иккала қўлини кўтариб хиринглади Мирзақанд пиён, сўнг оёқлари чалишгудек бўлиб нари кетди.

Аламазон сухбат қаерда узилганини эслашга урингандек, бир муддат чайналиб турди ва лоқайдлик билан пичинг отди:

– Шундай қилиб, редакторнинг адвокати сифатида яна нималар демоқчисан?

– Аламазон! – Азизанинг кўзлари чакнаб, бир лаҳза донг қотиб қолди. – Наҳотки сиз мени...

Ташқаридан тепловознинг чўзиқ чинкириғи янгради. Тошкент поезда пўлат изни дўмбира қилганича станцияга кириб келаётганди.



* * *

Аламазон купе эшигига қўл узатган онда ичкаридан итнинг эўр бериб акиллаши эшитилди. «Ие-ие», деб қўйди ортда турган Эшмат. Нарироқдаги куледан корни тиззасига осилган сўқимнусха киши чиқиб, йўлакда келаётган навбатчига ўшқирди:

– Хў, правадний ука. Вагонда итга нима бор?! Кулоқни батанг қилворди-ку! Министрга ҳисоб бергани кетяпман мен.

– Тушунган одамга ўхшаяпсиз, акахон, – бепарво жавоб қилди навбатчи. – Ҳозир нима кўп, сўққабош одам кўп. Хотиндан безган эркак нима қилади, ит бокади. Қўйинг, ўша шўрпешаналарга тенг бўлмайлик.

Қия очик эшикдан ичкаридаги вокеани кўриб турган Аламазон бу гапни эшитиб, жилмайиб қўйди. Улар купега киришганда ҳозиргина бемаврид ҳуриб қўшниларни безовта қилган тепакал «кўппак» пиёлага лимиллатиб қуйилган арақни ютишга шайланмоқда эди. Ундан тўрироқдаги олакўз қиз картага шилов берар, қарши томондаги жингалаксоч йнгит эса кокбалик парчасини сўриб ўтирарди.

– Хонада биттагина бўш жой бор, жигарларим, – ичимликни дастурхонга қўйиб, мулойим тарзда гапирди тепакал.

– Тошканга борадигон манави, – дея бошмалдогида Аламазонни кўрсатди Эшмат. – Бизга узр энди.

У жомадонни эшик тепасидаги кандикка жойлагач, поезднинг аста силкинганидан безовталаниб, хайр-маъзурни қисқа қилганича ташқарига йўналди. Аламазон хонадан чиқиб, ойнакдан перронга бўйланди, ошнасининг ерга эсон-омон кўниб олганини кўриб, унга салобат билан каптини кимирлатди. Эшмат ҳам байроқчани хилпиратаётган боладек жўшиб қўл силкитди, кейин кукончак қиёфада ўзидан нарироққа ишора қилди. Аламазон ўша томонга юзланиб, қунишиб турган Азизани кўрди. У вагон ойналарига маъюсланиб боқар, ҳатто этагининг енгил

шабададан хилпирашида ҳам аллақандай мунг яширингандек эди. Вагон ойналаридан тушаётган нур қизнинг юзини галма-гал ёритиб ўтар, унинг қуюқ киприкларида нимадир йилтираб қўярди.

Шоирга азоб беришади-ю, яна йиғлашади. Шоир азоб чекади-ю, йиғламайди...

Станция тез ортда қолиб, яримьяланғоч гўзапоялари қоронғиликда қаққайиб кўринаётган далалар бошланди.

Бор-шудини бериб бўлишди шўринг курғурлар!

Аламазон кириб жойига ўтириши биланок, олақўз қиз уни гапга тутди:

– «Дурак»ка тобингиз қалай? Тарафма-тараф ўйнасак, кизикрок бўларди.

– Унда сиз шеригим бўласиз, – кўнгли ғашроқ эканига қарамай, даврага тезроқ мослашишга ҳаракат қилди у. – Мени отим Аламазон.

– Мен Одилман, – балиқ сўришдан тўхталиб дўриллади жингалаксоч йигит. Сўнг қиз тарафга ишора қилди: – Бу – Эйседора.

Кейин: «Меҳмонга шароб қуймайсанми, Лакис», дея бир йўла тепакални ҳам таништирган бўлди.

Қартавозлик узоққа чўзилмади. Бир зумдаёқ Аламазон билан Эйседоранинг қўли баланд келиб, қиз қувониб чапак урди:

– Ҳозир эшакнинг ханграшини эшитамиз, Аламазон.

Одил қўлидаги картани кеккайганича четга отиб, Лакисга кўз қирида сузилиб боқди.

– Биласан, ангинам бор. Ханграш соғлиғимга тўғри келмайди.

– Ҳай, бунисиниям ўзимиз қойиллатамиз, – илжайди Лакис. – Асли ўзи, итликдан эшакликкача бир қадам холос. Пх-х-х...

Лакис мушукнамо мириқиб кулиб олгач, панжаларини боши устида қулоқдек диккайтириб, кўзини ола-кула қилганича ханграшга тушди. Кўнгилхуш томоша тугаб, навбатдаги ўйинга киришилаётганда эшик зарб билан очил-

ди, бояги сўқимнусха киши қорнига эргашиганича ичкари кирди.

– Эшак шу хонада ҳангради, правадний ука, – дея кўз ўйнатиб хириллади у. – Нима, бу обший вагонмидики, эшак чиқарилса!

Навбатчи унинг ёнидан зўр-базўр суқилиб кириб, паст-баландга жаланглаб бокди, сўнг ўтирганлардан сўради:

– Эшакни овози машу жойдан чикмадими?

– Эшак шу хонада, – пинагини бузмасдан жавоб қилди Аламазон. – Лекин... унинг чиптаси бор.

Ғойибдан келган ассистент

Вагондаги мудраш нечоғлик узокқа чўзилмасин, ҳеч қачон уйқунинг ўрнини босолмайди – хуррак отаётганингда ҳам миянг бозордан келтирилаётган қатикдек чайпалиб туради, поезддан тушгач, уззукун гарангсиб юрасан. Буни кўп бор бошдан кечирган Аламазон меҳмонхонага жойлашиб бўлиб, ўзини кўрпага урди. Шунчаки мизғиб олиш қарийб уч соатга чўзилди.

Ғира-шира очилган киприклар орасидан шувалашиб кўринаётган қизил қандилга уйқусираб боқаркан, аввалига у қаерда ётганини дарҳол илғаб ололмади. Илғагач, кўзи ярк этиб очилди, эсноқ аралаш керишди, туриб бориб духоба пардани сурди. Қаллаи саҳарлаб поезддан тушган чоғида ҳали ювиниб-тараниб улгурмаган танноз шаҳар олис қишлоқдан келган хомтама забткорни дурустроқ таниб олмоқчидек, энди зеболаниб, деразадан мўралаб турарди.

Аламазон лоҳасгина ортга бурилиб, башанг ва ҳайбатли хонани шошилмай кўздан кечираркан, ўзини суиқасддан чўчиб, қасрдаги ҳашаматли хилватхонада ёлғиз ухлашга мажбур бўлган Абдуллатифдек хис этди-ю, юраги увишиб кетди. Умр бўйи сербола ҳовлида яшаб, тақдирнинг тақозоси билан гоҳ гавжум казарма, гоҳ каравотзор ижарахона, баъзан ғала-ғовур умумётоқда кун кечириб

кўрган киши учун ҳашамат ичра танҳо қолиш ваҳимали туюлар экан.

Кеча Аламазон йўлдаги станциялардан бирида арақ олиб чикқач, текинени кўрибоқ мазахўрак кучукдек жилпанглаб қолган Одилнинг кўлидан шунақа ишлар келиши кимнинг тушига кирибди дейсиз – ўшанинг вокзалдаги автомат-телефондан айтган бир оғиз гапи билан довруғли меҳмонхона ноиби уни биродарларча кучоқ очиб кутиб олди. Кўлига алоҳида хонанинг калитини тутказаётиб, баҳоси қимматлиги учун кечирим сўради.

Қизиқ, шунча улфатчилик қилишибди-ю, бир-бирларининг касб-кориниям суриштиришмабди. Одил: «Хў, командировкачи, биронта хужрага жойлаб қўяйми?» – деб сўраганига қараганда, улар Аламазонни шунчаки келиб-кетувчилар тоифасига қўшган кўринишади.

Ҳарқалай, ким бўлди экан ўша Одил? Наҳотки, меҳмонхоналар бошқармасида ишласа?

Аламазон ювиниб келгач, бугун-эрта қиладиган ишларини хаёлида режалаб олмоқчи бўлиб, гиламни тепалаганича у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Биринчи навбатда университетга боришим, кишлоқдан ёзиб жўнатган синама ишларнинг натижасини билишим керак, деган қарорга келди у.

Уф-ф, сиртки ўқишиям куриб кетсин!

Хўш, ундан кейин-чи? Кейин, редакцияга бориб... Дарвоқе, қайси редакцияда ишласа экан? Буни кечкурун бафуржа ўйлаб кўргани яхши.

У бошини кўтариб, деразанинг карама-қарши томонидаги деворга осилган каттакон суратга тикилди. Ундаги чипор този дунёдаги барча хом сут эмган бандаларни эрмак қиладигандек иршайганича тилини осилтириб турарди. Аламазон ҳам тишини тиржайтириб, тозига ириллай бошлади-ю, «биров четдан кузатаётган бўлса-я», деган ўй миясига урилиб, хижолатомуз аланглаб қўйди. Хона аввалгидек хувиллаб турар, ҳашамат ичра у ҳануз ёлғиз эди. Аста бориб, диванга ястанди.

Ё тавба! Кап-катта йигит ит билан тенг бўлиб ўтирибди-я!

Энди унинг диққатини диван ёнидаги кутича устида турган телефон тортди, беихтиёр эшитқини кўтарди. Нима мақсадда қўлга олганини тушунолмай пайсалланиб тургач, мийиғида кулиб, уни қулоғига тутди. Бармоғини худди номер тераётгандек паррак устида сирғантириб, димоғида сўзланди:

– Алло... Министрликми бу? Ҳаммага билдириб қўйилсин – Овчилар жамиятининг аъзоси Аламазон пойтахтга келди. Ҳозир люкседа оч ўтирибди. Қабул вақти соат йигирма тўртгача. Вассалом!

У эшитқини қўяётиб, деворга ўрнатилган мўъжазгина сариқ тугмачага кўзи тушди, «умм» дея лаб жимирди – буниси нима бўлдийкин энди? Хонани иситадиган ускуна шу ердан уланармикин? Балки... Ҳай-хай! Уни босишинг биланок, хонанинг бирон-бир қавагидан катта ашула бошланиб кетса-я: «...таралло-о қилгани-и келдик». Ҳа, дўст!

Аламазон сеҳрли шамчироққа дуч келган Оловиддиндек эҳтиёткорлик билан қўл чўзиб тугмачани босди, кутича гирдида турган намахтажон пашша лапантлаганича учиб келиб унинг бурнига урилганини ҳисобга олмаганда, ҳеч қандай мўъжиза юз бермади.

Шуям тилсим бўлди-ю! Лоақал, сигаретингга гугурт-пугурт чакворса экан...

Ҳа-я, оламда сигарет деган улфат ҳам бор – асабингни аллалаб туриб жонингни кемиради.

У диван четидаги курткасининг чўнтагидан «Ту 134»ни олиб, ичи бўм-бўш эканлигини кўргач, хафсаласи пир бўлди. Уни гижимлаб, қаёққа ташлашни билмай турган пайтда тўсатдан эшик тақиллаб қолди.

– Бемалол! – овозини иложи борича салобатлироқ чиқаришга уринди Аламазон. Сўнг кўҳликкина жувон ловиллаганича кириб келганини кўриб, ирғиб ўрнидан турди. – Марҳамат, марҳамат... Қани, мана буёққа ўтирсинлар...

– Раҳмат, безовта бўлманг, – шамчирокдан чиққан фарштадек итоаткорона кўл қовуштирди жувон. – Хизматдамиз... ҳозирча.

– Ахир... бунақа тик туриб...

Хизматчи жувон нафис имо билан сарик тугмачани кўрсатди.

– Чақирдингиз шекилли? Нима буюрадилар?

– А-а... – гап нимада эканини эндигина пайқаган Аламазон олдинига каловланиб қолди. Кутилмаганда, кўлидаги ғижимлоғлиқ қоғоз жонига оро кирди. – Шу... сигарет топилмайдими?

– Қанақасини хоҳлайдилар?

– Масалан... «БТ» дейлик.

Буюрди-ю, «бундақасини топиб бўлсан», деб кўйди ўзича. Жувон эса гап гўё тарновдан оқиб турган сув ҳақида бораётгандек, «жоним билан», дея бамайлихотир жавоб қилиб, ўшандай ловиллаганича хонадан чиқиб кетди.

– Ана тилсимнинг қудрати! – койил қолиб бош қашлади Аламазон. – Демак, Осиёдаги энг йирик нашриёт директорини ҳузуримда кўриш учун сарик тугмачани яна бир марта босишдан эринмаслигим керак.

* * *

Тушликни университет ошхонасида қилишга тўғри келди. Шаҳарда йўл-йўлакай тамаддиланиш заҳматларини орқаворатдан эшитиб юрган киши Тошкентдек тикилинч масканда овқатланиш бу қадар арзонга тушадиган жой борлигини асло тасаввур этолмаган бўларди. Айни пайтда, бу ерда овқатланган киши хамири ўта бўш лағмон қандай таъмга эга бўлишини ҳам аниқ билиб олиши мумкин эди.

Юборган синама ишларининг биронтасигаям кониқарсиз баҳо қўйилмаганини эшитиб, «методист» деб аталувчи услубчи йигит ҳузуридан кайфи чок чиққан Аламазоннинг иштаҳаси очилгандан-очишиб бораётганди. Лағмондан сўнг, гўштнинг мазаси сезилиброк турган бир ликоп котлетни ҳам пок-покиза тушириб, компотни мириқиб симирди, стаканга

ўрта бармоғини тикиб, ивиган олчаларни битта қолдирмай териб еди.

Ташқарига чиқиб, кўнгли янаям ёришиб кетди – бадқовок кулранг булутлар узок-узокларга чекиниб, Аламазон учун азалдан жуда-жуда севимли бўлган қуёшжон тилло соатдек яраклаб турар, ўйинқарок чумчуклар акас шохларида ёздаги каби базм қуришганди.

У лабидаги «БТ»дан кўкимтир дуд таратиб зинапоядан битта-битта босганича тушиб боргач, ўнгга бурилди, ёвуз кишни қилич яланғочлаб қарши олаётган япроксиз дарахтлар оғушидаги йўлакдан ўша маромда юриб кетди. Музсарой ёнига етганда пича тўхталиб, хоккей эълонига чала-чулпа кўз ташлади, аммо фигурали учиниш мусобақасига онд, оёқ кериб сакраётган яримяланғоч жонон сураги туширилмиш афишани узок кўздан кечирди. Кейин кўчани кесиб ўтиб, бекатда турган зангори хошияли ўн олтинчи трамвай сари яқинлаша бошлади.

Хадрада эса, айна шу фурсатда, телестудиянинг умидли режиссёрларидан бири дастлабки йирик ишга қўл уриш арафасида турар, бетиним ҳаяжонланар, бу ҳаяжон ҳадемай ўтиб кетажagini олдиндан башорат қилаётган бўлса-да, тез орада ном козонишга орзуманд бошиқа бир тенгдоши шалоғи чиққан трамвайда ўзи сари аста-секин яқинлашиб келаётгани, етиб келгач, барча режаларини остин-устун қилиб юборажagидан ҳали беҳабар эди. Ўз навбатида Аламазон ҳам шунчаки сандироклаб юриш учун нега айнан шу қўналгани танлаётгани ҳақида бош котириб ўтирмай, Хадрада трамвайдан тушгач, сал нарироқда ажабтовур тасодифга йўлиқажagini хаёлига келтирмаган ҳолда цирк биноси томон йўл олди. Фақат фавворага яқинлашган пайтдагина, майдондаги ғала-ғовурни кўриб, нималигидан қатъи назар, бу ерда содир бўлаётган воқеага шахсан унинг иштироки етишмай турганини тезда ҳис қилди.

Ўзгаларнинг ишига аралашиш учун, энг аввало, уларнинг нима қилаётгани ёхуд нима қилмоқчи эканини аниқлаб олиш лозим бўлади. Аламазон ҳам ишни шун-

дан бошлады – суриштириб кўрса, машҳур «Дутор-гитар» ансамбли ҳақида филм-концерт суратга олинаётган экан. Демак, масаланинг бир томони равшан, энди иккинчи томонини ўйлаб кўриш керак – ҳўш, бу хайрли тadbирни амалга оширишда Аламазоннинг бирон фойдаси тегиши мумкинми ёки индамай йўлидан кетаверсинми?

Пича мулоҳаза юритгач, ниҳоят узил-кесил бир қарорга келиб, томошабинлар деворига орtdан хужум бошлады – «кечирасиз, ойимқиз», «узр, граждaнлар», «э, мундоқ турсангиз-чи», дея ҳар кимнинг ўзига яраша муомала қилиб оломонни ёриб ўтди, олдиндаги милиционер йигитларга, «салом, шоввозлар», деб қўйиб, асбоб-анжомини соzлаётган ансамбл тарафга одимлады.

Ўзини майдончанинг мутлақ ҳокимидек билиб, созанда ва хонандаларга такаббурлик билан йўл-йўриқ кўрсатаётган ёш режиссёр ёнгинасида янада гўдайганроқ соя пайдо бўлганидан ғaши келиб, тумтайганича орқага қайрилди, ялтироқ тугмали нотаниш олифта унга бурнининг учидан бокиб турганини кўриб, баттар жаҳли чикди.

– Кимсиз? Сизга нима керак?

– Аксинча, – ғам емай жавоб қилди олифта, – бу ерда ўзларига мен керакка ўхшайман.

Режиссёр «лойқа суҳбат»га шартга нукта қўйишга ошиқди:

– Биродар, ишимга халакит беряпсиз?!

– Шунақами? – олифта энди унга солинчоқ сочлари орасидан кўз қадади. – Унда, билганингиздан қолманг. Шундоқкина кўриниб турган камчиликни вақтида тузатишдан эринаётган бўлсангиз, на илож, фикримни матбуотда айтарман. – Сўнг режиссёрнинг бир лаҳза иккиланиб қолганидан фойдаланиб, кутилмаганда унга самимият билан қўл узатди: – Танишиб қўяйлик – Аламазон. Журналистман.

Қизғин тарзда ўтган қисқа фикр алмашувдан кейин улар офтобда қатик ялашган кадрдонлардек аҳил ишга киришиб, юзакилиги яққол сезилиб турган куюнчаклик билан қандайдир режалар туза бошлашди. Четдан қараган киши

улардан қай бири бошлиғ-у, ким кимга ақл ўргатаётганини чамалаб олиши мушкул эди.

Охири бир битимга келишди, иккови тенгдан бош ликиллатиб, хушнуд жилмайишди.

– Ансамбл сиз айтгандай, биринчи планда қолаверади, – деди Аламазон, – аммо фонда бугунги ҳаёт гуркираб туриши керак.

– Бўлди, бўлди... келишдик, – дея яна бош ликиллатди режиссёр. – Фақат, объективнинг олдида ўзингизни табиий тутолсангиз бўлгани.

Гап орасида томошабинлар галасига жовдираб-жовдираб қараб қўяётган Аламазоннинг нигоҳи кўчма прожекторнинг ёнгинасида турган атлас кўйлакли хушқомат қизга келганда тўхталиб қолди. Яшил жункамзул кўйлакка шунақаям ярашибдики!

– Мендан ташвишланманг, – дея ҳануз қиздан кўз узмай режиссёрни тинчлантирди у. – Ишқилиб, бошқа шериклар панд беришмасин-да. – Кейин томошабинлар томонга ишора қилди. – Хуллас, сиз миллийроқ кийинган қарияни ахтариб кўринг. Қизни ўзим топаман.

Бу орада бекор қолган ансамбл вақтни беҳуда ўтказмаётганди. Гитарачи йигитлар бир ёққа, дуторчи қизлар иккинчи ёққа туриб олишиб, пичадан сўнг ижро этиладиган қўшиқни паст овозда хиргойи қилишаётган эди.

– Боғда гулим очилди, читтигул,

Ёрга иси сочилди, читтигул.

– Билса қалам қошлигим, читтигул,

Гулда яшар ёшлигим, читтигул.

– Ҳай-юв, читтигул!

– Ҳай-юв, читтигул!..

Бийронгина Бийрон

– Ҳай-юв, читтигул! Ҳай-юв... Ие-ие!!!

Ҳануз куни кеча телевизорда кўрсатилган филм-концертнинг гашти билан яшаётган Эшмат мотоцикли йўл

ёкасидаги ариққа кириб кетганини гўла гавдаси рул устидан учиб ўтаётган чоғдагина пайкади. Сувга шалоплаб тушгач, пича инқиллаб ётди, яқин атрофда кўмакка келиши мумкин бўлган киши йўқлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг ноилож ўрнидан туриб, оғзидаги лойкани туфлади.

Ариқ хийла чуқур бўлиб, Эшматнинг филдек кучи билан ҳам мотоциклини кирғокка судраб чиқиш амримаҳол эди.

«Манави ҳақиқий авария! – ўзининг соғ қолганини ўзига бўрттириб кўрсатиб, «Муравей»нинг олд томони мажакланганига ортиқча куюнмасликка тиришди у. – Қишлоқда бунақаси ё бўлган, ё бўлмаган».

Ҳаво ҳар кунгидан илиқроқлигига карамай, зум ўтмаёқ Эшматнинг тиши тишига тегмай қолди. Эрталаб устарада қирдирган хумдай калласи зингиллаб қақшай бошлаганида шоша-пиша теваракка жаланглади. Қуёнтери телпаги кайиқдек тўнкарилганича узокда оқиб бораётганини кўриб, увлаб юбораёзди.

Яхшиямки бу фалокат маҳаллага яқин жойда юз берди, агар даларок ердаги зовурга ағанаганида, қишлоқнинг ярим йўлидаёқ палтоли музқаймоққа айланарди қоларди. Унда, шўрлик боғча болаларининг ҳоли нима кечарди – ахир, тўртта омборнинг калити унинг чўнтагида бўлса!

Эшмат узок ўйлаб ўтирмай, маҳаллага кираверишдаги биринчи хонадон – Азизаларнинг уйи сари югурди. Этигини шалоп-шулуп қилиб етиб боргач, дарвозани тепиб очиб, ичкарига отилди.

Томорқа ёқдан чиқиб келаётган кампир қировли оппоқ кийимга бурканиб, қирмизи калласини ялтиратганича ўзи сари яқинлашаётган махлукни кўриб, қўлидан обдастаси тушиб кетди, «Э, кудратингдан!» – дея орқага тисарилди.

– Ас-с... ас-с... ассаломалайкум...

– Ҳой, Эшматмисан? – товушни таниб, хира кўзларини пирпиратганича тикилди кампир.

– Жуда катта авария бўлди. Сувга йиқилиб, соғ қолдим.

– Ҳа, шўринг курсин-а, – кампир лўкиллаб бориб, дарвоза ёнидаги меҳмонхонанинг эшигини очди. – Тезроқ бу ёкқа кир.

Бир пайтлар Эшмат, «ёнида газ печка турганда, бу тошбақага бало борми», дея кампирни масхара қилганди, энди ўша сандал ўзига асқатиб қолди. Турумдан ҳатлабоқ ечишни бошлаб, қия очик эшикдан кийимларини бирин-кетин ташқарига улоқтирди-ю, ҳаял ўтмай энг ибтидоий кўрнишга кириб, роҳатижон кўрпа остига кўмилди.

Кампир шалаббо уст-бошларни четроққа олиб қўяётган дамда Азиза ишдан келиб қолди. У ҳайрон бўлганича: «Булар нима?» – деб эндигина суриштиришга тутинганида, ичкаридан Эшматнинг чийиллоқ овози эшитилди: «Ҳолажон, бобомиздан иштон-пиштон қолмаганмиди?» Кампир: «Йўғ-а, болам», дея товуши титраб жавоб қилди.

– Вой, нима бўпти Эшматга? – ҳаяжонланиб сўради Азиза.

– Сувга йикилиб тушибди боёқиш.

– Бу сенмисан, Азиза? – қизнинг товушини илғаб олган захоти, ичкаридан Эшматнинг галдаги чинқирғи янгради.

– Ҳа, менман.

– Бориб, келинаяннга хабар қил қўй.

Азиза жилмайганича бошини сараклатиб, индамай кўча томонга йўналди. Бир неча дақиқадан сўнг қайтиб келиб, деразанинг ёнига борди-да, «келиная»си болани етаклаб, онасини йўклашга кетганини айтди.

– Мендан бир оғиз сўрамайдиям! – жаҳл қилган бўлди Эшмат. – Ҳали келсин, кунини кўради.

Унинг хотини «кунини кўриш» учун етиб келгунича орадан икки соатча вақт ўтди. Азиза қўшниларга ахволни тушунтириб қўйгани учун, унинг кўлида каттакон тугун ҳам бор эди.

Хотини ичкарида пайдо бўлган ҳамоно Эшматнинг захри қайнади. «Қаерларда санғиб юрибсан, вей?» – дея қўлини даскалладек ўйнатиб, беихтиёр ўрнидан кўтарила бошлади. Хотини «Вой ўлай!» – деганича деворга қапишиб қолгани-

дан ўзига келиб, тезда жойига ўтирди, белига кўрпа тортди: «Тугунни чўз бу ёкка! Ҳе, дайди!»

«Катта авария» баҳона бўлди-ю, Азизанинг уйида бир-икки пиёла чой ичишга тўғри келиб қолди. Кўп ўтмай, гап мавзуи «Дутор-гитар» ансамблининг концертига бориб тақалди.

— Маъракадан кеч келиб, шуни кўролмай қолибман-да, — афсусланди кампир. — Аламазон чиққанмишми?

Эшматнинг бирдан лунжи ёйилиб кетди.

— Чиққанда қандок, холажон! Бир маҳал карасам, ўзимни ошнам юрибди... тугмасини чарақлатиб. Тошқанниям тепа-лавор-е, азамат, деб бақирворибман.

— Умид билан кетувди боёқиш, — астойдил қувонди кампир. — Илойим, иши ўнгидан келсин.

Хотини: «Қўлтиғида десангиз қаймоқдай бир қиз...», дея гап бошлаган пайтда Азизанинг тўсатдан ранги оқариб кетганини кўриб, Эшмат: «Э, нимаси қаймоқ? Шунчаки, упаликка бўялиб юрадиғон артис-да», деб уни жеркиб ташлади.

Кампир Эшматга танбех берган бўлди:

— Ундақа демагин, болам. Артисларам бир мўмин бандага фарзанд.

— Тўғри, уларниям ҳар хили бор, — деди Эшматнинг хотини, кампирнинг сўзидан чуччаланиб. — Сиз валдирамай туринг, дадаси. Ошнангиз ўша қизни етаклаб кеп қолса, нима деган одам бўласиз?

Азиза бир қалқиб кетгандек бўлди. Қўли титраганича чойнакни олиб, шошиб ўрнидан турди: «Мен ҳозир... чой совиб қолибди», дея ташқарига йўналди.

— Чойни қўявер энди, — унинг ортидан қичқирди Эшмат, сўнг хотинига бир чакчайиб олиб, кампирга юзланди. — Биз энди турсак девдим, холажон.

* * *

— Корректорлик денг? — Аламазоннинг дафъатан манглайи тиришди. — Тўрт юз чакирим жойдан шу мартабани ахтариб кепман-да? Кулгингиз қистамаяптими?

– Сираям! – босиклик билан кесатди газета муҳаррирининг ўринбосари. – Аввало, гап обрўли газетада ишлаш устида кетяпти. Қолаверса, тажрибангизга ишониб, сиздан диплом талаб қилаётганим йўқ.

– Зап ўйлаб топишган-да шу қоғозни. Ундан кўра, ким нимага қодирлигини биладиган компютерни ўйлаб топишса, ҳамма жойда иш юришиб кетарди.

Муҳаррир ўринбосари бу ғудранишга ортикча эътибор бермай, «яхшилаб ўйлаб кўринг, йигитча, бугун битта бўш жой бор, эртага... билмадим», деб қўя қолди.

– Тўғри, ўйлаб кўриш керак буни, – дастурхонни тугалай йиғиштираётгани унинг авзойидан аниқ сезилиб турарди. – Меҳмонхонага бориб, сариқ тугмани босамиз-у, олимларни тўплаб маслаҳатлашамиз... Яхши қолсинлар.

Муҳаррир ўринбосари бундай шарттакиларни кўравериб дийдаси қотган шекилли, бепарво жилмайганича секин бош кимирлатиб қўйди.

Ҳарқалай, буниси сал одамижон экан. Ярим соат илгари бир қават юқоридаги редакцияга кирганида, бош муҳаррир унинг таржимаи ҳолини чала-пула эшитиб, «шу кунларда бизда олий маълумотлиларгайм ўрин йўқ», дея суҳбатга шартта арра тортганди. Ҳа, илм-фанимизнинг бекиёс тараққиёти билан мактанамиз-у, ширинсўз кишиларни етиштириб берувчи туғруқхоналар яратишга ҳануз ожизмиз. Шу гапни силлиқроқ қилиб айтсаям бўларди-ку. Сотти сатанг, «молни олгинг келмаса, ундан камчилик қидирмай, нархини пастлатворсанг бас», дерди.

Шошма, шошма! Анави ўринбосар худди шу усулни ўзгинангга қўллаган бўлмасин тагин?

Айтгандай, Аламазон нега унга зарда қилди ўзи? Ялтироқ тугмали йигитга атаб дўмпайганроқ лавозимни саклаб турмагани учунми?

У хаёлга чўмганича зиналарни, бино остонасини ортда қолдириб ташкарига чиқди, тротуардан астагина одимлаб, йўлида давом этди. Бир пайт ўзини Навоий театри қарши-сида кўрди-ю, бу ерга қаёқдан кириб келганини аниқлаб

олмоқчидек, ён-верига аланглади. Нариги чети тўрткўчага бориб қадалган чўзиқ супа остидаги боғкурсилардан бирида ёлғиз ўзи китоб ўқиб ўтирган кизни кўргач, бу ерга бежиз келмаганини англади: Бийрон билан шу жойда учрашмоқчи бўлишувди. Соатига бир қараб олиб, китобсевар киздан беридаги боғкурсига бориб чўкди, мисчақмоқда сигарет тутатди.

Янами? Кейинги вақтда намуноча кўп чекадиган бўлиб қолди?

Шуни ўйлаб, бир ижирғаниб қўйди, аммо сигаретни улоқтиришга саботи етмади.

Ие, анави аёлни қаерда кўрган эди? Эҳ-а, ўша артист-ку, баъзан телевизорда чўзиб хониш қип туради. Қоматни қаранг, қоматни! Шу ерда ишлар экан-да? Лекин, театрниям жуда ўхшатиб қуришган-да. Опера ва балет! Навоий!

Журналларнинг рангли саҳифаларида сурати тез-тез босилиб турадиган машҳур фавворанинг энди суви тўхтаган, ҳовуз кўпдан ювилмаган сопол косадек чатнаб ётар, ёз чоғида ярим кечагача гавжумлигини йўқотмайдиган майдоннинг чайир боғкурсилари бугун бўм-бўш эди. Китобсевар киз билан Аламазон тротуардан ўтиб бораётганларга шу бўшлиқнинг мудроқ соқчиларига ўхшаб кўринаётган бўлса, ажаб эмас.

Нағали бўшаган туфлининг шиқирлашини эшитиб, Аламазон супа тарафга ўтирилди. Тўрткўча яқинидаги зинапоядан тушиб келган олабайроқ курткали йигитча мутолаадаги кизга тикилиб, пича тўхталиб қолди, атрофга бир аланглаб олгач, жинси шимининг олдинги чўнтагига қўл тикқанича унга яқинлашди, боғкурси четига жойлашиб, мазмундор томоқ кирди. Қиз эса шу топда сел келсаям китобни варақлаганича оқадиган кайфиятда эди. Йигитча бундай хурматсизликдан ўксингандек, олдин бурун жийирди, сўнг туйқус хоксор қиёфага кириб, илтижо қилди:

— Бунча қийнайсиз одамни?

Қиз бир сесканиб тушди-ю, унга ҳайрон бўлиб боқди, елка қисиб қўйиб, яна мутолаага берилди.

– Танимадингиз-а? Мен бўлсам, биринчи кўрганимдаёқ... Шундан бери ҳар куни ўйлайман сизни.

Қиз китобдан кўз узмаган ҳолда унга орқа ўтириб олди.

– Ўша куни жиннидек эргашиб юрдим, – барибир бўш келмади йигитча, – гапиришга юрагим бетламади. Кейин шунақаям аттанг қилдим...

Қиз китобни ёпиб, ўрнидан кўзғалишга чоғланганда, йигитча шартта туриб, йўлини тўсди.

– Кетманг! Яна йўқотсам, қайтиб тополмайман, – сўнг, қиз ҳануз талпиниб турганидан безиллаб, тиз чўкиб арз қилмоқчидек ўнг тиззасини боғкурси устига букди. – Сизсиз яшолмайман. Ўлай агар!

Қиз уни турткилагудек бўлиб таъқибдан кутулиб чиқди-да, тўрткўча яқинидаги ўша зинапоя томонга ошиқди.

– Шошмасангиз-чи ахир! – қаддини ғозлаб зорланди йигитча. – Майли, ака-сингил тутинамиз.

Қиз ҳеч нима эшитмагандек узоқлашиб бораётганини кўргач, шаштидан тушиб, тиззасидаги чангни қокди, бир лахзада боягидек хонтаклид киёфага кирди. Ортга бурилиб, Аламазоннинг ёнидан ўтиб бораркан, ўзича ғудранди:

– Жуд-даям уста экан паразит. Илинмади.

Аламазон унинг кетидан заррача ажабланмай бир қараб қўйгач, соатига яна кўз ташлади – Бийрон кечикяпти. Атайлаб кечикади булар.

Тасодифни қарангки, Аламазон ўша кунги съёмкага, худди олдиндан танийдигандек, артистликка ўқиётган қизни танлабди. Исковуч бўпкет-э!

Бийрон ўшанда Аламазоннинг бирон жойда ўтириб пича суҳбатлашиш борасидаги таклифини кескин рад этди. Кейин, уни ортиқча хафа қилгиси келмади шекилли: «Бугун иложим чаток, истасангиз пятница куни учрашсак», деб чиройли жилмайди. Артист-да, жилмайишния қотиради, жозибатор қилиб гапиришния. Ўшанда у «иложим чаток» деган сўзни шунақанги ишва билан айтдики! Бунисиниям қўйиб туринг, одимлашини кўрмабсиз – бамисоли турначанинг ўзгинаси. Қанийди, қизлар ҳандалакнамо

нарсa бўлса-ю, шунақаларининг уруғини олиб, ҳамма ёққа экиб ташласанг.

Токати ток бўла бошлаган Аламазон секин ўрнидан кўзғалиб, майдон ёқалаб кезишга тушди. Енгил совук шабада эсиб турар, пурвиқор чинорга борлиқ кўркини бахшида этиб бўлган кувгинди япроқлар энди такаббурликда чинорлар билан баҳслашса баҳслашгудек йигитнинг хиром пойабзали атрофида ўралашиб судралар, баъзи бири буткул топталишдан чўчиётгандек пизиллаб қочиб қолар, четдаги буталар остига яшириниб улгурса-да, ҳамон калт-калт титрар эди.

«Аслида, пўстинимниям олиб келсам бўларкан, – жунжикиб ўйлади Аламазон. – Яқин-орада кишлокқа боролмайдиганга ўхшайман».

Пўстинни унга Овчилар ва балиқчилар жамияти совга қилганди. Бўри отиб келгани ёки кўпрок тулки териси топиширгани учун эмас, туман газетасида овчилик қонун-қондаларини ёритиб туришдаги хизматлари эвазига!

Ўзига қолса-ку, ўша пўстинни бундақанги беҳарорат курткаларнинг тўрттасигаям алмаштирмаган бўларди. Бунга уни шаҳар мажбур қиляпти. Бу ерда товукни эмас, товусни олқишлашади.

– Сало-о-м!

Аламазон ортга ўгирилди, кўзларига ишонмай, қаршисидаги кизга қайта-қайта бошдан-оёқ назар солди – ўша Бийронми шу? Пистонли вилвет шим, ўсиқ тивитли камзул, чап чўнтагига лотинча ҳарфлар битилган қундузёка нимча, нозик қирраларининг бир чети тим қора холга туташган бурунчаси устида занжирли кўкиш кўзойнак. Ўша куни нафис қилиб турмакланган соч энди елкаси билан битта бўлиб, белига куйилиб турибди.

– Аҳволлар қандай, артист йигит? – Бийрон кўзойнагини олиб, аста қўйиб юборган эди, у бўйнидаги занжирга осилганича туриб қолди. – Шунака чақирсам, хафа бўлмайсизми? Ёки бошқа чинлари борми?

Аламазон шу заҳоти бош ирғади:

– Бор! Овчилар жамиятининг аъзосиман.

Бийрон иягини юқори кўтариб, ўша-ўша тароват билан чарақлаб кулди.

– Тўғрисини айтинг, мени аввал танимадингиз.

– Қўйсангиз-чи, – эътироз билдирди Аламазон. – Агар битта соч толангизни кўрсатишсаям, дарровда танирдим.

– Вой-вой-вой, – хушомадга жавобан бармоғини ликиллатиб карашмаланди Бийрон. – Журналистлар особенно хавфли бўлади.

Аламазон бир кулиб қўйиб, гапни жиддийроқ томонга бурди.

– Очигини айтсам, тунов куни тамоман бошқача кўринувдингиз.

– Ўша куни папашкамни автостанцияга кузатдим, – изох берди Бийрон. – У киши бунақа турсам, қулоғимдан чўзади.

– Унда, бу кийимларни ким олиб берди сизга?

– Мамашкажоним! Ресторанда буфетчи, таниши навалом.

– Ресторанда? – у «Тошкент» меҳмонхонаси ёнидаги ресторан томонга бир қараб қўйди. – Қайси ресторанда?

– Газлида. Биз ўша ёқдан.

Аламазон унинг тараллабедод сарупосига яна бир қарра назар ташлаб чиқиб, ҳазилнамо оҳангда ўдағайлади.

– Мен дадангиз бўлганимда, сизнинг эмас, мамашкангизнинг қулоғидан чўзардим.

– У чўзолмайди, – ҳиринглади Бийрон. – Улар давно ажралишган.

– Ҳм... – Аламазон атрофга эловлаб боқди, сўнг Бийроннинг тирсагидан тутиб жилмайди-да, ресторан ёққа имо қилди. – Бир мамашкангизни эсласак-чи.

– Ну-у, Аламазон! – Бийрон эркаланиб ортга тисарилиди. – Қўйинг шуни. Кеч борсам, хозайкам сочимдан юлади.

– Ўзим таксида элтиб қўяман. Қани, фароғат қўйнига олға!

Охирги сўзни у шу қадар кўтаринкилик, шу қадар шавқ билан айтдики, ҳозир Бийроннинг ўрнида Эшмат бўлганида, «Ура-а!» — деганича югургилаб кетишини кўрардингиз.

Бойвучча ойи

Ўғилу неvara, кизу келинлари охир-оқибат зўр келиб, Бойвучча ойини қаватдор уйга кўчириб ўтишди. «Бунақаси оламда йўқ, давлат сизга атаб алоҳида хоналар қурдирди, биз бор-шудимизни сарфлаб, уни музейдек ясантирдик», деб чувиллай кетди улар.

Уйни бориб кўргач, ҳақиқатанам, ҳайратдан ёка ушлашига оз қолди. Аммо ўзини босди, сир бой бермади. Эшик-деразалар ганж-ёғочдан бўлиб, хоналарнинг шиплари тошойнакли, деворлари гозгонмармардан эди. Хонтахтадан тортиб, қутию жавонгача аскарнинг этигидек ярқирайди. Коса-лаган, чойнак-пиёлаларнинг ҳаммаси хитойи чиннидан. Патнису ликои, кўзаю обдаста, ҳатто, хокандозниям кумушдан қуйишибди кам бўлмағурлар. Энг анграйтириб қўядиган жойи қапгиру чўмич, мураббоялоғу канддон, ошкошиғу санчки — бари-бари топ-тоза олтиндан эди. Бойвучча ойи бундай хулосага келиш учун шунчаки юзаки қараб қўйиш билан қаноатлангани йўқ, албатта. Бошқаларнинг кўзини шамғалат қилиб, чойқошиқлардан бирини секингина олди-да, унда-бунда қолган тишларида унинг сопини қаттиқ тишлаб кўрди — тўғри, соф тилло!

— Қайнотанг тирик бўлганларида, ярим кунини мана шу каталакда ўтказарди, — хоналарни кезиб чиқишаётган вақтда хожатхонани кўрсатиб, тўнғич келинига шивирлади Бойвучча ойи. — Мендан яшириб, бошқа қаердаям ичарди?

Ниҳоят, улар дастурхонга ўтиришди. Ҳомиладор кизи сарғиш самоварнинг буғини таратганича биланглаб келиб, хонтахта ёнига чўкди. «Бу энди тоза эмас, — самоварга зимдан кўз ташлаб ўйлади Бойвучча ойи. — Шунчаки тиллонинг сувини югуртиришган».

Чақчаклашиб ўтириб, ярим челақ чойни ичиб бўлишибди ҳамки, самовар тушмагур ҳануз қайнашдан тийилмасди: варақа-вуруқ, варақа-вуруқ... билқ-билқ-билқ...

Бойвучча ойи босинкираб уйғониб кетди. Хайриятки, кўз очиб кўрган келинлик уйида ётарди. Эрининг тажовузкор панжаси теккан мукаддас сопол лагани-ю, одмигина идиш-товоқлари жой-жойида турибди.

«Варақ-вуруқ... билқ-билқ...»

У қулоғини динг қилиб, атрофни тинглади.

Бу товуш ташқаридан келаётган эди. Зил гавдасини зўриқиб кўтарганича аста ўрнидан турди. Айвонга чикди-ю, кўзининг теварагидаги ажинлар ёзилиб кетди – ҳовлининг қоқ ярми яхоб берилаётгандек кўллаб ётарди.

– Аламазон! Аламазон-ув! – белига кўл тираганича «дарё»нинг нариёгидаги ҳужрага қараб қичқирди у. – Аламазон дейман! Ўлиб қолганмисан, ҳой!

Пастак эшик сурнай чалиб очилди. Аламазон кўзларини ишқалай-ишқалай, ташқарига мўралади.

– Ҳа, нима?

– Буёққа чиқ-э! Тезроқ чиқмасанг, ўрдак бўламиз.

Аламазон ҳовлидаги аҳволни кўриб, бир зумда енгилгина кийиниб чиқди. Поча-енгини шимаргач, муз-муз сувни ирғишлай-ирғишлай кечганича бориб, биринчи ўринда ариқчанинг ўзанини топишга тиришди.

– Қувурга алламбало тикилиб қолибди, – Бойвучча ойи узлуксиз билқиллаётган жойни бармоғида кўрсатиб, ишни қаердан бошлаш кераклиги юзасидан аниқ кўрсатма берди. – Ана, варақлаб турибди. Ўша ерга кўлинг-ни суқ.

Қандайдир телпак оқиб келиб, тикилиб қолган экан. Аламазон уни суғуриб олиб, айвон тарафга улоқтирган заҳоти қувур Эшмат ишманинг томоғига айланди-қолди.

– Юр, энди чой дамлаб берай, – буйруқ оҳангида сўз қотди, кўнгли тинчиган Бойвучча ойи. – Шамоллаб, силкасал бўп қолмагин тагин.

Аламазон иш билан овора бўлиб турганида, кампир айвондаги тоғорага илиқ сув қуйиб, ёнига кўрача ва шилпак келтиришга улгурган экан. Кўрачада юз-қўлини ювиб, оёғини тоғорада чайиб олгач, дилдираганича ичкарига кирди. Устида доимо каттакон чойдиш жиғиллаб турадиган табиий газли печдан таралаётган илиқлик танасига мўмиёдек ёкиб тушди. Хузур қилиб кўрпачага ёнбошлади, қарахт оёғини темир қопқоқ сари чўзди, аммо ҳароратни ҳис этмади.

Бойвучча ойи дастурхон ёзиб, чой дамлади. Гумбаздек бўлиб Аламазоннинг қаршисига чўкди.

– Худо етказиб, кеча сенгина келиб турганингни қара, – чойни иштиёқ билан қайтараётиб, тақдирга шукрона айтди у. – Бўлмаса, қўшнилари уйғотиб чиқиш учун киртоғорани қайиқ қилардим. Ўчакишгандай, анавиам бугун жужурнойлигини кўрмайсанми.

«Анави» дегани бу – Аламазоннинг ҳовли этақроғидаги хужрасига туташ хонада яшовчи ижарачи. Ўт ўчирувчи бўлиб ишлайди. Аламазон ёзги сессияга келган пайтда бирдан шу ховлида пайдо бўлиб қолувди. Оиласи бузилган шекилли.

– Менга қара, Аламазон, шу пажарнўйларнинг ойлиги қанақа ўзи? – Бойвучча ойи новвот солинган товоқчани унга яқинроқ сурди.

– Нимайди?

– Ундан арзимаган ижара ҳақи оламан. Шуниям тулкининг думидек чўзади. Мен-ку, минг қатла шукур, унинг қўлига қараб қолганим йўқ. Масалан, катта ўғлим...

Ана, тагин бошланди!

Кампир тушмагур жуда аломат-да. Бу хонадонга келган ҳар бир янги ижарачига катта ўғли ҳафтасига ҳаражат қилиб бериб туриши, кичиги «куруғи»ни чўзиб кўя қолишни афзал кўриши, кизи эса унинг кийимини ипидан-игнасигача бутлаб қўйиши тўғрисида фахр билан сўзлаб берар, мабодо янги суҳбатдош топилавермаса, «эскилар»га вақти-вақти билан такрорлаб ўтарди. Аламазон бу уйга сурунка-

сига тўрт марта келган бўлса, мана шу ҳикояни тўртинчи марта эшитиб ўтирибди. «Мен бировнинг пулига зормасман, — дея ҳикоясига якун ясарди у, — ёлғиз зерикканимдан ижара қўяман».

Шундай дейишга дерди-ю, агарда кимдир ҳисоб-китобни сал кечиктирса, бирон баҳона топиб, ётиғи билан шама қиларди. Масалан, бундоқ: «Неварамга валасапит обераман деб кагта кетворувдим. Кеча магазинга боришдан олдин мундоқ ҳамёни титкиласам, фалон сўм етмай турибди-ку». Шуниси қизиқки, ўша «фалон сўм» қай миқдорда айтилган бўлмасин, ижарачининг вақтида узатмаган қарзига шундоқ мос тушарди-қоларди.

— Пожарнигингиз алимент тўласа керак-да, — чойга солинган новвотни нон билан аталайтуриб, ўт ўчирувчининг ёнини олди Аламазон. — Бунақада пулнинг баракаси қолмайди.

— Ичади у гумдон бўлгур. Ичган одамнинг чўнтаги ямоқдан бошқа нарсани кўрмайди.

Аламазон «хўжайка»сининг маталга усталигидан завқланиб, жилмайиб қўйди.

— Сен кулмагин, бола, — бобиллашни давом эттирди Бойвучча ойи. — Раҳматли хўжайиним гурзибоздек йигит эди, ичкилик охири бошшига етди.

Шу вақт ҳовлидан бу хонадонга кунора эрталаб сут олиб келувчи ўспириннинг ингичка овози таралди:

— Бойвучча ойи-и-и...

Бойвучча ойи инкиллаб-синкиллаб ўрнидан туриб, айвон томонга йўл олди.

Бойвучча ойи! Якин-атрофдагилар унинг ҳақиқий отини буткул унутиб юборишган, бу дабдабали исм унга қачон ва ким томонидан қўйилганини бешқайрағочликларнинг биронтаси аниқ айтиб беролмас, кампирнинг ўзи ҳам бунга аллақачонлар кўникиб кетган эди.

— Шўр пешанамга шу қатикчи болага ўхшаган кирчимол невара битмади-битмади, — у пиша идишдаги сутни

кўтарганича ҳасратланиб кириб келди. – Ҳозир сенга сут қайнатиб бераман.

– Шу ёғиям етар-э...

– Қимирламай ўтир, – фармон берди Бойвучча ойи. – Сен бола катта иш қилдинг. Хайриятки, қувур ўзингни тортиб кетмади.

Барчага доимо кўнглиям, дастурхониям очик бўлган бу полвоноғиз кампир гап ижара ҳақиға бориб тақалганида нима сабабдан туйқус зикналашиб қолишини Аламазон сира тушуниб етолмасди.

Ҳе, аттанг, шундай бегидир жой турганда, талай пулни беҳуда совуриб юришни ким кўювди унга? Одилга кўнгил учун хўп деб, тўғри шу ёққа келаверса ўлармиди? Фақат чўнтаги енгиллаб қолгандагина хушини йиғди, ақли пешиндан кейин кирди. Доим аҳвол шу ўзи.

Пулнинг кетганиям бошдан садақа, аммо Бийрон билан бирга кечган ширин дамларини ҳисобга олмаса, шунча кунни санғиб беҳуда ўтказди. Ҳали биронта ишнинг тайини йўқ.

– Шерикларинг кўринмайди? – сўраб қолди Бойвучча ойи, сутни печ устидаги қозончага қуяётиб.

– Келишларига ҳали бор, – Аламазон беихтиёр курсдошларини эслади. – Ўқишимиз кечроқ бошланади бу йил.

– Унда, сен нега лиқиялаб етиб келдинг?

– Шунақа бўл қолди, Бойвучча ойи. Энди Тошкентда ишласаммикин деб турибман.

Бойвучча ойи ўзича сўзланаётгандек, товушини пастлатиб гудранди:

– Тошканинг зап кўзи учиб турган экан-да сенга. Момонгни уграсига ўт қала-а-б юравермайсанми? – кейин, бор-е, менга нима дегандек қўл силтаб қўйди. – Э-э, ҳозиргилар бари бевош. Мана, иккала ўғлимам, дўмда турмасам ўламан, деб ота қасрини ташлаб кетди. Баттар бўлишсин...

* * *

Муаллифлар куннинг иккинчи ярмидан қабул қилинишини яхши билган Аламазон нашриётга тушдан кейин кириб келди. Ачқимтир «Лайка» сигаретини зинапоядаёқ эзгилаб ташлаб, коридор сари кадам қўйган пайтида чап томондан огоҳлантирувчи йўтал эшитилди. Четдаги бесўнакай эски стол ортида кантига ияк тираб ўтирган чўққибош қоровул минғирлаб гап отди:

– Қаёкка кетяпмиз ўзи?

– Директорга...

– Ў-ў, хўжайингами? – нидоланди қоровул, сўнг қоши билан бўш стулни кўрсатиб, ўтириб туринг дегандек имо қилди. – Ҳали-замон кеп қоладилар.

Аламазон стулга ўтирди, қўлидаги спорт газетасини ёйиб ўқий бошлади.

– Қаердан келдик энди? – чамаси, қоровул ёлғизликдан жуда зериккан, директор тушликдан қайтгунга қадар текин суҳбатдошнинг «сувини сиқиб ичмоқчи» эди. Унинг мақсадини фаҳмлаган Аламазон газетани буклаб столга қўйди-да, солинчок юз, негов бурун, бўртиб чиққан кўзларга астойдил тикилди.

– Лаббай?

– Таг-зотларини суриштиряпмиз.

Қоровул унинг қаёқданлигию қаерда ўқиши, оилавий аҳволию Тошкентга қанақа транспортда келгани, хўроз уриштиришга муносабатини қайси жанрда ёзишигича эринмай сўраб чиқди. Кейин «ҳмм» дея пича сукут сақлаб тургач, «бизниям танирсиз, хойнахой», деб орага чигал масала ташлади.

Аламазон унга бошқатдан разм солди, аммо газета-журналларда босилиб турадиган суратлар орасида бунака турқ-атворга дуч келганини эслай олмади.

– Шеър ёзардингиз шекилли? – ночор гапни кавлаштирди у.

– Э, йўқ! – нодон суҳбатдошга йўлиққан мутафаккирдек мийиғида сипо жилмайди қоровул. – Таржима қипту-

рамиз. Топганимиз – Шарқ классикаси. Бу – қўл етмас бир хазина.

– Қўлни-ку етказса бўлар, – лукма ташлади Аламазон, – ақл етиши кийин.

– Ў-ў, ана энди ўзимизга келдик. Ана бу гапни яхши айтдик.

Эшик очилиб, паканагина киши шляпасини қўлида ўйнатганича аста-секин юриб ичкари кирди. Қоровул Аламазонга боягидек қоши билан имо қилиб деди:

– Ана-е, хўжайин ҳам келдилар, – сўнг хўжайинга юзланди. – Сизни кутиб ўтирибмиз-да.

– Хизмат, кўчқор йигит? – Аламазонга синчиклаб тикилди директор.

– Сизга гапим борида.

– Майли, гаплашамиз.

Директор миқти жуссасига мос бўлмаган ясама салобат билан битта-битта босганича тўрига қараб йўналди. Аламазон унга эргашмоқчи бўлганида, қоровул «пича шошмай турайлик, хўжайин ечиниб-нетиб олсинлар», дея уни яна йўлдан қайирди.

«Буям Календарий домланинг сал ундайроқ кўриниши экан», деб ўйлаб қўйди Аламазон.

Оғзаки гапда ҳамма «Календарий» деб атайдиган шоир Қаландарийнинг ижод маҳсули вилоятдаги барча туман газеталари, ҳаттоки, вилоят газетасининг ўзидаям бот-бот кўзга чалиниб турарди. Гоҳи-гоҳида ўсмирона ишқий фарёд, ё бўлмаса маҳалла оқсоқолининг панд-насихатлари даражасидаги «ахлоқий» ғазаллари ҳам учраб туришини ҳисобга олмаганда, у ўз умрини асосан календарда, яъни тақвимда белгиланган тантанали кунларга атаб шеърлар ёзишга бағишларди. Каттароқ байрамларни шарафлаш мазкур музофотдаги ундан обрўлироқ шоирлардан ортмагани туфайли, ўз иззатини билиб, Қурувчилар ёки Савдо ходимлари, Темирйўлчилар ёки Балиқчилар кунига атаб мадҳиялар тўқишдан нарига ўтмас, машқларида «бўстон – гулистон», «камтарин – офарин», «қахрамон – бўл омон»,

«заҳмат – минг раҳмат», «аҳдга вафодор – бахтиёр» сингари қофиялар шафқатсизларча эксплуатация қилинар эди. Пахта терими кизиган паллада эса унинг «Пайкалиннинг сайқалидир агрегатим чайқалиб» деб бошланувчи шеърига басталанган кўшиқ радиода тез-тез янграб турарди...

Директор Аламазонни креслога елимланган бир тарзда кутиб олди. Ҳозиргина қоровулга берилган маълумотларга кўшимча равишда одамзоднинг беихтиёр китиғини кўзга-тадиган «қачон-нега» пайровидаги бир неча бошқа саволларга ҳам тоқат билан жавоб кайтаришга тўғри келди.

– Ҳа, қийин, мусофирлик ўзимизниям бошимиздан ўтган, – бу жойни эгаллагунга қадар кўрмаган кунимиз қолмади, демокчидек креслонинг ён таянчигига бармоғини тикиллатиб туриб гапирди директор. – Хуллас, бизда битта иш бор... агар тўғри келса.

Аламазоннинг юраги ҳаприқиб кетди. Директорнинг юпка, хушбичим лабига умид билан термилди.

– Бизга чаққон бир курьер керак.

Курьер! Нима ўзи бу? Қайсидир кинодами, китобдами «Курьер поезди» деган сўзга дуч келгандек бўлувди. Бу нима ни аңлатиши ҳақида бош қотириб кўрмаган экан.

– Тўғри, маоши сал андакрок, – директор Аламазондан кўз узмай, уни ҳануз синчиклаб кузатарди. – Агар жамоа билан чиқишиб кетсангиз... Қисқаси, у ёғи ўзингизга боғлиқ.

Қаерга борма, сенга боғлиғи – у ёғи. Бу ёғи-чи? Бу томони кимга боғлиқ ўзи?

– Сизни шошилтирмайман, кўчқор йигит, – инсоф қилган бўлди директор. – Майли, эртагача бир мулоҳаза қилиб кўринг.

Аламазон юмшоқсўз директорнинг феъл-атворига яраша у билан қуюқ хайрлашиб, эшикдан оёқ учида чиқиб бораркан, остонада оппоқ сочли, қўнғизмўйлов шоир Салай Козим билан тўқнашди. Ёшини эътиборга олиб, унга йўл бўшатди...

Бу шоирнинг исми-шарифи илгаритдан қулоғига чалиниб юрган бўлса-да, ўзини яқинда матбуотчилар ошхонасида кўрувди.

Ўша куни Аламазон ҳажвий журналнинг масъул котиби билан четрокдаги столда овқатланиб ўтирганди. Бир пайт котиб: «Ҳай, бўлмаса томоша кўрайлик энди», дея эшик томонга маънодор боқиб қўйди. Аламазон ўгирилиб, болачоқларнинг велосипедини ҳайдаётгандай тиззаларини икки ёнга кериб одимлаган асно ичкари кириб келаётган кўнғизмўйлов кишига кўзи тушди.

– Ие! Келсинлар, келсинлар, – кўшни столда ўтирганлардан бири – гилдиракюз киши унга бўйланиб, юзакироқ хушомад билан қулоч ёйди. – Қайси шамол учирди ўзи, Козимий?

– Бу ёққа ўтинг, Салай Козим, бу ёққа, – гилдиракюзнинг биқинидаги малласоч кимса илтифотдан кўра кўпроқ масхаралашга ўхшаб кетувчи йўсинда уни юкорига таклиф этди.

– Кўрганимиз – кўрилганимиз, – Салай Козим ўз-ўзидан ҳиринглаганича қўлини кўксига босиб, кўрсатилган жойга ўтирди.

– Хурсанд кўринадилар, Козимий? – унга ўша юзаки хушомад билан тикилиб сўради гилдиракюз. – Китоб чикдими дейман?

– Э, йўқ, – ўзини жиддий тутишга интилди Салай Козим. – Шундай... ўзимизча...

– Бир гал бор, – дея шеригининг гапини қувватлади малласоч. – Биздан яширяпти.

Салай Козим яна ҳиринглади.

– Дарров сезасизлар-а. Мукофот пули олувдик.

– Шу холосми? – дея лабини бурди малласоч. – Мен бўлсам, кечаги рўйхатга сизниям қўшишибди деб ўтирибман.

– Қанақа рўйхат?

– Унвон оладиганларники. Кеча ёзувчилар уюшмасида рўйхат тузишиб, тасдиққа юборишибди.

– Кимлар борлигини билмадингизми?

Бунга жавобан малласоч елка қисганича бошини сараклатди.

– Мен билганим битта Тўпавой, – шоирга чой узатаётиб сўз қўшди гилдиракюз. – Боя уни табриклашаётганда сезиб қолдим.

Салай Козимнинг ранги қув ўчиб кетди:

– Тўпавой? Тўпа Тургунми? Гирт чаласавод-ку! Бизнинг уч-тўртта китобимиз босилганда, у ёзган шеър газетадаям зўрға чиқарди.

– Мен қаердан билай энди? – нега менга дўқ урасиз дегандек зарда аралаш гапирди ғилдиракюз. – Биронта хизмати бордирки...

– Қанақа хизмати бўлиши мумкин? – Салай Козимнинг баттар фиғони ошди. – Масалан, мен йигирма уч йилдирки, битта нашриётдаман. Хўш, Тўпа қаерда ёлчитиб ишлабди? Ҳатто, таниш-билиш қилиб, партиягаям яқинда аъзо бўлганини биламиз.

«Минбар»ни яна малласоч эгаллади:

– Ўтирволиб куюнишимиздан нима фойда? Келинлар, бошқа гапдан гаплашайлик.

Салай Козим қўлидаги чойни тез-тез хўплаб, типирчиланича ўрнидан турди.

– Йўл бўлсин, Козимий?

– Бир жойда озгина ишим бор эди.

У хайрлашув маросимини кечроқ муддатга суриб, ошхонадан зипиллаб чикиб кетди. Қўшни столдан пиқир-пиқир кулги эшитилди. Малласоч киши: «Шу кетишда тўғри уюшмага бориб, рўйхатни суриштиради», дея хихилаб қўйди.

– Кунора калака қилишади, – ачинганнамо киёфада Аламазонга сўз қотди қотиб, – омон бўлгур лакқа тушиб чарчамайди-да. Ўзига хослик томониям шу холос.

Қишлоқда ҳар бир одам ҳисобда, ҳамманинг даврада ўз сўзи, тўй-маъракада белгиланган ўрни бор. Ким бу? Фалончининг ўғли-ю, пистончининг невараси. Шоир. Ёзганларини Тошкентдаям босиб туришади...

Бу ерда эса... Шаҳар ўз номи билан шаҳар. Кунни кеча Лондонда маъруза қилиб қайтган академик ёнгинангдан ўтиб кетади, сен бўлсанг уни бирон-бир ресторанининг бош ошпази билан адаштирасан. Баъзан, аксинча – қайсидир театрининг чироқчиси зинапоядан ғўдайганича тушиб келиб, сендан гугурт сўраганида, машҳур артистнинг иси бурқсиб

турган бу зотни шу вақтгача танимай юрганингдан қаттиқ хижолат чекканингча, тамакисига дарҳол ўт тутасан.

Қишлоқда битта шеъринг босилсаёқ шоирсан. Шаҳарда эса йигирмата китобинг чиқиб ҳам Салай Козимлигингча қолаверишинг мумкин. Шундай экан, Аламазон деган одамча булар учун ким бўпти? Қандайдир чарм курткали нусха қишлоқдан келиб, бир ойдан зиёд дайдиб юрганини эшитишдан бу ерда кимнинг иштаҳаси бўғилади-ю, лавозимга минганида ким тепароқдан жой кўрсатади? Шундан бошқа ташвиш йўқми уларда?

Тарвузи қўлтиғидан тушганича нашриётдан қайтиб чиққан омадсиз забткор қайси кўча ёқалаб одимлаётганини, қаёққа бораётганини ўзи ҳам билмаган ҳолда алламаҳалгача ўйчан тентираб юрди.

Доцент ҳузурида гастрол

Қишки сессия Аламазоннинг картмони дўкондаги вазнига қайтиш арафасида турган даврга тўғри келди. Картмон бундан хурсандми, хафами — бирон нарса дейиш қийин-у, ҳар ҳолда, эгаси уни сўнгги пайтларда тобора камрок бевозта қилаётганди.

«Бийронинг олдида нима деган одам бўлдим энди? — боя уйғонган бўлса-да, ҳануз кўрпадан чиққиси келмай, бошқа томонга ағдарилиб олди Аламазон. — Зикна бўп кетяпти деб ўйлаётгандир?!»

Тўйингга қараб карнайчи айт, деганларидек, ўзи бошида баланддан келмаслик керак экан. Дастлабки танишувни ресторан официантидан қайтим олмай қўзғалиш ва кизни таксида кузатиб қўйишдан бошланган эди. Бора-бора, хотамтойликнинг бурди кетаверди. Сўнгги учрашувлардан бири ишчилар ошхонасида овқатланиш-у, қиз шўрликни оломонбозор автобусга зўр-базўр тикиб жўнатиш шаклида яқунланган бўлса, кечаги гал «панорама»дан чиқишгач, суюклисини сосискахонада типпа-тик турғазиб қўйиб, бир стакан кофе билан сийлашдан нарига ўтолмади.

Хайриятки, купедош таниши Одил сигарет олиш учун бу ерга тасодифан кириб қолди-ю, улар билан бир зум чакчақлашиб, Аламазоннинг пастлаб бораётган обрўйини тўртбеш поғона кўтариб қўйгандек бўлди. Тошкентда унинг бунақа зўр оғайнилари борлиги Бийроннинг хаёлигаям келмаган бўлса керак.

– Ишларинг қалай? – салом-аликдан сўнг ўзни яқин тутиб ҳол сўради Аламазон.

Одамзод дегани бирон жойда ишлайди-да, ахир!

Одил сигаретини бамайлихотир тутатаётиб, деворга қоқилган кўкиш тахтачага қалбаки эҳтиром билан кўз қадади – тахтачага папирос сурати солиниб, устидан қизил чизик тортилган эди.

– Биласан-ку, биззи иш доим беш, – тутунни тепага пуфлаб, у ҳам эски кадрдонлардай жавоб қилди. – Аммо, сенгайм беш кетиб турибман, нақ паризодни топибсан-а. Ваҳ-ҳаҳ-ҳа.

Бийрон карашма билан жилмайиб, аввал Одилга, сўнг Аламазонга зимдан кўз ташлади.

– Қизларни кўп талтайтирма! – бармоғини ниқтаб, ҳазиломуз ўдағайлади Аламазон.

Одил эса қитмирликни давом эттирди:

– Буниси ҳолва. Хўп десанг, битта янгилик айтаман-у, хонимингни тугалай типирчилатиб қўяман, – у шундай дея, Аламазоннинг розилигини кутиб ўтирмай, иршайиб Бийронга қайрилди. – Бугун базамизга товар келди. Очсак, бари аёлларники: италиан этиги, голланд пўстини, ҳинд кўйлаклари... – у хиёл сукут сақлаб, қизнинг кўзларига синчковлик билан тикилди, – японча свитерлар, араб рўмоллари, чех сумкалари, костюмли вилвет юбка – «Монтана!..» – шу ерга келганда у тилла тишларини чакнатганича шарақлаб кулиб юборди. – Қара, қара, Аламазон! Потирлашини кўряпсанми? Ваҳ-ҳаҳ-ҳа.

Улар ташқарига чиқишгач, Одил йўл ёқасида турган зангори «Жигули»ни кўрсатиб, тантанавор оҳангда деди:

– Қани, кемага марҳамат қилинглар! Ҳозир трап кўтарилади.

Аламазон миннатдорчилик билдиргандек бош қимирлатди.

– Бийроннинг йўли яқин, – дея Шайхонтохур томонга ишора қилди у. – Мен... уни кузатиб кўяман.

Одил машинага бош суқиб, ён ўриндикда ётган жилддан иккита ташриф қоғозчаси олди-да, бирини Аламазонга, иккинчисини Бийронга тутқазди.

– Бунда телефонларим ёзилган. Бирон нарса зарур бўлса, бемалол...

* * *

Ташкаридан курукшок йўтал аралаш ғарғарадор товуш эшитилди.

– Хў, акаси, бир секундга бу ёққа қара.

Аламазон эринибгина бош кўтариб, деразадан ташқарига мўралади.

Қовоклари шишиб кетганидан тумтайиб кўринаётган ўт ўчирувчи Бойвучча ойига сут олиб келган кўшни ўспиринни бармоқ ўйнатганича хузурига чорлаб турарди. Ўспирин яқинроқ келгач, унга пул узатиб, яна ғариллади.

– Илтмос, яримта арақ опкелгин.

– Менга беришмайди-да, ока, – одатдагидек майин овозда кимтиниб гапирди ўспирин.

– Беришмаса, мени номимни айтасан... Лейтенант акамга де...

Ўспирин истаб-истамай пулга қўл чўзди.

– Арақ бўлмаса-чи? Вино опкелайми?

Ўт ўчирувчининг тиш чўткасига ўхшаган қошлари бирдан юқори кўтарилиб, ботиқ кўзлари сўлкавой танггадек чакнади.

– Катъиян ман қиламан! – деб бақирди у.

Қон-қонига сингиб кетибди шу гап...

Ёзги сессия чоғи эди. Ўт ўчирувчи бир куни уни ўз хонасига таклиф қилиб, чой-пой қуйиб берган бўлди. Кузатаётиб беш сўм қарз сўради. У вақтда беш-ўн сўм деган нарса Аламазонга чўт эмас эди, қайтмоғи амримахоллигини кўнгли сеза туриб, янги кўшнининг сазасини ўлдиргиси келмади.

Бадий дурдоналарга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса-да, оламда «Ёнғин хавфсизлиги қоидалари» деб аталувчи қалин муқовали китоб ҳам мавжудлигини Аламазон ўшанда биринчи марта кўриб билувди. Хонтахтанинг четида ётган экан, гап орасида у ер-бу ерига кўз югуртиб қўйди. Ўқилиши зерикарли бўлган бу рисолаанинг диққатга сазовор жойи шунда эдики, ундаги жумлаларнинг аксарият қисми «...қатъиян ман қилинади» деган сўзлар билан якунланар эди.

Аламазон дераза тоқчасида бетиним пичирлаб турган соатига қаради – бештакам ўн. Қалласида айланиб қолган ҳажвий шеърни қоралайман деб уйқуга анча кеч ётувди, росаям ухлабди-да.

Ўрнидан туриб, эринчокланиб керишаркан, столдаги бўялиб кетган қоғозга, устидаги сарлавҳага хўрсиниб боқди. «Юмалоқ хатлар қироли».

*Аҳволимни тушунмас ётлар...
Саводсиз бу муҳтарам зотлар
Мен шўрликни
(Қаранг кўрликни)
Гоҳ «илон», гоҳ «игвогар» дейди,
(Ўзлари панада ҳар бало ейди).
Тушунинг, ахир!
Менинг касбим – билиш,
Вақтида маълум қилиш!
Баъзан эса ёниқ сатримда
Йиглайман ўз қадримга.
Масалан,
Ўқталган-чун менга мугузин,
Қайнатамнинг хўкизин
Устидан ёздим.
Ҳих-ҳих-ҳи!
Хўх-хўх-хў!!
Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа!!!
Ҳаммаёқни молдўхтир босди...*

Бу ерда шунақа шеърларнинг бозори чаққонроқ экан: ҳар қайси газетада ҳажвий рубрика, ҳар бир журналда ҳазил саҳифа, радио билан телевидениеда алоҳида сатирик эшиттиришлар...

Майли, жиддийлари ёқмаса, кулгилисидан сотамиз. Ишқилиб, харид қилишдан чарчамасангиз бўлди, ноширжонлар. Иннайкейин, уларни босаётган пайтда Шалмонов деган одамга мендан салом айтиб туришни унутманглар.

Етмиш иккинчи йилмиди, етмиш учинчимиди... Хуллас, бундан тўрт йилча, олдин туман газетасида Аламазоннинг ўртамиёна ҳазил шеъри босилди. Эртасига туман прокурори Шалмонов уни ҳузурига чақириб қолди.

– Хў-ў-ш... – у столдаги газетани олиб, охириги бетига хўмрайиб боқди. – «Қароқчи билан порахўр». Ҳм-м...

Кейин у газетани четга қўйиб, гарчи шеър одамлар ҳақида бўлса ҳам: «Бу масал ўзлариникими?» – деб сўради. Аламазон бош қимирлатиб тасдиқлади.

– Ким... бу порахўр?

– Бир сарқит-да.

– Фамилияси?

– Ёзиш биздан, топиш сиздан.

– Хўв, каерда ўтирганингизни унутманг!..

Ўша Шалмонов ҳозир қаерда ишлаётган экан? Шу одамдан зўр қассоб чиқарди-да...

Аламазон ювиниб келгач, енгил-елпи тамаддиланиб, йўлга отланди. Барча фанлар аралаш-қуралаш ёзилаверадиган қалин дафтарни (бекорга «общий тетрадь», яъни «умумдафтар» дейилмайди-ку) шимининг бўғзига қистириб, курткасини кийди.

Ҳовлидан шипиллаб ўтиб бораётганда, Бойвучча ойи деразани ичкаридан тикиллатиб, каптини дўлайганича нималардир деб дағдаға қилди. Балки тунда алламаҳалгача чироғи ўчмаганидан норизодир (бандаларим ҳамма ишини осон битирсин деб кундузни, хордиқ олсин деб кечани яратиб қўйибди эгам), балки юлқа кийинганидан яна ташвишга тушгандир (сен бола охири силкасал бўласан).

Ҳақиқатанам, бутун ҳаво анча изғиринли эди. Йўлка ёқасига бир сафда экилган олчаларнинг дикрайган шохларида чумчуқлар кўринмас, чамаси, улар ҳам илиқ жойини тарк этгиси келмай, бўғотларда биқиниб ётишарди. Кечагинаям шохлар учида бужмайганича қолиб кетган меваларни жанжал-сурон билан териб юришувди.

– Нега фирромчилик қиласиз?

– Ўзинг фирромсан! Виждонсиз!

Аламазон муюлишдан бурилиб, ҳозиргина эшитилган товуш эгаларига боқди – мўйловига оқ оралаган сўлоқмондай киши билан саккиз ёшлар чамасидаги бола бир-бирига бўйин чўзиб турганини кўрди.

– Беринг тангтамни!

– Тангга, тангга дейсан! Аввал ўнг-терси қаёқдалигини ўрганвол, ҳў!

– Ҳой, кўйсангиз-чи кап-катта одам, – Аламазон тўхталиб, сўлоқмонга енгил танбех берган бўлди.

– Энди сен бормидинг? Жўна, бошни котирма! – Аламазонга кўзини ваҳимали олайтирди сўлоқмон.

Ҳимоячи топилганидан кўнгли кўтарилган бола у ёқдан яна тикилинч қилди.

– Ютқазгандан кейин чиданг-да!

– Ме-е-н ютқаздимми? Сенга-я? – дўпписини пешанасига суриб ўшқирди сўлоқмон. – Қирқ йилдан бери ўйнайман бу ўйинни. Ҳе, виждонсиз!

Аламазон энди катъийроқ оҳангда деди:

– Беринг танггасини!

– Йўлингдан колма! – сўлоқмоннинг олайган кўзлари бу сафар пилдиروقдек ўйнай бошлади.

– Яхшиликча бер деяпман! – мушт тугиб, ракибига елка бурди Аламазон.

Сўлоқмон туйқус шаштидан тушди. Иккита ўн тийинлик танггани жаҳл билан боланинг оёғи остига отди.

– Ол-э, назари паст. Тешиб чиксин.

У Аламазонга бир ўқрайиб қўйгач, жунпайпоққа кийган каттакон калишини шапиллатганича улардан узоқла-

ша бошлади. Нарирокда ортга ўгирилиб, Аламазонга жағ силади.

– Шошмай тур, қишлоқи. Йигитларга айтиб, сени бир талқонтуйди қилдирмасамми!..

– Бизниям суянадиганимиз бор, – унинг ортидан масҳараомуз бакириб қолди Аламазон. – Эшмат ишмага айтсам, йигитларингни димлаб еворади-я.

– Раҳмат, амаки!

Аламазон ярқ этиб болакайга қаради.

– Амаки? – дея афтини буриштирди у. – Малол келмаса, бундан кейин мени «шоир жаноблари» деб чақирсинлар. Бўптими?

– Бўпти, шоир жаноблари.

Аламазон боланинг телпагини сийпалаб, уни эркалатган бўлди.

– Қиморбоз эканлар-да? Жудаям уятли касбни танлабдилар-ку.

– Марўжинага кетаётсам, бу амаки олдимни тўсволди, – ўзини оклай бошлади бола. – Ке, қизик ўйин ўргатаман, деди.

– Музқаймоқ деганни ёзда еса-да одам.

– Менга барибир, шоир жаноблари. Қўлга пул тушиб қолса, қишдаям еб қўяверамиз.

Аламазон аста чўккалаб, бурротил болакайнинг иккала елкасига қўлларини ташлади.

– Ақлингизга тасанно, пирим! Сизни шундай десам майлими? Хуллас, жуда тўғри айтдингиз, баъзи нарсалар фақатгина пулга боғлиқ шекилли.

– Пул бўлса, чангалда шўрва, – қаердадир эшитган гапини сира иккиланмай такрорлади бола.

Аламазон кулиб юборди.

– Сизга тобора ихлосим ортиб боряпти, пирим, – деди кулгиси босилгач. – Лекин, шуниси чатоқки, ўша савил қолгур пул сиз билан менга ҳадеганда йўлиқавермас экан. Мана шунга доғман.

* * *

Аламазон факултетга келиб, ишни сиртки бўлим методистига учрашишдан бошлади. Босиқ ва ройишли бу йигитнинг ректору деканлардан ягона устун томони шу эдики, қайси курс қаерда машғулот ўтказаётганини исталган пайтда аниқ айтиб бера оларди.

– Дикқа-а-т! Съёмка!

Залдан текис одимлаб келаётган Аламазонни кўриши биланок Шариф деган андижонлик ҳазилкаш йигит аудитория эшиги олдида ғуж бўлиб турганларнинг диққатини тортди. Тўпдагилар Аламазон тарафга боқиб, бир-бир жилмайиб кўйишди.

Курсдошларининг деярли ярми имтиҳонни барвақт топшириб, аллақачон тарқаб бўлишган экан.

– Аламазон ака, имтиҳонга бирга кирамиз, а? – ҳиринглаб гап отди Шариф. – Актёрликни-ку ўрганибсиз, энди менга суфлёрлик қил кўрасиз.

Атрофда кулги кўтарилди.

Шариф ўз сўзида маҳкам туриб, имтиҳонга у билан бирга кирди.

– Менга бир бал қўшадиган бўлдингиз, домла, – билетни олгач, кулимсираб уни доцентга кўрсатди Аламазон. – Буни каранг – ўн учинчи номер. Фирт бахтсиз.

Доцент кўзойнагининг устидан мулойимланиб бокди.

– Аксинча, йигит, аксинча. Иримчиларга баҳони бир бал пасайтирамиз.

Аламазон билетга анча маҳал беиштиёқ тикилиб ўтирди, сўнг ҳафсаласизлик билан нималарнидир ёза бошлади. Имтиҳон топширишнинг гали келгач, жавоби ҳам шунга яраша бўлди.

– Бу дейман, йигит, китоб ўрнига кино кўрибдилар, чоғим?

– Тўғри айтдингиз, домла, – бу сафар ҳорғин кайфиятда жавоб қилди Аламазон. – Шу... съёмка кўл вақтимни олди.

– Қанақа съёмка? – кўзойнагини ечиб, астойдил сўради доцент.

Вахиманиям, бўрттирманиям зумда қотириб ташлайдиган Шариф оркадан туриб гап қистирди:

– Телефилмда бош ролни ўйнаяпти.

– Ўхў-ў! – доцент, Шарифга бир караб қўйгач, эндигина сўз қотишга шайланаётган Аламазоннинг шаштини қайтариб, ҳайрат изҳор қилган бўлди. – Чаккима-а-с. Мен сизга айтсам, йигит, журналистика билан кино аслида Фарҳоду Шириндек бир-бирига яқин. Айниқса, публицистик филмларни оладиган бўлсак...

– Ҳақ гапни айтасиз, домла, – унинг сўзини тасдиқлади Аламазон.

– На илож, бу сафарча сизга шафқат қиламиз, чоғим.

– Миннатдорман, домла.

Шариф ҳам имтиҳонни одатдагидек базўр «пийпалаб» чиққач, четроқда йигитлар билан чекишиб турган Аламазонга кесатик қилди:

– Аламазон ака, ўзи имтиҳонга келувдингизми, гастролгами?

Улар уч-тўрт кишилашиб ташқарига чиқиб келаётган пайтда шахрисабзлик курсдоши Шарифни турткилаб, нимадир деб дўриллаб қўйди.

– Мехмондорчиликка тобингиз қалай? – Шариф шу заҳоти Аламазоннинг енгидан тутди. – Мана, оғайнимиз зиёфат бермокчи бўляпти.

– Бир жўрамизда холи квартир бор, – энди ўзи мурожаат қилди «мезбон». – Бачаларга бир гурунг берайлик.

Шариф навбатдаги сўзга оғиз жуфтлаётиб, қитмирланганича яна ҳиринглади.

– Ҳалиги... балет ҳақидаги шеърингизни тағин бир эшитамиз-да.

Бу сафарги сессияда Аламазоннинг боши ўтиришлардан чиқмай қолди. Йигирма кунлик ўқишдан имкон борича ҳордиқ ўрнида фойдаланишни кўзлаб, чўнтагини қаппайтириб келган курсдошлари кунора турли ижарахоналарга таклиф қилишар, уни ўз улфатларига, энг аввало, филм-концерт иштирокчиси сифатида таништиришар,

охирида эса балет ҳақидаги шеърни ўқиб беришни сўрашарди.

«Кечки овқатнинг харажати яна ёнга қоладиганга ўхшайди, — ўйлади Аламазон. — Умуман, паловхўрликка нима етсин. Кетдик, васаллом!»

— Э, нимасини ўйлайсиз буни? — унинг пича жимиб қолганини бошқача тушунган «мезбон» қисталанг қилиб тирсагидан тортди. — Бориб, бачаларнинг димоғини чоғ қилайлик.

Улар автобус бекати сари йўл олишди. Аламазон, ҳар эҳтимолга қарши, «Афандининг балетга киргани» деган шеърини ичида қайтариқлаб, хотирасига мустаҳкамроқ қўйиб бораётган эди.

Чикди қиз, кўйлаги сандикда қолиб,
Саҳнада қизил-кўк нурлар туташди.
Бир хумпар кўлига таёқни олиб,
Машшоклар олдида кўп ўралашди...

«Овчи» ва Овчилар жамияти аъзоси

Одатда, Аламазон, сессия якунланиши билан ҳамма синама ишларини бир ойга қолар-қолмас ёзиб ташлаб, кўнглини хотиржамлаб оларди-да, сўнг ижодга шўнғиб кетарди. Бу гал, курсдошлари билан хайрлашганига йигирма кундан ошибдики, дарслик титкилашга ҳануз қўли бормаётганди. Ваҳоланки, энди у қишлоқдагидан қулайроқ имкониятга эга бўлиб, шундоқ трамвайга ўтирса, йигирма минутдан кейин ўзини университет кутубхонасида кўрар, зарур дарсликларни осонгина олиб, кўпи билан ўн беш кунда барча «қарз»ларидан биратўла қутулиб қўя қолиши мумкин эди.

Ўтган куни ҳам, кеча ҳам, бутун ҳам шундай қилмоқчи бўлди-ю, барибир кўнгли чопмади. Бундай ҳол, албатта, кайфиятдан келиб чиқади. Кейинги вақтда юрагига уя қуриб олган ғашлик кун сайин авж олиб, феъл-атвори тўнглик ва тажангликка тобора мойиллашиб бораётганди.

Юпқа корни кўнжли ботинкасида гижир-гижир эзиб, институт ҳовлисида у ён-бу ён одимлаб юрган Аламазоннинг диққати ошиб, яна куртканинг чўнтагига ёпишди. «Прима»ни олиб, филтрсиз арзон сигаретни иккига бўлгач, бир кисмини мўридай қоп-қора мундштукка тиқиб, иккинчи кисмини қайтариб кутига солди. Мисчақмоқ ҳадеганда ёна-вермагач, уни бир-икки бор силкиб кўйиб, тагин кетма-кет шакиллатди. Урина-урина ёқишга эришгач, сигаретини тутатиб олиб, мисчақмоқни четга улоқтирди.

У туман редакциясида доимо ишнинг тифизлигидан нолиб, босим-ла ижод қилиши учун кўпроқ бўш вақт топишни орзулаб юрган чоғларида сурункали бекорчилик бу қадар зерикарли бўлиши, ҳатто фожиавий тус олиши мумкинлигини сира тасаввур этмаганди. Бундай аҳволга тушган одам боласи, ҳатто, қайси жамиятда яшаётганини унутиб юборишям ҳеч гап эмас экан. Атрофингдан ўтиб бораётган юртдошларинг кўзингга тоҳида чет эл фуқароларига ўхшаб кўрина бошласа, кўрқиб кетаркансан киши. Баъзан бунинг сабаби нимада экан, деб ўйлаб қоласан.

— Соат борми?

Аламазон бошини кўтариб, кундуз ёқали йигит кўлидаги дипломатини айлантириб ўйнаганича қаршисида жавоб кутиб турганини кўрди. Енгини қайириб, соатига кўз ташлади.

— Ўн бирдан ўн бешта ўтяпти.

— Тўчний айтинг, ака.

— Ўн тўртта ўтибди.

— Раҳмат. Бундан чикди, яна ўн олти минут саланглаб юрамиз.

У дипломатини ҳануз ўнг-сўлга айлантириб ўйнатган куйи битта-битта босиб, нари кетди.

Дастлабки пайтларда корректорлик, солиштирувчилик, курьерликни таклиф этган кишилар ўшанда унга нисбатан катта одамгарчилик қилмоқчи бўлишган экан, чамаси. Аламазон эса уларга зарда қилди, масхаралашдан ҳам тоймади. Қайсидир қишлоқдан келиш эҳтимоли бўлган ялтироқ тугмали забткор учун тўрироқдан курси ҳозирлаб туриш тўғри-

сида улар ҳеч кимдан ҳеч қандай топширик олмаганликларини ўшанда Аламазон тушуниши керак эдими?!

Хўш, шу топда нега эслаб қолдинг буларни? Тўғри, сен мағрур эдинг, такаббур эдинг. Энди аттанг қиялсанми? Афсусланаётган бўлсанг, ана, бориб улардан кечирим сўра, аҳволингни тушунтир. Зора ўша жойлардан биронтаси ҳалиям бўш турган бўлса. Шу билан кўнглинг тинчийдими, ахир? Унда, бораверсанг-чи, сени биров ушлаб тургани йўқ-ку!

«...Мен дедим ғурбатда Фуркат бор экан такдирда-а».

Чуқур ҳаёлга толган Аламазон, қулоғига чалина бошлаган бу қўшиқ қаерда қуйланаётганини англаб улгурмай, транзисторли йигит яқинлашиб келиб: «Сигаретдан топиладими?» дея унга безрайиб тикилди. «Йўқ», дейишга сурлиги етишмай, чўнтагидан сигарет чиқариб, индамасдан унга узатди.

Ашула бандаси! Дунёда нималар бўляпти, шоирларнинг аҳволи қалай, деб ўйлаш йўқ. Радиоси бир умр «Машъал»га созланганича ўтиб кетади.

...Радиодаям уч ҳафтача ўралашиб юрди. Бу ерда одат шунақа экан – аввал синаб кўришади.

Синов даврида, ўзиям, роса парпиракланиб ишлади-ей. Қисқа вақт ичида битта радиокомпозиция тайёрлади, учта лавҳа ёзди, уруғлик чигит сифатини яхшилаш ҳақида олимларнинг давра суҳбатини уюштирди. Шунча юмушдан ортиб, яна жамоатчи мухбирлардан келган хатларниям шарҳлаб турди.

Нега тиришмасин? Гарчи қишлоқ хўжалик бўлимида бўлса ҳам, ҳарқалай муҳаррир деган ном олади. Унга қандайдир курьер-пурерликни таклиф қилишмаётганига раҳмат.

Ҳамма иш маромида кетаётган эди. Гап паспорт пропискасига бориб тақалди-ю, шу қадокка қадалиб қолаверди. Анча югуриб-елиб, Тўйтепадаги бир танишиникига зўрға «қўнимдор» бўлиб олган эди, буниси ўтмади. «Тошкент вилояти Лихтенштейн давлатидан каттароқ бўлса ажабмас. Пропискани шаҳарнинг ўзига қилишингиз керак», дейишди.

«Радиодагилар, акалли, гонорарни тезроқ юбориш-сайди, – орзиқиб ўйлади Аламазон. – Камида эллик-олтмиш сўм қўйишса кераг-ов».

Шу чоғда у муқовасига машҳур актрисанинг жилмайиши туширилган картмондаги охирги уч сўмликка таяниб қолганди.

Дарвоқе, яна иккита оқ, битта сариқ танггаси ҳам бор. Оқлари йирикрокмиди ишқилиб?

Аламазон атрофга аланглаб қўйиб, секингина чўнтагидаги танггаларни олди, каптига кўз қирида назар ташлади – иккита ўн беш, битта уч тийинлик. Ўттиз уч – чиройли рақам!

Ўттиз уч сўм янаям чиройли кўринса керак. Агар чўнтагингда ҳар куни нақд турса, аслида, уч сўм ўттиз уч тийиннинг нафосатиям чаккимас.

Меҳмонхона ноиби, ресторон официанти, такси ҳайдовчилар, тунги бар буфетчиларига картмондан суғуриб отилаётган йирик-йирик пуллар унинг кўз ўнгидан поезд вагонларидай пешма-пеш ўта бошлади. Кошки бу поездни орқага юргизиб бўлса!

Аламазон танггаларни қайтариб чўнтагига ташлади: «жилинг».

Жиринг... жиринг... жиринг... Ерда ёзиғлик турган белбоғ... Унга бармоқлардан сирғалиб тушаётган сарғиш чақалар...

Қаерда кўрувди ўша танггаларни? Ўқувчилик пайтида танггаютар сопол мушугини синдирган чоғидами? Йўк, ўша куни жамғармасини гулдор патнисга тўккан эди. Белбоғдаги танггаларни у бошқа ерда кўрган...

Эҳа-а... мана, ниҳоят эсига тушди. Унда ҳали жуда кичкина эди, мактабга эндигина ёзиб кетишувди.

Бир куни дадаси уни бозорга етаклаб борди. Олдин йўл ёқасидаги ойнаванд магазинга кириб жилд, қалам-дафтар олишди. Кейин харажат қилиш учун бозорга қараб юришди. Дарвозадан кириб боришаётганда бошига оппоқ салла ўраган кўзи ожиз қарияни кўрди. У бир жумлани тинмай қайтариқлаганича четроқда жавраниб ўтирарди. Олдида ёзиғлик белбоғ, белбоғда эса сариқ чақалар. Унга тикилганича тўх-

таб қолган Аламазоннинг лаблари беихтиёр пичирлай бошлади, қарияга жўр бўлиб, унинг сўзларини ичида такрорлашга тушди.

– Э-э, қаёқда қоп кетдинг анқайиб?

Дадаси энди қўлидан маҳкам ушлаган асно расталар ёқалаб бошлаб бораркан, у гадойга жўрланиб пичирлашда ҳануз давом этарди: -

Элинг битта, қонинг битта,
Ҳасандурсан, Ҳусандурсан.
Қиё бокмай ўтиб кетма,
Акамдурсан, укамдурсан...

«Ашула бандаси»нинг қўлидаги транзистор тўсатдан жимиб, бир лахзадан кейин «тут, тут» этган овоз тарата бошлагани Аламазоннинг эътиборини тортди: «Тошкент вақти билан соат ўн бирдан ўттиз минут ўтди. «Машъал» тўлқинида – сўнгги ахборот...».

Сўнг аёлнинг нозик товуши эркакча дўриллаш билан алмашди: «Тошкент метроси биринчи навбатини инкилобнинг олтмиш йиллигига совға қилиш иштиёкида жавлон ураётган азамат қурувчилар...»

Текин тамакини ҳузур қилиб сўраётган «ашула бандаси» шу заҳотиёқ «ширк» этиказиб транзисторни ўчирди. Гўё сокин шароит туғилишини кўпдан бери кутиб тургандек, институт биноси бўйлаб қўнғироқ товуши ёйилди.

Танаффусга ажратилган вақт машғулотникидан тўрт ярим барабар қисқа бўлиб, Маориф министрлиги ошиқ-маъшуклар суҳбати учун ўта чегараланган муддат белгилаб қўйган эди. Шу туфайли, Аламазоннинг таклифини эшитиб, Бийрон гапни чувалаштириб ўтирмай, дангалини айтиб қўя қолди.

– Дарслар ҳозир мана бундоқ, – қўлини томоғига арра қилди у. – Выходнойдаям тайёрланмасам, ишим чаток бўлади. Йўқ, Аламазон, кинога бориш қийин эртага.

Аламазоннинг қорамағиз юзига тундлик қўнди.

– Бўпти-да...

– Ана, кўряпман, – Бийрон эркатойлик билан кикирлади, момик бармоғида Аламазоннинг иягидан турткилаб, уни ўзига қаратди, – дўстидан хафа Аламазон. Дўсти бўлса хижолат чекапти... яна бир ҳафта учрашолмайман деб.

– Бийрон...

– Тамо-о-м, – кўрсаткич бармоғини бу сафар Аламазоннинг лабига босиб, бошини муком қилаётгандек чиройли қимирлатди Бийрон. – Шўрлик дўсти ҳар куни Аламазонни кўргиси келади. Однако, ўқиш... оёғидан боғлаб қўйган.

– Олдинлари... – «айтилган пайтдаёқ пизиллаб кетаверардинг» деган сўз Аламазоннинг тили учида туриб қолди.

Энди қиз ҳам сал ранжиган киёфада бўёкли лабини чўччайтирди:

– Ну-у, Аламазон! Ёш болага ўхшайсиз. Ҳаммада бўлади-ку – кеча ундок, бугун мундок. Буни сизга айтмадим – иккита имтиҳондан ҳали қарзим турибди.

Қарз! Жуда бошоғриқ нарсда-да шу. Тагин турлари кўплигини айтмайсизми: масъулият, вазифа, бурч... То тирик экансан узаверасан, узаверасан... Шундаям бир қисми қолиб кетса керак.

Бийрон узун жун шарфни бўйнига бошкатдан маҳкамроқ чандиётиб, Аламазонга зимдан қараб қўйди. Унинг сўниқ кайфиятда тикилиб турганини кўрди-ю, дарҳол кўзини олиб қочди.

* * *

«Кеча ундок, бугун мундок» эмиш! – хаёлидан ўтказди Аламазон, троллейбуснинг орқа бурчагига суянганича хомуш бораркан. – Гапни айлантирмай, дунёнинг ишлари чалкаш, деб қўявермайсанми!

Умуман олганда, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлди. Қайтанга, бир ҳафта чалғимайроқ юради. Бу орада радиодаги қалампулиям қўлга тегиб қолса, ажаб эмас.

Воҳ, ҳали бу ёқда ижара ҳақи ҳам бор, ой тагин охирлаб боряпти. Аслида-ку, аҳволни тушунтирса, Бойвучча оғи «солик»ни бир-икки ойга чўзиб туриши мумкин. Айниқса, Аламазонга йўқ демайди. Аммо, кампирга қандай қилиб айтади буни?

Навбатдаги бекатда троллейбуснинг эшиги яна очилиб ёпилди. Кимдир чикди, кимдир тушди. Троллейбуснинг эса бу билан иши йўқ – Ер ўз ўқи атрофида айланаверганидек, у ҳам «кўрсатмадаги йўналиш» бўйлаб ғизиллаб турса бас.

Уф-ф! Ошқозон деган нарсада на фаҳм бўлар экан, на фаросат. Эгаси нима аҳволда-ю, бу хумпарнинг жизиллашини қаранг.

Аламазон тушликни қаерда қилган маъқуллиги ҳақида ўйлай бошлади. Илгарилари «маъқул» дейилганда у, энг аввало, овқатнинг таъмини назарда тутар эди, энди бўлса бу сўзни нархга нисбатан қўллашга ўтганди.

«Ҳа, албатта-да! – ниҳоят ўзича қатъий қарорга келди у. – Энг зўри – беданакабоб. Демак, курс – йигирма градус ўнтроқдаги Бешёғочга!»

Бешёғочда троллейбусдан тушаётган Аламазон биқинида шубхали шарпа пайдо бўлганини сезиб, қўлини чаққонлик билан қўлтиғига чўзди, панжасига кимнингдир совуқ билаги илинди. Бу билак олд тугмаси очик куртканинг шундоқкина ички чўнтаги яқинида ҳибсга олинди.

– Қўлни қўйвор! – секингина, аммо дағдағали оҳангда мурожаат қилди кигиз шляпали киссавур. Чап қулоғи чиноқлигига қараганда, қўли эгрилиги учун болалигидаёқ кимдир уни ёшига мос тарзда жазолайман деб, озгина эҳтиётсизликка йўл қўйганди, чамаси.

Бу нусха нимаси биландир кишлоқдаги ўша машҳур Мирзаканд пиёнга ўхшаб кетарди. Балки, сурланиб боқишидандир...

Шу маҳал бир нима тап этиб ерга тушди. Аламазон киссавурни пастга тортқилаётиб, йўл-йўлакай пиллапояда ётган картмонини ҳам олишга улгурди.

– Қўйвор, сенга нима ёмонлик қилдим? – кўз қирида у ён-бу ёнга аланглаб, бояги оҳангда дўк урди киссавур. – Кимсан ўзинг?

– Овчилар жамиятининг аъзотман, – бошқа нарсаларим жойидамикан дегандек чўнтақларини пайпаслаб кўраётиб, бамайлихотир жавоб қилди Аламазон. У кўкрак чўнтагидаги қизил муқовали дафтарчасини хиёл сугуриб, қайтадан жойига

тиқаётган вақтда чангалидаги билак саросимали титраб кетгандек бўлди. Аламазон ялт этиб чинокнинг кўзига қаради.

– Кечиринг, ўрток начальник, – пайлари бўшашиб, бошини куйи солди чинок. – Қаёқдан билибман мен...

– Қимирламай тур! – янги унвондан рухланган Аламазон шу унвонга мослаб пўписа қилди. Сўнг картмонини очиб, ичига назар ташлади – уч сўмлик ўз жойида зумраддек порлаб турарди. Картмонни ёпаётиб, қалласига келган ёрқин фикрдан юраги дукиллаб кетди. – Пулнинг қолгани қани?

Чинокнинг кўзлари олайди.

– Турибди-ку пул!

– Мен қолганини сўраяпман, – қатига тўртта гиламнинг чанги яширинган палто ёқасини ғижимлаб, уни бир силтаб кўйди Аламазон. – Қани, чўнтакларни ағдар-чи.

Чинок шимининг киссасига кўл тикиб, титилиб кетаётган иккита бир сўмликни чиқариб кўрсатди.

– Бори шу. Майли, тинтиб кўринг.

Аламазон пулни ундан юлиб олиб, курткасининг чўнтагига тикди.

– Аблах! Гражданлик номусинг қолмабди!

– Узр, ўрток начальник...

– Ўласанми... заводга кириб ишласанг?

– Кираман заводга! – Аламазоннинг кўзига тик боқди чинок. – Энди ҳалол яшайман деб кечагина қасам ичгим келувди. Тамом, бугун қасам ичаман. Пиво... яхшиси, лимонад цехига ишга кираман. Суратимни бир йилдаёқ «Ҳурмат тахтаси»га осишади. Мен айтдимми – тамом!

Кимдир Аламазоннинг елкасига гурс этказиб кўл ташлади. У сесканиб ортга ўгирилди-ю, поездда бирга келган тепакал илжайиб турганини кўрди. Лакис?

– Бу ўзингмисан, жигар? – кўл бериб кўришаркан, ялтоқланиб кўз сузди Лакис. – Жуда ажойиб отинг бўларди... Алангамиди-ей?

– Аламазон.

– Ҳа, ҳа, Аламазон, – дея бармоғини юқорига бигиз қилди у. – Ким эди анави мағзава?

Аламазон шошиб ортга қаради. Омадсиз «овчи» аллақачон жуфтакни ростлаганини кўргач, ҳеч нарса бўлмагандек хотиржам жавоб қайтарди:

– Қайдам... Гугурт сўраётувди.

Бек Бўриевичнинг ажабтовур жавони

– Менга қара, Лакис, бир беданакабоб есак-чи. Кўнгил кетувди-да.

– Беданакабоб? Шу топда қаердан топасан уни?

Аламазон йўлнинг нариги юзидаги хариди чакқон бўлиб турган ёғоч дўкончани бурни билан кўрсатди.

– Ана, йитирма қадам юрсак бас.

Бу дўкончада ҳар куни тушлик пайти, айникса, талабалар орасида алоҳида ҳурмат қозонган ўрамаҳамирли гўмма сотилар эди. Баҳоси бор-йўғи тўрт тийин-у, ўзи бирам хуштаъм, бирам тўйимлики!

– Номиниям зап топибсан-да, – одатига кўра пихиллаб кулди Лакис. – Беданакабоб-а!

– Юр, ўнта-ўнта туширайлик шундан.

– Яхшиси, менга ёрдамлашвор. Кейин битта зўр жойда қошиқ уриштириб овкатланамиз. Шахсан Бек Бўриевичнинг ўзи бизга таом тутадилар.

Лакис уни Бешёғоч бозори томонга бошлади. Аламазон истаб-истамай унинг ортидан кўзғолган чоғда, баланд бино устидаги йирик-йирик ҳарфлар беихтиёр эътиборини тортди: «Пуллариноғизни омонат кассада сақлангиз!»

Раҳмат! Ҳозирча чўнтаккаям сиғиб турибди.

– Ҳалиям ўша камандировками? – сўради Лакис. – Ё шўтга ишляпсанми?

– Иш ахтаряпман, – зарда аралаш жавоб қилди Аламазон.

Лакис унинг бирон жойда ўқиган-ўқимаганини суриштирди. Қандайдир Бек Бўриевичнинг насия зиёфати ҳақида ўйлаб бораётган Аламазон тугалланмаган сиртки ўқиш тарихини чўзғилаб ўтиргиси келмай, «йўқ» деган мазмунда бош тебратиб қўя қолди.

– Ўлай агар, бир кўрганимдаёқ ўзимизданлигингни сезувдим, – илжайиб, унинг елкасидан кучди Лакис. – Ҳа, айтгандай, бояги танишинг кимлигиниям биламан... Пх-х...

– У мендан гугурт сўраётувди! – ўқрайиб қаради Аламазон. Лакис масхараомуз бурун тортиб қўйди.

– Бўлса бордир...

Улар бозор ичидаги дўконлардан бирига кириб боришди. Лакисни кўриб оғзининг таноби қочган дўкончи: «Марҳа-ма-а-т, меҳмонлар, марҳа-ма-а-т», дея иккаласини омбор ичкарасига етаклади.

* * *

Япаски бурнининг пастки қисми чўтир юзини эгалла-гудек бўлиб тарвақайлаб кетган, кенгпешана, пистакўз Бек Бўриевич айна шу сонияда бошқа бир зотни сийлаш билан банд эди. Унинг қаншаридаги қон томирлари бўртиб турган яғриндор шериги сўйлоқ тишини йирқиратиб қавшангани-ча дастурхонни бир четдан «тозалаб» келаётганди. Ниҳоят, меъдаси қонди шекилли, гавдасини орқага ташлаб, ўқчигу-дек бир ахволда кетма-кет кекирди, лабини иштиёқ билан чўпиллатиб, сочикка қўл чўзди.

– Мана энди дардингни гапир, – шу дамгача сабр-тоқат билан томошабин бўлиб ўтирган Бек Бўриевич, ниҳоят, меҳмоннинг ниятини суриштирди.

– Ҳў кунги айтилган нарсаси...

– Шу холосми? – унинг гапини бўлди Бек Бўриевич. – Сенга ўзбекчалаб уқтирдим-ку, бўлар-бўлмаста эшигимни қоқавермагин дсб, тасаддук.

– Йи! Телефонни кўйиб, тезда буёкка кел деган ким? – ўшшайиб бокди сўйлоқ.

– Телефон ўйинчоқмас. Бундан кейин телефонда вайсаш-ни бас қил. Шунга айтгани чақирувдим.

– Во, во, бу гап тўғри! – бирдан хушёр тортди сўйлоқ. – Баъзида номер териб, иккита одамнинг гапига уланиб қолган пайтларим бўлган.

Бек Бўриевич уни маъқуллаб бош қимирлатди.

– Бошқаларгаям айтиб қўй, уйимнинг ёнида ўралашиб юришмасин. Атрофда ҳар хил кўзлар бор.

– Ахир...

– Биринчидан, ҳали молни олганим йўқ, – тагин унинг гапини кесди мезбон. – Иккинчидан, келгандаям уни ўзимиз элтиб берамиз. Бу оламда нима кўп – ночорлар-у, югурдаклар.

Масала ойдинлашиб, сўйлоқ енгил нафас олди.

– Жуда эҳтиёткорсиз-да, Бек ака. Айникса, анави ёқдан, – у бармоқларини панжара қилиб кўрсатди, – қайтиб келгандан кейин янаям устамон бўлиб кетдингиз-э.

– Ҳе, лодонлар-а, – ҳомуза тортиб қўйди Бек Бўриевич. – Усталик қилсам, сенларни ўйлаб қиламан-да. Ҳаммангда бола-чака бор.

Сўйлоқ тутиб келаётган хикичоғини босиш ниятида бор важоҳати билан чойга ёпишди, уни хўриллатиб-хўриллатиб ича бошлади. Бир вақт, кампирларнинг қарағай сандигини эслатувчи жавон устида турган ғилофли фотоаппаратга кўзи тушиб, яна «Йи!» деб қўйди.

– Анави турган фотоаппаратми, Бек ака?

– Э, шуниям битта танишимиз илтимос қилувди. Бунакаси камчилроқ экан.

Сўйлоқ биғиллаб кулди.

– Мен эски касбдан ҳалиям борақан-да дебман.

Ўшанда сўйлоқ мактабни эндигина битираётган даврлар эди. Ўртоқлари билан кўчада чиллак ўйнаб турган чоғда қўлтиғида ёғоч учоёқ, бўйнида фотоаппарат билан Бек ўтиб қолди. Нарироқда тўхтаб, сўйлоқни имлаб чақирди. Боргач: «Саводинг чизик чизишга яроклироқми ўзи?» – деб сўради. «Ҳа», деган жавобни эшитиб, «унда қогоз-қалам олиб мен билан юр, озгина пул ишлаб келасан», деди. Сўйлоқ суюнганча унга эргашди.

Ўша куни темирйўл вокзалида тумонат одам йиғилган экан ўзиям. Кейин билса, тошкентлик бир қанча ёшлар Қозоғистон чўлини ўзлаштиришга кетишаётган экан. Бек уларнинг раҳбарини суриштиришга тушди. Бошлиқлари ҳам ёшгина йигит экан. Бек унга алланималарни уқтириб,

чўнтагидан қандайдир ҳужжат чиқариб кўрсатди. Бошлик маъқул дегандек бош қимирлатди ва атрофдагиларга юзланиб, чапак урди.

– Дикқат, ўртоқлар, диққат! Сурагга тушишни хоҳловчилар перронга чиқсин. Тошкент вокзалидан эсдалик. Сураг почта орқали юборилади.

Бир зумда иш юришиб кетди. Бек фотоаппаратининг гилофини олиб ташлаб, уни учоёкнинг устига ўрнатди. Сўйлоқ эса дафтар-қаламни шайлаганича ерга чордана куриб ўтириб олди.

Талабгорларнинг сон-саногини йўқ эди. Бири сурагга ёлғиз тушди, бошқаси – ўртоғи билан. Тўрт-беш кишилашиб тушишди, гуруҳ бўлиб тушишди, вагон зинапоясидида тушишди, деразадан мўралаб тушишди... Қисқаси, сўйлоқнинг дафтари адресларга лик тўлиб, киоскадан бошқа семизроқ блокнот олишга тўғри келди.

Улар ишни тугатиб қайтишаётганда, Бек анҳор устидаги кўприкда тўхтаб, сўйлоққа бир сиқим пул тутқазди.

– Санасак, ошначиликдан путур кетади. Кам кўринса, айтарсан.

Сўйлоқ пулларни кўзи қайнаганича чўнтакка тикди.

– Дафтарларни нима қилай? – деб сўради сўнг.

– Қанақа дафтар? – таажжубланиб бокди Бек.

Сўйлоқ мижозларнинг адреси битилган дафтарларни индамай узатган пайтда у, «ҳа, буларни айтяпсанми», деб кулди-да, қўлидан олиб, шартта анҳорга улоқтирди...

– Ўшанда хайрон бўлувдим-а, аппарат кассетасида ўттиз олти тагина кадр бор, шунча расм олди-ю, бирон марта плёнкани алмаштирмади, деб.

Бек Бўриевич сўйлоқнинг бу сўзига мийингида кулиб қўя қолди.

– Ўша замонларда нақ олов эдингиз, Бек ака. Ҳозир сизга қараб туриб ёқамни ушлагим келади.

Бирдан телефон жиринглаб қолди. Бек Бўриевич эшитқини авайлабгина қулоғига тутиб, мулойим товуш қилди.

– Лаббай, тасаддук... Ҳа, сенмидинг? Уйдаман. Келавер.

* * *

Улар тушган такси Юнусобод бозори яқинидаги даҳага кириб, эгизакдай ўхшаш уйлардан бирининг ёнида тўхтади. Чўяндек оғир яшиқ иккинчи қаватга олиб чиқилиб, эшик биқинидаги хонага жойлаб бўлингандан кейингина, ҳадемай ҳиммат кўрсатиши лозим бўлган Бек Бўриевич билан танишув маросими бошланди. У аввалига Аламазонни ўта синовчан тикилиб қарши олган бўлса-да, қовоғидаги кичик чандикқа кўзи тушгач, чеҳрасида бирдан илтифот барқ уриб кетгандек туюлди.

Аламазон Лакиснинг таништиришини кутиб ўтирмай, қад ростлаганича ўз исмини айтиб, бош ирғаб қўйди. Лакис эса бу олифтанамо расмийатчиликни шу оннинг ўзидаёқ мазах қилди: ўрта аср Оврўпаси боёнларидек мағрурона бош эгиб туриб, пастдан мўлтайиб қиялади.

– Бизниям таниб қўйсинлар – Лакис Калман!

Бек Бўриевич нимтабассум билан қўл силтади.

– Айтмасанг ҳам кўриб турибман каллигингни.

Бу топқирона аскиядан Лакисга қўшилиб Аламазон ҳам жўшиб кулди. Ошхона тарафдан келаётган ёқимли хидни илғаб олганидаёқ унинг кайфияти жуда очилиб кетувди ўзи.

Бек Бўриевич «ўтириб туринглар», дея ичкари хонага ўтди, салдан кейин унинг жарангдор томоқ киргани эшитилди. Аламазонга қувноқ кўз қисиб қўйиб, Лакис ҳам ўша ёққа кирди. Иккаласи ғўнғир-ғўнғир қилиб нималарнидир гаплаша бошлашди.

Столда фақат туздон-у, нонга лик тўла тунука идишгина турарди. Аламазон столни айланиб ўтиб, диванга ўтирди. Ҳозирча нонни хуморбости қилишга киришди.

Ниҳоят, Лакис «озод этилди». Келибоқ, Аламазоннинг ёнига суқилиб, костюмининг чўнтагидан олган «Интер»-ни столга ташлади. Иккаласи мириқиб чека бошлаган дамда Бек Бўриевич уларнинг нима билан машғуллигини кўриб тургандай, ичкаридан кулдон кўтариб чикди.

– Овқат ҳам пишиб қолар. Ҳозирча жавондагидан хомаки кип турсанглар бўлармиди.

У кулдонни столга кўйиб, ошхона томонга кириб кетди. Лакис эса фурсатни бой бермай, шу захоти қарағай жавон сари интилди. Бориб, табақаларини очди-да, ортга ўтирилиб, пихиллаб кулди, Аламазонни имлаб чақирди.

Нима бало, энди биргалашиб сичқон тутамизми дейман?

Аламазон яқинроқ боргач, Лакис иккала каптини тантанавор ўйнатиб, ғаройиботни қара, дегандек жавоннинг ичкарисини кўрсатди. Жавоннинг ичида биринчиси иккинчисидан, иккинчисидан учинчисидан каттароқ бўлган яна учта жавонча бор эди. Ҳар қайси жавончанинг ўз эшикчаси бўлиб, устларига гугурт кутиси хажмидаги қоғозчалар ёпиштирилган, уларнинг биринчисига «обрўли меҳмонлар учун», иккинчисига «ёр-биродарлар учун», учинчисига «иприндилар учун» деб ёзиб қўйилганди.

— Дунё бўйича бир нусха холос! — отасининг орденини кўрсатаётган боладек мағрурланиб гапирди Лакис. — Бунини очишни оксокол битта менга ишонади

У биринчи жавончанинг эшикчасини очиб, тепадаги ғаладонини тортди: писта, бодом, майиз, қуритилган хурмо, асал...

— Пастки томони — музлаткич.

Лакис энди пастдаги пластмасса ғаладонни тортиши билан бирдан совуқ ҳаво уфурди. Ў-ҳў! «Напалеон» коняги, кази, лимон, анор шарбати, кора икра, камёб шоколадлар...

Иккинчи бўлимда эса ерёнғоқ, шўрданақ, конфет, мураббо, колбаса, арак, ҳасип, яхна гўшт кабилар давра суҳбати қуриб туришарди.

Ёр-биродарларга оқибат шунчалик бўлар-да!

Аламазонда бошдаёқ кўпроқ қизикиш уйғотгани — бу... учинчи жавонча эди. Ниҳоят, бунисигаям навбат етди. Ушбу бўлимдаги ғаладонда атиги бир ликоп оққанду қуртлаган туршак, музлаткичда эса икки банка консерва билан ярим-ёртиси ичилган «Чашма» виноси турганини кўриб, Аламазон оғзини чангалида тўсган асно пиқирлаб қўйди.

Улар столни «ёр-биродар» тарзида безашаётган чоғда, Лакис: «Бек Бўриевич жаҳл қилганида нима деб қаргани-

шини биласанми?» – дея ён томондан чўкки соколга ўхшаб кўринувчи чўзиқ жағини кийшайтириб тиржайди. Сўнг якинлашаётган қадам товушини эшитиб, «мана, ҳозир кўрасан», деб эшикка юзланди. Мезбон остонада пайдо бўлиши биланоқ, қувланиб гап ташлади:

– Суюнчи беринг, хўжайин. Умрингиз узоқ бўларкан.

– Хўш, хўш? – Бек Бўриевич чехраси ёришганича тўхталиб қолди.

– Тушимда қизил трамвайнинг тагида ўлиб ётганмишсиз.

– Нафасингни иссиқ қил, – бирдан ўқрайиб, жеркиб ташлади Бек Бўриевич. – Ҳе, кунинг учинчи жавончага қолгур!

Лакис билан Аламазон бирин-кетин қаҳ-қаҳ отиб юборишди. Гап нимадалигини пайқаган Бек Бўриевич тезда ўзини босиб, майин бош тебратди.

– Ҳа, эси паст! Жавонни таърифлашдан бошқа ишинг қолмадими дейман.

Чамаси, Лакис ҳам ўлгудек очикқан экан. Биринчи пиёлани бўшатишгач, Аламазондан ўрнак олиб, керагидан ортиқроқ миқдорда газак қилишга тутинди. Бек Бўриевич қатордан қолмаслик учун ерёнғокни шунчаки эрмак қилиб ўтираркан, Аламазонга боқиб: «Аскарликкаям борганмилар, тасаддук?» – деб сўради.

– Ҳа! – Аламазон шу топда имкон қадар кам гапириб, кўп кавшанишнинг пайида эди.

– Ҳм...

Бек Бўриевич оғзига ерёнғок солиб, шошмасдан чайнай бошлади.

– Погоннинг ранги қанақа эди ўзи?

– Қора, – ғўлдираб жавоб қилди Аламазон. Лунжидагини эсон-омон ютиб олгач, кўшиб қўйди: – Сапёр бўлганман.

– А-а... Яъни ернинг тагидан бўмба ахтариб...

– Мина! – яҳна гўштнинг навбатдаги бўлагига қўл чўзаётиб тузатиш киритди Аламазон.

Лакиснинг бирдан қулоғи диккайди.

– Вино дедингми?

Бек Бўриевич бидирлоқ Лакиснинг сўзини эътиборсиз қолдириб, Аламазонни қайтадан саволга тутди:

– Яна каерларда бўлгансиз, тасаддук? Чеккарок томонларни айтаман-да.

Ҳеч нарсага тушунмаган Аламазон чайнашдан тўхталиб, унга тосрайиброқ кўз қадади.

– Ҳа, мусофирлик қийин, – гапни дарров бошқа ёққа бурди мезбон. – Ёлғизқўллик янаям оғир... айниқса, қариганингда...

Аламазон бармоқларини ялаб қўйиб, эндигина «кампирингиз...» дея сўз бошлаган чоғда Лакис қаттиқ томоқ қириб, маънодор кўз сузди. Бек Бўриевич бўлса, «шўрваям пишгандир-е», деб аста ўрнидан қўзғалди. Аламазоннинг гапини эшитмай қолди, чоғи. Ёки эшитмаганга олди.

* * *

Бойвучча ойининг «қасри»га олиб борувчи торгина кўча қоронғилик бағрида янада сокин ва хилват кўринарди. Икки ёндаги жулдирвоки пўстлоқли олчалар тунда янаям қорайиб, бир-бирига чирмашиб ўсган буталарга ўхшаб қолган, симёғочларда хирагина милтиллаётган чироқлар бўлмаса, киши ўзини тўқайзорга кираётгандек ҳис қилиши табиий эди.

Зиёфатдан тетапояланиб қайтаётган Аламазон қайсидир лапар оҳангига мослаб ўзи тўқиган қўшиқни паст товушда хиргойи қилганича, туртиниб-суртиниб олға бораётганди.

Бийронгинам, бийронмисан?
Фойдамисан, зиёнмисан?
Ишқингда маст бўлдим, десам,
Кулиб дединг: «Пиёнмисан?»
Ҳа, ўргилай, Бийронгинам,
Қочиб юрган қуёнгинам...

Велосипедларини шарақа-шуруқ қилганича пойгалашиб келган маҳалла болалари кўнғироқларни басма-басига

жиринглатиб, у ён-бу ёндан возира-воз ўта бошлашди. Аламазон бўйин қисгудек бўлиб жойида туриб колди. Қий-чув товушлар узоклашиб, тегирмондан бутун чиққанига ишонч ҳосил қилганидан кейин, гандираклаб ортга ўтирилди.

– Ухласанг ўласанми ҳамманг! Ҳе, ўша шайтонаравангни...

Кейин йўлида жимгина давом этди. Раксбоп ашулаям бўғзида чала қолиб кетаверди.

Оббо Лакис тушмагур-эй! Зўр одам билан таништириб қўйди-да. Бек Бўриевич дегани нақ тилло экан. Сен мусофирга одамгарчилик қилишимиз керак, дейди-я. Еттиёт бегонага, «қийналсанг, олдимга келавер», деб ким айтади ҳозир? Қаерда бор бунақа мард? Ким кўрсатади бошқасини?

Сўққабошман, малол келмаса қарашиб тургин, дейди. Нега малол келаркан? Бунақа мардларга ким ёрдам бермайди!

– Сомалайкум...

Аламазон таққа тўхтаб, товуш келган томонга – осмонга қаради. Осмонда эса ҳатто юлдуз ҳам кўринмасди. Хайрон бўлганича теvarакка жаланглади. Дарахтлар ортида қандайдир шарпа сезилди. Нималигини аниқлаб улгурмаган ҳам эдики, ногаҳонда «гуп» этган товуш эшитилиб, паканагина ит олчалар орасидан ангиллаганича чопиб чиқди. Аламазон орқага аланглай-аланглай, беихтиёр қоча бошлади. Ит уни қувиб ўтиб, кўздан ғойиб бўлаётган пайтда яна тўхтаб, ёқасига туфлаб қўйди.

– Саломимга нега алиқ олмайсан деб илигимдан ғажимоқчи дебман-а.

Қизиқ! Агар бу ҳақиқатанам ит бўлса, нега почасига ёпишмади! Ёки қоронғида мушукни итга ўхшатдимми? Ё тавба! Жуда ғалати иш бўлди-ку – ит нега тишламади уни?

Айтганди бир девона
Ит ҳақида афсона:
Итлар нега акиллар?
Итлигини таъкидлар!..

– Кўнглим учун «воп» деб қўймади-я, – қингир-кийшиқ одимлаётиб, сабабини ўзи ҳам билмаган ҳолда ичи ғашланиб гўлдиради у. – Шуюм итми?!

Автобусда текин юришнинг ўн етти усули

Юксак тоғларнинг икки тарафида яшаётган бўлишларига қарамай, Эшмат билан Аламазон гўё маслаҳатлашиб олгандек, бугун айнан бир паллада уйқудан туришди.

Эшмат эти дилдираганича кўзини очиб, шоша-пиша кўрпани тимирскилай бошлаган маҳалда, осма соат сўнгги марта бонг ураётганди. Уйқусираб девор томонга қаради – роппа-роса етти бўлибди.

– Вей! Қаёқдасан? – кўрпадан чиқмай овоз қилди у.

Хотини даҳлиздан кириб келиб остонада тўхтагач, аразчи боладек лабини буриштирди.

– Нимага ёнимга ётқизиб қўйдинг болангни? Қара, томоғимгача ҳўл қилворибди.

– Доим «боланг, боланг», дейсиз. Нима, битта меникими? Эшматнинг бирдан бурни чўччайди:

– Гапни кўпайтиравурма. Бошқа кийим бер менга! – кейин шовқиндан чўчиб кетиб инжиқлана бошлаган ўғлига энгашди-да, илжайганича папалашга тушди. – Бубу-бубу, ту-ту-туту. Ҳаҳов, тойчоғим! Бир шаталок отиб турворинг.

Орадан кўп ўтмай, олд томонига бўёғи бошқача қанот ўрнатилган «Муравей» бир маромда тариллаганича йўлга чиқиб, маҳалланинг тупроқтом уйларини бирин-кетин ортда қолдира бошлади. Телпагини ғаввосларникига ўхшаш кўзойнакка бостириб кийган Эшмат майдалаб ёға бошлаган қордан олачалпак тус олган шағал кўчанинг ўйдим-чуқурларига чап беришни ҳам унутиб, ўзича хаёл суриб борарди.

Э, кимларни кўрмаган бу кўча. Чоллар баъзан эслаб қўядиган Усмон подичию Ёдгор бойваччаям, Теша «тўртинчи»ю Қоравой кўрбошиям шу йўлдан юрган. Канал қазишгаям, даштни ўзлаштиришгаям, урушгаям шу йўлдан кетишган. Дўпли бир айлангунча, мана энди, Эшматнинг гали келиб

турибди. Ҳа, айтгандай, унинг улоқчи опоқ отасиям шу йўлдан минг марта от чоптириб ўтгандир-ов. Йўқ, отни доим чоптириб ўтган дейиш нотўғри. Соврин ололмай, шумшайиб қайтган кунлариям бўлгандир ахир...

Яна «катта авария» юз беришига бир баҳя қолди – Бўтавойлар оиласи томорқага ариқдан қувур ўтказмоқчи бўлиб, тунда кўчанинг ярмигача чуқур казиб қўйишган экан. Хайриятки, Эшмат рулни ўз вақтида буришга улгуриб, ҳалокатнинг олдини олди.

Бўтавой дегани ҳам афандига ўхшаган бир одам. Қайси галварс томорқага қишда дахана очади? Ер метиндек бўлиб ётгандир.

Маҳалла охирлаб бораётганди. У дала йўлига етай деганида Азизаларнинг дарвозаси олдида мутлақо нотаниш «Москвич» машинаси турганини кўриб, газни пасайтирди: «Ие-ие!»

Мотоцикл четда тўхтаб улгурмасидан, Азиза оқ халатли лорсилдоқ аёлга ҳамдам бўлиб кўчага чиқиб келди. Аёл унга ниманидир тайинлаб, машинага ўтириб жўнаб кетди.

– Нима гап, Азизабону? – ҳалпиллаганича яқинлашиб келаркан, кўзойнагини ечиб, Азизага ҳадикли нигоҳ қадади Эшмат.

– Ўша эски дардлари-да, – деб уй тарафга қараб қўйди Азиза. – Қишда астмалари кўзиб туради.

Эшмат дарддошлик билан елка чайқади:

– Холамизни кўп кийнади-да шу касаллик. Сал дурустми, ахир?

– Укол олиб, енгил тортдилар. Ҳадемай ўтиб кетади.

– Майли, ҳозир безовта қилмайин бўлмаса.

Эшмат борлик зехнини юз фоиз ишга солиб, Азизанинг руҳиятини чамалаб кўришга уринди. Қизнинг жун рўмолда янаям хушбичим кўринаётган юзига ярашиқли таранг манглайи, ёйсимон ингичка қошлари, жовдираб боқувчи шаҳло кўзлари, кўримли ингичка бурни, қирмизи ёноғига рангдош жажжи оғзию нозиккина иягигача бир-бир кўздан кечириб чиқди. Буларнинг барчасида маҳзунлик аломатлари бордек эди.

– Вей, менга қарагин, Азиза, – одатдагидек тўпорила-
ниб мурожаат қилди у. – Мабодо, Аламазондан хат-пат ол-
мадингми? – Қиз «йўк» деган маънода бош тебратгач, тута-
киброқ давом этди: – Сенга ёзмаса, уйига ёзмаса, ҳатто, мен-
га ёзмаса... Шуми оқибат? Тирикмикан ишқилиб, деб турга-
нингда, лоп этиб газетда шеъри кўриниб қоляпти.

– Иши кўпдир-да, – дея четга кўз ташлади Азиза.

– Тунов кун борсам, аяси йиғлагудек бўлиб ўтирибди...
пўстинниям олмасдан кетувди деб. Қахратонда тараша бўп
қолмасин дейди-да шўрлик. Онаи зор-да!

Азизанинг чехрасини хавотир қоплагандек бўлди.

– Кийимни... посилка қилишсаям бўларди.

– Адриси бўлса қиласанми посилкани! – зорлангудек
чинкирди Эшмат. – Вей, ундан-бундан суриштириб, шуни
адрисини топсанг-чи. Топгин! Жа бўлмаса, Тошканга шартта
ўзим бориб, шу саёқни...

Унинг Аламазонга нисбатан қўллайдиган чораси иложи
борича ваҳимали, айни чоғда, ҳозир Азизани бунга ишонти-
ра оладиганроқ бир шаклда бўлмоғи лозим эди. Эшмат ана
шу мураккаб шаклни кашф этолмай, дудукланганича туриб
қолди.

* * *

Ҳар кунгидан кечроқ уйғонган Бойвучча ойи обреза
бет-қўлини ювиб, ташқарига чикди. Туни билан тинмай
ёккан қор айвоннинг бир қисмигача кириб улгурган, эрта-
лабки аёз пучуқ бурунни ичкаридан ачиштирарли даражада
эди.

У шолрўмолга бурканган куйи пастга тушиб, тойиб кет-
маслик учун эҳтиёткорона одимлаганича Аламазоннинг хуж-
расига яқинлашиб бораётган маҳалда айвондаги радиодан
«курант»нинг черков кўнғироғини эслатувчи жаранги етти
бор янгради.

– Ҳой, кўзингни оч, ғофил! – деразани кетма-кет тақилла-
тиб, қуруқ пўписасини бошлади Бойвучча ойи. – Тур, чиқиб
йўлақларни оч, қор кекиртакни кўмаман деб турибди.

Аламазон «Одобнома»га амал қилиб ишни «хўжайка»сининг айвонидан бошлади. Айвон тозалаб бўлингач, пилла-поя олдидан кўча дарвозаси сари йўл очишга киришди. Ёғоч куракнинг сопини қорнига тираб: «Др-р, пат-пат-пат! Др-р, пат-пат-пат!» – дея овоз чиқариб чопқиллаганича, қорларни булдозердек сура кетди.

Кейин навбат ховли этагидаги шийпон томон чўзилган йўлакка келди. У иккинчи хужра ёнидан ўтиб бораётган дамда, томоғига дока ўраб олган ўт ўчирувчи отилиб ташқарига чиқди. Бармоқ сараклатиб сўзга оғиз жуфтлаши билан бирдан йўтали тутди. У тинмай ўқчир, бармоқлари эса хануз сараклаб, Аламазонни ўдағайлашда давом этарди. Ниҳоят йўтали тийилгач, товуши беркилиб қолгани учун оғзини кап-па-каппа очганича қийналиб хиркиради:

– Учинчи сменадан келдим мен. Намунча «дир-дир» қиласан?

– Ие, турумингизни тозалаб қўйсам-у...

– Керакмас! – афтини буриштирганича қўл силтаб, унинг гапини бўлди ўт ўчирувчи. – Ўргилдим сендақа скрейпердан.

У яна йўтала-йўтала хужрага кириб, эшикни ичкаридан тарақлатиб ёпди.

«Сўқмоқ куриш» ишлари муваффақиятли тугаллангани шарафига берилган нонушта чоғи Бойвучча ойи шу тўғрида гап очиб қолди.

– Анави гўрсўхта нималар деб алжираётувди сенга?

– Чиқиб, «бу йилги энг қалин қор билан чин юракдан табриклайман», деди, – мийиғида кулиб жавоб қилди Аламазон.

Бойвучча ойи лаб буриб деди:

– Бо... Ўзи-ку саҳарда ишдан келди. Уйкуни бузиб, табриклашга чиққанини қара. Вой, куруғ-ей!

Аламазоннинг қовоқлари солиниб, жиддий тортди.

– Тоби йўқрокқа ўхшайди. Кўриб, раҳмим келди.

– Кеча оғзи бурнига етиб, роса қусди ўзиям. Хайдаб чиқарай десам, уволидан кўрқаман. Хайдамай десам, шу ерда ўлиб-нетиб қолса...

– Қўйинг-э, теракдек-ку ҳали.

– Ичи чириган терак бу, – кўзларини бақрайтирди Бойвучча ойи. – Йўталиши хунук, кўзлари сарғайиб ётибди. Аракни камайтиргин, пулига қўшнилардан катик обериб турай десам, «катиғингни ман қиламан!» деб айюҳаннос тортворди... жазаванг билан кетгур.

Бу гапни эшитиб Аламазон қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади.

– Нима деганини тагин бир қайтаринг... Ҳа-ҳа-ҳа... Балки, «қатъиян ман қиламан» дегандир? Ҳа-ҳа-ҳа, ҳа-ҳа-ҳа...

Бироздан сўнг у кийиниб олиб, йўлга отланди. Хужрадан чиқиши биланок бўғзигача латта ўроғлиқ артизондан сув олиб турган Бойвучча ойи яна бобиллаб берди.

– Ҳу, шилдирамай қолгур. Шу аёзда чарм кастумга бало борми? Сил бўласан охири, сен бола.

«Шунча яшаб, Яланғоч полвон сил бўлмади-ю, нега мен бўларканман?» – дея хаёлидан ўтказди Аламазон.

Маҳаллаларида юнгдор кўкраги сандикдек келадиган, танаси чўянга ўхшаш телба киши бўлгучи эди. Қишин-ёзин биргина иштонда юргани учун уни ҳамма Яланғоч полвон деб атарди.

Бир куни Аламазон мактабдан қайтиб келаётганида яланг оёқлари билан қорни «ғарч-ғурч» босганича ёнидан Яланғоч полвон ўтиб қолди. Бу сафар у эгнига йиртиқ тўр майка кийиб олган эди. Йўл ёқасида суҳбатлашиб турган қариялардан бири соқолини динқайтириб илжайганича: «Сарупо қутлуг бўлсин, полвон!» – деб чинғиллади. Яланғоч полвон эса, ҳар доимгидек сипо боқиб, жавоб қилди:

– Қиш қаттиқ келди. Иссиқ кийинмасак бўлмаяпти...

Аламазон Бойвучча ойига яқинроқ бориб, курткасининг тугмасини ечиб кўрсатди:

– Мана, жункамзулим бор. Ҳаммом қилворади.

– Бошинг-чи, бошинг?

– Бош чиникиб кетган, Бойвучча ойи.

– А-а? – мазахлагандек сохта илжайди Бойвучча ойи. – Хўш, яқинда нега жағинг дўмбира бўлди, биласанми? Бошингдан совук ўтганига! Қани, буёкка юр, – у Аламазонни

уйи тарафга бошлади. – Юр деяпман! Топган телшагингни кийвол. Эсимдан чиқай дебди-я.

– Қанақа телшак? – таажжубланганича айвон пиллапоясида тўхтаб қолди Аламазон.

– Хў бирда кувурдан топувдинг-ку...

– Э, нима қиламан ўша пўстакни?

– Пўстакмиш! – хўмрайди кампир. – Яқинда латта-лутталарни титкилаётувдим, орасидан чиқиб қолди, дуппа-дуруст нарса экан. Ана, бир кўргин, жунларини қайчилаб, тараб кўйибман.

* * *

Бек Бўриевич тайинлаганидек, Аламазон олдин телефон қилиб кўриб, сўнг уникага йўл олди.

Бундан кейин сизга ўзим қаралашиб тураман, деб ўша куни зиёфатга мос қуюқ ваъдани беришга берди-ю, баҳона қилишга арзимайдиган сабаб билан, мана, ўн кунча вақтни ўтказиб юборди. Биргина Бек Бўриевичга эмас, Бийронгаям бебурд бўлди.

Бундоқ қараганда, Аламазон ҳам иложсиз эди-да – лунжи пуфакдек бўлиб турса-ю, қайси юз билан қиз болани сайилга таклиф қилгани боради? Гарчи ўшанда ёнида пули бўлсаям – етти сўм!.. Болалар журналининг гонорари! Жуда вақтида келди, чўнтагида охирги етмиш беш тийини қолувди.

Хўтигим бор – футболчи,
Одати сал чатоқ-да.
Тўпни ўн бир метрдан
Тепар орқа оёқда.

Дарвозабон гол кўйиб,
Ётар ерни таталаб.
Хўтик кургур буёқда
Шодон ханграр шатталаб.

Бор гап мана шу. Шугинага – етти сўм. Демак, ёзганларини пешма-пеш босиб тураверишса, кунига етмиш сўмгача ишлаши мумкин бўларкан. Ана-е, ўртача эллик ҳам деяйлик.

У «Болалар дунёси» магазини олдида трамвайдан тушиб, Юнусободга йўлни қисқароқ қилиш учун автобус бекатига ўтди.

Болалар журнали, болалар магазини... Зумрашаларнинг алоҳида театрию спорт мактаби, тўгаракларга бой саройларию ансамбллари бор. Ҳар қайси истироҳат боғининг тенг ярми шуларники, аттракционларга пул топилса бас... Буларга фақат бир нарса етишмайди – яхши китоблар. Яхши китобларни кўпайтириш эса жуда қийин масала, осмонўпар босмаҳоналар қуриш билан иш битмайди.

Суғуртириб ташланган озиқ тишнинг ўрни беҳос санчий бошлади. Унга Аламазоннинг жағини шошилинич равишда изғириндан қутқариш топширилгандек, етмиш иккинчи автобус гизиллаганича етиб келди.

Ўтган гал Бек Бўриевичникидан қайтиб келибоқ каравотга гурсиллаб ағанаганича донг қотиб қолган Аламазон эрта-сахарда инграгудай бўлиб уйғониб кетди. Мия томирларини кимдир беаёв чимдиб бураётгандек туюлди. Бу оғриқнинг сабабчиси жағида пайдо бўлган жизиллоқ эканини пича ўзига келганидан кейингина англаб етди. Юзини аста сийпалаб, чап лунжи шишиб қолганини пайқагач, дарҳол токчадаги кўзгучани олиб, унга саросималаниб қаради – ана афт-у, ана башара!

Докторларнинг одати – шиш қайтмагунча тишни суғуришмас экан. Шиш эса, Бойвучча ойи тез-тез шўрпахта босиб туришига қарамай, ҳадеганда қайтавермади...

Аламазон, «ишқилиб, манзилдан ўтиб кетмадими», дегандек ойнакдан ташқарига хавотирланиб боқди. Автобус эндигина Бўзсув кўпригига етиб келганди.

Тошканбойнинг жуссасиям тўлишгандан тўлишяпти-да. Яқингинадаям бор гавдаси Эскишаҳару Янгишаҳар бўлса, энди боши Юнусободдаю оёғи Чилонзорда, ўнг қўли Қорақамишдаю чапи Қўйлиқда. Хўш, Москвадан қаери кам?

Ойнакка елка ёпиштириб ўтирган чол Аламазоннинг фикрини укиб олиб уни тасдиқламоқчидек, кампирини туртиб, йўлнинг чап биқинидаги ялангликни кўрсатди.

– Шу жойга Телеминора деган антийна қуришармиш.

– Қанақа антийна?

– Телевизўрники-да. Масковдагидан тўрт қарич тикроқ бўлармиш. Масковниқидан ҳам тикроқ кўтарилса, шуни билгинки, дунёда энг узун и ўзбакники бўп қолади.

* * *

– Э, бормисиз ўзи? – Бек Бўриевич Аламазонни ҳайба-рақалла билан қарши олди. – Кўринмай кетдилар, тасаддуқ?

Аламазон бошидаги телпакни қозикқа илаётиб, аҳволни қисқача тушунтириб ўтди. Бек Бўриевич оқсаганича уни ич-қарига бошлаб кириб, диванни кўрсатди.

– Қани, бу ёққа, – ўзи эса стулга ўтирди. – Бизниям то-бимиз сал андакроқ. Эски ревматизм хуруж қил турибди... Хўп, мен чой қўй.

У ўшандай оқсаганича ошхонага кириб кетди.

Стул ўтган галгидек «ёр-биродар» шаклида безатиб қўйилганди. Аламазон шўрданақли ликопчани олдироғига суриб, «енгил машғулот»ни бошлади.

– Хавотирланиб ўтирувдим-да, – қайтиб чиқиб, ўнг сонига қўл тираган асно стулга оҳиста ўтирди Бек Бўриевич. – Телефонда, «хозир бораман», деб қўйиб намунча кечикдилар, тасаддуқ?

– Аввал трамвай кутдим, кейин – автобус, – мағизни ху-зур қилиб чайнаётиб изоҳ берди Аламазон. – Бу етмагандек, автобусдан тушаётганимда тутволишиб, анча сур-сур қилишди. Чипта олиш хаёлимдан кўтарилибди денг.

Бек Бўриевич кўзларини муғамбирона қисиб, бош тебратганича тилини чўлпиллатди.

– Э-воҳ, хижолатпазлик бўпти-ку! Бу дейман, усуллар бўйича таҳсил кўрмаган эканлар-да?

– Қанақа усул?

– Мен сизга айтсам, тасаддук, автобусда текин юришнинг ўн етгита усули бор, – олимона гердайиб маълум қилди Бек Бўриевич. – Ҳозиргача кашф этилгани шу.

Аламазон кайрилма киприкларини пирпиратиб, мезбоннинг оғзига диққат билан тикилди.

– Қани, кани...

– Биринчиси – энг оддий усул, – заррача ҳам ўнғайсизланмасдан тушунтиришга киришди Бек Бўриевич. – Яъни чўнтакда доим чети йиртилган бир марталиқ абонимент олиб юрилади. Хоҳи кондуктор суриштирасин, хоҳи хайдовчи, «ҳозиргина текшириб йиртдинг-ку», деб бездек туриб олинади.

– Буни қаранг-а! – ўтирган жойида бир типирчилаб қўйди Аламазон.

– Иккинчиси янаям беҳишава, – «дарс»ни давом эттирди Бек Бўриевич. – Бунда эски билетни ташламасдан сақлаб юрсангиз бас. Йўловчилар қўлма-қўл қилиб кассага, ё бўлмаса, кондукторга тангта узатишади. Тўғрими? Кейин у томондан билет оқиб келади. Шулардан биттасини йўлда ушлаб қолиб, ўзингиздаги эскисини бошқаларга узатворсангиз, олам гулистон. Бу билет келаси сафар яна асқатади...

Лекция чўзилиб, гап ўн олтинчи усул ҳақида бораётган вақтда ошхонадаги чойнакнинг қопқоғи «такира-тукур» ракс тушишга киришди. Бек Бўриевич қийшанглаб одимлаганича чой дамлаб чиқди.

– Охирги усул анча калтис, – суҳбатни эътибор бериб тинглаш билан бирга нон устига гоҳ колбаса, гоҳ яхна гўшт қўйиб ейишни ҳам унутмаётган Аламазонга чой узатиб, гапга яқун ясай бошлади у. – Худди бугунгидай паришонликка берилиб, юқоридаги усуллардан фойдаланишни эсдан чиқардингиз дейлик. Автобусдан тушсангиз, олдингизда текширувчилар турибди. Хўш, нима килиш керак? Бунда сўнгги чорани ишга солиб, бирдан гандираклаб тўхтайсиз, кўкрак тугмаларингизни ечиб, ўқчимокчидек бўғзингизни чангаллайсиз, кўзни ғилайлантириб, тилни сангиллатасиз. Текширувчиларнинг ўзлари қўлтигингиздан суяб четроққа ўткизиб қўйишмаса, мана, мендан ўпкаланг.

Аламазоннинг файласуфлиги кўзиб, «нодир усуллар»га кўшимча киритишга ошиқди.

– Яна битта йўли бор...

Бек Бўриевич қизиқсиниб қош керди:

– Хўш, хўш?

– Бир куни кондуктор томонга тангга узатиб юборувдим, шундайича бедарак кетди. Ярим йўлдаёқ эплаштиришибди.

– Ҳай-ҳай! – иккала каптини ундов қилиб, дарҳол эътироз билдирди Бек Бўриевич. – Бундай усул сиз билан бизга тўғри келмайди. Бу энди ғирт шпаналик.

Аламазон кетиш олдидан: «Мабодо, бизга хизмат-пизмат йўқми», деб сўради. Бек Бўриевич карағай жавонча устидан дўкондаги тортникидек каноп ипда тўртёқламалаб боғланган иккита қутичани олиб, уларни «ёлғизкўл»лар орзикиб қутишаётганини айтди.

– Муҳтожроқлар озгина обрўйимиздан фойдаланиб, гоҳ уни илтимос қилишади, гоҳ буни. Йўқ деёлмайсан. Қолаверса, бизгаям савоб керак.

Орқа қисми шалвираган телпагини бошга кўндириб, эшикни очмоқчи бўлиб турган Аламазон курткасининг чўнтагига бегона кўл кириб-чиққанини сезиб, норози киефада ортга ўтирилди.

– Ҳаво совук, тасаддуқ. Таксида бора қолинг, – дея унинг елкасига уриб қўйди Бек Бўриевич.

Ўт ўчирувчининг айбномаси

Бир куни Аламазон кўчадан кириб келиши биланок, Бойвучча ойи уни тўхтатиб, уйдан шапалоқдеккина қоғоз олиб чиқди.

– Ма, сенга повуска келти.

Аламазоннинг аъзойи бадани жимирлаб кетди. Қоғозни шоша-пиша кўлига олиб, рақамларга кўз югуртирди. Радиодан! Хазинанинг ўзи экан-ку радио дегани! Шунчалар мўмай қалампули қўйишади деб сираям ўйламаган эди.

– Нима деб ёзишибди повускага?

Аламазон хаяжонини яширишга тиришаётган бўлса-да, барибир бунинг уддасидан чиқолмади.

– Юқоридан буйруқ юборишибди, – кўзида кувонч балқиб, Бойвучча ойига ҳазил қилди у. Сўнг қоғозга диққат билан тикилиб, ёзувларни ўқиётгандек қилиб кўрсатди ўзини. – Ўртоқ Аламазон! Январга белгиланган ижара ҳақини ҳурматли Бойвучча ойига олтинчи февралдан, яъни эртадан кечиктирмай тўлаб қўйишингизни сўраймиз...

Эртасидан бошлаб Аламазон қора мундштугини тоқчага ирғитиб, қайтадан филтрли булғори сигарет чекишга ўтди. Бензин исини буруксатиб юрмаслик учун газли мисчақмоқ олди. Орада Бийронниям, Бек Бўриевичниям йўқлаб туришни унутмаган ҳолда, ўн кунга қолмай барча синама ишларини ёзиб ташлади. Энг муҳими, шалвироқ телпагини бош кийимлар устахонасида бошқатдан қолипга солдириб, бинойидек шаклга келтирди.

Мана сизга ўша оддийгина, камтаргина радионинг қудрати!..

Сенга айтган эдим-ку,
Бу кунлар ҳам ўтар, деб.
Сувдаги, эй, тунд аксим,
Бошингни сал кўтар, деб...

Уч қисмдан иборат ғаройиб жавон «саховати»га энди унчалар эҳтиёжи қолмаган Аламазон тушликни мўлжаллаб ўтирмай, бугун Бек Бўриевичникига барвақтроқ кириб борди. Мезбон унинг таъмирланган телпагини таниёлмай, «қалпоқ муборак бўлсин», дея одатдагидек илиқ кутиб олди. Аламазон шошиброк турганини айтгач (дарслар тугамасидан Бийроннинг олдига етиб боришни ўйлаётганди), унинг қўлига боғичли ёғоч яшиқчани тутқазиб, эшик олдида кузатиб қоларкан, юқори қаватдан тапира-тупур югуриб тушган болаларнинг ортидан боқиб: «Ҳа, кунинг учинчи жавончага қолмагурлар-а», дея илжайиб қўйди.

Аламазон тайинланган манзилга бориб, тор кўчадаги пастаккина дарвозанинг зулфини қокди. Сўйлоқ киши чиқиб

келиб, юкни қабул қилиб олгач, чой-пойга шама қилиб ўтирмай, дарҳол эшикни ёпди.

«Ялтироқ тугмаларим ёкмади шекилли», дея ўзича жилмайди Аламазон.

Кўчадан қайтиб чикқач, мискарлик дўкончалари бўйлаб Чорсу майдони сари йўл олди.

Умуман, кейинги пайтда Бийронга жудаям серқатнов бўлиб кетмадими? Сотти сатанг бир куни, «қизларга қанча илакишаверсанг, шунча бурдинг кетаверади», деган эди. Шу пандавакиниям гапида жон бормикин? Бийрон учрашувга чиқишни негадир тобора таранг қияпти. Хатто, ширин гапларидаям қандайдир сохталик бордек... Ё Аламазонга шунақа туюляптимикин?

Майдонга етиб келган Аламазон иккиланганича тўхтаб қолди. Барибир Бийронни кўргиси, ўзбекчани бузиб-бузиб айтадиган сўзларини қайта-қайта эшитгиси келаётганди (баъзида унинг: «Хафа бўлмайсиз. Биздан ўзбек мактаби узоқ бўлган», дея кечирим сўраб қўйишининг ўзиям бир жозиба эди).

— Салом бердик!

Аламазон чўчиб бошини кўтарди. Қаршисида, одатига кўра, товуш чиқармай кулганича оғзини каппа очиб, Шариф турарди.

— Бетларни бир ялашайлик энди, — дея юмукдек кўринувчи қовоқлари орасидан кўзларини йилтиратиб, қулоч ёйди у.

— Шариф! — Аламазон паканагина курсдошининг бўйнидан кучиб, бошини бағрига босди. — Омонмисан? Қандай шамол учирди?

— Отпуска олувдим. Бир ҳаво алмаштиргим келди. Баҳонада, синама ишларнинг чаласиниям битирволамиз.

* * *

Шарифнинг собиқ қишлоқдоши Машраб Қосимович заводда касаба уюшмаси кўмитасининг раиси лавозимида ишлар экан. Улар тушликка яқин етиб боришгани учун кўришиб бўлиб, икковини тўғри завод ошхонасига бошлади.

– Аламазон акам менга курсдош, – дея унга Аламазонни таништирди Шариф. – Университетдан чикиб бу ёкка келаётувдим, бирдан учрашиб қолдик.

– Жуда соз бўпти, – оғир гавдасини ларзанглатиб, айик юриш қилиб бораётган Машраб Қосимович Аламазонга самимият билан боқиб қўйди.

Шариф: «Отангиз сизга бир гап айтворувдилар», дея гап бошлаган чоғда Аламазон уларга халакит бермаслик учун ўзини четга олди – ошхона биносининг бурчакрогида жилдираб турган артезиан томонга бурилди. Таквим бўйича бундан тўрт кун аввал баҳор кириб келган бўлса-да, ҳаво ҳануз қиш измида тургандек игнадор, одамни чанқатадиган авзойи йўқ эди. Шунга қарамай, Аламазон артезиандан мириқиб сув ичди, қўлини чайиб, батис рўмолчасини каптига босди.

У шошилмасдан одимлаганича ошхонага кириб борганида, иккала қишлоқдош аллақачон овқатни олиб бўлиб, уни кутиб ўтиришарди.

Овқатланишаётган маҳалда Машраб Қосимович гоҳ-гоҳ зимдан синчиклаб қараб қўяётганини сезиб турган бўлса-да, Аламазон индамай қарам шўрва билан «ҳисоб-китоб»ни давом эттираверди. Шариф қўлига гугуртчўп олиб, усти қатқалоқланган чинни қалампирдоннинг кўзини очиш билан овора эди. Тешикчалар тозалангач, идишчани тўнкариб овқатга силкий бошлади, аммо ундан ҳеч нарса тушмади. Қани энди, шу пайтда бу гўсхўрни яйраб эрмак қилишга имкон бўлса!

Машраб Қосимович, тикила-тикила, Аламазондан бирон-бир тузукрок хусусият тополмагандек, компотдан бир симириб олиб, сўради:

– Қовоққа нима бўлган, жиян?

Аламазон беихтиёр қошининг пастроғини силаб қўйди.

– Чандикни айтяпсизми?

– Шавланинг устида суяк талашилгандир-да, а? – ҳазиллашди Машраб Қосимович ва гавдасини силкитиб кула бошлади. – Вих-вих-вих...

– Аламазон акам – боксёр! – чимирилиб, тантанавор йўсинда эълон қилди Шариф.

– Э-э, жуда соз, жуда соз, – Шариф кутганидек Машраб Қосимович энди Аламазонга бошқача эътибор билан боқди. – Руфат Рискиев чикди-ю, Ўзбекистонда боксга ишқивоз кўпайиб кетди. Тунов куни йиғилишда, «қачон бокс тўгараги очамиз», деб ёкамга осилишди ёшлар. Олдин спорт залимиз битсин, деб зўрға кутулдим. Аслида-ку, битта тренер топилса, йигитчаларни ҳозирча югуртириб-нетиб турармиди...

– Мана тренер, – Шариф кулгисини бўғзига ютиб, қўлидаги қошиқда Аламазонни кўрсатди.

Аламазон ҳам бўш келмади.

– Алоҳида квартира ваъда қилинса, ўйлаб кўрардик.

– Ана шу масала бизда чато-о-қ, – мутлақо жиддий тарзда афсусланди Машраб Қосимович. – Кичик оилалар ётоғида-ку жой топилади-я...

* * *

Патронини пўпанак босиб ётган юз шамли чироқ теграсида пирро-пир айланишдан толиққан гиркапалак энди пастлаб учаркан, қўниш учун беҳатарроқ бўлган майдончани кидираётгандек, стол узра у ёқдан-бу ёққа моккилана бошлади. Чамаси унинг кўзига сопол товоқдаги ковурма – вулқон, ликопчадаги «чим-чим» – тиконзор, мураббо – ботқоқлик, новвот – сирпанчик қоя, чойнак – жизғанақ сахро, арақ – ачиган балчиккўл бўлиб кўринди-ю, охири энг ишончли жой толиб, ноннинг устига қўнди. Аммо, зарур микдорда кислород билан «заправка»ланиб улгурмай, шундоқ боши устида уриштирилган пиёлалар жарангидан чўчиб, тезгир қирувчи учоқдек яна юкорига кўтарилди. Қирқинчи йилларда русумга кирган, ярқироқ никелли панжаралари бурама калпоқча билан маҳкамланадиган каравот тепасидан ўтиб, охаклари шувшиган сомон сувоқли девор ёқалаб учганича рангпар коғоз ёпиштирилган шипга яқинлаша борди, сўнг у ер-бу ерда шалвираб ётган ўргимчак тўрларидан ҳадиксираб, бурчакдаги охорсиз новча жавоннинг гирдига бориб тирмашди.

Тинч жой ҳам топилар экан-ку бу оламда!

Улар пиёлаларни бўшатиб, эндигина газак қила бошлаган эдики, эшик қаттиқ очилиб, эски велосипеднинг гилдирагидек лапанглаганича ўт ўчирувчи кириб келди.

– Мум... мумкинми ўзи? С-салом, кўшниларим!

Ўтирганлар на у, на бу сўзга жавоб қайтарган бўлсалар-да, у индамай келиб, Шарифнинг ёнидан – столга ёндош каравотнинг четидан жой олди. Бир кўзини зўрға очиб, дастурхоннинг мундарижаси билан танишиб чикқач, остки лабини осилтирганича пинакка ҳозирланди.

– Овқатдан олинг, ака, – дея уни сал туртиб қўйди Шариф.

Ўт ўчирувчи бир хириллаб олиб, аста бўйнини ғозлади, қўли ўлжасини авраётган илондек биланглаб сопол товоққа якинлаша бошлади. Мақсадга етдим деганида олдинга мункиб кетди-ю, боши шилқ этиб стол четига тушди, шу куйи миқ этмай қолди.

– Капут! – қўл силтаб қўйди Аламазон.

Кутилмаганда, ўт ўчирувчи сапчигудек бўлиб бошини кўтарди:

– А? Ким капут? – ўқ еган ярадордек деворга беҳол суяниб, бўшлиққа ўқрайиб тикилди у. – Мен... ме-е-н! Ичишаман! Сенлар билан! Ким капут – кейин кўрамыз. Қуй! М-мард бўлсанг, қуй!

Аламазоннинг «қўйсанг-чи, аҳволини қара» деган маънони англатувчи ишорасига жавобан Шариф секин кўз қисиб, шишада қолган арақни учга бўлди, мўлроғини янги улфатга узатди. Ўт ўчирувчи ичимлик қўлига теккан захоти, дастурхон эгаларини шарафлаб ўтирмай, пиёлани хумдондан чикқандек тозалаб қайтарди. Қўлини димлама устида тебратиб, чангалига ҳеч нарса илинтиролмагач, бармоқларини бирма-бир ялашга тушди.

– Шў... шўр-ку овқат! – у ниманидир еганига бошқаларни ишонтирмақчи бўлди. – Е-е-манглар! Қатъиян ман қиламан!

– Бир дам олсалар бўлармиди? – дея кесатди тоқати тулаган Аламазон.

– Майли, ёс-с-тиқ борми?

Аламазон энди мулозаматга бутунлай барҳам берди.

– Туринг, уйингизга кириб ётинг! Вассалом!

– Сс... сеникимас уй, – сурланди ўт ўчирувчи. – Бой...

Бойвучча ойимники бу. Ҳе, бродяга!

Аламазон гижинганича ўрнидан турди.

– Яхшиликча чиқасанми, ё...

– Сенсирама! Мен-н... лейтенантман!

– Йўқол деяпман!

Ўт ўчирувчи бирдан жимиб қолди. Кўзларини юмганича пича қотиб тургач, ўзи билан ўзи гаплашаётгандек, паст товушда сўзлана бошлади:

– Аракни ичирдинг... зўрлаб. Р-расво қилдинг. Энди... ҳ-ҳайдаяпсан. Ву, маразлар! – у ярадор илондек бир тўлғанди-ю, ирғиб ўрнидан туриб кетди. – Туф... иккалангга! М-мени нима қип кўйдинг... иккаланг... ҳамманг?.. Ме-е-н!.. Мен-н... ар-р-миягача ичмадим. Ар-р-миядан келдим... ичмадим. Иккаланг... ҳамманг... зўр-р-лаб ичирдинг-ку! Ул... ул-фатчиликдан қ-қочма, деддинг-ку! Ўғ... ўғ... ўғилболамисан, деддинг-ку... иккаланг... ҳамманг! Ичдим... «Яш-ша», деддинг иккаланг... Ян-на ичдим... қ-қарсак чалдинг... ҳамманг. Ян-на ичамиз, десанг... пул топдим-ку... қарзга. Қ-қўзинг тўймади. Тағин ичамиз, деддинг... иккаланг... ҳамманг... Қ-қарз сўрадим яна. Бе... беришмади! П-пулни барибир топдим-ку... хотинимни уриб. Ян-на урдим! Тепдим! Иккалангни деб! Қ-кейин... – унинг товуши кескин маъюслашди, – кейин... хотиним кетди... Кетворди! Қ-қизим... шириним... уям кетди. Ўғлим қ-кетди... тойчоғим, қоп-қора кўзи мўлтиллаб. Оёқ-часи кичкина... дўмбоқ. А... амалимниям олдинг-ку... иккаланг... ҳамманг. Ки-и-ичкина амалимни... Ох-хири кулдинг... орқамдан... дўстингга. Қ-кулма десам, дўпосладинг-ку... т-тишимга тепдинг-ку... Ҳей! Ним-мага урдинг мени?.. Энди... т-томоша қилавер... иккаланг... ҳамманг...

Ўт ўчирувчининг шиллиқланиб кетган қип-қизил кўзларидан дувиллаб ёш қуйилди. Ҳамма одамларники сингари топпа-тоза, типпа-тиниқ кўзёшлар.

Бокс қўлқопидаги боғбон

Баъзан ўзимизнинг танбаллигимиз ёки режасизлигимиз орқасидан бирон-бир юмушда қоқиниб қоламиз-у, айбни дарров пулга тўнкаймиз, «ҳамён семизроқ бўлса, шу иш тезда битиб кетарди-я», деб қўямиз. Оламда пул деган нарсанинг ўзи борлигига шукур қилишни, уни ўйлаб топган даҳога раҳмат айтишни эса унутиб қўямиз. Агар, муомалада пул бўлмаса, қандай аҳволга тушиб қолишимиз мумкинлигини ҳеч тасаввур қилиб кўрганмисиз?

... Якшанба. Шаҳарнинг тенг ярмини эгаллаган марказий бозор чумоли уясининг бир неча минг марта катталаштирилган кўринишини эслатади. Қолхўз райси қўлини дўмпайган қорни устида чатиштирганича, тарозининг шайнига зогдек ҳушёр тиклиб турибди. Одимловчи эксковаторга ўхшаб кетувчи улкан тарозининг бир палласида – пахта тойлари, иккинчисида – занжирли трактор.

Нариоқда эса геологоразведканинг соқолдор бошлиғи Нефт ва газ саноати нозирлиги вакиллари билан узоқ савдолашиб, қандайдир белгилар туширилган харитачани ниҳоят уч вагон пўлат қувурга айирбош қилишга зўрға рози бўлди. Энди ҳамма гап қувурларни ишчиларга ҳалол тақсимлаб беришда қолганди. Кейин улар билганларини қилишаверсин. Тегишли қувурингни олдингми, хоҳласанг мотоциклга алмаштир, хоҳласанг – чучварага.

Қироличалардек ҳашамдор кийиниб, тақинчокларининг кўплигидан бўйни майишиб қолган пўрим аёл бир қоп юкни орқалаганича инқиллаб бораркан, йўлда учраган дугонаси уни гапга тутди.

– Ҳой, қаёққа?..

– Анави магазинга чет элнинг мўдний туфлилари келганмиш. Жўхориға алмаштиргани кетяпман...

Расталар ҳам сўфи домласини танимайдиган даражада гавжум.

– Вей, қанча бу? Вей, хўрозинг қанча ўзи?

– Бир қоп ошқовок сўраб турибман...

- Сотиладими бу этик?
- Сен ўтавер, ука. Мен эчки етаклаганлар билан гаплашаман...
- Шу ипакнинг пуштисидан керак эди-я.
- Иссиқроқ сомса бўлса, пуштисидан топамиз, қизим...
- Соқолни кирдирсак девдим, уста ака.
- Қўлингда ҳеч вақо йўқ-ку. Ҳа майли, тўрт-беш чеким нос берарсан...
- Хўў, опахон... Хўў, опахон... дўппини бодрингга алмаштирайлик энди...
- Итингни олсанг-чи, итингни! Битта калишга арзимайдиган қанжикни бозорга тикиштириб нима қилардинг?..
- Манави анорни олиб, бир коса айрон қуйвор.
- Нима қиламан битта анорни? Ўнта бериб, ўн коса ичаверинг...

Ахвол шу бўлгач, шак-шубҳа йўқки, Аламазонга радиодан қалампули ўрнига ёшроқ бир ғунажин беришарди. Бу ёқда эса на оғилхона бор, на ем-хашак. Демак, бирдан-бир чора – тўрт оёқли гонорарни дарҳол «ўлик мол»га айлантириш.

У калласини ортиқча ишлатиб ўтирмай, ғунажинни «БелАЗ»нинг ғилдираги билан қарағай симёғочга айирбош қиларди-да, ховлининг бир четига ташлаб қўярди...

Ҳа, яхшиямки дунёда пул деган нарса бор. Йўкса, ҳозир бир стакан газсув ичиш учун Аламазон озмунча заҳмат чеккан бўлармиди!

Хуллас, чанқоқни кондиришга бир-икки кун олдинданок пухта ҳозирлик кўриб, бозорга келган телеграфчилар орасидан симёғочга харидор топиш талаб этиларди. Борингки, харидор топилиб, симёғоч эвазига кабел ўралган иккита каттакон ғалтак ташлаб кетилди ҳам дейлик. Хўш, шу билан мушкул осонлашиб қоладими? Газсув ичиш учун энди ғалтаклардан бирини учта тандирга, тандирлардан бирини тўртта мантиқозонга, камёб мантиқозонлардан бирини бешта товукқа, товуклардан бирини «Жигули»нинг олтита ойнак тозалагичига, ойнак тозалагичлардан бирини еттига кирсовунга, кирсовунлардан бирини саккизта пуфакчага алмашти-

риш керак бўларди. Кейин пуфакчалардан бирига муздекки-на газсув олиб ичиш мумкин. Шундаям, сувфуруш инсоф қилса. Мабодо, у, сувни фақат перога алмаштираман, деса, пуфакчани «майдалаб» келиш учун магазинга югуришдан бошқа илож қолмайди...

Газсув сотиш бошланибдими, демак, Аламазон телпакни жавонга ирғитиб хато қилмабди. Агар муомалада пул бўлмаганида, ўша телпакни шу бугуннинг ўзидаёқ биронта туфлига «бошма-бош» қилворган бўларди – оёғидагининг оҳори тўкилиб боряпти. Қолаверса, кўнжли.

Аламазон ўйга чўмганича, бўш стаканни аста пештахтага қўйди. Энди унда на «БелАЗ»нинг ғилдираги бор эди, на симёғоч. Картмонида сўнгги «товуқлар»гина қолганди.

Ўша куни вокзалда хайр-хушлашиб туришган чоғда, Шариф Аламазонга беш-олтита ўн сўмликни узатиб, «қуруғидан ташлаб кетай озгина», дея ҳазиллашган бўлди. Унинг кўлини қайтариб, чакки қилган экан. Қарз бўлса, узиларди бир куни. Шариф пулни қайтадан чўнтагига солаётиб: «Бирон зарурат туғилса, Машраб Қосимовичга бемалол учрашаверинг», деб қўйди. Гўё Машраб Қосимович газета ёки нашриётда ишлайдигандек.

* * *

Тўрт қаватли ғиштин бинодаги турли нашриётларга олиб кирувчи ташқи зинапоя газсув дўкончасидан атиги йигирма кадам нарида эди, аммо шу топда ана шу масофани босиб ўтишга Аламазоннинг ҳафсаласи келмаётганди. Ниҳоят, оёғи тортиб-тортмай, ўша ёкка қараб юрди. Юрди-ю, бадий нашриётдаги бўлим мудирининг тунд ва бепарво қиёфаси яна кўз олдига келди. Ўшанда у худди кўчада ётган ғиштни четга олиб қўяётгандек, унинг жигаридан бино бўлган шеърлар тўпламини гурсиллатиб жавонга ташлаганди. Нариги нашриётдаги мудирдан бекорга хафа бўлганини Аламазон шунда тушуниб етди. Униси ҳарҳолда тўпламнинг у ер-бу ерини варақлаб кўриб, «ҳозирча бир қисмидан ёшлар алманахида фойдаланармиз», деб аниқ фикр айтган эди.

Бўлимга бош сукиши биланок хонани тумандек қоплаган аччиқ тутундан унинг димоғи ачишиб кетди. Агар янглишмаса, бундай қалин тутунни у сўнгги марта армияда – дала полигонидаги умумдивизия машғулотлари пайтида кўрган эди.

Чамаси, бўлим мудирини Салай Козимга, Салай Козим бўлим мудирига ўчакишиб сигарет бурқсатар, иккаласининг ҳам кайфияти яхши эмасди. Аламазон, саломи деярли эътиборсиз қолгач, четроқдаги стулга кимтинибгина ўтирди. Қимтиниш деган нарса унда кейинги кунларда пайдо бўла бошлаганди, шунда ҳам бу ҳолни фақат нашриёт ёки редакцияга киргандагина кузатиш мумкин эди.

«Нега бунақа бўп қолдим? – ўзини-ўзи таниёлмай хайратланди Аламазон. – Негатобора шаштим сусайиб боряпти? Ўзимниям ўзимга ишончим йўқолаётган бўлмасин тагин?»

Аламазон чуқур нафас олди, стол суянчигига ёйилиброк ястаниб, бўйнини ғоз тутишга тиришди.

– Ҳа, энди, ҳажми озгина қисқарган бўлса, нимаям дердик, – стол устидаги папкани титкилаб бўлиб, мўйловини жимириб қўйди Салай Козим. – Ҳажмидан кетса, тираждан келар. Мен ишлаётган нашриётнинг адабиётга алоқаси бўлмасаям, ҳарҳолда қўшнимиз, касбдошмиз, кунига юз кўришамиз. Ўн минг нусха... энди бу жуда кам-да.

Бўлим мудирини кулдонга қўл чўзгиси келмай, сигаретининг кулини полга қоқиб, муаллифга менсимайроқ бокди.

– Биринчида-а-н, гонорар сметаси тасдиқлаб бўлинган. Э, бунисиям майли, биз розимиз дейлик. Китоб савдоси барибир кўнмайди. Шу ўн мингтаниям қайси идишга тузлаймиз, деб юрибди улар. Ишонмасангиз, ана, бориб гаплашиб кўринг.

– Гаплашамиз ҳам, – кибридан тушмай жавоб қилди Салай Козим. – Йигирматага «йўқ» дейишсаям, ўн беш мингтага кўнишар, ахир?

– Унда, – бўлим мудирини сўл қўлидаги гутуртни столга гилдиратиб отди, – нашриёт хонавайрон бўлади. Кўшимча беш мингта китобга кетадиган қоғозни қўйиб турайлик, сиз-

га бир ярим баравар қалампули тўлаш керак бўлади. Бу энди молиявий зарар.

Салай Козим саросималаниб елка қисди.

– На у ёғида учи бор, на бу ёғида. Қанақа калава бу ўзи?

– Тўғри, нашриётдаям, китоб савдосиям қисман чалкашликлар бор, – зўр бериб тушунтиришга тиришди мудар. – Лекин, менимча, Китобсеварлар жамияти вазифасини яхши бажармаяпти. Китоб ташвиқоти деган нарсаяўқ бизда. Бор бўлсаям, жуда-жуда суст. Масалан, китобнинг муқовасига Салай Козим деб ёзиб қўямиз. Хўш, уни ким танийди?

– Ие, нега танимас экан? – Салай Козимнинг кўзлари чақчайиб кетди.

– Тўппа-тўғри! – эшикдан кириб келган марғилон нусха дўппили киши ҳеч қандай муқаддимасиз дарҳол ади-бадига аралашди. – Нега танишмас экан Салай Козимни? Хуш кўрдик, Салай ака, келинг.

– Э, бормисиз?

Дўппили киши Салай Козим билан ачомлашгудек бўлиб кўришаркан, бўлим мудирига масхараомуз кўз қисиб сўради:

– Тўпа Турғун боя жуда хурсанд кетди. Тираж каттароқ бўлибдими дейман?

– Етмиш беш мингта қўйдик.

Салай Козимни тўсатдан безгак тута бошлагандек туюлди.

– Етмиш беш?!

– Жек Лондондан таржима қилган экан. Бир тўппамни яқинда бракка чиқарувдик, ўрнига шуни киритдик.

– Оббо тулки-ей, йиллик режада йўқ нарсани суқиштирдими? Қанақа таржима ўзи? Романми?

– Иккита роман. Ўттиз босма габоқ.

– Ўттиз?! – Салай Козимнинг кўлидаги сигарет бармоқлари орасида мажакланиб, полга тушди. – Ҳар табоғига канчадан қўйдинглар?

Бўлим мудирини ғаладондан аллақандай папкани олиб, очиб кўрган бўлди.

– Икки юз сўмдан.

– Ставкасиям юқори, тиражиям катта, – қойил қолгандек бош ликиллашиб қўйди дўппили киши. – Етмиш беш минг тиражга, менимча, икки ярим баравар ҳақ тўланади. Демак, икки юз сўмни ўттиз босма табокқа кўпайтирсак – олти минг. Энди олти минг сўмни яна икки яримга кўпайтирамиз... ҳим-м...

Салай Козим дўппили кишига кўшилиб, таҳлика аралаш пичирлаганича Тўпа Турғуннинг даромадини хаёлида салмоқлаб кўра бошлади.

– Вой бў-ў... Росаям яшаб қопти-ку, а? – ҳаваси келгандек орзиқиб ҳайрат изҳор қилди дўппили киши. – Шу китобни неча йилда таржима қилдийкин?

– Бир йилга қолмай ағдариб қўйибди азамат, – дарҳол жавоб қайтарди мудир. – Ўзи айтди.

– Б... бир йилда шунча... – Салай Козимнинг тили тутилиб қолди. – Мен манави тўпламни икки йил ёздим. Ўзим ёздим. Тўпа тулки тайёр нарсани бир йилда ўзбекчага ўғириб... Борингки, мендан тўрт баравар кўп пул ишляпти. Шундайми? Бу иш нотўғри, оғайнилар. Бўлмаса... мана биз таржимага ўтайлик.

Бўлим мудирининг лаб-лунжи осилди.

– Таржима-а... бу энди... мураккаб нарса.

– Тўпа-чи? Таржима қипти-ку. Ундан нима кам? Биз аллақачон китоб чиқариб қўйган вақтимизда, у газеталардаям зўрға кўриниб юрарди.

– Булар энди кечаги гаплар, – босиқлик билан гапиришда давом этди мудир. – Бугунги Тўпа Турғунни оладиган бўлсак...

Салай Козим титраганича ўрнидан туриб кетди.

– Хўш, ким бўл кетибди у? Ўша Тўпа сулла-да! Бизни-кига ўхшатиб битта дoston ёзсин-чи аввал. Савод бўлса ёз-дими?

Салай Козим сенлар ҳам ўшандан қолишмайсанлар, дегандек зарда билан қўл силтаб хонадан чиқиб кетди. Дўппили киши оғзини қийшайтириб кулганича унинг кетидан юрди.

Бўлим мудирини ўзича бир зум хушнудланиб тургач, Аламазонга боқиб, бирдан жиддий тортди – уф-ф, шўримга сен ҳам бормисан ҳали?

– Бир қўлёзма топширувдим, – Аламазоннинг товуши барибир синикроқ чикди. – Номи... «Орқангга қайрилма». Шунини...

Бўлим мудирини унинг ялтироқ тугмаларига тикилиб, пича ўйланиб қолди.

– Да, да... кўрувдим. Агар адашмасам, икки-уч кунлар бўлди-ёв... почтадан жўнатувдик. Такриз салбийроқ ёзилибди, жўра. Да, анчагина салбий. Қисқаси, яна бир тер тўка-сиз-да.

Аламазон киприкларини пирпиратишдан тўхталиб, бўлим мудирига синчиклаб назар солди – бу такризчининг фикрими, ўзингникими?

– Шу тўплам икки йил илгариям такриз қилинувди, – энди дадилроқ боқди Аламазон. – Бўш дейилган шеърларни опташлаб, камчиликларини тузатиб жўнатувдим. Яна ўша холвайтар денг?

Бўлим мудирининг қиёфасида ўзгариш сезилмади.

– Керак бўлса уч марта такриз қиламиз, жўра. Балки беш марта... Тўплам яхши баҳо олгунича эринмайсиз-да энди.

– Бу яхши гап! – қўлини ювиб қўлтиққа артган Аламазон кулимсираб ўрнидан турди, мудирга безрайиб боқди. – Баъзилардек хўшшайиб ўтиравермай, шеърларимни кўпроқ пишитсам, тезроқ таниламан. Тўғрими, ака?

Бўлим мудирининг қиёфаси хиёл ўзгаргандек бўлди.

* * *

Қушларга қуриладиган ин шаклидаги ёғоч уйчани бир ўзи тўлдириб ўтирган биққи қоровул Аламазонни четроққа тургизиб қўйиб, телефон паррагини ғилдиратишга тушди.

– Ўзларими, Машрабхон ака? Бир бола сизни сўраб турибди-да. Аламазонман дейди... Лаббай? Қошидами? – қоровул туйнукчадан ҳақкадек мўралаб, Аламазоннинг пешанасига диққат билан тикилди. – Бор қашқаси, бор. Хўп

бўлади, Машрабхон ака, – у эшитқини хушомад билан жойига қўйгач, Аламазонга гўдайиб бош ирғади. – Ўтавер, бола. Биринчи қават, бешинчи хона.

«Бу энди Эшмат ишманинг қариганроқ кўриниши», деб ўйлаб қўйди Аламазон.

Кези келса, ўзидан кичкиналарниям «ака» деб аташи, гумбаздек юзи, оғзини хиёл очганича бақрайиб қараши, мундоқларга курук пўписачилиги-ю, ундокрокларга итоат-гўйлиги билан бу қоровул ҳақиқатанам Эшматга жуда ўхшаб кетарди.

Телефонда ким биландир куюнишиб турган Машраб Қосимович эшикдан кириб келган Аламазонга мийиғида бўш стулни кўрсатиб, гапини давом эттирди.

– Нима, Дадаханов? Менга кара, «Хурмат тахтаси» сенга ўйинчок бўптими, а? Эсингдами, хотини бултур арз қилиб келгани? Ўчир рўйхатдан! А? Ким? Қанака дўндик? Ҳа-а, Дундукянми? Ўчир уния! Ишга ичиб келганини ўзим кўрганман... Қулоқ сол, ҳов! Олдин цех бошлиқлари билан яхшилаб маслаҳатлаш. Кейин рўйхатни менга кўрсатарсан... Бўпти, бўпти, ҳамманиям иши тигиз. Комитет аъзосимисан, бажар! Медални бекорга берганимиз йўқ сенга.

У эшитқини аппаратга босди-ю, юзи бирдан сокинлашди қолди, гавдасини кескин орқага ташлаб, Аламазонга табас-сум билан кўз қадади.

– Хуш келибсиз, жиян.

Аламазон салом-аликни қисқа қилиб, тўшпадан-тўғри мақсадга кўчди.

– Таклифингизни ўйлаб кўрдим. Тренерликка ўзим келадиган бўлдим.

– Жуда соз бўпти-да, – севиниб кетди Машраб Қосимович. – Лекин, квартира масаласи...

– Ҳозирча умумётоқда амаллаб турармиз, – мурувват қилаётган қиёфада сўз қотди Аламазон. – Бу ёғи бўйдоқчилик.

Машраб Қосимовичнинг елкалари силкиниб, кулгига шайланди.

– Хаҳ, испўртсменлар-а! Арғамчини нари ёғида гуп-гуп, бу ёғида хотинлардан пилдирпис экан-да? Вих-вих-вих...

Иккита пашша бир-бирига тирмашганича ҳавода чархпалакдек айланиб келиб, стол устидаги календарга тушди. Машраб Қосимович бу никоҳни «22 март»га чаплаб абадийлаштирмоқчидек, чизгични камалакдек букиб туриб, календарга урди. Ажалнинг ўкидан зўрға қутулиб қолган пашшалар баб-баравар юкорига кўтирилишди.

Сур махлуқлардан бири ўзи томонга яқинлашаётганини кўрган Аламазон боксчилардек иккала мушти билан жағини тўсди. Бошини ўнг-сўлга чакқон олиб қочиб хуружларга чап бергач, бир кўлини ҳар эҳтимолга қарши ҳимояда қолдириб, ўнг қўли билан кетма-кет мушт отди. Умрида кўпдан-кўп қувғинларга учраган бўлса-да, ҳали бунақасини кўрмаган хира пашша шошилинч равишда чекинишни лозим топди.

Касаба уюшмаси раиси касаллик тарқатувчи хашаротга қарши курашнинг энг сўнгги усулини кўзи гилдираганича томоша қилиб тургач, ҳозиргина ғалаба қучган Аламазонга қараб деди:

– Ҳужжатларни бугун-эрта расмийлаштириб, душанбаданок ишга киришинг.

– Улгуролмасам керак, – пайсалланиб бокди Аламазон. – Қишлоққа бориб боксёрлик гувоҳномамни опкелмасам, кадрлар бўлимидаги коғозхўрлар...

– Кераги йў-ў-қ, – афтини тириштириб қўйди Машраб Қосимович. – Спорт зали битса, балки ҳаммаси жойига тушар-у, ҳозирча сизни барибир «боғбон» деб расмийлаштирамиз.

– Боғ... бон?

– Буни қарангки, корхонамиз рассомини спорт инструктори штатига олувдик.

– Нима, рассомликка штат йўқмиди?

– Борликка бор-а, аммо рассом келмасидан олдин техника хавфсизлиги назоратчисига шундан ҳақ тўланарди.

– Ие! – баттар таажжубланди Аламазон. – Бу соҳага алоҳида ўрин берилмайдими хали?

Машраб Қосимович бир тебраниб олиб, эринмасдан изоҳлашда давом этди:

— Берилишга берилади, жиян. Очиғини айтсам, бу штат ҳисобидан бухгалтериядаги иккита қизимизга ярим ставкадан қўшиб қўйилган. Бухгалтерияда иш вазмин, ойлик сал мундоғроқ. Қолаверса, иккаласитаям жамоатчилик вазифаси юкланган: биттаси комсомол билан НТОни бошқаради, униси китобсеварлару қизил яримой жамиятига бадал йиғиштиради.

— Ишқилиб, Овчилар жамияти йўқми заводингизда? — кувлиқ билан кесатди Аламазон.

Машраб Қосимович бепарво қўл силтади.

— Бўлса бордир. Буларнинг ҳаммасини эсда сақлаб бўлармиди.

— Бу дейман, шеф, штатлар дунёнинг ишларидек чалкашиб кетибди-ку?

— Нимасини айтасиз, жиян. Вих-вих-вих...

* * *

Йўловчилар бекатма-бекат сийраклашаётгани сайин трамвайнинг шарақ-шуруғи ҳам кучайиб бораётганди. Аламазоннинг ортидаги ўриндикда ҳасратлашиб келаётган икки аёлнинг товуши шунга монанд равишда авжланиб, энди улар бутун салонни бошга кўтаргудек бўлиб жавраётган эдилар.

— Бе-е, шу замондаги болада оқибат қоптими? Сизники-ку ҳарбийда, меники ўз оёғи билан чўлга кетиб ўтирибди-ю. Хўп, кетибсан, ҳеч бўлмаса, тез-тез хат ёзгин, ноинсоф...

Аламазоннинг кўз ўнги аста-секин шувалашиб, аясининг тажангнамо сўлғин қиёфаси, аллақандай мунг ва хавотир зухурланган ботик кўзлари, ўсмани соғина-соғина охири чехрасига бадковоклик касб эта бошлаган қурушқоқ қошлари, ясси пешанасида тобора чўзилиб, чуқурлашиб бораётган «сирли ёзув»лар туманлик ичра элас-элас намоён бўла бошлади. «Хат ёзиб тур, болам...» Хайрлашаётиб айтган биргина гапи шу бўлувди...

– Ҳарбийда овқат текин, кийим текин. Бу, зиғиринг кўпайгур, бир пул юборинглар деса, бир посилка сўрайди. Чидаёлмайди-да. Уйда катта-катта еб ўрганиб қолган-да.

– Меники манави ердаги чўпни анави ерга опқўймасди. Бир китоб титкилашга тушса, бошига товук қўнсаям сезмасди. Мана энди, чўлда кўрадиганини кўраётгандир...

« – Ҳой, Аламазон-о-н, ҳадемай совук тушади. Дувол-тошларга мундок қараб қўйсанг бўлармиди?...»

« – Тузатамиз, ая, тузатамиз. Қани, сал қўл бўшасин-чи».

« – Сени қўлинг бақага қош битганда бўшайди. Ана, чикиб қарагин, қўйлариингни охуриям пачоқланиб ётибди».

« – Ҳаммаси бўлади, ая, ҳам-м-маси. Ҳозир каттароқ нарсаси ёзипман. Шунини битирволай...»

« – Э, ёзишинг курсин сени. Майли, ёзма демайман – ёз... Ора-сира рўзгорга қарашиб тургин-да. Бу ёқда ток кўмилмай турибди».

« – Тушунинг-да, ахир, ая! Буғолтир бўлсам экан, шўрвага хўроз сўйиб келиб, «дебет-кредит»ни қолган жойидан бошлаб кетаверсам. Мен шоирман. Бир соат ёзишдан олдин уч соат ўйланиб ётишим керак. Уволимга қолманг, тинч қўйинг мени!»

« – Ҳе, дувонага ўхшамай кет. Бир жининг қўзиса, тоғни ўпирасан. Ҳафсаланг қочдими – хўкизда судрасаям жилмайсан-а...»

– Охирига келдик, ўртоқлар! Бешқайрағоч!

«Завод ётоғига кўчиб бориб, аямга хат ёзай, – дея дилига туғиб қўйди Аламазон трамвайдан тушаётиб. – Айтгандай, бирйўла – Арабистонга ёзаман».

Унинг профессор тоғаси водийнинг энг машҳур шифокорларидан эди. Бундан икки йилча олдин оиласи билан вақтинча Арабистонга кетиб клиника очган, маҳаллий врачларга тажриба ўргатаётган эди.

Ҳа, врачларни тайёрлаб чиқаришади, синалган қатъий услубга ўргатишади, қўлига зарур асбоблар тутқазишади,

малакасини оширишади. Шоир эса ёввойи ўсимликка ўхшайди, кутилмаган жойдан униб чиқиб, сунъий парваришга муҳтожлик сезмасдан, қурби етганича ўсаверади, ўрганаверади. Ташки муҳитга ўта чидамлилигиюм шундан. Ижодкорлар ҳеч қачон эгатда саф тартиб туришмаган, кимдир озуқа солишини кутишмаган. Уларнинг ҳар бири ўз ҳолича, ўзига хос бўлиб улғаяди.

– Со-о-малайкўм, шоир жаноблари.

Аламазон елкасидаги жилднинг боғларини тутамлаганича, яшноқ жилмайиб турган болани кўриб, чехраси очилиб кетди.

– Ўвв, омонмилар, пирим? – эгилиб болани оғушига тортди у. – Қани, қани, пича отамлашайлик энди. – Улар бекатдаги бўш узункурсига ўтиришди. – Хў-ў-ш, деб гал бошласак... қиморбозликдан бўп турибдими?

Болакай ингичка қўлларини пашша кўригандек силкиб: «Ташладим!» – дея ғурурланиб боқди.

– Қойилман, пирим! Каллангиз зўр ишлаб қўяркан!

Оқ халат кийиб олган ингичка жувон ғилдиракли тунука сандиқчани зўриқиб итарганича келиб, бекат шийпончаси ёнида тўхтади. Харидорларнинг диққатини узоқданоқ жалб қилмоқчидек, чўнтагидан кўзгу олиб, сочларига оро бера бошлади. Аламазон «ҳозир келаман» деган мазмунда боланинг тиззасига уриб кўйиб ўрнидан кўзгалди, жувон билан нима ҳақдадир уч-тўрт оғиз гаплашиб, уни хиринглатиб қолдирганича тез қайтиб келди. Кўлидаги музқаймоқни болага тутиб, ҳозиргина аёлга айтган ҳазил шеърини қайтариқлашга киришди:

Бозорларда бор марўжна,
Олиб берай десанг «мўжна»,
Гаплашиб сал астарўжна,
Танишайлик, пожалуста.

– Раҳмат, шоир жаноблари.

– Хуллас, шуни қирқ секундда бир ёқлик қилсинлар.

Бола кўпдан-кўп машқлар эвазига кўлга киритган маҳоратини ишга солиб, кўз очиб-юмгунча музқаймоқни қогоз ўрамидан халос этди. Биринчи ҳамладаёқ унинг ҳар иккала томонидан кетма-кет кемтиб, совуқ лукмани чакқонлик билан у лунжидан бу лунжига ўтказди-ю, бир ютиниб, ҳеч нарса кўрмагандек Аламазонга мўлтиллаб боқди.

-- Бемалол давом эттираверсинлар, -- унга далда берди Аламазон.

Жағ энди тўла қувват билан ишга тушди. Тишлар -- ўз вақтида таксимлаб бериш, тил -- лукмани лунжлар аро айлантириб илители, кекиртақ -- гўлтиллаб ютиш, лаб ва танглай эса таъм лаззатидан роҳатланиб «чап-чап» қилиш билан банд эди.

-- Вуй-й! Чиройлилигини қаранг!

Бола ҳаяжон билан кўл чўзиб, йўлнинг нариёғини кўрсатди. Новчагина бир киши «Волга» автомобилига ўхшатиб ясалган рангдор велосипедчани кўтарганича мамнун кетиб бораётганди.

-- Мен сизга айтсам, пирим, -- Аламазон музқаймоқ четига бармоғини теккизиб, ҳузур қилиб тамшанганича ялаб кўрди, -- дунёда бунданам чиройли нарсалар кўп. Масалан, дала йўлини чангитиб чопаётган итни олайлик. Ё бўлмаса, булоқдан сув ичиб турган кўзичоқ...

-- Кўзичоқни яхши кўраман, -- татиниб бўлиб, завқланиб галирди болақай. -- Мултфилмда бўридан қочиб кетди. Кўзисокка, а? Жуни жингалак... ойимни сочига ўхшайди.

Аламазоннинг кулгиси қистади.

-- Ажойиб ойингиз бор экан, пирим. Табриклайман.

-- Барибир аччиғи ёмон-да. «Икки» олсам, кулоққа ёпишади. Кечаям роса чўзди.

-- Хўш, бугунги аҳволларидан сўрасак?

-- Битта «беш» олдим, -- оғзининг таноби қочиб боқди бола.

-- Дард кўрмасинлар! -- Аламазон унинг елкасига меҳрибонлик билан кўл ташлади. -- Бекорга айтишмаган-да «ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ», деб. Биз эркаклармиз, пирим, оғир пайтда чидаб юраверамиз. Ёруғ кун келса, ҳовлиқиб ҳам кетмаймиз.

Болакай вазифасини аъло даражада уддалаб бўлиб, музқаймоқ остига тикилган чўпни четга улоқтирди. Шу захотиёқ шийпонча томидан учиб тушган илбирски чумчук чўпнинг у ёқ-бу ёғини ағдариб, ширинлик юкини чўқишга киришди.

Чумчук бугдой ўрмайди,
Тегирмонга бормайди,
Хамир қориб ёпмас нон,
Шунчаки еб юрар дон...

Бунни эшитиб, бола кикирлаб кулди.

– Бир башорат қилсинлар-чи, шеър яхшими, музқаймоқ?

– Шеър яхши! – сира иккиланмай жавоб қайтарди бола.

– Қанақасига шу хулосага келдилар энди?

Бу сафар бола пича ўйланиб қолди.

– Марўжнани еб қўямиз, – деди у ниҳоят. – Шеър ҳар куни китобда туради.

– Офарин, пирим, офарин! Демак, шеърни ҳеч қандай куч еб юборолмайди.

Навоий ва светофор

Машраб Қосимович ўз кабинетининг ёнгинасидаги ката-лакдек хонани Аламазонга ажратиб берди. Хонада Улутбек даврига оид қўлёзмалардек титилиб ётган архив папкаларни қаёққадир ташиб кетишди.

Шунисигаям шукур. Биронта хонага қўшимча стол қўйиб, вақтинча шу ерда кун кўриб турасан, дейишлариям мумкин эди. Унақада, ҳузурингга кирганлар билан шивирлашиб гаплашишга, чекиш учун коридорга чиқишга, йўталгинг келса аввал хонадошлардан рухсат сўрашга мажбур бўласан киши.

Аламазон стол устидаги «Стюардесса»дан сигарет суғуриб, лабига қистирди. Уни мисчакмоқнинг ёлкинига тутиб турган сонияда ўсик сочи дўнг пешанасига осилиб тушган

жиккак йигит кийикдек енгил одимлаганича хонага кириб келди. Бу унинг тўғаракдаги «ўнг қўл вазири» эди.

Дастлабки кунлардаёқ тўғаракка йигирмага яқин ишчи ёзилди. Бир куни ишдан кейин Аламазон уларни йигиб, эртадан машғулот бошланажagini эълон қилди. Сўнг калласига бир фикр келиб қолди-ю, «ораларингда илгариям боксга қатнашганлар борми», деб сўради. Шунда мана шу жиккак йигит, «мен учинчи разрядман», деб мактабдагидек қўл кўтариб қўйди.

– Яхши, – деди Аламазон, – бугундан бошлаб ўнг қўл вазиримсан. Зал битгунча мен кўпроқ ташкилий ишлар билан банд бўламан. Майда-чуйда машғулотларни ўзинг ўтказиб турасан. Биринчи ўринда танани чиниктириб, пайни пиширволишимиз керак.

Бир пайтлар мактабдаги футбол тўғарагига аъзо бўлиб кирганида, кориндор мураббийи унга худди шу гапни айтувди. Ўшанда Аламазон фаолиятини хужумчиликдан бошлаб, дарвозабонлик билан яқунлаган, ўртада қилич-бозликка ҳам тумшук суқиб чиқишга улгурган эди. Ишқилиб, ҳаётда ҳамма нарса асқатиб қоларкан-да.

– Аламазон ака, – келиб, эркатойлик билан стол четига ўтирди «вазир», – зал битишини кутмасдан, ҳеч бўлмаса, қўлқоп билан груша оптурайлик.

– Груша? – киноядор кулимсиради Аламазон. – Ўзбекчага тилинг келмай қоляптими?

– Ҳа, хўп... нок! – «вазир» бир чимирилиб қўйди.

– Энди айт-чи, нокни қўлқопга нима алоқаси бор?

«Вазир» бирдан қаҳ-қаҳ уриб, ўрнидан туриб кетди.

– Қўйиб берса, одамни ёмо-о-н калака қиласиз-да...

Нок билан қўлқоп ўртасида кандайдир боғлиқлик борлигига ишонч ҳосил қила бошлаган Аламазон дарҳол ҳушини йигиб олиб, ёрдамчисига юзакироқ хўмрайганича бармоғини сараклатди.

– Нақ елимнинг ўзисан! – сўнг масалани иложи борица силлиқлик билан ойдинлаштиришга уринди. – Менга қара, ҳозир нима кераги бор ўша...

– Кунлар исиб қолди, Аламазон ака, – таклифини очикроқ қилиб гапирди «вазир». – Грушаларни вақтинча волейбол майдончаси четидаги дарахтларга осиб, дўшпослаб тураверсак девдим.

Аламазон груша нима эканини ниҳоят кўз олдига келтирди: дарвоқе, боксчилар хомаки саваб ўрганадиган осмақоплар орасида нокка ўхшаганиям бўлгучи эди.

– Маъкул, – енгил тортиб, бош ирғади Аламазон. – Машраб Қосимович билан маблағ масаласини гаплашиб кўраман. Кейин... яна бир гап – мен ёзги сессияга тузукроқ тайёрланишим керак, имтиҳонлар бизда каттик ўтади. Йигитларнинг «ёғини олиш», асосан, ўзингга қоляпти. Уларни такасалтанг кип қўймагин.

«Вазир» бу ёғидан ғам еманг, боппаймиз, дегандек муштини каттик тугиб кўрсатгач, қайтадан стол четига ўтириб, тортиниброк савол берди:

– Ўқиш битса... зўр бўп кетарсиз дейман ҳали?

Аламазон тавозе билан кош керди, киприкларини пирпиратганича шипга боқиб, пича ўйланган бўлди.

– Агар омадим юришса, – дея қиялаб кўз ташлади у, – мени Юлдузистон шаҳаншоҳлигига махсус мухбир қилворишлариям мумкин.

Аламазоннинг куни тушгача баённома ёзиш билан ўтди. Йўқ мажлисга баённома. Шуям иш бўлди-ю.

Кеча Машраб Қосимович унинг хонасига кириб келиб, қўлидаги газетани столга ёйди, биринчи бетга бармоқ ниқтаб, каттакон сарлавҳани кўрсатди: «Қасаба союз марказий совети қарорлари».

Хўш, нима бўпти?

– Энди журналистчасига бир иш киласиз-да, жиян, – Машраб Қосимович ниҳоят мақсадга кўчди. – Манави қоғозга бир неча кишининг исм-фамилиясини, касбини ёзиб қўйдим. Марказий советнинг шу қарорларидан келиб чиқиб, мен нутқ сўзлаган бўламан, улар муҳокамада қатнашган, гапларимни қўллаб-қувватлаган бўлишади. Қисқача айтганда, тўкиб-чатиб, битта протокол тузиб ташлайсиз. Бугунги санани қўйинг.

Кейин унга олдинги мажлиснинг баённомасини узатиб, мазкур тартибда «деловой қилиб» ёзиш кераклигини уқтирди.

Деярли кунора шу аҳвол — спортга умуман алоқаси бўлмаган топшириқлар чиқиб туради.

«Мажлисни якунлаб бўлдик, — машинкага беришга тахт қилинган баённоманинг варақларини йиғиштираётиб ўйлади Аламазон. — Энди тошбақадек дўмпайиб ўтиравермай, бирон жойга бориб келсак ҳам бўларди».

Қаерга? Бек Бўриевичникигами? Редакцияларни бир кезиб чиқсамикан? Бийрон билан-ку икки кун илгари учрашувди. Баҳонада, «уйқўрди»ниям ўтказиб олди...

* * *

— Чаккимас, Аламазон, чаккимас. Ювиш керак буни.

Бийрон остонадан ўтиб пича тўхтаб қолди, хонани синчиклаб кўздан кечири бошлади: ойнаги чатнаган шифонер, нарироқда янги бўялган бўйдор кути, тўридаги дераза остида ёзув столи, ягона стул, хонанинг иккинчи томонида каравот, бурчакроқда электр човгуни бикиниб турибди...

Хона соҳиби стол устидаги қоғоз-қаламларни дераза тоқчасига кўчириб, стул чангини сочикда наридан-бери қоқиб кўяётган пайтда Бийрон янада ичкарироқ кириб, деворга ёпиштирилган суратларни томоша қилишга тутинди. Аламазондаги кизиқув чегара билмаслигини сурат остидаги ёзувлар ҳам яққол кўрсатиб турарди. «Навоий ва Гули», «Биродар Абдурайимовнинг тўксонинчи тўпи», «Сергей Есенин, 1925 йил», «Голливуд кино юлдузи Бринж Бордо», «Фаластинлик бола», «Мана ўша совриндор эстон буқалари!», «Рингда — Руфат Рисқиев»...

— Марҳамат, хоним, — ясама илтифот билан таъзим қилиб, стулдан жой кўрсатди Аламазон. Ўзи каравотга чўкди. — Қалай, карвонсарой ёқдимиз?

— Ёмон демайман, — стулга ўтираётиб, хонага қайтадан кўз югуртириб чиқди Бийрон. Сўнг одатдагидек чиройли усулда қўлини бўйнига арра қилди.

— Бир кишига мана мундоқ етади.

Аламазон унинг кўзларига қадалиб тикилди.

– Икки кишига-чи?

Бийроннинг ёноғидаги қизиллик бир зумда лўппи юзига тарқалди.

– По моему... Яна битта кроватни қўйганда...

– Иккинчисини қўйиш шартми, йўқми, буни энди уй бекаси ҳал қилади, – зимдан муғамбирона бокди Аламазон.

Бийрон ўзини бироз ўнглаб олиб, бу сафар бамайлихотир жилмайди.

– Аҳа! Гап бу ёқдами? Унда бу ишни ҳозирдан ўйламанг. Шоирлар сочи оқарса уйланади. Биламиз.

– У замонлар аллақачон ўтиб кетган, – ҳазилни давом эттирди Аламазон. – Эндиги шоирлар сочим тезроқ оқарсин деса, фақат уйланиши керак.

* * *

Аламазон йўлга отланишдан олдин, бир йўла «шеф»нинг кўнглини тинчитиб қўйгиси келди. Кирса, хона бўм-бўш, Машраб Қосимович қаёққадир чикиб кетибди. Баённомани унинг столига қўяётиб, телефон эшиткисини тушуриб юборди.

Айтгандай, Бек Бўриевичдан бир аҳвол сўраб қўйиш керак. Унинг ишга жойлашиб олганидан беҳабар, дастёрим келиб қолар деб ўтиргандир?

Аламазон Машраб Қосимовичнинг креслосига ястаниб, номер терди. Эшитқидан бегона кишининг товуши янгради.

– Да!

– Бек Бўриевич уйдадилар?

– Бек Бўриевич бирон ой уйда бўлмайди.

– Ҳой, Лакис эмасмисан?

– Ҳа, мен... Ўзларини танимадик-ку?

– Аламазонман. Бек Бўриевич қасрга кетди? Тинчликми?

– Тинчлик. Чолни касалхонага ташлаб келдим. Охири юролмай қолди...

Аламазон эшитқини қўйиб, столни чертганича ўйга чўмди.

Тирикчиликнинг кетидан югуравериб, мана, охири оёқ-нияшдан чиқарибди. Шўрлик майда савдогар... Шошма, шошма, сен ўйлаганчалик майда бўлмаса-чи?

Бас! Ҳаддингдан ошяпсан, йигит. Такси кираларни индамайгина олардингми? Олардинг! Зиёфатларни ямлармидинг? Ямлардинг! Шундай экан, энди жимгина юравер.

* * *

Ҳажвий журналнинг масъул котиби ихчамроқ шеърлардан уч-тўрттасини танлаб олгач, соатига қараб қўйиб, уни ошхонага бошлади. Бу сафар ҳам худди Аламазон ўйлаганидек бўлди: котиб уни чой олишга юбориб, ўзи кабобга навбатга турди.

Доим шунақа қилади – ҳам бир-иккита шеърини танлаб олиб, иложи борица журналнинг яқинроқ сонига тушириб юборади, ҳам қорнини тўйдириб жўнатади. Тўғри, шеър саралашда озгина инжиқлигиям бор: у, асосан, ижтимоий руҳи кучлироқ ҳажвларни ёқтиради. Қанчалар кулгили бўлмасин, мазмуни енгилроқ қораламаларни индамайгина қўлингга қайтиб беради. Кейин қайсидир газетанинг адабий ходими айнан ўша қайтган шеърларни танлаб олади.

На илож, ҳар кимнинг диди ҳар хил бўларкан. «Элликбошига – «Танавор», карвонбошига – қўнғироқ», деб бежиз айтишмаган.

Лекин, тамагир зотининг юз хилини кўравериб жонинг ҳиқилдоғингга келиб юрган пайтда, кимдир сендан бирон манфаат кутмасдан ҳадеб яхшилик қилаверса, юрагинг хит бўп кетаркан. Гоҳида: «Мендан нима истайсиз ўзи?» – деб бақириб бергинг келади. Ахир, беминнат яхшиликнинг ҳам чегараси бўлиши керак-ку! Наҳотки, у Аламазонни сурункали ғамхўрликка муҳтож гўдакка ўхшатса! Нима кераги бор буни? Меҳрибонлик ҳам эви билан-да! (Аяси уни баъзида, «жирракилигингдан сен ношукурга на иссиқ ёқади, на совуқ», деб уришарди).

Улар тушликка барвақт чикиб зап донолик қилишган экан. Сал ўтмай, сомсахонанинг айвонию палов қозонининг атрофи одамга тўлиб, лағмонхона туйнути олдида қошиқ билан қуролланганлар сафи пайдо бўлди. Ялангдаги кабобнинг эса фақат тутунигина кўринарди. Жой қидириш, чойнак-пи-

ёла суриштиришлар бошланди. Лаънати опхоначи фойда кўришни билади холос. Мижозларни хўрламай, чойнак-пиёлани кўпайтириб қўйса, хотини талоқ бўладими?

Кабоб сихининг учидаги кулларни қоғоз парчасида тозалаётган котиб бир вақт эшик томонга бўйланиб, сўзга оғиз жуфтлаганича туриб қолди. Аламазон ўша ёққа боқиб, кўк свитерга жигарранг костюм-шим кийган озғингина йигит бир қўлида палов, иккинчисида нон билан аланглаб турганини кўрди.

– Хў, Акбарали, – ниҳоят овоз қилди котиб. – Келаверинг бу ёққа.

Йигит улар билан сипо саломлашиб, қўлидагиларни столга қўйди. Ягона бўш стулга ўтиргач, «овқат топсанг, жой топмайсан», дея бошини чайқади.

Котиб иккала ёшни бир-бирига қисқача тарзда таништирди.

– Кеча алманахимизнинг сигналнийси келувди, – Аламазонга хушxabар айтган бўлди Акбар. – Сизниям беш-олтита шеърингиз бор эди, чамаси.

Аламазоннинг кўзлари кувончдан порпираб кетди.

– Чикдими алманах?

– Бу дейман, Акбарали, – тегажокликни бошлади котиб, – гулзор кенг бўлсаям, гул олдин кўшнисини кўраркан-да? – Кейин калтабақай бўйнини елкасига қисгудек бўлиб Аламазонга юзланди. – Ҳамюртингни илгариям танирмидинг?

– Энди кўришяпмиз, – Акбарга тикилиб туриб, котибга жавоб қилди Аламазон. – Шеърларингизни кўп ўқиганман, Акбар ака. Менга жуда ёқади.

– Ҳай-ҳай, – котиб туташ қошларини учуриб қўйиб, Акбарга кўз қисди. – Иш бошлаганига икки ҳафта бўлмай туриб, нашриёт редакторига хушомад ёғилиб кетди-ку.

Акбар, бир қарашда, хилвираб тургандек кўринарди. Яхшироқ кузатилса – суяги мустаҳкам, чайирпай, маънос ва оғиртабиатлигига қараганда, ҳаётда фақат ўзига ишонадиган йигит эканлигини сезиб олиш қийин эмасди.

– Ётиш-туришлар қандай бўляпти? – сихда тишини кавлаётиб, Акбардан сўради котиб.

Акбар кулимсираб елка қисди.

– Ўлмагудек шекилли. Ҳозирча бир танишникидаман. Жой етарли-ю... Хотин-халаж бор жойда...

– Бола-чақалар қишлоқдами ҳалиям?

– Тўртта бола билан ижара туриш қийин. Бирон йилда уй беришмоқчи. Чидармиз энди.

– Ҳай, омонлик бўлсин.

Шу лаҳзада Аламазоннинг миясига бир фикр келиб қолди. Аввалига тегажоқ котибдан тортиниб, тилини тийди. Кейин Акбарга иккиланиброқ боқиб деди:

– Агар... кўнглингизга тўғри келса, мен билан тура қолинг. Битта хонада ўзимман. Комендантга айтсам, каравот кўйиб беради.

– Ана! – қутилмаганда котиб жиддий қиёфада бу фикрни маъқуллади. – Жой ҳам топилди ҳисоб. – Сўнг барибир ҳазилга ўтди. – Кўрқманг, Акбарали, Аламазон кечаси чўнтакка тушадиганлардан эмас... Ҳой, мундоқ қараганда, бир-бирларингга ўхшаб кетаркансизлар-да ўзиям.

– Мумкинми, домлалар? – тўрт сих кабоб кўтариб олган такаббур бир зот қаердандир олиб келган стулини Аламазон билан котибнинг орасига тикиштирди.

– Келинг, Раисберди, келинг, – унга энсаси котиброк муомала қилди котиб. – Дунёда нима гап энди?

– Бир экстракласс нарса ёздим, – кабобни ямлаётиб гўлдиради Раисберди. – Адабиётшуносликда шов-шув кўтарамизми дейман-да.

– Каттароқ гапми? – кўзини чақчайтириб, унга яқинроқ эгилди котиб.

– Улкан! Энг муҳими – йилт янги гап!

– Ҳай, эшитайлик бўлмаса.

Раисберди йигитларга шубҳадор қараб кўйиб, котибга «буларнинг оғзи маҳкамрокми ишқилиб», деган маънода саволчан тикилди:

– Гапираверинг, йигитлар ўзимизники, – дея уни тинчлантирди котиб.

– Рисоламдаги сарлавҳанинг ўзи – сенсация!

– Анавини қаранг!

– Яъни, «Навоийнинг илмий-техникага солган асоси!»

Раисберди бир хамладаёқ барча адабиётшуносни бирваракайига ерга қапиштириб ташлаган каби ғолибона қад ростлади. Сўнг, «ё ҳалиям биронта соғи борми», дегандек, ўқрайган кўзларини ғилдиратиб, теваракка ғазабнок аланглади.

– Ҳай, давомини эшитайлик-чи.

– Масалан... ўхув... – Раисберди, Аламазоннинг олдидаги кўйиғлик чойни олиб, безрайганича хўплади, – масалан, Навоийда шундай сатр бор: «Банди-бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз». Хўш, шоир бобо бу гаплари билан нимани назарда тутяптилар? Мабодо, ўша даврнинг пандавақи олимларига, сварка аппарати кашф этиш пайти келди, деб шаъма қилмаганмиканлар?

Котиб Аламазон билан Акбарга қиялаб, «тагин пича токат қиласизлар», дегандек, маънодор лаб жимирди.

– Қизик, Раисберди, жудаям қизик.

Бундан Раисбердининг янада руҳи кўтарилди.

– Ё бўлмаса, иккинчи мисолни олайлик. Буниси энди кўрга ҳассадек қилиб, лўнда айтилган кўйилган.

– Анавини қаранг!

– Бир куни йўл ҳаракати қондасига оид телекўрсатувни томоша қил қолдим. Номи – «Қизил, сарик, яшил». Бирдан юрагим шув-в этиб кетди. Бунини кўрингки, светофор яратиш ғояси илк марта Навоий томонидан ишлаб чиқилган экан. Майпараст Бойқаро бўлса бу муҳим ишга аҳамият бермаган.

– Мундоқ далил-исбот билан гапиринг-да, Раисберди, – уни қиссадан ҳисса чиқаришга шошилтирди котиб.

– Сабр килинг, – Раисберди кабобдан бир тишлаб кўйиб, каптини юқори кўтарди. – Далилимиз етиб-ортади. Агарда Навоийни ғажиброқ мутолаа қилган бўлсалар, телекўрсатув сарлавҳасига шундоққина мос тушувчи бир мисраларини эслаб кўрсинлар: «Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориғ, яшил». Хўш, бу светофор бўлмай, нима?

Улар адабиётшунослик оламини тор-мор қилиш арафасида турган «даҳо»ни таом билан яккама-якка қолдирганла-

рича ташқарига чиқишди. Овқатни беозор ҳазм қилиш учун ҳовлидан имиллаб ўтиб боришаётганда, қокланган сомса-тандирнинг ёнида турган таниш шоирларни кўриб, Аламазон диққатини беихтиёр уларга қаратди.

Иккала қўлини биқинига тираб олган хўппа семиз йигит қаршисидаги бароқ қалпоқли кишига ўқрайганича, куюниб шеър ўқирди:

Эрк оби ҳаётин
 тўғондек тўсиб,
Беўхшов,
 кўндаланг турган бу харсанг
Жаҳон буржуазияси бўлмасин тагин?
Парчалайлик,
 майдалайлик,
 туяйлик уни
Фарҳоднинг пролетарча тешаси билан!

– Айниқса, Фарҳодни қўшганинг қанддек бўлибди, – улардан узоқлашиб бораркан, бароқ қалпоқли кишининг тасанноси Аламазоннинг кулоғига элас-элас чалинди. – Адабиётдаги миллийлик айнан мана шу, аканг айлангур...

* * *

Шаҳар... Бирон зарурат ёки шунчаки сайру саёҳатга келиб-кетувчилар наздида ташки кўринишдан дилрабо ва бегидир бир маскан. Аммо, унда яшай бошлашинг билан, кўп ўтмай, дастлабки тасаввурларинг бирма-бир чиппакка чиқа боради, шаҳар талабчан мураббийдек қаттиққўл, бу ердаги ҳаёт лабиринтдек мураккаб эканини кун сайин чуқурроқ тушуниб етаверасан.

Ялтироқ тугмали забткор шаҳарни яшин тезлигида ишғол этиб, адабий минбарларни санокли кунларда муқим эгаллаб олажагига комил ишонч билан йўлга отланганди. Орадан беш ой вақт ўтмай, унинг иситмаси пасайиб, бевақт алаҳсираганини озми-кўп англаб ета бошлади. Бунинг англагани сари атрофни тобора синчиклаб кузатар, ҳатто, ўзига ҳам ҳушёр тортиб қарашга ўрганаётган эди.

Қанд қутисидаги миνα

Эшак барибир эшаклигига борди — қишлоқдаги обрўли хонадонлардан бирини аҳмоқларча тарк этиб, охурига тап-тайёр солиб туриладиган сара емлардан дашт шўраларини афзал кўрди.

Чол бу фожиадан тунги соат иккиларда, зарурат туфайли ташқарига чиқиб, йўл-йўлакай жониворига бир тутамгина беда ташлаб қўйиш учун оғилхонага кирганида хабар топди. Тез бориб, тўрт хонадон наридан мустақил эшик очган ўғлини уйғотиб келди.

Эшматнинг отаси, етилган вақтларимда саккиз пудгача тош босганман, деб тез-тез мақтаниб тургувчи эди. Қариб, жудаям чўккан бўлса, ана борингки, икки пудни олиб ташлайлик. Шундаям олти пуд қоладими, ахир! Ўн йилча чидаб берди — ўша эшакка минг раҳмат!

— Бу ҳангидан тараган човрани бузиб қочибди, — оёқли сандикдек ўрмалаганича ўғлини томорқа этагига бошлади чол. — Дарров изига туш, ўғлим, бутун бўлса ажабмас. Эрталабгача кирга бориб қолса, бўрилар тақсимлаб олишади.

Томорқа этагидаги деворнинг омочли трактор киргудек жойи бузиб ташланиб, бу ерга кескалдириклар, яъни ипак қуртига кесилган тут новдаларининг қуриган калтакларидан човра-тўсиқ тиклаб қўйилганди. Эшак шуни ағанатиб ўтибди.

Эшакнинг изидан дала тарафга чиқиб келган Эшмат бир-бирига туташ томорқалар билан ўқарик оралигидаги йўлакдан Шерлок Холмсдек ҳар бир шарпага синчковланиб кулоқ тутганича бораверди. Ўн-ўн беш хонадон ортда қолган вақтда «хр, хр» деган товуш таралгандек туюлди. Тўхтаб, кулоғини динг қилди, товуш яна эшитилди.

Ие, Бўтанинг ҳовлисидан келяпти-ку овоз. Буникида эшак йўқ эди шекилли? Вой, ҳароми-ей, анави туйнукка қандай сиғиб ўтдийкин? Келиб-келиб, Бўта қурумсоқникига кирганини қаранг. Эшак-да.

Эртак айтай анқовлар учун:
Эшак ёғди осмондан бугун.
Томни «гурс-гурс» қоқар эшаклар,
Тарновлардан оқар эшаклар.
Ҳосил бўлди улкан эшаккўл,
Ерлар ботқоқ, дов-дарахтлар ҳўл,
Ҳамма жойда кий-чув, қийкирик...
Битта мен – жим, кийимим қурук.

Эшмат деворга бўйланиб, ичкарига овоз қила бошлади.

– Ма, жонивор, ма...

Томорқа ёқда нимадир шитирлагандек бўлди, Эшматга янаям жон кирди. Отаси билан бир ҳовлида турган пайтларида охурга ем солиб, чўзиб-чўзиб хуштак чала бошласа, эшак дунёнинг у бурчагида юрган бўлсаям, шаталоқ отганича етиб келарди. Энди ўша усулни қўллашга тушди. Натижа чиқавермагач, бориб девор остидаги туйнукка калласини тикди, тун жуда куюк бўлгани учун кўзи ҳеч нарсани илғай олмади. Яна чўзиб-чўзиб хуштак чалишга киришди.

Бўтавой мевали дарахт кўчатлари ўстириб сотиш билан шуғулланиб турарди. Қалин экилган ўша кўчатлар оралаб келаётган қандайдир қора шарпа туйнук сари яқинлашаётгандек бўлди. Эшмат ерни саратон кўнғиздай таталай-таталай, туйнукдан аранг ўтиб олгач, шарпага қараб чўзик хуштак чалди.

– Келакол энди, келакол... хушт-хушт...

– Мана сенга!

Қора шарпа кўчатлар ичидан ўкдек отилиб чиқиб, унинг қорнига тепди-ю, чаққонлик билан устига миниб, кўйлагининг ёқасини ғижимлади.

– Бемаҳалда кимни чақиряпсан, номард?

– Эш... эш...

– Эшматлигингни кўриб турибман. Кимни чақирётувдинг?

– Эш... эшакни...

– Нима?! Ўзинг эшаксан, ғаламис!

Эшмат ётган жойида воқеани тушунтириб бергунича, яп-янги кўйлагининг бир қисми аллақачон дабдала қилиб бўлинган эди.

– Шунақа экан, эшикдан кириб келсанг ўлармидинг, тўнка? – Бўтавой ўрнидан туриб, шимидаги тупроқларни кока бошлади.

– Ҳо-о-й, тинчликми? – молхона ёнидан минғирлаган товуш келди.

– Тинчлик. Бор, дўппимни опчик, – деб шанғиллади Бўтавой. Кейин Эшматга юзланди. – Майли, эшагингни бирга ахтарамиз.

Келинчак дўппини олиб чиққач, ингичка Бўтавой биринчи бўлиб туйнукдан ўзи ўтди. Эшмат инкиллаб дўнқайганича тешикка бош тикқан онда «тар-р-р» этган овоз эшитилди. Келинчак дарҳол четга юз буриб, ташқи томонга югургилаб кетди.

Бўтавой уни ташкарига тортиб олган чоғда Эшмат кетини секин пайпаслаб кўрди. Шимининг чоки бир қаричча сўкилиб, ичидаги шалвирок оқ иштони қуённинг думидек осилиб қолганди.

Кўп ўтмай улар даштга чиқиб олиб, атрофга аланг-жаланг бокиб бораверишди. Эшмат ора-сира чўзиб-чўзиб хуштак чалар, теваракка диққат билан қулоқ соларди.

– Ҳе, аттанг, – дея сонига шاپиллатиб кўйди у, – Аламазон ёнимизда бўлса, тезда чора ўйлаб топарди.

– Ҳалиям дайдиб юрибдими у муттаҳам? – минғирлади Бўтавой. – Уччига чиққан ғирромчи эди. Бир куни дарахтга тош отувди, қайтиб тушиб, бошимни ғурра қилди. Шунда, «кечир» дейиш ўрнига, «нимага физикани ўқимайсан», деб бўғзимга ёпишса бўладими. Мен хомкалла аччиқ устида, «беш»га биламан ўша физикангни, деворибман. Ана энди бошимга бало ёғилди-ю. «Ёрнинг тортиш қонунини ўқиганакансан, қайтиб тушиши аниқлигини била туриб, нега тошимнинг тагига атайлаб тумшуғингни тикдинг», деб саваламоқчи бўлди-я.

Эшмат яна беихтиёр кетини сийпалади.

– Тўғри, жирракилик қиладигон одати бор. Аммо-лекин, фаросати анча баланд.

Қаердадир эшак хангради. Иккаласи тенгдан типирчилаб қолишди.

– Бу ёқда! – Бўтавой адир тарафни кўрсатиб, Эшматни ўша ёққа бошлади.

Бир маҳал олдиларида баланд девор пайдо бўлди – нақ олти пахса. Эшмат лоҳасланганича ҳуштак чалиб қўйди. Ҳуштак тўхтаб-тўхтамай, деворнинг шундок орғида эшак хангради.

– Бизники! Нон урсин, Бўта, бу отамнинг эшаги!

Иккаласи пахсага бир-бир тирмашиб кўришди. Бўлмади. Чаққон Бўтавой Эшматнинг елкасига оёқ тираб, жон-жаҳди билан юкорига интилишидан ҳам наф чикмади. Қайтанга, Эшматнинг оёғи тойиб кетиб, иккаласиям қаттиккина лат еди. Охири нарироқдаги каттакон харсангни, ҳар ағдарганда бир мартадан дам олиб, зўр-базўр юмалатиб келишди, девор остига жипслаб тирашди. Эшмат тошнинг устига, Бўтавой қайтадан унинг елкасига чикди ва бу сафар бир сакрашдаёқ пахсага осонгина миниб олди.

– Тушиб, тезроқ эшакни ушла, – наstdан буйруқ қилди Эшмат.

Бўтавой гурс этиб ўзини ичкарига ташлади. Ерга қўни-бок, қурумга қўшилиб ётган кўмирдек, қоронғида зўрға кўзга чалинаётган қора эшак сари юрди. Эшак нотаниш кимсадан ҳуркиб, қоча бошлади.

Деворга суянганича нафас ростлаб турган Эшмат йигирма қадамча наридан Бўтавой эшак қувалаб чикканини кўриб, «ие-ие» деганича «думи»ни осилтириб ўрнидан кўзгалди. Энди югур-югурга навбат келди. Эшакни бир амаллаб тутиб олишгач, пойгачидек хансираб туришаркан, Бўтавой бирдан даштни бошига кўтариб кулишга тушди.

– Бу кўрғонни болаликдан кўриб юрардик-ку, каллава-рам! Ҳи-ха-ха, хи-ха-ха...

Ҳа-я! Бу – ўша ташландик кўрғон-ку. Ҳамма жойи буткул нураб тушганига қарамай, бир қисмидаги ўттиз одимча келадиган девор хануз бус-бутун сақланиб қолганди.

Эшмат йигламсирашния, кулимсирашния билмай, юзи асабий пирпираганича туриб қолди.

— Айтдим-ку, Аламазоннинг йўқлиги чатоқ деб. У бўлганида, олдин деворнинг у ёқ-бу ёғини қараб кўрарди.

* * *

У ёқда Эшматнинг отаси қўшнилардан уч-тўрттасини йиғиб, жонажон эшаги соғ-саломат кайтиб келганини суюнчилаб чойбазм қурган махали, бу ёқда Аламазон аллақачон дастурхонни йиғиштириб, муҳим бир юмушга киришиб кетганди.

Чапани ҳамхонаси костюмдан узиб олинган ялтироқ тугмаларни энди қўшчўнтакли кўйлагининг погончасига қадаётганини кўрган Акбар ўзича кулиб кўйди. Бу ерга кўчиб келган дастлабки кунларда Аламазон ярим соатча уриниб, худди шу тугмаларни кўрткадан костюмга кўчирган эди.

— Бу тугмалар погончага катталиқ қилмасмикин, бичиқчи?

— Чиройли нарса кўзга ташланиб тургани яхши, — деди Аламазон ва нонуштадан буён каравотга ағанаб олиб, Гётендан ақл ўрганаётган Акбарга зимдан бир қиялаб кўйди.

Қизик! Ким биландир йиллаб бир маҳаллада яшайсан-у, оламда шунақа одам ҳам борлиги уни кўрганингдагина эсингга тушади. Акбарнинг эса бу хонага кўчиб келганига бор-йўғи бир ойча бўлди, аммо унинг хусумат ва тушқунликдан буткул бегона қиёфаси Аламазоннинг қалбига абадий муҳрланиб қолгандек эди.

— Илгариям танирмидилар Гётени? — унга халақит бергиси келмаса-да, ҳозиргина ўзи гап ташлаганидан фойдаланиб, суҳбатнинг кулини қовлади Аламазон.

— Сенчалик яқин бўлмаганман, — китобдан кўз узмай кесатди Акбар. — Лекин, меням сендан битта устунлигим бор, Гётенинг «Ҳофизга» деган шеърини ўқимасимдан илгариям Шарқда шунақа зўр шоир ўтганини билардим.

— Ана, Гёте Ҳофизни ўқибди-ку, — Аламазон рақиб «замбарағи»ни унинг ўзига қаратиб буришга интилди. — Ижодкор одам чет эл адабиётини чуқур ўрганиши керак.

Акбар энди Аламазонга ўгирилиб, астойдил ёнбошлаб олди.

– Тўғри, Гёте Ҳофизни ўрганган. Факат Франкфуртдаги минорадор кўприкнинг қачон қурилгани-ю, ким қурганигача билиб олганидан кейин.

– Хўп дедик-ку, – гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди Аламазон. – Бундан кейин Ғарбга камроқ тақлид қилсак, қутуламизми?

Аммо, Акбарнинг юзидаги жиддийлик сақланганича қолаверади.

– Шунини билгинки, Аламазон, Ғарбдагиларга ўзларидаги буюкларнинг дублёрлари керак эмас. Улар сендан – гапингдан, киёфангдан, шеърингдан фақат Шарқни ахтаришади. Ҳалигача «Бобурнома»ю «Шоҳнома»ни қайта-қайта нашр қилиб ётишибди.

– Ҳа, хўп, биз Ғарб адабиётидан мушоҳада, услуб ахтараямиз дейлик, – бўш келишни истамади Аламазон. – Хўш, ҳозир ўзлари Гётедан нимани қидирыптилар?

– Ғарбдаги одамларни. Улардаги турмушни, тутумни Машрабнинг томидан кузатиб кўрмоқчиман.

Ўзгаларни доим гап билан мот қилишга ўрганиб қолган Аламазон дастлабки пайтларда Акбарнинг ўта баландпарвоз туюлувчи фалсафаларини ҳазм қилолмай жириллаб юрди. Кейин аста-секин кўника борди, ўзини юпантириш учун бундай хонаки баҳсларни шунчаки ади-бади сифатида қабул қилишга тиришадиган бўлиб қолди. Тиришишга тиришарди-ю, лекин юрагининг аллақаерида мағлубият аламига ўхшаб кетувчи кичкинагина бир жароҳат барибир алламаҳалгача жизиллаб тураверарди.

Алам қилса, ўзидан кўрсин. Нима, Акбар мен билан баҳслашасан, деб унинг бўйнига осилиб оляптими? Ҳар сафар гапнинг ўчоғини биринчи бўлиб Аламазоннинг ўзи қовлаштиради, охири қулдан чўғ чиқиб, қўлини қуйдириб олса, жиззакилиги қўзийди.

Узокқа бориб ўтирмай, кечаги гапларни олайлик.

Аламазон газетадан Акбарнинг туркум шеърларини ўқиб, фикр билдиргиси келиб қолди. Олдинига гапни биноийдек бошлади:

– «Инкилоб шоири» деган шеърингиз зўр чиқибди. Ҳам-
зами бу?

– Тушунганингча тушунавер.

– Айниқса, мана бу жойи...

Тикилавер ажалга бардам,
Яралгансан қурбон бўлмоққа.
Ахир, сени ўлдирсалар ҳам,
Кўмиласан она тупроққа...

Аламазон шеърни ўқиб бўлиб, муаллифнинг юз ифода-
сидаги мамнунликни кўрмоқчидек Акбарга қаради. У эса ҳо-
зиргидай каравотга чўзилиб олиб, хаёлга чўмганича шипга
термилиб ётарди.

Шеърни эшитдимми ўзи бу? Нима бало, шунча меҳнат бе-
корга кетдимми дейман?

Бир вақт хайкалдан садо чиқиб қолди:

– Она тупроқ нималигини ҳеч ўйлаб кўрганмисан?

Аламазон, «наҳотки хонада биронта боғча болаям ўтир-
ган бўлса», демоқчидек, ён-верига аланглаб қўйди.

– Ҳазиллашяпсизми?..

– Томорқангнинг бурчагидаги бегона ўт босган ер билан
гаплашмагансан, демак.

– Ўшандақа ер мабодо ўзларига бирон нарса демаганми-
ди? – дея пичинг отди Аламазон.

Чамаси, мана шу жойда Акбарнинг қитиғига қайтадан
тегиб қўйди.

– Деган! – гўдакнинг хуружига парво қилмаётган отадек,
сокин сўзлашда давом этди Акбар. – Сенда ҳамиёт борми,
деган... Яна бир жойда йиғлаб турган тупроқни кўрганман.
Кимлардир майсазорда гулхан ёқиб ўтган экан, атроф кўм-
кўк, битта ўша жой даштдек тап-тақир. Қуйик тупроққа қў-
шилиб мениям йиғлагим келди. Кейин билсам, худди ўша
бир қулоч ер менинг она тупроғим экан...

– Қолгани меникими? – ҳозир буни ўзиям унча истама-
ган ҳолда, барибир яна Акбарнинг жиғига тегишга уринди
Аламазон. – Унда, бой бўп кетаман-ку.

– Аксинча, – деди Акбар ўша босиқ оҳангда, – сен жуда қашшоқсан, Аламазон. Биламан, сенинг ҳатто, ўз чумолиларинг ҳам йўқ. Менинг қишлоқдаги чумолиларим ҳар йили қишда печка тагидан чиқиб келишади, уларга нон уватиб бераман. Улар қишда битта менга таяниб яшашиди. Ҳаммасини битта ўзим боқаман.

Юрагининг аллакаери янгитдан жизиллаётгандек туюлиб, Аламазон чап кўкрагини аста силаб кўйди. Ё «қашшоқсан» деган гап дилига оғир ботди, ё шу вақтгача ўз чумолиларига эга эмаслиги унга чиндан ҳам алам қилди.

Хонага кўшимча каравот кўйилибдики, ҳар куни аҳвол мана шу – гурунғ, гурунғ, гурунғ... Буларга на сарлавҳа кўйиб бўлади, на жанрини белгилай оласан...

* * *

– Қизлар масаласига, тахминан, қандай қарайдилар?

– Қўрқаман улардан. Ўйинни ўзлари бошлашиб, кейин ўйинингни масхаралаб юришади.

– Кўп масхара қилишганми?

– Икки марта.

– Бор-йўғи-я?!

– Бу жуда кўп, Аламазон!..

* * *

– Йўқ, кейинроқ ўтдим газетага, олдин уч йилча колхозда ишлаганман. Томорқа олишим керак эди.

– Ўқиш-чи?

– Сиртдан битирганман сенга ўхшаб... Сиртки студентни ҳеч ким эмизмайди, шишага сут қуйиб қўлига тутқазиб кўйишади.

* * *

– Сиполик... керагидан ортиқроқ-да сизда.

– Кечирасан-у, сени мактабдан ҳайдашмаганми?

– Ҳамма чиғириқдан ўтганмиз-у, бу даражага бормаганмиз.

— Мени саккизинчи синфдан ҳайдашган. Ўқишим ёмон-лигиданмас, хулқинг бузук деб ҳайдашган. Икки йил узоққа қатнаб ўқиганман.

— Энди мулла бўп қоптилар-ку?

— Охири тақдирга тан берибсиз-да, демокчимисан? Илгарилари ўзим ҳам иродалилар билан мутеларнинг фарқига бормасдим. Кейин билдимки, жанжаллашиб эмас, курашиб енгиш керак экан...

* * *

— Бу чалкаш дунёда биров нотўғри танқид қилишиям мумкин, биров ошириб мақтаворишданам қайтмайди. Қанақа шоирлигингни аниқ билолмай ўтиб кетаркансан киши.

— Буни билиш осон, Аламазон. Пайти келиб, кимлардир сенга озми-кўп даражада тақлид қилаётганини сезмасанг, ишончинг комил бўлсинки, ғирт бўлмағур шоир экансан...

* * *

— Тўғри, Тошкентга илгарироқ келсам, ёмон бўлмасди. Укаларимни уйлаб-жойлаш кўп вақтимни олди. Бир томонда — ўзимнинг рўзгорим.

— Нима, дадангиз...

— У киши мени уйлантирибди вафот этганлар.

— Шеър ёзишга зап вақт топган экансиз-да, Акбар ака.

— Бунақа шароитда вақтни дўстларинг билан улфатчилигингдан, чойхоналардаги ошхўрлигингдан, тақлиф этилган тўйларингдан, ўқимокчи бўлган китобларингдан, саёҳатсиз ўтган отпускарингдан, суҳбатингга ташна онангдан, меҳрингга чанқоқ ўғлингдан ўғирлайсан. Буям етмаса, уйқунгдан имкон қадар кўпроқ юлиб, кўшаверасан, ўзинг ўзингни талон қиласан... Вақтни топса бўлади, жудаям қийинмас...

* * *

— Сенга қараб кечаги кунимни кўраман, Аламазон. Зўрман дердим-у, ғўрман демасдим. Ўжар ёшлигимнинг ўзгинасисан...

* * *

— Нимагаки эришган бўлсам, саховатли одамларнинг ёрдамига таяниб эришдим. Қарзим жуда кўп, ҳали уларни узишим керак.

— Балки ўсишингизни билишгандир...

— Улар мендан бирон манфаат кутаётганини сира сезмаганман. Сезганимда, ҳозир буни сенга «яхшилиқ» деб таърифлаб ўтирмасдим...

* * *

— Ҳаётга намуноча жирракилик билан қарайсан? Маслаҳатим шуки, ўпкангни босиб ол, Аламазон. Бу... ёзаётганингдаям асқатиб қолади.

* * *

— Саркит — ахлатдек бир гап. Кўрдингки, турибди. Шартта тўплаб ёқвориш керак, вассалом.

— Чиқинди одам ахлатдан фарқ қилади, Аламазон, унда ота-она, ака-сингил, бола-чақа бор. Уларни ёқвориб бўлмайди, фақат четрокка супуриб қўйиш мумкин. Агар эзгуликнинг йўлида буткул «ёқиб» юборсанг, эзгуликка аввалгиданам кўпроқ душман орттирасан. Болалари сени ҳеч қачон кечирмайди. Кечирсаям, фақат тилида кечиради, дилида эмас. Дунёда ота ўрнини боса оладиган нарсанинг ўзи йўқ...

* * *

— ...шўрлик охири жинни бўп қолди.

— Бекорни айтибсан! Ҳеч ким жинни бўлмайди, уни жинни қилишади.

* * *

— Сизникига ўхшаб мениям китобларим чиқармикан?

— Болалигимда уйимизга келган меҳмонга худди шундай ҳавас қилардим. Наҳотки, қачондир менгаям ишониб, олдимга бир ликоп шоколад қўйишса, деб ўйлардим.

* * *

– Айтгин-чи, тулкини тулки қилган нарсa нима? Бўрининг кучлилиги-ю, куёнининг югуроклиги эмасми?..

* * *

– Шеърларим анави галварсдан яна қайтди.

– Жуда лофчимиз-да, Аламазон. Шеъримизни гоҳ фарзандим, гоҳ севгилим деймиз-у, қайтиб келса хафа бўламиз...

Шунақа! Бу Акбар дегани нақ тригонометриянинг ўзи – тушунмиш ниҳоятда қийин, ичи тўла жумбоқ. Гўё хонага битта кўшимча каравот билан икки киши келиб жойлашгандек туюлади гоҳида: биттаси – босиқ ва меҳрибон, иккинчиси... Буниси анча хавфли, тили билан чақади. Ўзингни баъзан ичига мина яширилган канд қутиси ёнида яшаётгандай ҳис қиласан...

Аламазон тугмаларни қадаб бўлиб, кўйлакни шу заҳоти эгнига илди, ўзини шифонер ойнасига солганича тараниб-безанишга тушди.

– Шоввоз мичман якшанбани қаерда ўтказмоқчи бўляпти энди? – дея ингичка погончадаги ялтироқ тугмаларга писанда қилди Акбар.

– Ҳозирча курс ўттиз градус шимолроқдаги бекатга. У ёғини об-ҳавога қараб ўйлаб кўрамиз.

– Менимча, – Акбарнинг кўзларида ички табассум порлади, – ҳавоси энг очиқ жой Шайхонтохур бўлса керак...

Гулзорларга, боғларга
Бўйлаб ўтаман.
Дилим куйган чоғларда
Куйлаб ўтаман.

Бор шавқимни қизларга
Қиламан тортиқ.
...Кампиржонлар, сизларга –
Тилайман ҳордиқ.

Рансбердининг тақризи

Ёзги сессиядан барча имтиҳонларни кетма-кет нокаут қилиб қайтган Аламазон бугун барвақт ишга келди. Биринчи галда «ўнг қўл вазири»ни топиб, тўғаракдаги ахволни суриштирди. Сўнг Машраб Қосимович «жиян»ни қувонтирмоқчи бўлдимиз, «бу ёғиниям бир кўриб қўйинг», дея уни битиш арафасида турган спорт залига бошлаб борди.

– Яқинда бир қоғоз келувди, – баланд тирама нарвон устида залнинг шипига чироқ ўрнатаётган йигитга тикилиб, сўзида давом этди «шеф». – Кузрокда шаҳар биринчилиги ўтказилармиш. Боксдан. Шунга қатнашишимиз керак шеклли.

– Қатнашамиз! – Аламазон мулоҳазалаб ўтирмай, ишонч билан бош ирғади.

– Ишқилиб, шарманда бўлмаймизми?

– Камида учинчи ўринни оламиз. Жуда бўлмаса, рингга ўзим чиқаман.

Машраб Қосимовичнинг қувончдан оғзи қулоқларигача ёйилди.

– Бу энди бошқа гап. Жуда соз бўларди-да. Агар учинчи ўринни олсанглар, ҳаммангларга меҳнат зарбдори нишонини берамиз...

Аламазоннинг қўли сира ишга бормаётганди. Спорт залининг икки-уч ҳафтадан кейин фойдаланишга толпирилиши ҳақидаги хушхабар ҳам, «вазир»нинг «шу кетишда йигитларимиз Рискиевгача етиб боришади ҳали», деб айтган кўтаринки гаплари ҳам негадир унинг юрагини баттар ғашлантираётгандек эди.

«– Ундан кўра, заводга ишчи бўлиб киравермабсан-да. Бировларни лақиллатиб узоқ кун кўриш қийин, Аламазон».

«– Баҳонада ёшларга тўғарак очиб бердим. Ёрдамчим – ҳақиқий боксчи, машғулотларни бинойидек олиб боряпти. Йигитлар жуда хурсанд. Бунинг нимаси ёмон?»

«– У ерда ортикчалигинг ёмон».

«— Четдан караганда, Акбар ака, раҳбарлар доим ортиқчага ўхшаб кўринади».

«— Сен тайёрхўрликни раҳбарлик билан адаштирма...»

Эшик ғижирлаб очилиб, Аламазоннинг хаёли бўлинди. Кутубхоначи қиз хонага ийманибгина бош сукди.

— Телефонга чақиришяпти, Аламазон ака.

Рўпарадаги кутубхонанинг телефон номерини у фақат икки кишига берган эди — Акбарга ва Бийронга. Қайси бири бўлди экан?

— Эшитаман.

Эшитқидан Бийроннинг товуши таралди. Салом-аликдан сўнг, «мабодо, шанба куни институтга қидириб келмаганмидингиз», деб сўради.

— Сизни кимдир машинада олиб кетган куними? — кесатди Аламазон.

— Ай-яй-яй, — одатдаги эркаликни бошлади Бийрон. — Битта землячкамни никоҳдан ўтказдик. Акаси мени олиб кетди машинада...

Суҳбат узокқа чўзилмади, Бийрон танаффус тугаб қолаётганини пеш қилиб, шоша-пиша хайрлашди. Аламазон эшиткини қўйиб, нохуш кайфиятда стулга ўтирди.

Нима бўляпти ўзи бу қизга? Учрашувдан гап очсанг, юзта баҳонани тахлаб туради. Учрашганда ҳам ўзини бошқачароқ тутадиган бўлиб қолди. Қувноклиги, ҳазилкашлиги гўё ўша-ўша, фақат муомаласида самимийлик етишмаётгандек. Баъзан ниманидир айтмоқчи бўлади-ю, тили тутилиб, гапни тезда бошқа ёққа буради. Аламазон эса ҳар гал ўзини ҳеч нарса билмаганга солиб тураверади.

Нимадир тап этиб ерга тушди. Кутубхоначи қиз полда ётган китобни олаётиб, юзлари дув қизарганча Аламазонга қиялаб қараб қўйди.

— Бугунги газеталар келмадими ҳали?

Қиз бир неча газета-журнални олиб келиб, секингина Аламазоннинг олдига қўйди. «Мана, энди тикмоқчи бўп турувдим», дея, уятчанлик билан бошини бир ёнга ташлаб, паст товушда сўзлади у.

Аламазон газеталарни бир-бир варақтаб, саҳифаларни тезгир кўздан кечира бошлади. Навбат шаҳар газетасига келганда, охирги бетдаги мақолага диққат билан тикилганича туриб қолди.

* * *

Хонага шитоб билан кириб келган Аламазон туфлисини апил-тапил ечди-ю, гўё редакциядаги маданият бўлими мудирига эътироз билдираётгандек, кўлидаги газетани Акбарнинг олдида отди.

– Ана, Раисбердингиз қилган иш, – дея тўртинчи бетдаги мақола устига калтининг орқасида уриб қўйди.

– Раисберди Тўқмоқовми? – газетани столдан олаётиб сўради Акбар. – Нега энди у меники бўларкан?

Ҳамхонаси адабий алманах ҳақидаги тақризни ўқишга киришган чоғда Аламазон аввалига гудранганича у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, сўнг ковок уйиб каравотга ўтирди.

– Яхшилаб қаранг-а, Акбар ака, – шериги мақолани ўқиб бўлишини кутиб ўтирмай, жириллай кетди у. – Редакцияларда, нашриётларда ишлайдиган шоирларни қаторасига мақтаб ўтибди. Калтакка қолган мен билан анави ўқитувчи киз ҳолос. Гапида озгина мантиқ бўлсаям, ўпкалаб ўтирмасдим. Мен ойдан гапирсам, у ўроқдан келганини кўрмайсизми?

Акбар индамай, мутолаада давом этди, фақат тақризни ўқиб чиққандан кейингина газетани столга ташлаб, Аламазонга юзланди. Аламазон эса унинг фикр билдиришига имкон бермай, жабрдийдаларча арзи ҳол қилди:

– Тагин туппа-тузук газетада босишибди-я. Нима, матбуот эрмакми буларга? Танқидчиликда бурд деган нарсa қолганми ўзи?

– Биринчидан, ҳарқалай, матбуот эркинлиги деган гап бор, – одатдагидек босиқлик билан сўзлашга киришди Акбар. – Иккинчидан, Раисберди – бу... танқидчилик дегани эмас. Энг муҳими – ўзинг доимо виждон билан ёз. Ёзгин-у, танқидчиларниям виждонига қўйиб беравер.

– Виждонмиш! – қўл силтаб қўйди Аламазон. – Агар шу Раисбердини...

– Яна қайтариб айтаман, – дея Акбар унинг сўзини бўлди, – Раисберди – бир шахс холос. Танкидчиликни бўлса, худди адабиётга ўхшаб, кўпчилик яратади. Ана шу кўпчиликнинг энг истеъдодли, энг ориятли қисми уни ҳақгўй қилади, жозибасига жозиба қўшади, бойитади.

Аламазон тиззаларига шапиллатиб уриб, ўрнидан туриб кетди.

– Нега унда ўша ориятли қисм биринчи бўлиб фикр билдирмади? Чунки, улар туяда боришаётган бўлса, булар... – у бармоғини газетага бигизлади, – отда чопишяпти.

– Чопса чопаетгандир, – бепарво жавоб қилди Акбар. – Гап қайси карвон маррага биринчи бўлиб боришида эмас, нимани олиб боришида.

Аламазон чуқур ҳомуза тортиб, яна каравотга ўтирди.

– Хўп, мени кўйиб турайлик. Яқинда битта ёш драматургнинг болаларга ёзган пиесасига тақриз босилди.

– Ўқигандим...

– Спектаклиниям кўрганмисиз?

– Кўрганман. Менга ёқди.

– Раҳмат сизга, – бош кимирлатиб қўйди Аламазон. – Бир танкидчи униям боплаб пўстагини қокди. Жуда номдор, унвондор танкидчи.

– Ўша номдор олимнинг ҳозирги танкидчиликдаги мавқеини бир чамалаб кўрсанг, бунака куюниб ўтирмасдинг. Шунча тер тўкиб қурган девори кўзининг тириклигидаёқ нураб бораётганини ўзи кўриб турибди. Бу ҳол кимни даҳшатга солмайди? У шўринг қурғур ўша деворига куйиб-пишиб тиргак ахтаряпти. Майли, ахтарса ахтараверсин. Барибир, тиргак дейилганда вақтинчалик нарса тушунилади.

– Гап чалғиб кетди, – фикри чалкаша бошлаган Аламазон иккала кўлини кўтариб, пешанасини тириштирди. – Тўғриси айтинг, Раисбердининг фикрига қўшиласизми, йўқми?

Акбар мулоҳазаланганича бироз туриб қолди.

– Умуман... баъзи жойларда анча оширворибди...

– Демак, баъзи гаплари тўғри. Шунақа демокчимисиз?

– Масалан, «сохта дабдаба», «тақлидчилик аломатлари», «интимликка берилиш» деган таъналарида жон бордек, – бу

сафар дангал гапирди Акбар. – Раисберди Тўкмоқовнинг нўноқлиги шундаки, кўнгли сезган нуқсонларни мақолада тўғри ифода қилолмаган, гапига сени ишонтиролмаган.

– Унақа бўлса, ўзлари ишонтира қолсинлар, – жириллашдан тийилиб, энди кесатикқа ўтди Аламазон.

Улар асосий харажатни дам олиш кунлари бозордан бир-галашиб қилишар, кундалик юмуш – нон олиб келиш, овқат пишириш, чой дамлаш, идиш ювиш эса навбатчилик асосида олиб бориладди. Бугун Акбарнинг гали эди. У ошхонадан кастрюлни кўтариб келиб косаларга овқат сузиши биланок, Аламазон шаҳар газетасининг мавжудлиги-ю, унинг Раисберди исмли муаллифи бўлганиниям паққос унутиб юборгандек, берилиб тановулга киришди. Ўз тили билан айтганда, «тирикчилик маросими» даврида деярли орага гап қўшмади, фақат бир марта астагина пўнғиллаб, серкепак макаронларни ҳам гоҳида тақриз қилиб туриш кераклигини қочириқлаб ўтди.

Косалар қоқланиб, навбат чойхўрликка келганида, Акбар: «Ҳа, айтгандай, манавилар сенга экан», дея унга иккита хат узатди. Аламазон уларни хали қўлга олмасданоқ дарҳол таниди – биттаси Арабистондаги тоғасидан, иккинчиси – Эшматдан. Тоғасининг дастхати кўпроқ лотинча ёзувни эслатади. Эшматники эса хитойча ва русча ҳарфларнинг қоришмасига ўхшаб кетади.

Аламазон биринчи бўлиб Эшматнинг хатини очди.

«Асаломув алейким. Мана шу соғинип ёзган мактуфим етип малим бўлсинкий, эски ошнам Аламазонга Эшматвўйдан деб биласизлар.

Бизди сўрасанг соқ-саламатмиз. Мен ўйнап, кулип ишляппан. Хотиним вахтинчалик уйда. Яна бўғоз бўлди. Ўғлим Тошмат десанг, полвон бўлип юрипти.

Адрисингди аянгдан олдим. Уйингдаги бари одам омон, эсон. Аянг менга ариза қилдикий, қатта ишлап юрганини ёзмапти деп. Ие, не дидим. Бўлмасам ўзим сўрап билайин дидим. Менга rossini айтмаса, кимга айтади дидим. Тўғри гапириппанми?

Аламазон ошна, очиг айтавур, қатта ишлап турипсан? Газетдами, жўрнолдами? Азизадан сўровдим, радийўда бўлса керак дийди. Радийўда оввол гапирип юрган, энди жимип кетти, кўтарилгандур дидим. Тўғри гапириппанми? Азиза кўтарилса кошкийди деп хурсан бўлди. Сени севиپ қолган шу қиз. Аниғ бу.

Райисимизга келип бир оғиз шипшитмадинг-ку, ошна. Матасекилим ўшандай эскисича юрипти-ку. Шуми оқибат? Бир келип кетгин. Ўзим купернўй вағўнга белат оббераман.

Ундан олдин қатта ишлап юрганингди менга очиг ёзип жўнат. Аянгди кўнглини тинчитай.

Сенга бахту шаҳодат, ижотингга муваққат тилап қоладигон ошнанг Эшматвўйдурман. 6 ийўн».

«Азизани хатгаям тикиштириб ўтибди, – ўйлади Аламазон. – Йўқ, Юлдузистондаги дилкаш Хазина бу эмас, бу – бошқа қиз».

Энди тоғасининг мактубини алоҳида мамнуният билан қўлга олиб, ажнабийча конверт четини шошилмай йирта бошлади.

Азиз тоғажониси! Суянган тоғи! Фақат угина Аламазонни доим тўғри тушунарди, далда берарди, кўнглини кўтарарди...

«– Рўзғордаги камчилик тугамайди, опа. Аламазонга кўп зуғум қилаверманг. Кўнгли тусаяётган экан, майли, ёзаверсин. Ўқишга кираман дептими, ўқийверсин. Мана, ўзингиз биласиз, мен ҳам қийналиб ўқиганман. Ёмон бўлдимми?»

«– Сени йўригинг бошқа, укажон. Ишинг – кони савоб, касал одамларни тузатасан».

«– Агар ҳақиқий шоир бўлолса, буям одамларни тузатади. Менданам яхшироқ, менданам кўпроқ тузатади».

Эҳ, тоғажониси-я! Келиб-келиб, Аламазоннинг оғир кунида хорижга кетиб қолганини қаранг. Шу ерда бўлса, ҳар сафаргидек унга тўғри маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатмасмиди? Жияни бу ёқда қолиб, узоқ-узоқларда бошқаларнинг ташвишини қилиб юрибди тоғагинаси...

Аламазон хатларни ўқиб битиргунича Акбар дастурхонни йиғиштириб, кўкиш клеёнкани тозалаб артди. Сўнг кути устидаги қоғоз папкани олиб, столга тирсакларини тираганича кимнингдир кўлёмасини титкилашга киришди.

– Китоб бўладиган нарсами? – конвертларни стол четига ташлаб, сўради Аламазон.

– Йўк, редсоветда кўрамиз буни.

– Бу канака ташкилот бўлди яна?

– Нашриётларда шунақа тартиб бор, – нохуш бокиб, изох берди Акбар. – Ноширлар бирон-бир кўлёмма ҳақида кўпчиликдан фикр олишни лозим топишса, уни бошқа адибларга, адабиётшуносларга ўқитиб кўриб, охири таҳририят кенгашида муҳокама қилишади.

– Айтдим-ку, – ўз фикрида қолди Аламазон, – буям бир ташкилот-да.

Акбар бошини икки қапти орасига олганича қайтадан ишга шўнғиди. Қўлидаги қалам билан айрим варақларга қандайдир белгилар кўяр, баъзи шеърлар устида эса узоқроқ тўхталиб, қоғоз ҳошиясига шоша-пиша нималарнидир ёза бошлар эди.

Аламазоннинг журналдан қайтган туркум шеърлари ёнига ҳам адабий ходим айнан шу тарзда ажи-бужи жумлаларни ёзиб ташлаганди. У дераза тоқчасидаги ўша шеърларни олиб, энди хотиржам кайфиятда такроран кўздан кечиришга тушди.

...Ухлаб ётар бир пари
Ярадор оқ каптардек.
Сир сакларди кўзлари
Очилмаган хатлардек...

Саккизликдаги худди шу банднинг ёнига иланг-биланг чизик тортилиб, ҳошияга қалам билан «Нега ярадор? Қанақа сир?» деб ёзиб қўйилган эди.

Куйканак шам кўзёш тўкар,
Титраб-титраб йиғлар шам.

Пиликларга армон чўкар,
Ушалмаган орзу ҳам...

«Шамни йиғлатиш Отоийлардан қолган эски гап. Ўша пайтларда шам курғур йиғласа йиғлагандир. Ҳозир XX аср!»

...Сизсиз ёлғиз ҳамдардим,
Бордир афсус эрингиз.
Садақага ўхшайди
Шафқатингиз, меҳрингиз.

«Тепадаги бандлар анча бўш. Охиргиси суюк».

Ўлдиради!
Тамаки – захар,
Чекма, дединг, қулоқ солмадим.
Чунки, уни чекмасанг агар
Ўлмайсан деб айта олмадинг.

«Барибир қачондир ўласан, мазза қилиб чекавер, оғайни,
демокчимисиз? Қойил-э!..»

...Нега ит ва эшакдан кулиб,
Қилмадим ҳеч ўзимни эрмак?
Ғам юкига бўлдим-ку эшак,
Чидадим-ку дардга ит бўлиб!

«Ҳали бугунги замондошимизда шунақа дардлар бор-ми?»

Устига узундан-узун сарлавҳа битилган тўртликка навбат келганда, Аламазон ўзича жилмайиб қўйди.

– «Энг катта бурун ҳақида энг кичик баллада». Қалай чикибди сарлавҳа?

Акбар коғозлардан кўз узмаган ҳолда, тушида гапираёт-гандек, «тузук», дея бош қимирлатди.

Фахрланар Бурун-сўтак:
«Йигит – менинг савлатим!»
Йигитнинг ҳам ундан бўлак
Йўқ эди мол-давлати.

Ҳошияда эса галдаги кесатик: «Бизга туркум тайёрлашга жиддийроқ қаранг. Олди-қочди ҳазилларга атайлаб ҳажвий журнал чиқариб қўйибмиз».

Фолбинларга инонма, жонон,
Улар билмас тилакларингни.
Ўзим қилгум тақдиринг баён,
Силаб момик билакларингни...

«Шоирлар орасида битта фолчи етишмай турувди ўзи...»

– Хў-ў-ш, энди бир шашқол отиб кўрайлик бўлмаса, – кўлидаги шеърларга ўчкор тикилиб, ғудранди Аламазон. – Биздан шоир чиқармикан ё тинчгина бодрингни сотиб юрарайликми?

– Нима?

Акбар хаёлчан қиёфада ўгирилиб боққан чоғда, Аламазон унга сирли кўз қадаб, бармоғини лабига босди.

– Тш-ш... Фол очяпман...

Жанжалкаш сюрприз

Жума – хосиятли кун: маош тўлиқ ёзилсаям, иш вақти қисқа бўлади. Шу туфайли Аламазон бугунги машғулотларни одатдагидан эрта бошлаб, қош қораймасданок йигитларга жавоб берди.

– Қойилман, азамат! – бўёқ ҳиди анкиб турган залда фақат икковлон қолишгач, «вазири»нинг елкасига мамнун қокиб қўйди Аламазон. – Жуда зўр ўтказдинг машғулоти. Келаси сафар... ҳм... – у нарироқдаги ёғоч от устида турган китобни олиб, орасига қоғоз кистирилган жойини очди. – Хў-ў-ш... демак, келаси сафар йигирма метрга дам

олмай умбалок ошиб боришниям кўшасан. Бу машқ, биринчидан, елкаларни пиштади, иккинчидан, йигитларнинг анча-мунчага боши айланмайдиган, кўзи тинмайдиган бўлади.

– Шунини ҳеч тополмаяпман-да, – дея муқовасига бокс кўлқопи сурати чизилган яшил китобга суқланиб боксди «вазир». – Менга бериб қўяверсангиз-чи, Аламазон ака.

Буни эшитиб, Аламазон таажжуб билан қош чимирди.

– Қизиксан-а, укам. Буни сенга бериб қўйсам, мен нима иш қиламан?

Ташқари анча салқин ва баҳаво эди. «Устоз» ва шогирд кирғоқларида ёш чинорлар саф тортган йўлакдан кузги мусобақага тайёргарликни муҳокама қилганларича секин одимлаб боришарди. Дарвозага яқинлаб қолишганида димоққа обиновот қовуннинг хушбўй иси урилди. Бу ёқимли ҳид чамаси коровулнинг ёғоч «ини» тарафдан таралаётганди.

Улар ташқарига чиқишгач, хайр-хушлашиб, икки томонга ажралишди. Аламазон нариги ёқдаги бекатни мўлжаллаб, кўчани кесиб ўта бошлади. Йўлнинг ўртасига етай деганида ўқдек учиб келаётган қора таксини кўриб қадами майдалашди. Кутилмаганда, такси ҳам тезлигини кескин пасайтирди, ғилдиракларини чийиллаганича бориб, бекатга яқин жойда такка тўхтади.

– Жуда қайнагани суядиган йигитсан-да, – орқа эшикдан тушиб келган Лакис кулоч ёйганича унинг истиқболига юрди. Наридан-бери кўришибок, кўлини қўйиб юбормай, уни машина сари судради. – Доим зиёфатнинг устидан чиқасан. Қани, кетдик, жигар.

– Қаёққа? – Лакиснинг етагида машинага яқин боргач, тўхталиб сўради Аламазон.

Лакис таксининг олдинги эшигини очиб, «ўтир, сени бирон марта ёмон жойга олиб борганмидим», дея зўрлагудек қилиб уни ичкарига тикди. Эшикни ёпиб, ўзи орқа ўриндикка ўтиб ўтирди. Машина ўрнидан қўзғалди.

– Саломатмисиз, йигитча?

Жарангдор бу товушни эшитганидан кейингина машинада учинчи йўловчи ҳам борлигини пайқаган Аламазон юзини аста ортга бурди.

– Танидингми Эйседорани? – у хали яхшироқ саломлашиб улгурмасидан саволга тутди Лакис.

– Бўлмасам-чи, – Аламазоннинг чехраси бирдан кувнок тус олди. – Биз «дурак»да шерик бўлиб, кимнидир ханграганмиз.

Пича суҳбатлашиб боришгач, унинг сабри кайнаб, кайтадан сўради:

– Айтсаларинг-чи, каёққа кетяпмиз ўзи?

Лакис «э-э...» дея чайналганича кўлини шоп килган чоғда, Эйседора аёлларга хос тили бўшлик билан шартта айтди-қўйди:

– Бугун Одилнинг туғилган куни.

– Ўзларини совға қилиб опкетяпмиз, – дарҳол гапни ёпиштирди Лакис. – Эйседора сени қўлтиғига қистириб киради. Пх-х...

Аламазон уларга ўпкаланиб кўз қадади.

– Шуни вақтида айтмайсизларми, курук бориб бўлмайди унақа жойга.

– Шуям муаммоми? – гўдакни юпантираётган кепатада сўзлади Лакис. – Жуда хижолат тортаётган бўлсанг, йўлдан бирон нарса олволарсан.

* * *

Охирги рейслардан бирига зўрға чипта топган Азиза Тошкентга кеч кира бошлаганида келиб қўнди. Аэропортдан ташқарига чикибоқ, ўткинчиларга қўлидаги адресни тутиб, йўл-йўриқ суриштиришга тушди. Улардан бири рўпарадаги бекатга келиб тўхтаётган троллейбусни кўрсатиб, «Шунга ўтириб, аввал Шота Руставели кўчасига чиқиб олинг», деди. Кейин қайси автобусда қаергача бориши лозимлигини яхшилаб уктирди.

Ўртасига трамвай изи ётқизилган кенг, серқатнов Руставели кўчасини кўриб, Азизанинг юраги янаям хаприкиб кетди. Илгарилари факат телевизор экрани орқали таниш бўлган улкан шаҳарнинг шовқини ва ҳайбати унинг шуурига гулгула солиб, ҳис-туйғуларини жунбишга келтира бошла-

ганди. Биров савдо маркази сари, биров истироҳат боғи томон ошиқар, кимдир оила қўйнига шошилса, кимдир у даргоҳдан эндигина қутулиб чиқиб, эски улфатларини пойлаб турар, янги помидор келтирилган сабзавот дўкончасини тўрхалта ушлаган қариялар ўраб олган, тротуарда ҳам, бекатда ҳам одам жик-жик эди.

Азиза, «яхшиси биронта такси ушласаммикан», дея те-варакка аланглади. Бекатдан нарироқда олдинги эшиги очик қолганича тўхтаб турган қора таксининг орқа ўриндиғида одамлар борлигини кўриб, бўшроғини кутишга қарор қилди. Аммо, атайлаб ўчакишаётгандай, таксилар лик тўла йўловчиси билан ўтаётганди.

— Шундай катта шаҳарда биттаям бўш такси учрамаса-я. Нима бало, бу одамларда пул заводи борми?

Бир пайт ҳайратдан Азизанинг қуюк киприклари тиккайин, бир лаҳза донг қотганча туриб қолди. Мана шу бир лаҳза кўлида торт билан югургилаб келган Аламазоннинг қора таксига шошилишч ўтириб жўнаб кетиши учун кифоя қилди.

Тўхтанг! Аламазон! — қўл силкитганича машина ортидан югурди Азиза. Шу чоғда бўм-бўш бошқа бир такси «ийк» эгиб ёнгинасига тўхтади.

Қасққа шошяптилар, ойимқиз? — ёшгина ҳайдовчи ойнаси очик дарчадан унга илжайиб мўралади.

Азиза зудлик билан олдинги ўриндикка ўтириб, кўздан узоқлашаётган бояги машинани кўрсатди.

Илтимос, ана шу қора таксига етволайлик.

Тинчликми ўзи?

Илтимос, тезроқ! — қисталанг қилди Азиза.

Машина бир сакрашдаёқ «ракиби»нинг думидан тутиб олмоқчидек, сапчиб олдинга интилди.

— Бизга соққаси бўлса бас, — дея тезликни ошира бошлади ҳайдовчи, — самолётниям қувамиз.

Чилонзорга элтувчи кўчага бурилишгач, улар қора таксига тобора яқинлаша бордилар. Иккала таксининг орасида ғов бўлиб турган кулранг «Запорожец»ни қувиб ўтишгина қолганди. Ёш ҳайдовчи эндигина шунга чоғланган вақтда

«Запорожец» чироқчасини липиллатмай туриб, бирдан чапга бурилди. Азизанинг вужуд-вужудидан отилиб чикқан қичқирик машина ғилдиракларининг «чий-чий»ига коришиб кетди. Хайриятки, тўкнашув юз бермади. Таксичи йнгит ёнида қиз бола ўтирганини ҳам унутиб, «Запорожец» эгасини чапанчасига бир «тузлаб» олди-ю, яна йўлида давом этди.

Қувиш қайтадан бошланди. Хийла қоронғи тушиб қолгани учун узоқдаги машинанинг рангини илғаб олиш мушкул эди. Иккита тўрткўчани кесиб ўтиб, учинчисига яқинлашишда қора таксига ёпишиброқ боришга муваффақ бўлишди. Аммо, тагин омадлари келмади – қора такси светорфнинг сарик чироғида чапга қайрилиб кетди-ю, буларнинг машинаси қизилига дучор бўлиб, пича кутишга тўғри келди.

Ниҳоят, яшил шиша чакнаб, «изкуварлар»га йўл очилди. Улар оперетта театри олдидан ўтишаётган чоғда ҳайдовчи тўсатдан тормоз бериб, машинани четда тўхтатди. Азиза хайрон бўлганича унга қаради. Ҳайдовчи, «етиб келдик, ойимқиз», дея боши билан чап тарафга ишора қилди. Бояги қора такси театр томондаги тор кўчадан бўш қайтиб чиқаётганди.

* * *

Эшикни фартук такқан ўрта ёшлардаги мулойимгина жувон очди. Аламазоннинг қўлидаги тортни олгач, «бемалол кираверинглар», деган маънода меҳмонхона ёқни кўрсатиб, ўзи ошхонага ўтиб кетди.

Чиройли гулдаста кучиб олган Эйседора коридордаги бўйчан кўзгуга ўзини солиб, бўш қўли билан сочига оро берди, тайёрман дегандек Лакисга юзланди. Лакис унинг тирсагидан тутиб ичкари хонага етакларкан, Аламазонга панарокда туриб тур дегандек имо қилди. Меҳмонлар остонадан ўтишлари биланоқ ичкаридагилар уларни шов-шув кўтариб кутиб олишди.

– Дикқат, жигарларим, дикқат! – Лакиснинг дўрилдок овози эшитилди. – ҳозир Одилга аталган сюрпризимизни тамошшо қилгайсиз. Шуниси гаройибки... пх-х... сюрприз

хонага ўз оёғи билан кириб келади. — Кейин коридор томонга кичкирди: — Марҳамат, хурматли сюрприз!

Аламазон Амир Темурнинг элчисидек каландимоғлик билан одимлаганича ичкари кирди. Кирди-ю, лолу карахт тўхталиб қолди. Тўридаги диван олдида куёвлардек оқ-қора кийиниб олган Одил сархуш тебранаётган Бийроннинг елкасидан қучганича илжайиб турарди. Аламазонни кўриб, унинг бирдан ранги ўчди, кейин ўзини тезда ўнглаб, беўхшов тиржайди.

— Э, дунёда бормисан ўзинг? — деди, Аламазонга дадил яқинлашаётиб, мулозамат билан кўл чўзаркан. — Мундок кўнғироқ ҳам қилмайсан.

Бийрон эса ўша жойида хануз қотиб турарди.

Аламазон Одил билан нохушгина кўришиб, стол атрофини эгаллаган беш-олти чоғли меҳмонга ясама табассум аралаш бош кимирлатиб чикди. Алоҳида эхтиром билан стул суриб, Эйседорани ўтиришга таклиф қилаётган Лакис ҳам кўпчилик катори сузилганича таъзим қилиб қўйди.

— Бу ёққа юр, — Одил Аламазонни диванга бошлади. — Мана, Бийрон ҳам шу ерда. Ўзи ҳозиргина сени эслаб турувдик. Ишонмасанг, ана, сўра.

Бийрон бир Одилга, бир Аламазонга қараб қўйди-ю, индамай бошини қуйи солди.

— Қани, қани, ўтиринглар-чи, — Одил иккаласининг ҳам елкасидан қучиб, диванга ўтирғизди. Ўзи ўртадан жой олди.

— Сюрпризимиз келибок сахнага чикиб кетди-ку, — ўтирган еридан лукма ташлади Лакис. — Столга ўтириб, аввал озгина қошиқ ўйин қилволса бўлармиди. Пх-х...

— Ҳозир борамиз, — Одил Лакисга бир ўкрайиб қўйиб, Аламазонга юзланди. — Бийрон ниҳоятда ажойиб киз экан, жуда қалинлашиб қолдик. — Сўнг четга юз бурганича жим ўтирган Бийронга ўгирилди. — Бе-е, шуям ўтириш бўпти-ю. Нима, дўстимиз келганидан хурсанд эмасмисан? Ҳозир магнитофонни қўяман, сен Аламазонни бир ўйинга солгин.

Одил туриб бориб, духоба копланган стол устидаги қўшкарнайли магнитофоннинг тугмасини босди, хона эстра-

да мусикаси оҳангига тўлгач, меҳмонларни дастурхонга илиқроқ муносабатда бўлишга чорлаб қўйиб, ошхона томонга чиқиб кетди. Имлаган бўлса керак, Лакис ҳам чайнашда давом этганича унга эргашди.

– Хўш, мени ўйинга тортадиларми? – аллақачон тақдирга тан бериб бўлган Аламазон Бийронга имкон қадар хотиржам гапиришга тиришди.

Бийрон пича сукут сақлаб тургач, ниҳоят, қатъий бир қарорга келгандек, гавдасини кескин орқага ташлади, бошини бир силкитиб, кўзини тўсиб турган сочини четлатган бўлди. Кейин ўша сархуш киёфада Аламазонга дангал нигоҳ қадади.

– Гапни қисқа қилсам... Одил иккаламиз турмуш қура-миз... по моему.

– Табригимни қабул этгайлар, – безрайиб жавоб қилди Аламазон. – Дунёнинг ишлари чалкаш: биров қайсидир кизга атаб шеър ёзиб юраверади, бошқаси бу пайтда унга севги изҳор қилаётган бўлади.

Дастлабки хижолатпазликдан бутунлай кутулиб, энди ўзини тамоман эркин тута бошлаган Бийрон бу гапни эшитиб, масхараомуз алпозда шипга бир қараб қўйди.

– Шунини яхши билингки, йигит, – дея киноядор гижинглаб боқди у, – куп-куруқ севгини деб бировга ресторандан алоҳида жой ажратишмайди. Юзта шеърдан битта томчи французский духининг ҳиди келмайди. Буниям биламиз.

Аламазон унга бир зум диққат билан тикилиб қолди.

– Яна бир нарсани билиб олсалар зиён қилмасди, – дея кесатди у, Бийрон кўзини четроқ олиб қочган дамда. – Француз атри қанчалик хушбўй бўлмасин, иси жуда тез қўтарилади.

– Бу энди қишлоқча гап, – ҳамон четроқ боқиб тураркан, ўз навбатида Аламазонни ҳам «узиб олиш»га тиришди Бийрон. – Зарари йўқ, охири қишлоқ билан шаҳарда фарқ қолмайди, ўшанда эсингиз киради. Тўғрими, философ жаноб?

– Тўғри-ю, лекин...

– Гапираверинг, философ жаноб.

Аламазон мийиғида жилмайиб қўйди.

– Қишлоқлар ҳам шаҳарга айланса, унда... сиз билан менга ўхшаганлар кўпайиб кетмасмикин?

Бийроннинг кўзлари қоплончаникидек чакнаб кетган пайтда, Аламазон «чао» деб кўйиб, шартта ўрнидан турди, қулоқни батанг қилиб янграётган шўх мусикага на ўзбекча, на ҳабашчалигини билиб бўладиган пала-партиш ҳаракатлар билан жўшиб ўйин туша бошлади. Бир қарашда ўта кулгили, ўта қувноқ туюлувчи бу ракс замирида аллақандай жизғин изтироб яширингандек эди.

– Қани, ҳамма – даврага! – ўйин тушаётиб, меҳмонларни бор овозда раксга чорлади Аламазон. – Имконни бой берманг, қадрдонлар! Танадаги дардларни терга кўшиб ҳайдаш керак, вассалом!

– Браво, Аламазон, браво! – ўтирган жойида оҳангга мос жилпанглаб, завқ билан қичқирди Эйседора.

Бошқалар ҳам, кавшанган асно, бир маромда қарсак уришга киришдилар.

Ошхонадан ранги бўзариб чиққан Лакиснинг ортидан хонага Одил кириб келди. Олдиниға, бошқаларга кўшилиб, бу ўйинга хайрихоҳлик билан қарсак уриб турди, кейин кўлларини раксга таранг созлаганича сакраниб ўртага чикди. Дастурхон атрофидагилар қий-чув кўтариб, уни олқишлаган бўлишди. Оёқларнинг гилам устидаги гупур-гупуридан ликопчалар четига тиралган санчкилар зириллаб, шипда чарақлаб турган жозибадор биллур қандил тебранишга тушди.

Одил беўхшов гавдасини иланг-биланг ўйнатиб келиб, елкаси билан Аламазонга тиралган асно тиззаларини муқомли букиб, тобора паст чўка бошлади. Жазава аралаш: «Асса!» деб ҳайқирган вақтда Аламазон таққа ўйиндан тўхтаб, унга бефарқ қараганича туриб қолди. Одил буни кўриб, ҳаракатини бироз сусайтирган бўлса-да, ҳануз кийпанглашда давом этаркан, қочириқ қилди:

– Чарчадингми, ошна?

– Мана сенга «ошна»!

Аламазон ортиқча қулочкашлаб ўтирмай, унинг юзига туйқус шапалоқ туширди. Лакис эшитадиганини эшитиб

чиққунича Эйседорани гапга солиб ўтирган ўша таниш сўй-лок бутун хонани бошига кўтаргудек бўлиб «Йи!» дея наъра тортиб юборди. Гиламга ўтириб қолган Одил, аввал қўлларига таянганича Аламазонга қарахтланиб бокди. Сўнг иргиб ўрнидан турди, тилла тишларини йирқиратиб, ваҳшиёна ал-позда тиржайди.

– Уришгаям қўлинг кеп қопти-ку, болакай.

Одил тиш ғижирлатиб, муштини қаттиқ тукканича ўчқор боқиб турган Аламазоннинг бўғзига қўл чўзаётганида, Лакис ҳалпиллаб келиб ўртага суқилди.

– Жинни бўлдиларингми, хой! Аламазон дейман! Ҳаддингда тур, итялок!

– Буниси сенга, қаллоб!

Аламазондан қоқ тепакал жойига мушт еган Лакис тисарилганича келиб, столга урилди. Стол устидаги гулдон ағанаб, қовурдоқли қаттакон идишни чил-парчин қилди. Меҳмонлар ёппасига ўринларидан туриб кетишди.

– Ҳали сени одам деб зиёфатга опкелдимми? Чўнтаккесар! Ялангоёк!

Лакис тура солиб Аламазонга тирмашди, «жирраки сюрприз»ни икки кишилашиб дўппослай кетдилар.

– Ана сенга! Ана! Ана! – бетиним хириллаб, аямай мушт урарди Лакис.

Одил эса кўпроқ оёғига зўр бераётганди.

– Ўлдираман сен итни!

Икки томондан гоҳ мушт, гоҳ тепки ёғилиб турганига қарамай, Аламазон ҳам бўш келмаётганди.

Даҳшатта тушганича юзини панжаларида тўсиб турган Бийрон охири эс-хушини йиғиб олиб, шиддат билан ўртага отилди. Муштлашаётганларнинг дам унисини, дам бунисини четга юлқилаб, жон-жаҳдида бақира кетди.

– Бас! Бас! Одил! Бўлди қилинглар!

Кейинги дақиқаларда унчалар иши юришмаётган Лакиснинг тепакал жойини энди лакланган ўткир тирноқлар ҳам бир-икки тимдалаб ўтди. Шу нарса баҳона бўлди-ю, жанг

майдонини узил-кесил тарк этди. Мушкули анча енгиллашган Бийрон Одилни зарб билан четга итарди.

– Бас!!!

– Бўлди, бўлди... мен бирон нарса қилдимми? – ўзини четга олиб, Бийронни тинчлантирди Одил. – Кўрмайсанми бу жўжаҳўрозни...

Лакис ачишаётган тепакал жойига сочик суртаётиб Аламазонга четдан яна бўйин чўзди.

– Киссавур! Паскаш!

Бийрон Лакисга қаттиқ кўз қадаб, унинг тилини тийгач, Аламазонга яқинлашиб, паст овозда, лекин қатъий қилиб деди:

– Энди кетинг!

Аламазон осойишта киёфага кириб, елкалари ситилиб кетган кўйлагининг у ер-бу ерини тузатган бўлди. Лат еган жағини сийпалаб, оғзидаги қонни гиламга тупурди.

– Жўнанг деяпман! – ўша қатъият билан такрорлади Бийрон.

Аламазон мағрур одимлаганича эшик тарафга юрди.

Остонада тўхтаб, хонадагиларга кўз югуртириб чикқач, қон сизаётган лабини қувлик билан жимириб қўйди.

– Иштахангизга барака, мухтарам харомхўрлар!

* * *

Азиза йўл четида бирпас гарангсираб тургач, қора такси чиқиб келган томондаги кўп қаватли уйлар сари аста йўл олди. Икки уй оралиғидаги дарахтзорга етганида, қайси ёққа юришни билмай, яна тўхталиб қолди.

Қоронғи қуюклашиб кетганига қарамасдан бетон ариқча ёқасида ҳамон чуғурлашиб ўтирган болақайларга яқин бориб, ҳозиргина қора таксидан тушган кишилар қаёнга йўналишганини суриштирди. Улар ўнгдаги уйни кўрсатишди, аммо нечанчи зинайўлга киришганини аниқ айтиб беришолмади.

Азиза дарахтзор оралаб бориб, ўнгдаги йўлакчага ўтиб олгач, улкан бино деразаларига синчиклаб тикилганича, аста-секин одимлашга тушди. Хоналарнинг ҳеч бирида меҳмондорчилик аломати сезилмаётганди.

Ниҳоят, бинонинг охиrhoғига етганда, тўртинчи қаватдаги очик деразадан бирданига шўх мусиқа садоси янгради.

Аламазон шу хонадонга кирдимикан? Чиқиб бир суриштириб кўрса-чи? Э, йўк! Бунақа жойда нотаниш эшикни қоқиш жуда ноқулай. Ҳатто... кўрқинчли!

У нима қилишини билмай, анча иккиланиб турди. Вақт ғаниматида такси ёллаб, Аламазоннинг тураржойини топиб бораверсинми? Агар у ердаям ҳеч ким бўлмаса, кейин нима қилади? Аламазон, ҳарқалай, шу уйда тунаб қолмас?

Азиза паришон ҳолатда бориб, нариги зинайўл қаршисидаги ёғоч курсига ўтирди. Бироздан кейин сумкасидан печений олиб, кусур-кусур чайнашга тушди.

* * *

Хонада ўзини мағрур тутишга зўрға чидаб тургач Аламазон, эшикдан чиқиб, биқинини чангаллаганича деворга суялиб қолди.

«Аямай тепди, аблаҳ! – оғриқнинг зўридан афти тиришиб ихради у. – Ишқилиб, жигарим тўкилмаган бўлсин».

Шу онда ҳозиргина беркитилган эшикнинг зинжири шириклагандай бўлди.

– Эсинг жойидами? – ичкаридан Одилнинг товуши эшитилди. – Ўзи бошлади-ку жанжални!

Энди Бийроннинг йиғи аралаш таънаси қулоққа чалинди:

– Нима бўлгандаям... Одамни одам шунақа урадими?

– Бўлди, жоним, бўлди. Ке энди, ўтиришни бузмагин. Кетсанг, кайфиятим расво бўлади. Қани, юрақол, жоним. Сенга қанақа совғалар опқўйганимни билмайсан-да...

Шарпалар эшик олдидан узоқлашаётган дамда Аламазон биқинини чангаллаганича зинадан қуйига туша бошлади.

Сизга ёқар, менимча,
Кимхоб кийган совчилар.
Бизлар эса бекатда
Дайдиб юрган «овчи»лар.

Кўринсак-да жангари,
Безарармиз аслида.
Осилмаймиз бўйимиз –
Етмаганнинг васлига...

Аламазон ўнг елкаси билан деворга суйканган асно, инграгудек бўлиб иккинчи қават супачагача тушиб борган вақтда бундан бир кунгина олдин телефон орқали ҳол-аҳвол сўрашган эски кадрдонига дуч келди. Атрофига арабча ҳарфлар тамғаланган жимжимадор қутичани қўлтиклаб олган Бек Бўриевич нафаси оғзига тикилгудек бўлиб юқорига кўтарилиб келаётган эди. Аламазон биқинидан қўлини олиб, қаддини ғозлади.

– Салом бердик, Бек Бўриевич.

– Ҳой, Аламазонмисиз? – анграйганича унга бошдан-оёқ разм солиб чиқди Бек Бўриевич. – Ие, сизга нима бўлди, тасаддук?

Аламазоннинг моматалоқ юзида фахр ва ҳузур ифодаси балқиди.

– Девлар билан солишдим, Бек Бўриевич. Бутун бир шайка билан!

– Қанақа шайка?

– Шошманг, шошманг... – Аламазон эски кадрдонининг кўзларига аламноқ бир хадик билан боқди. – Шайка бошлиғи ўзлари бўлмасинлар тагин?

Бек Бўриевич бирдан гезарди.

– Э, нафасингизни ел олсин. Сизни шундақа одам деб ўйламагандим... кунингиз учинчи жавончага қолмагур.

У собиқ дастёрининг ёнидан қўрқа-писа ўтиб олиб, яна ҳарсиллаганича юқорига қараб интилди.

Аламазон ташқарига чикибоқ, тўғри бетон ариқчанинг бўйига бориб чўккалади. Кир, сассиқ сувга рўмолчасини ботириб, лаби ва жағининг шилинган жойидаги қонларни авайлаб арта бошлади.

Ҳартугур, зўр томоша бўлди. Бокс тўғарагининг тренери сифатида бекорга ойлик олаптими? Зарурат туғилса, номни

ҳам оклаб туриш керак-да. Хуллас, «мушук қаттиқ жанг қилди, итнинг ҳолин танг қилди...»

– Аламазон!

Қўнғирокдай таниш сас чалиниб, Аламазон ўз қулоқларига ишонмасдан, шошиб ортга ўтирилди. Ёпирай! Бу тушим ё ўнгими?

– Азиза? Қаёқдан кеп қолдинг бу ерга?

Аламазон ҳайратланиб ўрнидан турди. Бир неча дақиқа олдин юқоридан таралган қий-чувларни эшитган Азиза эса тўртинчи қават деразасига безиллаб қараб қўйиб, уни четга етаклади.

– Ҳаммасини кейин айтаман. Юринг, тезроқ кетайлик.

Улар икки уй ўртасидаги дарахтзор оралаб юришди. Трассага олиб чиқувчи торкўчага етай деб қолишганда, Аламазон биқинини чангаллаб, яна тўхтади. Бориб, сал наридаги силлиқ тўнкага ўтирди.

– Биқинингизга нима қилди, Аламазон?

– Ҳечқиси йўқ, ҳозир ўтиб кетади.

Шу маҳал, боя қора такси кириб чиққан тротуар муюлишига дарчалари панжарали ёпик машина келиб тўхтади, дарҳол чироғини ўчирди. Кабинадан фуқароча кийимдаги новча киши, орқа эшикдан эса учта милиционер тушиб келди. Тўнка билан машина оралиғида буталар гужғонланиб ўсгани учун улар Аламазонниям, Азизаниям пайқашмади. Алланималар ҳақида ўзаро гужирлашиб олгач, милиционерлардан бири уйнинг орқа тарафига ўтиб кетди, қолганлар олд томондаги йўлакдан юришди.

– Тезроқ кетайлик, – баттар безиллаб, секингина шивирлади Азиза. – Қўшнилари милиция чақиришганга ўхшайди.

Аламазон унинг қўлидан ушлаб, тинчлантиргандек силаб қўйди.

– Шошмай тургин-а...

Фуқароча кийимдаги новча киши орқага қайтиб келиб, кабинада миқ этмай ўтирган шофёрга дўриллади:

– Папкани буёққа ол. Санкция қолиб кетибди.

Новча киши шофёр узатган папкани қўлтиққа қистирди-ю, катта-катта қадам ташлаб, тезда шерикларига етиб

олди. Улар ҳозиргина Аламазон чиқиб келган зинайўлга кириб кетишди. Чироқлари порпираб турган зинайўл дарчаларидан милиционерлар тўртинчи қаватга чиқишгани аниқ кўриниб турарди.

– Майли, кетдик, – секин шипшиди Аламазон. – Бу ердан жилганимиз дуруст шекилли.

Улар Қатортолгача пиёда чиқишиб, у ёғига троллейбусда кетишди.

– Шаҳарга келиб топган дўстларингиз шуларми энди? – троллейбус қарийб бўм-бўш бўлгани учун Аламазонни бемалол сўроққа тутди Азиза.

– Булардан яхшироғини қаердан топиб бўлади? – бикинини сийпалаётиб жавоб қилди Аламазон. – Хайриятки шулар бор экан, кўзимни вақтида очиб кўйишди. Шунақаям бошлаб очишдики, бир умр хушёр тортиб ўтишимга етиб ортади. Менга қолса, дунёдаги ҳамма гофилларни худди шу зайлда дўппослатган бўлардим.

Троллейбус нариги бекатга бориб тўхтаган чоғда ялангбош чиноқ киши олдинги эшикдан жаланглаганича чиқиб келди. Аламазонни кўриб, дафъатан орқага тисарилди. Эшик аллақачон ёпилганини сезгач, ноилож салонга кўтарилди.

– Салом, ўртоқ начальник! – Аламазонга яқин келиб, ўта маданийчасига сузилиб бош қимирлатди чиноқ.

– Ҳалиям тирикмидинг? – жағига рўмолча босаётиб пўнғиллади Аламазон.

Чиноқ бир яланиб олиб, маддоҳлардек бидирлашга тушди:

– Нима бало, бандитлар билан олишув бўлдимиз дейман?

– Шунга яқинроқ...

– Жағлари соғми, ишқилиб? Кассет билан уришибди-да зоти пастлар?

Троллейбус кейинги бекатда тўхташи билан, чиноқ хайр-маъзурни чалароқ қилиб, шошганича тушиб кетди.

– Буниси ким бўлди яна? – хайрон бўлиб сўради Азиза.

Ҳорғин қиёфада ойнакка бошини тираб ўтирган Аламазон бепарвогина жавоб қилди:

– Эски танишлардан. Кийим тозалаш бўйича мутахассис. Нокимёвий усулда тозалайди...

« Охирини ўйлавоқ, читтигул... »

Шанба пойтахтни Азизага томоша килдириш билан ўтди: Эскижўва бозори, Кўкалдош мадрасаси, савдо растаси, Студентлар шаҳарчаси, «Роҳат» кўли, «Мовий гумбаз», Марказий универмаг...

Аламазон эртаси куни кўпчилик бўлиб сайрга чиқишни мўлжаллаб қўйган эди. Бирок, Акбар ҳам, Азизага хоналаридан жой берган қизлар ҳам қандайдир баҳоналарни рўкач қилишиб, уларни яна ёлғиз қолдиришди. Қандай ақлли одамлар бор-а дунёда!

Бу кунги саёҳат «Ғалаба» боғида чархпалакка чиқиб айланишдан бошланди. Кейин, йўл-йўлакай, Олой бозорига кириб, дўкон каторларини кезишди. «Панорама»да кино кўришди.

Кинодан чиқишгач, Аламазон Азизани «Пахтакор» стадиони тарафга бошлади.

Шунча сайил-томошадан кейин холироқ жойда юракдан чиқариб бир гурунглашиш ҳам керак-ку, ахир.

Азизанинг нима учун келганини сўрашга Аламазоннинг сира тили бормаётганди. Тўғри, ҳар бир киши ўз отпускасини мамлакатнинг хоҳлаган жойида ўтказиш ҳукукига эга. Аммо, Азиза кўнгил очиш учун нега айнан Тошкентни танлади? Нега Хива ёки Бухорони эмас? Агар Аламазон толе излаб Тошкентдамас, Самарқандда юрган бўлганида-чи? Азиза шундай отпускасининг бир қисмини барибир Тошкентда ўтказган бўлармиди, ёки...

Аламазон бу ерга келганидан кейин Азизани бутунлай унута бошлаган эди. Энди эса қалбида унга нисбатан бир пайтлардагидан ҳам кучлироқ талпинишни ҳис қилаётгандек. Агар, Азиза бундан атиги икки кун олдин келганида, Аламазон уни тамоман бошқача кайфиятда кутиб олган бўларди. Бийрон деган ном бундан икки кунгина илгари ҳам

унинг юрагини мустаҳкам эгаллаб турган, у ердан бошқа бир исмга жой топиш амримаҳол эди.

– Шунча вақтгача нега қишлоққа бормадингиз? – узокрокка чўзилган жимликни биринчи бўлиб бузиб, савол берди Азиза. – Аянгиз ҳар куни йўл пойлайди.

– Шу... иш билан бўлиб...

– Ишингиз ёқадими ўзингизга?

Азиза билан ёнма-ён одимлаб бораётган Аламазон пича сукут сақлаб қолди.

– Очиги, бу... вақтинчалик иш. Редакцияларда биронта обрўлироқ ўрин бўшагини кутиб юрибман.

Орага яна жимлик чўкди.

– Аламазон, – Азиза гап бошлади-ю, давомини айтишга қийналаётгандек, озгина иккиланиб турди, – мабодо... қишлоққа қайтгингиз келмаяптими?

«Жуда-жуда қайтгим келяпти!»

Бу сўз Аламазоннинг бўғзидан отилиб чиқишига сал қолди.

Яқиндагина Акбар ҳам унга худди шундай савол берганди. Ёки, Аламазон кеча ташқарига чиққан чоғда, у Азизага-ям секин шипшитиб қўйдимикан?

Лекин, барибир қизиқ йигит экан шу Акбар. Мен кетсам, ўзи уйсиз қолишини ўйламайди-я.

Ўша куни бетига шу гапни айтганида, у парвойи фалак бокиб: «Юртига жон тикадиганлар, кўпинча, ўз юртида кўчада қолганлардан чиқади», деб жавоб қилди. Сўнг: «Ўлмасмиз», дея сирли жилмайди.

Нима, ўлса ҳисобми? Агар тайинли ўз уйинг, ўз еринг бўлмаса, бундай ҳаётнинг «яшаш» деган гапга нима алоқаси бор? Ҳа, дарвоқе, дунёда «умид», «кураш», «келажак» деган нарсалар ҳам мавжуд.

– Қишлоққами? – юришдан тўхтаб, Азизага юзланди Аламазон. – Ҳозир... нимаям қилардим қишлоқда?

– Анча озиб қолибсиз...

Чамаси Азиза, «бундай мантиқ-маънисиз азобни бошингизга урасизми», дейишдан тортиниб, фикрини силлиқрок тарзда айтишга тиришди.

– Ҳа, энди, бокс дегани...

Аламазон гердайиб гап бошлашга бошлади-ю, Азизанинг эзгин тикилиб турганини кўриб, негадир давом эттиргиси келмади.

Одамзод деганнинг наздида киндик қони тўкилган нуқтадан узоклашиш намуноча кўрқинчли туюлмаса? Мабо-до, бунга кўникса, тобора ваҳшийлашиб кетишлиги наҳотки рост бўлса?

Ўзинг ёктирган касб! Орзу-истак! Интилиш! Мурод-мақсадга етиш нашидаси! У ёқда эса, туғилиб ўсган қишлоғинг! Муқаддас оиланг! Онажонинг! Ўртоқларинг! Илк муҳаббатинг!..

Тарозига солаверасан, солаверасан... Гоҳ палланинг у томони тош босса, гоҳ бу томони оғир келади... Бундай вақтда шайин деган нарсанинг ҳақ-халоллигига ҳам ишончинг йўқола бошлайди...

« – Тўғри, Аламазон, мен сенга кўмак беришим мумкин... Гугурт ёнингдами? Сигаретни ёқволай».

« – Мана буни зажигалка дейдилар».

« – Ў-хув, ў-хув... Ҳой, нега сигаретинг доим столнинг устида туради? Чекканимни билмай қоламан. Ў-хув... ол-э, шунингни...»

« – Балки, сигарет улашиб юриб, шоирчиликдаги рақибларимни арзонгина қириб ташламоқчидирман... Кўмак беришим мумкин, деётувдингиз. Хўш?»

« – Нашриётдан сенга иш топсак ҳам бўлади, шеърларингни бориға барака қилиб босиб чиқарсак ҳам бўлади... Аммо, ҳар иккала ҳолатдаям энг асосий нарсани бой берасан».

« – Нимани?»

« – Шеърятни! Кўпга манзур бўладиган ҳақиқий шеърятни! Сен оддий одамларнинг кўнглидагини топаман дейсан-у, ёзганларингдаги қувонч ҳам, дард ҳам, асосан, ўзингники, жуда нари борса – ўқиган китобларинг, кўрган киноларингдаги қаҳрамонларники. Бошқаларнинг номидан айтаётган гапларинг сохта, баландпарвоз, ортиқча олимона».

« – Олимона дардни баландпарвозликка йўйса, демак, оддий кишиларда буюк дард йўк экан-да?»

« – Бор! Аммо, дардларининг замирида қанчалар улканлик ётган бўлмасин, изхори ўзларига ўхшаб жуда содда. Дўл ёғса, сен оғиз тўлдириб «табiiй офат» дейсан. Дехқон бўлса, пешанасини тириштириб туриб, «ишни кўпайтирди-да», деб кўя қолади. Бирон цехга ёнгин тушса, сен «Давлат маблагги ўт ичида» деб мақолангга сарлавҳа кўясан. Ишчи бўлса, «кварталдаги мукофот пулиям тамом», дейди-ю, индамай цехни тиклашга киришади. Сен одамлардаги қувончу ташвишларни энг содда тарзда илғаб ололмасанг, ўзингга ўхшаш чаламураккабларнинг маддоҳи бўлиб қолаверасан».

« – Қисқаси, қаердан топсак бўларкин... ўша соддаликни?»

« – Оддий одамлардан».

« – Шоир олдин заводдами, даладами ишлаб кўриши керак, демоқчилар шекилли?»

« – Қанийди шунга ироданг етса. Лекин, оддий одамлар билан бирга ишлаб ҳам уларнинг дилидагини англолмай юравериш мумкин. Энг муҳими – кибру хаводан, дабдабадан бутунлай кечиб, кишиларнинг энг кичкина қувончлари-ю, энг майда ҳасратларига ҳам теппа-тенг шерик бўла олишда. Шунда, ҳатто, шахсий дардинг ҳам уларнинг дардига айланади. Шундагина улар сени биринчи мисрангданок тушуна бошлашади...»

Э, бу Акбар билан ярим соат баҳслашиб қолсанг, фикрингни тугалай чалкаштириб юборади. Тўғри, агар сурлигинг етса, унинг гапига царво қилмаётгандек писандсиз боқиб тураверишинг, сўзлаб бўлгач, «булар майда нарсалар», дея ўзингни оқилу билимдон кўрсатиб кетаверишинг ҳам мумкин. Аммо, бундақанги феъл-атворли одамлардан ўз ишининг устаси-ю, машҳур удабуронлар чиққан бўлсаям, ҳеч қачон эътиқоди пишиқ донолар чикмаганини Акбар барибир билади-ку. Ўзингни фош қилганинг қолади холос.

Умуман, Аламазон унга ҳамхона бўлганидан буён нималарга чидамади-ю, нималарни эшитмади. Гоҳ «шоирнинг

шеъри ўзидан чиройлироқ бўлиши керак», деса, гоҳ шоирни «болалар ичида эслироқ, эслилар ичида болароқ», деб таърифлайди. Аламазон ўшанда: «Мен эслироғу болароқлар орасида негадир Навоий билан Гётени кўрмаяпман», деганида у: «Сен шоирлардан эмас, шеър ёзишни ўрганиб олган даҳолардан мисол келтиряпсан», дея жавоб қилганиди.

Бошқа куни эса у Аламазоннинг қоралама шеърларидан уч-тўрттасини ўкиб кўриб, «йўқ, сенга ҳалиям шивирламаётганга ўхшайди», деб қўйди.

— Ким шивирлаши керак? — ҳайрон бўлиб сўради Аламазон.

— Билмадим, — деди Акбар. — Кимдир шивирлайди, лекин ҳеч қачон кўролмайсан. Кимлигиниям билмайсан. Мен фақат шуни биламанки, уни тилга киритиш осонмас. Бунинг учун унга юрак-бағринг эзилиб илтижо қилишинг, ҳолдан тойгунча ёлворишинг, унинг йўлида бор-шудингниям, жисму жонингниям фидо қилишга шайлигингга, бунинг замирида ҳеч қандай шахсий манфаатинг йўқлигига ишонтира олишинг керак. Ишонтира олсанг, марра сеники — у қандайдир сеҳрли соз чалиб, руҳингни аллаловчи оҳангда секин-секин шивирлашни бошлайди.

— Кейин-чи?

— Кейин сен, ҳатто, тонггача ухламаган бўлсанг ҳам, ўзингни бирдан тетик ҳис қиласан-у, унинг айтганларини ёзиб тураверасан, ёзаверасан... Баъзида тап-тайёр мисраларни қоғозга туширишга шунчалик шошасанки, охирида ўз дасхатингни ўзинг ўқиёлмасдан қийналасан...

Ҳа, шунақа ажабтовур йигит бу Акбар. Гоҳида, яна бир ой ёнма-ён яшасам, фикрлаш мустақиллигимни бутунлай йўқотиб қўймасайдим, деб кўрқиб кетасан. Энди бу мавзуда суҳбатлашмаганим бўлсин, дея ўзинг ўзингга сўз берасан. Бироқ, эртанги кун келди дегунча, кечаги суҳбатнинг давомини қайтадан қўмсаб қоласан, баҳсинг хумори тутади.

Чўтир ойнали эшик ғийқиллаб, белига сочиқ боғлаб олган Азиза хонага кириб келди. Қўлидаги ошпичокқа норози қиёфада боқиб, шикоят қилди:

– Бирам ўтмас эканки... Бошқаси йўқми?

– Ҳамма айб ўзингда, – ҳазил қилмоқчилигини олдиндан ошкор этиб, унга шумланиб бокди Аламазон. – Ошпазликка Эшматвойниям олволганинда, бир йўла белбоғида пичоғи-ю, қўлтиғида девзираси билан келарди.

Акбар туриб бориб, шифонердаги костюмнинг чўнтагидан елимсоп пичоқчасини олди, у ёқ-бу ёғини пуфлаб қўйиб, Азизага узатди.

– Ўткир-у, кичикроқ-да.

Азиза чиқиб кетаётганида уни нигоҳи билан кузатиб қолган Аламазон, шу куйи эшикка тикилганича, бир неча муддат ўйланиб турди. Сўнг столдан сигарет олиб, уни тутатишдан олдин бармоғида эзгилашга киришди.

– Акбар ака, – ниҳоят тамакини тутатиб, хонадошига ҳаёлчан кўз қадади у, – шу... Азиза қалай... сизнингча?

Акбар жавоб беришдан олдин Аламазоннинг лаби ва жағидаги йўд суртилган чули-чақа жойларга яна бир карра кўз ташлаб чиқди. Бу қарашда ҳамдардликкаям, раҳмдилликкаям ўхшаб кетувчи ҳазин бир ифода ялтиғланиб турарди.

– Дунёда ёмон қиз жуда кам, Аламазон, – дея энди унинг кўзига тикилди Акбар, – ёмон муҳит кўп.

Аламазон деразадан яққол кўриниб турган тип-тиниқ осмон, ундаги оппоқ булутчаларга ўйчан кўз қадади.

– Қаерга қарама – ишқ можароси, – чуқур хомуза тортиб қўйиб, аста гап бошлади у. – Баъзи шоирлар севги мавзусини бачкана дейишади.

– Севги ҳақида бачкана ёзган ёмон, – Акбарнинг жавоби ҳар сафаргидек нақд турган эди. – Лекин, севги мавзуси сираям бачкана эмас. Энг содда шеърхонларни шеърят билан боғлаб келаётган омиллардан биттаси айнан мана шу мавзу. Жамики фалсафаларни сариқ чақага олмайдиган худбин тўнкалар ҳам ўзларини ишқдаги омадсиз бандалар қаторида санашади. Пайти келса, Машраб ёки Есениннинг «ишқий нола»ларидан парча ўқиб беришданам тойишмайди.

– Бу гапдаям жон бор, – омади келса, Акбарни бу гап мот қилишни ичига тугиб, баҳсга астойдилроқ киришди Ала-

мазон. — Аммо, миллионталаб Тохир-Зухралар яратганимиз билан одамзодни баркамол қилиб бўлмайди менимча. Вафодорлик бошқа, етуклик бошқа.

Аламазон кутган ҳол юз бермади. Акбар бу «қакшатгич савол»дан мутлақо саросималаниб ўтирмай, лабини чапиллатиб бир дақиқа мулоҳазаланган бўлди-ю, одатдагидек, ишонч билан сўзга оғиз жуфтлади.

— Етуклик — бу умумий тушунча. Қаттолларниям, фирибгарларниям етуклари бўлади. Энг асосийси — одамларни қадамма-қадам эзгуликка эргаштириш. Севгини муқаддас билиб, унга энг мусаффо туйғулар билан сиғина бошлаган киши чечакни тепалаб ўтишга ботинмайди, қушга ўқ узолмайди. Ўзини ишқ азобларини енгишга, мақсадга етишга қодир деб билган одам таслимни тан олмайди, мана шундай эркаклари бор юртнинг киз-жувонлари ҳеч вақт ўзгалар қўлида қул бўлиб қолмайди. Покизаниятли кишилар — заминнинг толеи, улардан на борлиққа заҳмат етади, на инсониятга...

Коридордан шиппакнинг «тапир-тупур»и эшитилди. Азиза чопқиллаб келиб, яна ғийқиллатганича эшикни очди.

— Аламазон! Телевизорда... ҳалиги... сиз чиқадиган концертни қўйишяпти.

Аламазон шошиб соатига қаради.

— Ҳа-я, бугун такрор кўрсатилади...

Учовлон умумётоқ вестибюли сари ошиқшди.

* * *

Бу пайтда Бийрон аллақачон телевизор қаршисидан жой олганди. У ижарахона бурчагидаги креслога чуқур чўкиб, Одилдан ёдгор қолган бўйин соатнинг тилла занжирини лабига қистирганича экранга хомуш тикилиб ўтирарди.

Мамлакат бошкентининг энг диққатга сазовор жойларида суратга олинганлиги, фонда шаҳар таровати, шаҳарликлар ҳаёти жўшқин акс эттирилганлиги билан кўплаб томошабинларнинг меҳрини қозонган филм-концерт тантанавор руҳда бошланди: олтмиш олтинчи йилги зилзиладан жабр-

ланганлар жасоратини абадийлаштирувчи хайкални куршаб олган «Дутор-гитар» ансамбли халқлар дўстлиги қудратини мадҳ этувчи кўшиқни баралла қўйлашга тушди.

Кейин Тошкент денгизида ёзиб олинган «Мовий ҳаёт таронаси» ижро этилди. Ундан сўнг «Ўзбекистон кузи», «Қиздан мактуб», «Фарғонача резги», «Қор босган довон»...

Охирги кўшиқ яқинлашгани сайин Бийроннинг юраги тобора ғашланиб бораётганди.

Ҳозир навбат «Читтигул»га келади. У ўзининг кечаги кунини томоша қилади, кечаги кунда уни бир лаҳза тинч қўймасликка онт ичгандек ортидан соя каби эргашиб юрган ўша «халоп-халоп» Аламазонни кўради. Балки, бу сўнгги марта кўриши бўлар. Сўнгги марта...

* * *

– Ҳозир «Читтигул» бошланади, – Аламазон «энди диққатни жамланг» демоқчидек, ёнидаги стулда ўтирган Акбарни чиканоғида турткилаб қўйди.

Ниҳоят гал «Читтигул»га келди. Ўйноқи мусиқа янграб, экранда дарахт шохига арғамчи осиб учаётган қизалоқнинг шодон чехраси намоён бўлди.

«– Ҳай-юв, читтигул!»

Энди арғимчоқдан арғимчоққа сакраётган цирк акробати кўринди.

«– Ҳай-юв, читтигул!»

Бирдан куй оҳанги ўзгариб, экранда биллурранг либос кийган раққосаларни эслатувчи жўшқин фаввора жилоланди-да, объектив секинлик билан «Дутор-гитар» ансамблига ўгирилди: ўртада зарбли мусиқа асбоблари, чапда дуторчи кизлар, ўнгда гитарачи йигитлар саф тортиб турибди.

– Боғда гулим очилди, читтигул,

Ёрга иси сочилди, читтигул.

– Билса қалам қошлигим, читтигул,

Гулда яшар ёшлигим, читтигул.

– Ҳай-юв, читтигул!

– Ҳай-юв, читтигул!

Рангли телевизор экрандаги манзара алмашиб, фаввора, ансамбл ва мармар тепаликни эслатувчи цирк биноси бу сафар бир-бирига уйғун тарзда гавдаланди. Цирк биноси бўсағасидаги майдонда оҳиста одимлаб бораётган жуфт шарпа ғира-шира кўзга чалинган заҳоти объектив уларни яқиндан камраб олди...

Олдинги каторда ўтирганлардан бири ортга ўгирилиб, Аламазонга илжайиб қўйди. Аламазон эса буни ҳатто пайкамади, унинг бутун диққат-эътибори экранда, аниқроғи, Бийронда эди...

Фонда – атлас кўйлак устидан яшил жункамзул кийган киз билан ялтироқ тугмали курткадаги бўйчангина йигит. Улар алланималар тўғрисида суҳбатлашганларича, шошмасдан одимлаб боришяпти. Кайфиятларида бахтиёрлик туйғуси поршираб турибди.

Бахтиёр жуфтлик майдонни кесиб ўтаётганда, безовта даврларда кечган ёшлиги-ю, хазон бўлган севгиси қайтадан ёдига тушгандек, четрокдаги боғкурсида хомуш ўтирган қарияга дуч келишди. Унинг қизғиш бахмал дўппи остида сирғалиб чиққан сийрак сочидан тортиб, хипча соқоли, ҳатто, ўсиқ қошларигача, ҳамма-ҳаммаси худди яктаги каби оппоқ.

Ёшлар унга яқинлашиб, қуюқ таъзим билан салом беришди. Чол бош кимирилатиб, алик олган бўлди. Йигит нимадир деган эди, у пўстин-камзулнинг чўнтакчасидан занжири осилиб турган соатни олиб, ўзларинг қаранглар-чи, дегандек уларга яқин тутди. Йигит ташаккурланиб, яна таъзим қилаётган чоғда, киз қўлидаги гулни эҳтиром билан қарияга узатди.

Бугунги кун вакиллари хандон-хушон жаста уриб экрандан чиқиб боришаркан, «ўтган замон феъли» уларнинг ортидан ҳавас билан тикилиб қолди...

«Дутор-гитар» ансамблининг йигит-қизлари ҳануз басма-басига қуйлашда давом этарди.

– Гулга қараб қуйлайин, читтигул,
Гулга қараб ўйнайин, читтигул.
– Ёшлигингда ўйнавол, читтигул,
Охирини ўйлавол, читтигул.

– Ҳай-юв, читтигул!

– Ҳай-юв, читтигул!

– Охирини ўйлаво-о-л, читтигул, – кўшиқ якунланаётганда ансамблга жўр бўлиб, димоғида хиргойи қилди Аламазон.

– Галирдингми? – Акбар унга савол назари билан чимирилиб бокди.

Аламазон манглайини тириштирганича бош қашлаб кўйиб, ўзига-ўзи сўзлаётгандек деди:

– Ҳа, охирини бир ўйлаволиш керакка ўхшайди... Ҳай-юв, читтигул!..

Вақтинчага чекиниш ёки хотима

Водий тарафга юрадиган кечки поездлар Бешқайрагоч трамвайидек тикин бўлишини яхши билган Аламазон пешиндан илгарийёқ вокзалга келиб, вақтида чипта олиб қўйди. Қўпол фанер жодомадон омонатхонага топширилгач, кунни тезроқ кечкиртириш мақсадида Азиза иккаласи шаҳар маркази сари жўнашди.

«Мана, охири чекинадиган бўлдик, – троллейбусда бораётиб ўзича кулимсиради Аламазон. – Лекин, вақтинчага. Қачондир бу шаҳарни барибир забт этаман. Бу сафаргиси жанг билан қилинган разведка бўлди. Шаҳарнинг асосий сир-асрорини, кучли, ожиз томонларини билиб олдим. Энди пухтароқ тайёргарлик кўрсам бас... Эҳ, Тошкент, Тошкент! Ҳақиқатанам тош қалъа экансан!»

Аламазонни бирон нарсага ишонтириш, бирон ёққа бошлаш осон иш бўлганими? Ҳе, Акбари тушмагур-эй! Уни жуда иккилантириб қўйди. Бу ёқда Азиза... Бунинг устига тоғаси ҳам Арабистондан ёзган хатида, «шаҳарга боришга пича шошмадингмикан, ишқилиб», дея писандалаб ўтибди. Кеча эса, ҳажвий журнал котиби билан учрашиб қолиб, шу мавзуда зимдан гап очган эди, уям ҳеч бўлмаса дипломни олгунга қадар қишлоқда яшаб тургани маъқуллигини уқтирди.

– Кўнглингни чўктириб, бундақа тумтаяверма, – деб, унинг елкасига қоқиб қўйди котиб. – Биламан, ҳозир сенга ҳаммаси фожиаи туюляпти. Аммо, вақти келиб, булар ҳақида кулгили нарсалар ёзасан ҳали.

Ичаги ачиша бошлаган Аламазон Чорсудаги бекатда тушишлари биланок Азизани ошхонага етаклади. Манпархўрликдан сўнг, йўлга ҳам ул-бул нарса олволиш ниятида бозорга ўтишди. Зарур озиқ-овқатларни харид қилиб бўлишгач, Азиза жиянчалари учун қанд-курслар олаётган пайтда Аламазон зипиллаганича нарироқдаги магазинга кириб, бир шиша арақ кўтариб чиқди. Униям сумканинг четига тикиштирди.

– Вагонда озгина ичиб олмасам, сира ухлолмайман, – деб ўзини оклаган бўлди у.

Улар бозордан қайтиб чиқишаётганда растанинг охирида олдига бир тоғора нок қўйиб ўтирган кампирга кўзи тушиб, Аламазон тўхталиб қолди. Бойвучча ойининг ўзгинаси-я!

У кампирга яқинроқ бориб, пештахта устидаги сувқоғозли халталардан бирини танлаб оларкан, баҳосиниям суриштириб ўтирмай, «нокдан икки кило тортворинг, хола», дея унга табассум билан юзланди.

* * *

Муюлишдан ўтиб, Бойвучча ойининг дарвозаси олдида «Тез ёрдам» машинаси турганини кўрган Аламазоннинг юраги сесканиб кетди: кампирга нима бўлдийкин?

У ҳовлига ҳовлиққанича кириб келди. Кирди-ю, айвонда тосрайиб чордана қурган Бойвучча ойини кўриб, бирдан енгил тортди.

Кампир кучоғида ўтирган тўрт ёшлар чамасидаги кизчанинг сочларини сийпалаганича алланарсаларни уқтириб жаврар, кўрпачанинг бир четида эса икки ёшга етиб-етмаган болачоқ пишиллаб ухлаб ётарди.

Ўт ўчирувчи яшайдиган хужра ичидан ғала-ғовур овозлар эшитилди. Аламазон шундагина гап нимадалигини англагандек бўлиб, айвонга қараб юрди. Кампир билан саломлашибок: «Тинчликми, Бойвучча ойи?» – деб сўради.

– Пажарнўйни аҳволи оғир, – Азизага «ўтир» дегандек кўрпача четига ицора қилиб қўйиб, Аламазонга тумтайиб бокди у. – Қўшнилари юбориб хотинига хабар берсам, гина-кудурат демай дарров етиб келди. Дўхтирниям ўзи чақиртирди.

Аламазон ичидаги нарса кўриниб турувчи сувкоғозли халтани шолчага қўйган заҳоти, қизча унга талпиниб, қўл чўзди.

– Нок йийман, амати.

Кампир халтанинг оғзини очиб, унга нок олиб берди. Хужра ичидан аёл ўкириғи эшитилган чоғда айвон супаси четида хануз типпа-тик турган Аламазоннинг тиззалари бирдан калтираб кетди. Шалвираганича ташқарига чикиб келган кекса доктор оқ халатининг чўнтагидан рўмолча олиб, пешанасини артди...

– Адам қатта, амати? – қизча ойисининг ўкириғини эшитиб, Аламазонга кўзини гилдиратди. – Адамга нима бўлди?

Аламазон эси оғиб қолгандек қотиб турарди.

– Э, во-о-ҳ! -- Бойвучча ойи кўз юмганича изтиробли қиёфада тебраниб қўйди. – Бир одамзод бу эшикдан кирди-ю, у эшикдан чиқди-кетти. Хаҳ, ўлим курсин-а!

Қизча аввал кампирга, сўнг Аламазонга жовдираб бокди.

– Ўллими адам? Қачон телади?

Аламазоннинг эти баттардан увишиб, оёғини мадор тугалай тарк этаётгандек бўлди. Миясида қандайдир гувиллоқ турганини ҳис қилди. Бу санчиқнинг ҳар бир хуружи орасида қизчанинг даҳшатли саволлари такрор ва такрор жаранглаб эшитилар, ўша жарангли товуш боши узра кузгун галасидек ёпирилиб келиб, юрагини чўқилаб-чўқилаб кемираётганга ўхшарди: Адам қатта? Ўллими адам? Қачон телади? Қачон? Қачон?! Қачон?! Қачо-о-н!!!

Дўстим эдинг, одил эдинг,

Май тутганда... қотил эдинг!..

Нимадир гурсиллагандек бўлди...

Бундан бор-йўғи ўттиз сония бурун ҳақиқий етимга айланганидан беҳабарлигича хануз пишиллаб ухлаётган бола-

чоқ уйкусираб юмаланган пайтда Азизанинг сумкасига урилиб, ағдариб юборганди.

Сумка четидан сийлиқиб чиққан арақ силлик шолча устида думалай бошлади. Азиза «вой» дея ўтирган жойида бир талпиниб кўйди-ю, шишанинг йўлида Аламазон турганини кўриб, шашти сўнди.

Шиша думалашда давом этди... думалаб бораверди, бораверди... жуда узоқ думалади... Аламазон ҳам унинг имиллаб ғилдирашини жуда узоқ кузатди, эринмасдан кузатди. Ҳатто, шундоққина туфлисининг ёнидан ўтаётган вақтдаям парво қилиб кўймади, бефарқ қараб тураверди. Оқибат натижани кутди. Натижа эса чакки бўлмади: айвон супачасининг кирғоғидаёқ ҳалокатга маҳкум этилган арақ цемент йўлакка тушиб, «омонатини топширди».

Адажонисига умрбод эркатой бўлиш умиди қонида ҳануз гупуриб турган мурғаккина қизалокнинг дунёдаги энг содда, энг жизғин саволларидан Аламазон ҳам, Азиза ҳам, кампир ҳам, кўҳна ариқчаю ундаги бўтана сувлар, ўт-ўланлару дов-дарахтлар, бутун бошли ҳовлию жамики олам уввос солиб йиғлашга тайёр турган шу дақиқада, четга бикиниб олиб, мунофиқона қикирлаб ётган қаттол арақ ниҳоят жазосини тортди.

Шиша парчаларини туфлисининг учида четга тепгани сайин кўнгли тобора таскин топаётган Аламазон кампирга зимдан хижолатомуз қараб кўйди.

— Майли, синигини йиғиштириб оларман, — қизчанинг бошини силаб туриб, сокин оҳангда гапирди Бойвучча ойи. — Энди келадиган балолар, илойим, шунга йўликсин.

* * *

Олти юз олтмишинчи поезд тўртинчи йўлга қўйилиши эълон қилиниши биланок вокзал биноси тенг яримга бўшаб қолди. Автомат газсув ёнида навбат кутиб турган Аламазон Азизага, «ошиқма, ҳали вақт бор», дегандек ишора қилди.

— Қайси вагон эди? — Азизанинг барибир юраги тошиқаётгани сезилиб турарди.

– Ўн учинчи шекилли...

Аламазон кўкрак чўнтагига кўл тикди. Чипталарга илашиб чиққан бир парча қоғоз шип этиб ерга тушди.

– Ҳа, ўн учинчи.

Аламазон чипталарни чўнтагига солаётганда Азиза ердаги қоғозни олиб, унга узатди. Бу Акбарнинг вилоят радиоси бошлиғига ёзиб берган хати эди. Аламазон уни эҳтиёткорлик билан очиб, жумлаларга яна бир бор кўз югуртирди.

«Ҳурматли устоз!

Сиздан қаттиқ илтимос қиламан, шу йигитга қўлингиздан келган ёрдамни аяманг. Ишни бемалол эплаб кетишига мен кафилман.

*Сизга сихатлик тилаб,
миннатдор укангиз Акбар.
Тошкент, 04. 07. 1977».*

Унга қаёқданами йўлика қолди шу Акбар? Илгарилари Аламазоннинг ҳовури жуда баланд эди. Акбар билан ҳамхона бўлди-ю, попилдириғи кун сайин пасая борди. Охирги кунларга келиб, ҳатто, «наҳотки ҳали ғирт думбул бўлсам», деб ўйлашгача бориб етди. Аммо, бу билан, ўзига бўлган ишончини буткул йўқотиб қўймади. Аксинча, энди у нима қилиши кераклигини бурунгидан яхшироқ биларди...

Шу топда унинг қўлидаги мактуб бирдан тилга киргандек, Акбарнинг турли суҳбатларда айтган сўзлари шу қоғоз ичидан узук-юлук ҳолда отилиб чиқаётгандек туюлди.

«Энг муҳими – асабингни жиловлаб ол, дуч келган хумбош билан олишаверма. Вактни кадрла. Факат ёзишингни бил. Шунда ютук сен томонга оғади...»

«Биринчи галда ўзингга, қаламингга ишон. Оқил дўстларга таян, бебурд улфатларга эргашма. Дунёдаги ҳамма кулфат ҳамиятсизлигу режасизликдан бошланади...»

«Болаларга ёзган манави шеърларингни кўриб, миямга бир фикр келди. Агар юракдан чиқариб жиддий ёндашол-

санг, уларни кўпайтир. Бу жанрда рақибларинг кам, ўрнинингни тезда топиб оласан...»

«Ҳозирча бутун ўй-фикрингни ижодга жамла, китоб чиқаришнинг, лавозимнинг ўйлама. Қаламинг пишиб етилса бас, яхши одамлар пайти келиб сени ўзлари бағрига тортишади...»

«Бизнинг бурчимиз бақириб-чақириб шахсимизга қоғоздан ҳайкал яшаш эмас. Бизнинг қисматимиз чидаш, дадил ва рост ёзиш...»

«Ҳамма гап бағирни кенг қилиб, яхши ният билан яшай олишда. Оламдаги миллион хил мавжудот ичида одамни одам қилиб турган нарса — самимият...»

«Шу туришда ўзинг ҳам ялтироқ тугмага ўхшайсан, Аламазон...»

«Эртанги куннинг Салай Козимига айланишни истама-санг, аввал шоирлик шаъни нималигини аниқ билиб ол...»

Улар сувни ичиб бўлиб, перронга чиқишди. Тоннелга яқинлашиб қолишган чоғда темирўлчилар формасидаги аравачали юкчи билан бошига ихчам салла ўраб, беастар чопон кийган қорасоқол киши йўлакда баҳслашиб турганини кўришди.

— Сизга тушунтириб айтяпман-ку, махсим почча, арава-чамда одам ташиш мумкинмас. Майли, тугунингизни бо-риб берай.

— Мани чанада судра демаяпман, нодон. Худога шукур қилгинки, аравангга тўртта гилдирак ато этибди. Энди бунга тугун чикди нима-ю, ман чикдим нима?

— Туннулга тушиш-ку осон. Сизни баландга итариб чиқишнинг ўзи бўладими?

— Кўп устамон экансан, баччагар. Ке, бўпти, икки сўмни ол-у, мани вагонимга рўпара қил.

«Махсим почча» юкчининг индамай қолганини кўриб «бисмилляҳу...» дея аравачага ўтирди, дўппайган тугунини авайлаб кучоғига ўрнаштирди.

Аламазон билан Азиза тоннелнинг пиллапоясига қадам қўйишаётганда аравача ҳам ўрнидан кўзгалди. Бундай ара-

вачалар учун зина четидан темир панжара билан тўсилган махсус тор йўлакча ажратилган. Шунга суқилиб кирувчилар ҳам учраб тураркан.

— Орқага қайтинг, ҳов! — бирдан чинқириб берди юкчи. — Бу йўл аравачага қурилган.

Кенг зина бу ёқда қолиб, тор йўлакчанинг панжарасига тирмашганича юқорига кўтарилиб келаётган бақалок кимса аста тўхтаб, юкчига ўқрайди. Ўпкаси оғзига тикилгудай хансираб тургани учун гапиришга чоғи келмай, «ўзинг қайт» дегандек кўл силтаб ишора қилди.

— Йўлни бўшатинг деяпман! — курук пўписага парво қилмай, янгитдан чинқирди юкчи.

— Орқага судра... шаҳар ҳокими ўтирган бўлсаям, — лунжини пирпиратиб хириллади бақалок. — Юрагим чатоқ ўзи.

Юкчи жиззакилик билан елка учуриб, «буни менга нима алоқаси бор», дея қўлларини икки томонга ёйган маҳалда, жиловдан бўшанган аравача зудлик билан пастга интилди. «Махсим почча» тугунни қўлидан ташлаб юбориб, бошвоқсиз аравачанинг икки четига ёпишди. Бақалок кетини деворга ишқагудек бўлиб, базўр бурилиб олгач, бўрсикдек пойга кўйди. Мана энди кўрибсизки, юкчи аравачани, аравачага тугунни, тугун эса бақалокни қувлашга тушди.

Бақалок мешдай қорнининг мувозанатини сақлаш учун бощини орқага ташлаганича чопиб бориб, пастга соғ-саломат етиб олганидан кейин ҳам тезликни пасайтормади. Ўртадаги ялангликни спринт усулида босиб ўтиб, энди қарши томондаги пиллапоядан юқорига учирмаланди. Аравача эса текисликка етгач, тугунга мингашиб бир сапчиди-ю, «махсим почча»ни четга улоқтириб, ўзи оёғи осмондан бўлиб ағдарилди.

— Шаҳар ҳокимига суиқасд қилинди! — дея четдан қичқирди Аламазон.

Бир қисм йўловчилар «махсим почча»нинг қўлтиғидан кўтариб ҳол-аҳвол сўрашга киришганда, иккинчи қисми йўлакчадан чопқиллаб тушган юкчини тутиб олиб, бўғзига ёпиша кетди.

- Чолни нима қип қўйдинг, меров?!
- Аравачага одам ўтқизиб бўларканми, а?
- Милицияга бериш керак буни!

Охирги сўзни эшитиб «махсим почча» сакраб ўрнидан турди.

- Милиса керакмас манга! Чақирманглар милисани!

У ерда сочилиб ётган бир қолипдаги заргул рўмолларни шоша-пиша йиғиштириб, қайтадан тугунга тика бошлади.

* * *

Аламазон Азизанинг кетидан кулега кириб бориб, анграйиб туриб қолди.

- Ие, ўзлариям шу ердамилар, пирим?

– Ойим иккаламиз опоқ отамни кўргани кетяпмиз. Таътилда ўйнаш керак-да.

Аламазон товукнинг сонини «чаппа-чуп» чайнаб ўтирган япалоқ юзли этдор аёлга қараб бош қимирлатиб қўйди. Унинг сочи кўнғироқ бўлса ҳам, бир вақтлар болакай таърифлаб ўтган кўзичокка сираям ўхшамасди. Азиза сумкадаги озиқ-овқатларни олиб, дастурхонни янги ноз-неъматлар билан бойитаётган чоғда аёлнинг туйқусдан чехраси очилиб, олдидаги товук бурдаларини сахийларча ўртага сурди.

– Лаш-лушингни олсанг-чи, – кўлидаги суяк билан столча четидаги картон қутини туртиб, ўғлига буйруқ қилди у.

- Зарари йўқ, тураверсин.

Аламазон аёлни шаштидан қайтариб, тўғри қилдимми дегандек, болакайга ғолибона кўз қисди. Бола ҳам ўз навба-тида кемшик тишларини кўрсатиб, мамнун илжайди.

Жомадонни жойлаб бўлгач, чекиш учун ташқарига чикиб кетган Аламазон поезд қўзғалганидан биров кейин кўлида чойнак ва стаканлар билан хонага қайтиб кирди. Аёллар бир томон, эркалар бир томон бўлиб олиб, кизгин суҳбатлашганларича чойхўрликка зўр беришди.

Бир пайт болакай Аламазоннинг ялтироқ тугмали погончасига қиялаб боқиб: «Армияга борганмисиз, шоир жаноблари?» – деб сўради.

– Борганман.

– Командир бўлганмисиз?

– Бўлганман. Мен... ефрейторман, пирим.

– Унда, манавини биласизми? – бола навбатдаги саволни бераётиб, картон кутичанинг қопқоғини очди.

Аламазон ўйинчоққа боқиб, ўзини хайратга тушгандек қилиб кўрсатди.

– Ие, передатчик-ку бу! Тўқ-тўқ-тўқ. Тут-тутут, тут-тут-тут...

– Биларкансиз-да, – қаноат ҳосил қилиб қувонди бола.

Аламазон унинг елкасига оғайниларча қўл ташлаб, жиддий киёфада сўради:

– Аппаратларидан фойдалансак майлими, пирим? Муҳим бир маълумот бор эди.

Бола кеккайиб бош ирғади.

– Муҳим бўлса, майли.

Товуқни аллақачон асфаласопилинга жўнатиб, энди йўлдошларининг балиғини ямлашга ўтган аёл қилтанокларни сидириб, столча четидан жой бўшатди. Аламазон ўйинчоқни ўша ерга қўяётиб, балиқнинг чала ғажилган бошини Азизанинг олдига сурди.

– Бир вақтлар редакторинг калламга нисбатан айнан шундай ҳурматсизлик қилувди.

Азиза бунга жавобан ҳеч нима демади.

Аламазон қизғиш симли эшиткични қулоғига қис-тириб, йўқламачок бурамаларидан бирини, узун-қиска хуштак чалганича, у ёқ-бу ёққа айлантира бошлади. Ниҳоят, «керакли тўлқинни топиб», столдаги стаканни оғзига тутди.

– Қарға! Қарғавой! Мен ўғри Олаҳаккаман. Қабулга ўтинг.

Сўнг, товушини ўзгартириб, пўнгиллашга тушди:

– Олаҳакка! Сени яхши эшитяпман. Мен Қар-р-гаман. Қабулга ўтдим.

Аламазон стаканни четга қўйиб, жойига ўрнашиброқ ўтириб олгач, гердаиганича аппаратга қўл чўзди. Маънодор

томоқ кириб, йўкламачоқ тугмачасини пианино чалаётгандек шавқ билан тиқирлата кетди.

— Ҳамма, ҳаммага! Овчилар жамиятининг аъзоси ҳурматли Аламазон бугун йўлга чиқди. Унга ажратилган поезд жанубий йўналишда ўрмаламоқда. Эрталаб соат саккизу йигирма беш минутда шифрда кўрсатилган станцияга кириб борилади. Тантанали кутиш маросими худди шу вақтга белгилансин. Вассалом!

Азиза оғзини ҳовучида тўсиб, секингина дераза томонга ўгирилди. Бурротил болакай эса, кемшик тишларини қайтадан намойишлаб илжайганича, Аламазонга маҳлиёланиб тикилиб турарди.

*1980 – 1986 йиллар,
Олтиариқ – Тошкент.*

МУНДАРИЖА

Мўттивоймисан, Миттивоймисан?	3
Оддий айрилиқ ёхуд энг бокира севги эртаги	117
Ялтироқ тугма	141

Адабий-бадний нашр

АНВАР ОБИДЖОН

ОДДИЙ АЙРИЛИҚ

Қиссалар

Мухаррир *Илҳом Зойиров*

Бадий муҳаррир *Шухрат Мирфаёзов*

Техник муҳаррир *Хосият Ҳасанова*

Мусаххих *Доно Тўйчиева*

Компьютерда саҳифаловчилар *Бобур Тухтаров,*

Сурайё Раҳмедова

А. Ғуломов ва А. Калонов расмларидан фойдаланилди

Нашриёт лицензияси рақами АІ № 290. 04.11.2016

2019 йил 20 июнда босишга рухсат этилди.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$ Times New Roman гарнитураси.

Офсет босма. 15,54 шартли босма тобок. 13,4 нашр тобоғи.

Адади 5000 нусха. 429-рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа

ижодий уйида чоп этилди.

100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (71) 241-25-24, 241-35-47, 241-83-29

Факс: (71) 241-82-69

www.gglit.uz info@gglit.uz

23043

84(54)6
014

Анвар
ОБИДЖОН

Оддий
айрилиқ



ISBN 978-9943-03-936-0



9 789943 039360